

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Муҳаммаджон Абдураҳмонов, Насимхон Раҳмонов

МАДАНИЯТШУНОСЛИК

ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ - 2011
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

Масъул муҳаррир: фалсафа фанлари доктори, профессор Қ.Назаров

**Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори, профессор Д.Т.Норқулов,
фалсафа фанлари доктори Ф.А.Мусаев**

Эътиборингизга тақдим этилаётган ушбу китоб Ўзбекистон мустақиллиги йилларида “Маданиятшунослик” бўйича чоп этилаётган дастлабки ўқув қўлланмадир. Ўқув қўлланма амалдаги таълим стандартлари, ўқув режа ва намунавий дастур асосида ёзилган. Китоб олий таълимнинг бакалаврият босқичи талабалари учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланма уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда маданият ходиса ва жараён сифатида назарий таҳлил этилган, иккинчи бўлимда жаҳон маданияти, хусусан Шарқ маданияти тараққиёти босқичлари ёритилган. Учинчи бўлимда – ўзбек халқи маданияти тарихи мустақиллик мавзуларига бағишланган.

71

A15

Абдурахмонов, Муҳаммаджон.

Маданиятшунослик : ўқув қўлланма / М.Абдурахмонов, Н.Раҳмонов; ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2011. – 217 б.

И. Раҳмонов, Насимхон

ББК 71я73

Муҳаррир: Шукур Қурбон

Техник муҳаррир: М.И.Хўжаев

ISBN 978 – 9943 – 06 363 – 1

№975-5775.

МУҚАДДИМА

Мухтарам ўқувчи!

Кўлингиздаги «Маданиятшунослик» дарслиги бу соҳада кўп асарлар яратган мутахассис олимлар томонидан ёзилган:

Бу фан олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар каторидан ўрин олган, анча ёш, айти пайтда жуда қизиқарли фанлардан бири.

Табиатшунослик - бизни ўраб турган моддий оламни, жамиятшунослик -инсоният жамоаси қонуниятларини, рухшунослик - инсон онги ва шуури, яъни руҳиятини ўргангани каби, инсоният тараққиёти тарихида вужудга келган турли маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши масалалари ҳам маданиятшунослик фани доирасида ўрганилади.

Инсоният ХХI асрга катта ҳаётий тажриба, бир олам билим ва юксак даражада ривожланган фан ва техника билан кириб келди. Дунё халқлари маданий жиҳатдан ўзаро яқинлашдилар. Маданиятнинг турли соҳаларида мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилди. Аммо шу билан бирга, бугунги дунё умумжаҳон миқёсидаги глобал муаммоларга, локал, яъни минтақавий ёки соҳавий можароларга, бир сўз билан айтганда, мураккаб зиддиятларга ҳам дуч келмоқда.

Ер қуրрасини қамраб олган глобаллашув жараёни, геосиёсатда турли қучлар ва манфаатларнинг тўқнашуви, ғоявий курашнинг қучайиши, диний, миллий, маънавий соҳаларда ғаразли ният билан чиқарилаётган келишмовчилик ва низолар маданият тараққиётига ҳам, халқларнинг руҳиятию кайфиятига ҳам, инсоният бирлигига ҳам раҳна солмоқда. Маънавиятга, маданиятга ва тарбияга нисбатан бўлаётган ижобий таъсир ва салбий таъйиқларни белгилаб, ҳисобга олиб бориш зарурлиги ҳам сиз ўрганаётган фаннинг муҳимлигини кўрсатади. Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг “Юксак маънавият – энгилмас қуч” асарида илгари сурилган муҳим, айти пайтда жиддий ғоялари ҳам барча ижтимоий фанлар катори, маданиятшуносликнинг вазифаларини тўла-тўқис англашимизга хизмат қилади: “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятлардан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, **маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар** энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”¹.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги тантаналарида Президент Ислом Каримов истиқлолни ҳимоя қилиш ва жаҳон миқёсида муносиб ўринга эга бўлиш ўзимизга боғлиқ эканлигини уқтирди. «Шу борада сиёсий, ҳарбий, иқтисодий омиллар каторида яна бир

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас қуч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 30–бет.

ўта муҳим мезон борки, унинг номи - миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир. Бу шундай буюк қудратки, тарихда бу кучга таяниб-суяниб, кўплаб халқлар энг мураккаб синовлардан, давр суронларидан омон чиққан ва бошқаларнинг ҳавасини уйғотадиган эркин ва фаровон ҳаёт қуришга эришган»¹.

Миллий ифтихордек улуғвор ва теран туйғунинг пайдо бўлиши эса, ажодларимиздан мерос қолган бебаҳо маданиятни билиш, қадрлаш ва янада бойитиш билан боғлиқдир. Мана шундай эзгу туйғу ва бунёдкор ғоялар онгимиз ва қалбимиздан жой олиши учун халқимиз яратган бетакрор маданият ва маънавиятни эгаллашимиз жуда муҳимдир.

Бизнинг ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон эътироф этади. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан². Президентимиз бошқа ўринларда Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолоддин Мангуберди, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Беруний, Ибн Сино, Ал-Мотурудий, Бурхониддин Марғилоний, Паҳлавон Маҳмуд, Аҳмад Яссавий, Ҳаким отанинг шогирди Занги ота, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Жамшид Коший, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Насафийларнинг табаррук номларини, ҳаёти ва ижодини чуқур ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Президентимиз И. Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида яна бундай дейди: “Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайкал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда дехқончилик, хунарамандчилик маданияти, меъморчилик ва шахарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради”³.

Маданиятшунослик фанини ўрганишнинг зарурлигини давлатимиз раҳбарининг юқоридаги сўзлари ҳам асослаб турибди. Ҳар бир маданиятли одам жаҳон маданияти, миллий маданият хазиналаридан хабардор бўлиши зарур.

Биринчидан, бу фан бизга халқимиз асрлар давомида яратган маданият, унинг ривожланиш қонуниятлари ва тамойиллари ҳақида, маданий жараёнларнинг тарихи ва ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумот, билим беради. Билимлар тўпланиб, дунёқарашнинг кенгайишига, тафаккурнинг ривожланишига йўл очади. Бу эса, умуминсоний ва миллий кадриятлар тўғрисида билим ва кўникмаларни эгаллашга, ҳаёт йўлини

¹ Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи, Тошкент. 2005, 1сентябр.

² Каримов. И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, “Шарқ”, 1998, 3–бет.

³ Ўша жойда.

тўғри белгилаш, турмушда дуч келадиган муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишда кўмаклашади.

Иккинчидан, жаҳон маданияти тарихини ўрганиш, айниқса, Ўзбекистон халқининг дунё цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини билиш тарихий хотирани мустаҳкамлайди, миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириб, кучайтиради. Тарихий хотира эса, келажак пойдеворидир. Халқимиз яратган маданият тарихини билиш «биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам» деган ғояни теран англаб етишга, ҳозирги авлоднинг салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон жаҳонни, жаҳон Ўзбекистонни таний бошлаган, халқаро алоқалар кенгайган, ёшларимиз хорижга бориб ўзга мамлакат ва халқлар маданияти, турмуш тарзи, удум-анъаналарини билиб-ўрганаётган бир шароитда, ўз маданияти ва маънавий меросини яхши билмаслик кечирилмас ҳолдир. Ёшлар жаҳонни ҳайратга солган аجدодлар меросини нафақат мукамал билишлари, балки унга муносиб ворис бўлмоқлари ҳам шарт.

Учинчидан, маданиятшунослик фанини ўрганиш юксак ахлоқий фазилатлар, маданий кўникмалар, маънавий қадриятларни шакллантиришга хизмат қилади. Комил инсон, баркамол шахс, етуқ фуқаролик мавқеи, аввало, ўз халқи маданиятини пухта эгаллаш, уни авайлаб-асраш ва ёт таъсирлардан ҳимоя қилишдан бошланади. Инсон онги ва қалби учун кураш кучайган, мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бораётган бир шароитда ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик, ёшларнинг миллат ва буюк келажак манфаатларига зид ғоялар, қарашлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш бу фаннинг ҳам энг муҳим вазифаларидан биридир.

«Мен истиклол ғоясини, - деган эди И.А.Каримов, - бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали бир дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аجدодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан»¹.

Тўртинчидан, маданиятшунослик фани бўлажак мутахассисларнинг, улар қайси касб эгаси бўлишдан қатъий назар, ақлий, эстетик, ахлоқий жиҳатлари, касб маҳоратлари юксалишига ёрдам беради. Зиёли, маданиятли ва маърифатли инсон бўлиш, эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлиш учун ҳар бир одам жаҳон маданияти дурдоналарини, ўз халқи яратган маданиятни яхши билиши, кенг дунёқараш, озод тафаккур ва онгли яшаш ҳуқуқиға эга бўлиши керак.

¹ Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2002, 7-бет.

Президент И.А.Каримов 2005 йил 28 декабрда «Ёшлик» талабалар шаҳарчасига ташрифи чоғида ҳозирги авлоднинг салоҳиятига жуда катта ишонч ва умид билдирди. Келажак қандай бўлиши бугунги ёшларнинг маънавияти ва маданиятига боғлиқ эканлигини Юртбошимиз алоҳида таъкидлади.

Маданиятшунослик илми, ўзи тадқиқ этадиган соҳа каби, жуда серкирра ва кенг қўламдир. Бу фан ўзининг таркиби ва тузилишига, ёндашув ва услубларига кўра, бошқа ижтимоий-гуманитар фанлардан фарк қилади, бир оз мураккаблиги, аммо тарихий материалларга бойлиги билан ажралиб туради.

Мазкур дарсликнинг **биринчи бўлимида** маданиятшунослик фанининг пердмети, мақсади ва вазифалари баён этилган. Маданият назариясига оид асосий тушунча ва тамойиллар, маданиятнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳияти ва мазмуни, маданий тараққиётнинг асосий қонуниятлари, турли халқлар ва даврлар маданиятининг умумий ва ўзига хос жиҳатлари шу бўлимда таҳлил қилинган.

Иккинчи бўлимда қадимги замонлардан тортиб, то ҳозирга қадар Шарқ ва Ғарб мамлакатларида маданият тараққиётининг асосий босқичлари, маданиятларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига таъсири, бир-бирини бойитиш масалалари ёритилган. Бунда жаҳон маданияти ва тарихига оид кўплаб маълумотлар, далиллар ва ҳулосалар баён этилган.

Учинчи бўлимда Марказий Осиё маданияти тарихи, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида маданий тараққиётнинг тарихан теранлиги, қадимийлиги, жаҳон маданияти тарихида тутган ўзига хос ўрни масалалари баён этилди. Шунингдек, мазкур бўлимда мустақиллик даврида маданий тараққиёт юксалиб, такомиллашиб бораётгани, маданиятнинг ривож топиши учун катта имкониятлар очилгани тўғрисида сўз юритилади.

Тақдим этилаётган китоб маданиятшунослик фани бўйича тайёрланган дастлабки дарсликлардан биридир. Синчков ўқувчида бу китобнинг мазмуни, тузилиши, масалаларнинг қўйилиши ва мавзуларнинг ёритилиши юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар бўлиши шубҳасиз.

Муаллифлар билдирилган тавсия ва тақлифларни миннатдорчилик билан қабул қиладилар.

БИРИНЧИ БОБ

МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ

1 – мавзу

МАДАНИЯТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. Маданиятшунослик фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Унинг бошқа фанлар билан алоқдорлиги. Унинг: а) фанлар билан, б) маънавий ғазилатлар билан боғликлиги.

2. Маданият тушунчаси таърифи. Бу тушунча талқинига турлича ёндашувлар.

3. Маданият ва фаолият. Маданият ва шахс камолоти. Маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни.

Маданиятшунослик фанининг мақсади. Ватанимизнинг келажаги бўлган ёш авлоднинг маънавий оламини бой, ҳар соҳада баркамол қилиб тарбиялаш учун бутун инсоният неча минг йиллар давомида яратган моддий ва маънавий маданият хазиналаридан баҳраманд этиш, унда барча халқларга ҳурмат, миллий ифтихор, ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини уйғотиш ва шакллантиришдан иборат. Зотан, “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг–минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиз”¹ маданиятшунослик фанининг асосий объектларидан бўлиши билан бирга, бу фanning барча соҳалари учун ҳам манба вазифасини ўтайди. Бир сўз билан айтганда, маданиятшунослик фанининг предмети, объектлари бутун инсоният кўп асрлар давомида яратган моддий ва маънавий маданият хазиналари бўлиб, шу олижаноб мақсадга хизмат қилади.

Маданиятшунослик турли белгиларига кўра, қуйидаги соҳаларга, шаклларга ва кўринишларга бўлинади:

1. Маданият соҳалари бўйича қуйидагича тасниф қилинади:

а) **Иқтисодий маданият** (бу соҳа ишлаб чиқариш маданияти, тақсимот маданияти, айирбошлаш маданияти, истеъмол маданияти,

¹ Ислам Қаримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 31–бет.

бошқарув маданияти, меҳнат маданияти каби турларни ўз ичига олади).

б) **Сиёсий маданият**: жамиятда сиёсий маданият тараққиёт кўрсаткичлари – шахснинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари борлигидир. Бу ҳуқуқлар халқаро мезонларга мослиги, амалда қўлланиши, партиялар ўртасидаги курашларнинг усул ва шакллари ва ҳоказолар билан белгиланади.

Сиёсий маданият - инсонларнинг сиёсий манфаатлари, эътиқодлари, мақсадларини ифодаловчи сиёсий-ҳуқуқий ғоялар мажмуи ҳамдир. Сиёсий маданият маънавий қадриятларга алоқадордир. Бу маданият тури тарихий тараққиёт жараёнида жамиятнинг ижтимоий табақалари манфаатларига, жамиятнинг сиёсий фаолиятига боғлиқ ҳолда вужудга келади. Сиёсий маданият инсон фаолиятининг бир кўриниши бўлиб, унинг табиатида қайта яратиш ва уни тарбиялаш жараёнларини қамраб олади.

Сиёсий фаолият амалий жиҳатдан ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий ҳокимиятга таъсирида намоён бўлади. Маънавий томондан эса, табақалаштирилган ижтимоий муносабатларни англаб етиш, дастурлар ишлаб чиқиш, муайян сиёсий ғояларни тарғиб қилишни назарда тутати. Мафкура, сиёсий тажриба ва анъаналар, сиёсий ташкилотлар, сиёсий фаолият қабилар сиёсий маданиятни ҳаётга татбиқ қилиш омилларидир.

в) **Касб маҳорати маданияти**: аниқ меҳнат тури билан боғлиқ махсус назарий билим ва амалий кўникмалар йиғиндисидан иборат.

г) **Педагогик маҳорат маданияти** – илмий билимларни ва ахлоқий қадриятларни маъмур жамиятдаги ёш авлодга етказишдан иборат.

д) **Экологик маданият** – инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни қамраб олади. Бу соҳа маданиятшуносликка оид тадқиқотларда энг фаол ривожланиб бораётган соҳадир. Экологик маданиятга, айниқса Ғарб олимлари алоҳида ёндашиб, атроф муҳит омилларидан келиб чиққан ҳолда маданиятнинг турли шакллари таҳлил қиладилар. Бу таҳлилларга биноан, маданият табиий шароитларга кўникиш воситаси сифатида тушунилади. Хўжалик, яшаш бинолари, меҳнат қуроллари, кийим ва урф-одатлар маълум даражада иқлим, географик жойлашув, ўсимликлар ва ҳайвонот олами, температура ва бошқа объектив сабаблар билан белгиланади. Жумладан, Осиё ва Африканинг саҳро ва чўл ҳудудларида сут маҳсулотлари гўшт маҳсулотларига қараганда муҳим ўрин эгаллайди. Дунёнинг бошқа ҳудудларида эса, ўсимликдан тайёрланган овқат гўшти овқатларга нисбатан юқори ўринда туради. Кейинги бир неча юз минг йил давомида инсонларнинг ошқозон ичаклари узунлиги қисқариб кетди. Оловда пиширилган овқатнинг ҳазм бўлиши хомини ҳазм қилишга нисбатан осонроқ бўлиб қолди, тараққиёт бу вазиятни ҳисобга олди. Овқат ҳазм қилиш аъзоларининг солиштирма оғирлиги қисқариши эса, бошқа аъзоларнинг ривожланишига яхши имконият яратиб берди, аъзоларнинг қон билан таъминланиши яхшиланди. Бу ҳолат инсон миясининг тараққиётига ҳам таъсир кўрсатган бўлиши ҳам

мумкин.

Умуман, инсоният ер юзида олға силжиши натижасида унинг табиат билан ёки маълум географик шароит билан боғлиқ хўжалик–маданий кўриниши пайдо бўлган. Инсонлар маълум географик шароитга мос тарзда яшаш тарзини яратганлар.

Кўринишлари бўйича маданият қуйидагича тасниф қилинади:

а) **Хукмрон маданият** – мазкур жамият аъзоларининг кўпчилиги истифода этадиган қадриятлар, инонч–эътиқодлар, анъана ва урф–одатлардан иборат.

б) **Қишлоқ маданияти** – фақат қишлоқ жойда доимий яшаб, қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлган одамлар ўртасидаги муносабатлар, ҳаёт тарзи ва б.лардан иборат.

в) **Шаҳар маданияти** – йирик ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган саноат ва маъмурий марказдир. Ҳамма шаҳар аҳолиси учун ягона маданият мавжуд эмас. Чунки шаҳарлар фақат географик ва геополитик (Европа ва Японияга яқинлиги) аҳоли микдори, шаҳар кенглиги билангина эмас, балки ишлаб чиқариш соҳасига кўра ҳам фарқ қилади: тўқимачилик саноати, қончилик саноати марказлашган шаҳарлар, шахтёрлар шахри, автомобиль ишлаб чиқаришга ихтисослашган шаҳарлар, илм–фан марказлари бўлган шаҳарлар, курорт шаҳарлар, ҳарбий шаҳарчалар борки, буларнинг ҳар бирида ўзига хос маданият мавжуд.

г) **Ўрганиш бўлиб қолган маданият** – инсон яшаб турган ижтимоий ва миллий муҳитда кундалик ҳаёт кўникмаларини эгаллашдан иборатдир. Бу маданият кўриниши оилада, тенгдошлар, қариндош–уруғлар даврасида юз берадиган мулоқотдан, мактаб таълимидан ва оммавий ахборот воситалари орқали олинган оммабоп билимлар ва кўникмалардан иборат бўлади.

д) **Ихтисослашган маданият** – фан, санъат, фалсафа, ҳуқуқ, дин қабиларга оид билимларни тўлиқ эгаллаган ва ўз соҳалари бўйича эгаллаган билимлари орқали алоҳида гуруҳларни ташкил қиладиган вакилларнинг касб маҳоратидир.

Маданият пайдо бўлиши ва даражасига кўра, қуйидаги шаклларга эга:

а) **Юксак маданият** – оддий одамлар тушуниши қийин, жамиятдаги махсус ижодкорлар яратган маданият шаклидир. Бу маданият шакли нафис санъатни, мумтоз мусикани ва адабиётни ўз ичига олади.

б) **Халқ маданияти** – оммавий ва халқ оғзаки ижоди маданиятини ўз ичига олган маданият шакллари бўлиб, кенг омманинг меҳнати ва турмушига боғлиқ ҳолда яратилган қадимий ижод намуналаридир. Халқ маданиятининг бу шаклига бугунги турмуш тарзи, урф–одатлар, кўшиқлар, фольклор ансамбллари, халқ оғзаки ижоди жанрлари – афсоналар, эртаклар, эпослар ва бошқа жанрлар мансуб.

в) **Оммавий маданият** – байналмилал ва миллий кўринишга эга

бўлиб, кенг аудиторияга мўлжалланган, муаллифи мавжуд, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини бир зумда қондирадиган ҳар қандай янги ҳодисаларга таъсир билдириб, уларни акс эттирадиган маданият шаклидир. Эстрада, цирк, радио, телевидение ва бошқа айрим мусиқа турлари шу маданиятга алоқадордир*.

Булардан ташқари, **бадий маданият ва жисмоний маданият** каби комплекс кўринишлар ҳам бор. Мутахассислар ва ҳаваскорлар яратган ижод намуналари бадий маданиятга мансуб. Санъат ҳам бадий маданиятнинг бир қисмидир. Жисмоний маданият кенг маънода танани жисмоний машқлар ёрдамида тарбиялаш, спортга асосий машғулот тури сифатида қараш, соғлом турмуш тарзини кечириш, яъни чекиш, ичкиликбозликдан воз кечиб, жисмоний машқлар, културизм билан шуғулланиш, юзни пластик операция ва косметика қилдириш, озиш, спорт ва ҳаваскорлик рақслари, рақс бўйича ўтказиладиган халқ сайиллари ва мусобақалари, танани ҳар хил иллатлардан, жароҳатлардан замонавий ва анъанавий тиббиёт ёрдамида ҳалос қилишдан иборат.

Маданиятшунослик фанининг ўзига хос хусусияти – унинг кенг камровлиги эканлиги, унинг кўп фанларга, айниқса, гуманитар фанларга яқинлигидир. Жумладан, маданиятшунослик тарих ва этнография, диншунослик, илоҳиёт, мусиқа, ҳайкалтарошлик, меъморчилик фанлари билан зич алоқада, тўғрироғи, маданиятшунослик шу фанларнинг ўрганиш объектидан озикланади. Маданиятшунослик фалсафага ҳам яқиндир. Хусусан, маданиятшуносликнинг назарий масалалари маданият фалсафасига алоқадор.

Маданиятшунослик ахлоқшунослик фани билан боғлиқдир, чунки жаҳон цивилизациясининг кўп минг йиллик тарихий босқичлари инсонларнинг ахлоқий, маънавий ижтимоий ривожланиши билан боғлиқдир. Шу фикрни, буюк Шарк мутафаккир Форобий «Ароу аҳли мадинату-л-фузало» (“Фозиллар шаҳри аҳолисининг қарашлари”) асарининг 13-бобида маданиятнинг келиб чиқишини инсонларнинг табиатидаги ҳислатлар, хусусиятлар билан жамиятга қандай таъсир кўрсатиши масаласи билан, яъни инсонларнинг биологик ва ижтимоий моҳияти билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқади. “Нутқли инсоннинг маъқулот – ақли қабул қиладиган қисми тузилиши қандай, уларнинг турлари қандай: қувватли ақл (ақли қавий) нима ва феълли ақл (ақл бил-феъл) нима ва моддий ақл нима ва ақли мунфаил (пассив интеллект) нима дегани-ю, фаол ақл (актив ақл) нима дегани ва ақлнинг даражалари ҳақида нега фаол ақл деб юритилади-ю, унинг феълли ҳаракати нима? – шулар ҳақида... маъқулот сифатида тасвирланади, ҳатто феълли ҳаракатдаги ақл бўлади...” Ирода дегани нима, ихтиёр дегани нима, улар иккалови нафс-руҳнинг қайси жиҳатларига тааллуқли; тўла бахт-саодат нима-ю, фазилат,

* Оммавий маданиятнинг инсониятга таъсир доираси тўғрисида 9-мавзуда батафсил сўз юритилади.

нуксонлар нима, хайрли ишлар нима-ю, ёмон ишлар нима, амаллардан нималар гўзал саналадию, нималар қабиҳ саналади – шулар ҳақида фикр юритади¹.

Абу Наср Муҳаммад Форобийнинг фикрича, жамиятнинг тараққиёти инсонларнинг ақлий ва руҳий оламидаги қувватлардан қандай фойдаланишга боғлиқдир. У, “Мадинату-л - фузало” асарининг 15 - бобида “жамиятда инсон эҳтиёжлари ва ўзаро ёрдами ҳақида фикр юритиб, айтадики, фуқароларига бахт-саодат келтирадиган шаҳар (давлат) жамияти фозил, фазилатли одамлар жамиятидир. Фозил одамлар шахрининг барча аъзолари солим (соғ-саломат, бу ўринда маънавий соғломлик кўзда тутилади) бўлган ва одамнинг тирикчилигини асраб турадиган вужуд-танага ўхшайди. Тирик вужуд аъзолари марказий аъзояракка яқинликда (бу ерда аҳамияти жиҳатдан яқинлик айтилмоқда) бир-биридан аълороқ бўлган каби, ... жамият фуқаролари ҳам (бахт-саодатли жамият учун) бажараётган вазифаларга қараб, бир-биридан аълороқ бўладилар”¹.

«Шарқ Арастуси» Форобийнинг шаҳар ва қишлоқ фуқаролари табиий эҳтиёжларини қондириш учун бир-бирларига муҳтож бўлишлари сабабли ҳам жамият бўлиб яшашлари ҳақидаги ғоялар кейинчалик Беруний, Ибн Сино, Ғаззолий, Ибн Рӯшд, Ибн Ҳолдун каби мутафаккирлар томонидан янада ривожлантирилди.

Фалсафада Арасту ва Форобий издоши бўлган Ибн Сино “Метафизика” асарида оламни билишга доир, маданиятнинг олий турларидан ҳисобланган фалсафага доир илмларни бундай таснифлайди: 1. Амалий фанлар. Инсон феолиятига боғлиқ фанлар. 2. Назарий фанлар. Инсондан ташқаридаги оламни (Ер, осмон, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини) ўрганувчи фанлар².

Ибн Синонинг фикрича, бу фанларнинг ҳар бири яна уч турга бўлинади:

I. Амалий фанлар: Жамиятни, халқни бошқаришга доир фанлар. Бу қисмнинг фанлари яна учга бўлинади: 1. Дин, шариат илмлари. 2. Уйни, оилани бошқаришга доир, ота, она, фарзандлар, ҳожа ва хизматкорлар муносабатини ўрганувчи илмлар. 3. Инсон ўзининг танаси ва руҳини бошқаришга доир илмлар.

II. Назарий фанлар. Бу ҳам учга бўлинади: 1. Табиатдан юқори турувчи олий ёки асосий фан-метафизика. 2. Ўрта даражадаги фанлар-математика (ҳисоб, геометрия, тригонометрия ва ҳоказо).

III. Қуйи даражали, яъни табиат ҳақидаги (табиий) фанлар (биология, геология, зоология ва ҳоказо).

¹ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Тошкент, “Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти”, 1993, 129–бет.

¹ Фараби. Философские трактаты. Алма-ата, «Наука», 1972, 305- стр

² Донишнома – Душанбе. Ирфон, 1980. 104 –бет.

Ибн Сино инсон ҳаёти давомида иши тушадиган ўрта даражадаги фанларга математика фанлари қаторига кирувчи арифметика, астрономия, мусика, механика, оптика (ёруғликка оид), асбоб-ускуналар ҳақидаги фанларни киритади.

Юкорида Форобий ва Ибн Синонинг фанлар таснифи ва ролига оид қарашларидан шу нарса маълум бўладики, маданиятшунослик инсон ҳаёти, маърифати, маънавиятига доир билимларни ўрганадиган фан сифатида ўша даврлардаёқ шакллана бошлагани аён бўлади.

Ҳозирги кунда турли-туман, катта ва кичик фанларнинг сони уч мингга яқин. Бундан икки-уч минг йиллар муқаддам фақат битта фан – фалсафа бор эди. Математика, медицина, астрономия бошқа табиий фанлар, мантиқ, этика, эстетика, социология, политология каби ижтимоий фанлар бирин - кетин мустақил бўлиб, фалсафадан ажралиб чиқди ва ўз навбатида ўнлаб фанларга бўлиниб кетди. Фанлар дифференциацияси (тармоқлашуви) ҳозир ҳам давом этмоқда. Турли фанлар туташган, кесишган жойда янги фанлар пайдо бўлиши жараёни ҳам давом этмоқда.

Барча фанлар таснифланиб улар уч гуруҳга бўлинади: 1) табиий фанлар; 2) ижтимоий фанлар; 3) гуманитар фанлар. Маданиятшунослик ижтимоий-гуманитар фанлар жумласига киради. Аслида дунёдаги жамики бор нарсаларни Ибн Сино “Метафизика” асарида иккига бўлиб ўрганишни тавсия этади. Биринчиси, инсондан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд ер, осмон, юлдузлар, табиат, моддий олам; иккинчиси – инсон онги, ақл-заковати билан яратилган жамики нарсалар, яъни маданият.

Бу ҳолда фанларни ҳам яхлит қилиб, иккига ажратиш мумкин бўлар эди: 1) табиатни ўрганадиган фанлар; 2) маданиятни ўрганадиган фанлар. Бунда барча ижтимоий-гуманитар фанлар битта ном билан маданиятшунослик деб аталган бўлар эди.

Маданиятшунослик ахлоқшунослик, адабиёт ва санъат, фалсафа, социология бошқа табиий ҳамда аниқ фанлардан бутун инсоният маънавиятига алоқадорлиги билан ажралиб туради. Инсоният яратган моддий ва маънавий бойликлар шу қадар беҳисоб ва хилма-хилки, битта фан буларни қамраб ололмайди. Барча ижтимоий-гуманитар фанлар инсоният маданиятининг муайян соҳасини, у ёки бу жиҳатини, маълум бир хусусиятларини ўрганади.

Маданий тушунчалар кўпгина фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, маданиятнинг моҳияти ва мазмуни, таркибий қисмлари турли фан соҳаларида намоён бўлиб, фалсафа, тарих, лингвистика, антропология, этнография, санъатшунослик сингари фанларда ҳам тадқиқ этилади. Бу табиий ҳол. Маданият жуда мураккаб, серкирра, доимо ривожланиб бордиган ижтимоий ҳодисадир. Зеро, юкорида санаб ўтилган ижтимоий-гуманитар фанлар маданиятни конкрет ҳодиса сифатида, унинг бирор соҳаси, йўналиши, кўринишини ўрганади.

Маданиятшунослик эса, юқорида санаб ўтилган фанлардан фарқи ўларок, маданиятни яхлит ҳолда, бир бутун мезон асосида умумлашган ҳолда ўрганади. Масалан, халқ оғзаки ижодини фольклоршунос ўрганад экан, фольклор асарларининг табиати, фольклор жанрларининг пайдо бўлиши ва тараққиёти ва ҳоказоларни ўрганади. Маданиятшунослик нуктаи назаридан эса, халқ оғзаки ижоди жанрларининг бадий-эстетик аҳамияти ва маҳаллий халқ турмушидаги роли, ижтимоий вазифаси маънавий мерос сифатида ўрганилади. Ёки адабиёт ҳам маънавий мерос сифатида маълум бир даврда халқнинг маданий юксалишига, жамиятнинг маънавий ҳаётини соғломлаштиришга қўшган хиссаси туфайли маданиятшуносликнинг объектига алоқадор. Хуллас, ўша фанлардан олинган ҳамма маданий тушунчалар маданиятшуносликнинг объекти ҳисобланади. Маданиятшунослик фани – маданиятнинг шаклланиши ва тараққиёти босқичларини, ривожланиш қонуниятлари ва тамойиллари, буларнинг амал қилиш ички механизмларини ўрганади. Бу фан миллий, минтақавий, умуминсоний маданиятларнинг моҳияти, ўзига хослиги, маданият типлари ва турларини таҳлил этади. Маданият ривожидagi ворислик, халқлараро маданий мерос, уларнинг бир-бирларига таъсири, ўзаро алоқадорлиги, боғлиқлиги каби ҳодисаларни тадқиқ этади. Қисқача қилиб айтганда, маданиятшунослик ижтимоий фанлар билан гуманитар билимларнинг кесишган нуктасида пайдо бўлади.

Маданиятшунослик атамаси ингилизчада *Culturology*, *Kulturologie* деб юритилади. Ғарб олимларининг таъкидлашича, немис олими В.Оствальд 1913 йилда биринчи бор шу терминни қўлаган. Америкалик антрополог Лесли Уайт 1949 йилдаги мақолаларида ушбу терминни илмий ва методологик жиҳатлардан асослаб берган. Фақат XX асрнинг охириги чорагига келиб бу илм соҳаси алоҳида фан сифатида шаклланди, ўз категориялари ва қонуниятлари, ўз структураси ва функцияларига эга бўлди.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, маданиятшуносликни ўтмиш ва ҳозирги маданият, унинг тузилиши ва вазифаси, келажакдаги тараққиёти тўғрисидаги билим деб қараш мумкин¹. Бунга қўшимча равишда, аниқроқ қилиб шундай ифодалаш мумкин: Маданиятшунослик – инсоният тарихий ҳаётининг турли босқичларида уларнинг ва улар яшаётган жамиятнинг маданий хулқ-атворини ўрганадиган фанлар (бу ўринда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳаммаси назарда тутиляпти) мажмуини умумлашган ҳолда ифодалашдир².

Ўзбекистонда маданиятшунослик фани 90-йиллардан кейин фаолият кўрсата бошлади, таълим тизимига киритилди, адабиётлар, ўқув-методик

¹ Левит С. Я. Культурология как интегративная область знаний. Культурология. XX век. Антология, М., 1995, стр 654-655.

² Т.Ф.Кузнецова, В.М.Межуев, И.О. Шайтанов и др. М. Культура: теории и проблемы. Учебное пособие для студентов и аспирантов гуманитарных специальностей. “Наука”, 1995, с. 38.

материаллар билан бойитилди. Лекин бу соҳада ҳали «очилмаган кўриқлар», ечилмаган муаммолар, кашф этилмаган қонуниятлар бир талай. Айниқса, ўзбек халқи яратган моддий ва маънавий маданиятни, эзгулик, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган менталитетини жаҳонда кенг тарғиб қилиш, дунё халқларига етказиш энг хайрли ва шарафли ишлардандир.

Маданиятшунослик фанининг предмети – инсоният бунёд этган “иккинчи олам”, яъни маданият, унинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятлари, асосий тамойиллари ҳамда ижтимоий вазифаларидир. Бинобарин, маданиятшунослик фанининг асосий манбаи – инсоният яратган барча маданий бойлиқлар, моддий ва маънавий қадриятлардир.

Маданиятшуносликнинг фан сифатидаги асосий вазифаси – инсоннинг табиат, жамият билан биргаликдаги фаолиятини ҳамда кишиларнинг моддий ва маънавий турмушига оид барча маданий жараёнларни тадқиқ этишдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, маданиятшунослик ўрганадиган асосий соҳаларни ва унинг тадқиқот объектини қуйидагича белгилаш мумкин:

- маданиятга оид назарий тушунчалар ва миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларининг юзага келиши;
- кишиларнинг муомала воситаси бўлган тилнинг ижтимоий жамиятдаги роли;
- жамият бойлиги ва мезони бўлган билимлар;
- инсоният яратган удумлар, урф-одатлар, халқ оғзаки ижоди, санъат ва адабиёт, динлар;
- ижтимоий муносабатлар ва улар ўртасидаги алоқаларнинг усуллари, ижтимоий ташкилотлар ва уларнинг маданият ривожигаги ўрни;
- маросим, кундалик турмуш тарзидан ўрин олган анъаналар, оила, мулк;
- жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий демографик, этник жараёнлар ва ҳ.к.

Маданиятшунослик умумназарий фан ҳисобланиб, инсоният ҳаётининг турли томонлари билан боғлиқ маданий тушунчаларни яхлит ҳолда, бир тизим сифатида ўрганади.

Маданият – рамзлар, инонч-эътиқодлар, қадриятлар, мезонлар йиғиндисидир. Маданиятда мазкур жамият, миллат, гуруҳларнинг характерли хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топади. Жамият, миллат, гуруҳлар айнан ўз маданияти билан фарқланади. Халқ маданияти – унинг ҳаёт тарзи, кийимлари, яшаш маскани, ошхонаси, халқ оғзаки ижоди, диний тасаввурлари, инонч-эътиқодлари ва бошқалардир.

Маданиятга ижтимоий-маиший асбоб-ускуналар, жамиятда қабул қилинган хушмуомалалик имо-ишоралари ва саломлашув, юриш тарзи,

муомала этикети, гигиена одатлари ва ҳоказолар ҳам киради. Аксарият маданий тушунчалар ва карашлар авлоддан-авлодга ўтиб бораверади³.

Маданиятшунослик фанининг асосий таркибий тузилиши куйидагича:

1. Маданият фалсафаси — маданиятдаги мураккаб ва кўп мақсадли жараёнларни таҳлил қилишда ёндашувнинг энг умумий тамойилларини намоён қилиб, қиёсий таҳлил, таснифлашга асосланади. Маданиятни фалсафий нуқтаи назардан англаш, маданий тушунчаларни фалсафий жиҳатдан асослаш билан боғлиқ карашлар мавжуд. Инсоният яшайдиган табиий ва ижтимоий гуруҳлар (социум) оламида унинг жисмоний, маънавий ва рухий ҳаёт фаолияти шаклланади. Инсоннинг ана шу ҳаёт фаолияти ривожланишини назарий жиҳатдан тушунтириш ва ўзига хос таҳлил усуллари маданият фалсафаси билан алоқадор.

3. Маданият социологияси — жамиятнинг бирон тарихий даврида мавжуд маданий жараёнларни ўрганиш билан шуғулланади; яъни ҳар хил социологик ахборотлар тўплаиб қайта ишланади ва таҳлил қилинади. Хуллас, ана шундай жараёнлар билан боғлиқ бўлган маданий жараён эмпирик тадқиқ қилинади. Маълум маданий шароитда кишиларнинг ўзаро муносабатлари ва бошқа ижтимоий-маданий ҳодисалар ҳам шу соҳанинг объектидир.

4. Маданият тарихи — ҳар бир маданиятни ноёб ва бетакрор ҳодиса сифатида ўрганади; шунингдек, турли маданий жараёнларни ўзаро таққослайди, уларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсирини, замон ва макондаги фарқларини, маданий тараққиётидаги ўзига хос ва умумий жиҳатларини тадқиқ этади. Археологлар, антропологларнинг XX асрда олиб борган бир қатор тадқиқотлари “маданият” терминиға янги маъно юклади. Антропологларнинг кузатишларига кўра, Австралиянинг туб халқлари ёки Африка бушменлари орасида ибтидоий қонунлар бўйича яшайдиган қабилалар бор. Уларда опера театри ҳам, суратлар кўргазмаси ҳам йўқ. Лекин бу қабилаларни дунёнинг цивилизациялашган халқлари билан боғлаб турадиган мезонлар ва қадриятлар тизими бор. Ўша мезон ва қадриятлар уларнинг тили, қўшиқлари, рақслари, урф-одатлари, анъана ва ҳулқ-атвор тарзидир. Шулар ёрдамида ҳаётий тажриба тартибга солинади, одамлар ўртасидаги муносабат яхши томонга ўзгаради. Ҳар иккала жараён ё бутун жамиятнинг ёки жамиятнинг маълум қисми ҳаёт тарзини ифода этади. Қундалик ҳаётда одамларнинг атрофини ўраб турган моддий ёдгорликлар ўтмиш маданиятни ёки маданий меросни ташкил қилади. Бу халқларда урф-одатлар, ёдгорликлар муқаддас бир нарса сифатида сақланади, авлоддан-авлодга ўтказилиб борилаверади. Зотан тарихий маданиятда анъанавийлик кучли.

Маданиятшунослик фанининг диққат марказида инсон туради, зеро

³ Кравченко А.И. Культурология. Учебник. “Проспект”, М., 2005, стр. 15.

маданият бу-инсон яратган бойликдир. Маданиятшунослик инсоннинг олам билан фаол муносабатини ва бу муносабатлар унинг ҳаёт тарзида намоён бўлишини, шахснинг ижтимоий ва маданий ролини, маданиятлар типологиясини ўрганади. Маданиятшунослик фани маданиятни илмий изохлаб, унинг умумтарихий мазмуни ва маъносини белгилайди, ижтимоий-тарихий билимлар тизимидаги ўрни ва мавқеини асослайди.

Маданиятшунослик фани тарих, санъатшунослик, фалсафа, социология, этнография, психология каби бир қатор фанларнинг кесишувида вужудга келган, нисбатан ёш ижтимоий-гуманитар фан ҳисобланади. Унинг изланиш объекти ижтимоий воқелик бўлган маданият ва инсон ҳаёт тарзи ҳисобланади. Унда маданиятнинг вужудга келиши, ривожланиши, жамиятда амал қилиши билан боғлиқ масалалар тўғрисида, маданият қондалари, институтлари, қадриятларининг жамият ҳаёти ва ривожланишидаги ўрни, ўзаро алоқа жараёнлари ўрганилади.

Курснинг олдига қўйилган асосий масала – жамият, маданият ва инсон муносабатларидир. Дарвоқе, бу уч тушунча яна кўп фанларнинг объекти ҳисобланади. Инсон жамиятда яшар экан, ўзининг яшаш тарзини ҳамма даврларда пайдо қилиб, такомиллаштириб боради, шу тариқа инсон ўз имкониятларини кўрсатиб бораверади.

Табиатнинг мавжудлик қонуни хилма - хил бўлганидек, инсоннинг ички табиати, яъни маданияти ҳам табиий муҳит, ижтимоий борлик ва тарихий даврлар таъсирида доимий равишда ўзгариб турар экан, бу ўзгаришлар фақат илгарилаб бориш, янги қадриятларнинг вужудга келишидан иборат. Аммо аксинча ўзгаришларга – маълум бир анъанавий жараёнларнинг йўқолишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Масалан, маълум бир даврда маънавий ҳаётга фан–техника тараққиёти таъсир этиб, анъанавий халқ удумлари, халқ оғзаки ижодининг йўқолишига сабаб бўлади.

Маданиятшунослик фани маданий тарихий даврларни таҳлил қилишда уч босқични табиий бирликда олиб қарайди:

а) аниқ бир даврнинг яхлит киёфасини, яъни унинг бус–бутун тасвирини яратади;

б) маълум даврдаги маънавий жараёнда инсоният жамиятининг ўрнини белгилайди;

в) аниқ бир даврнинг «мазмуни»ни таҳлил қилади, яъни унинг ҳозирги давр ақлий жараёнида қандай ўринга эга эканлигини, давр ўзгаришлари бизга қандай таъсир этишини, бизга қайси томонлари билан яқинлигини, ҳозирги вазиятнинг қайси ижтимоий ва индивидуал камчиликлари биз учун долзарб масалага айланганини кўрсатади.

Хуллас, маданиятнинг кўринишлари тарихий даврларга қараб ўзгариб туради. Даврларнинг алмашилиши билан маданиятда ҳам сифат ўзгаришлари юз беради. Маълум бир тарихий даврда яшаган кишиларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, билими, маънавий қадриятлари тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлишимиз учун биз шу даврнинг маданиятига

мурожаат қиламиз. Шунинг учун маданиятшунослик фани турли халқларнинг маданий ривожланиш тарихини жаҳон маданий тараққиётининг таркибий қисми сифатида ўрғанади. Шу билан бирга, конкрет тарихий даврнинг ижтимоий тараққиётда эгаллаган маданий ривожланиш босқичларини, умумий қонуниятларини, ўзига хос хусусиятларини ҳам ўрғанади.

Турли тарихий даврлар маданияти айрим ижтимоий гуруҳларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи тўғрисидаги билимлар билан ўқувчилар дунёқарашини бойитади. Тарихий ва гуманитар соҳа билимларини бир тизим ҳолига келтиради, ижтимоий турмуш воқеаларини яхлит мазмун асосида англашга ёрдам беради. Яна кўплаб бетақрор ва мустақил маданиятдан ташкил топган жаҳон цивилизациясининг яхлит жараёнини, айти пайтда, хилма-хиллигини кўрсатади. Қолаверса, инсонларнинг маънавий етуқликка эришишларида, фикрларнинг хилма-хиллигини кўра билишда, фан тараққиётини тўғри баҳолаш қобилиятини ҳосил қилишда ҳам муҳимдир.

Маданиятшунослик фани муҳим тарбиявий вазифани ҳам бажаради. Курснинг диққат марказида инсонда зиёлилик ҳиссини тарбиялаш туради. “Киши қанчалик зиёли бўлса, – деган эди Д.С.Лихачев, – у шунча кўп тушунади ва ўзлаштиради, унинг дунёқараши ва қабул қилиш доираси шунчалик кенгайиб бораверади. Кишининг маданий савияси қанчалик тор бўлса, у ҳамма янгиликларга ва «ғоят эски»ликка нисбатан шунча бефарқ бўлади. Ундай одам ўзининг эски одатлари билан яшайди. Бундай одам дунёқараши торлигидан ҳамма нарсага шубҳа билан қарайди.

Ўтмиш маданий кадриятларни, ўзга миллатлар маданиятини билиш, уни сақлаш, ва ҳурмат қилиш, оммалаштириш, эстетик қимматини қабул қила билишнинг ривожланиб бориши маданий тараққиётнинг энг муҳим жараёнлари ҳисобланади. Инсоният маданиятининг ривожланиши тарихи – бу нафақат янги балки эски маданий бойликларни излаб топиш тарихидир. Шунингдек, ўзга халқлар маданиятини билиш, маълум маънода, гуманизм тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Айти пайтда халқларга нисбатан ҳурмат, бағрикенглик демакдир”⁴.

Маданиятшунослик фанининг яна муҳим вазифаларидан бири бу инсонда ижодий қобилиятни ривожлантиришдан иборатдир. Маданият фақатгина моддий ва маънавий бойликлар йиғиндисидан иборат эмас, балки ижодий фаолият ҳамдир. Маданиятшунослик янги маълумотлар бериш билан бирга, ёшларда маданий ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш малакасини ҳосил қилади. Хилма-хил маълумотлар бериш билан бирга, фикрлаш узлуксизлигини, мантикий фикр қилишни шакллантиради.

Курснинг тарбиявий вазифаси уни билиш назарияси билан қўшиб

⁴ Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. М., “Наука” 1979. 442-443.

ўрганишни талаб этади. Тарихий даврлар маданиятини ўрганишдан мақсад шуки, турли халқлар маданияти бир-бирига қарама-қарши қўйилиб баҳо берилмайди, балки ҳар бир маданиятдаги янгилик ўрганилади. Бу вазибаларни бажаришда маданиятшунослик фани маданиятга дунёни ва ҳаётни яхлит идрок этиш усули сифатида қарайди.

Ҳозирги замон **Маданиятшунослик** фанида «маданият» тушунчаси қўлланишига кўра қуйидаги объектларни қамраб олади ва бу қундалик турмуш билан боғланган:

а) индивидуал - алоҳида олинган бир шахс маданияти;

б) маълум ижтимоий табақа маданияти - миллий, табақавий, касбий, оилавий маданият;

в) минтақавий – маълум бир ҳудуд ва замон билан чегараланмаган муайян ҷамият маданияти;

г) умуминсоний маданият.

Маданиятни қўлланиши ҷиҳатидан турларга бўлиш мунозарали бўлса-да, бу турларнинг мавжудлигини инкор қила олмаймиз. Ижтимоий тараққиёт тафовутларни йўқотмайди, балки, аксинча, тафовутларнинг хилма-хиллигини янада кенгайтиради. Шунинг учун тафовутларни тобора чуқурроқ ўрганиш маданий тараққиёт тўғрисидаги тасаввуримизнинг кенгайиб боришига хизмат қилади.

“**Маданият**” тушунчаси турли тилларда турли сўзлар, жумладан, инглиз тилида “culture”, рус тилида «культура» сўзлари билан аталади. Ўзбек тилидаги «маданият» сўзи араб тилидаги «мадина», яъни шаҳар сўзидан кириб келган бўлиб, «шаҳарга хос», «шаҳарга оид» деган луғавий маънони ифодалайди.

Ғарб мамлакатларида кенг ишлатиладиган «культура» сўзи асли латинча сўз бўлиб, қадимги Римда деҳқончиликка оид «ишлов бериш», «парвариш қилиш» деган маънони билдирган. Тупроққа ишлов бериш – кишлок маданияти – деҳқончилик маданияти билан боғлиқ тушунчадир.

Шарқ файласуф олимларининг асарларида маданият тушунчаси ва маданий тараққиётнинг аниқ илмий талқинларини ҳамда чегараларини кўрамиз. XIV асрда яшаган араб файласуф олими Ибн Ҳолдуннинг маданият босқичларига оид илмий таҳлили диққатга сазовордир. Унингча, инсоният дастлаб ёввойилик ҳолатида бўлади. Кейин у табиий оламдан ажралиб чиқади ва ижтимоийлик касб этади. Ибн Ҳолдуннинг кўрсатишича, инсоният ҷамияти доимо ўзгариб бориб, тараққиёт жараёнида икки босқични босиб ўтади: **1. Бидава. 2. Хидара**. Бу иккала босқич “инсонлар яшаши учун қандай воситалар топиши”га кўра, бир-биридан фарқ қилади. Биринчи – **бидава** босқичида одамлар асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Иккинчи – **хидара** босқичида юқоридаги машғулот турларига ҳунармандчилик, савдо, фан ва санъат қўшилади. Ҳар иккала босқич бир ҳудуд доирасида бўлиши

мумкин.⁵ Ибн Халдуinning фикрича, шаҳарда йўқ, кундалик эҳтиёжни қондирадиган ҳаёт тарзи – деҳқончилик ва чорвачилик ибтидоий ҳаётни, ҳашаматли ҳаёт кечириш ва шунинг учун ҳаракат қилиш дабдабали ҳаёт кечириш учун интилиш, шаҳарлар барпо қилиш цивилизацияни келтириб чиқарди.⁶

XVIII–XIX асрларда европаликлар “культура” сўзини маънавий–рухий маънода ишлата бошлаганлар. Бу сўз инсоний сифатларнинг мукамаллигини англатадиган бўлди.

Вактлар ўтиши билан “маданият” тушунчасининг ҳажми кенгайиб, таърифи ва тавсифи кўпайиб борган. Америкалик маданиятшунос олимлар А. Кребер ва К. Клакхоннинг 1952 йилдаги маълумотларига кўра, маданият тушунчасига берилган таъриф 164 та бўлган, сўнгги адабиётларда эса, маданиятнинг таърифи 500 дан ортиқ⁷ деб таъкидланади.

“Маданият” тушунчасини таърифлаш учун жуда кўп иборалар ишлатилади. Жумладан, “инсониятнинг яшаш тарзи”, “инсоннинг жамиятдаги тўлақонли фаолияти”, «инсон ўзининг яшаши учун яратган муҳит», «яхлит ижтимоий организм», “инсоният яратган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуи”, “иккиламчи, яъни сунъий табиат”, “инсоннинг ижодий фаолияти маҳсули”, “жамиятнинг маънавий ҳолати”, “шартли белгилар йиғиндиси”, “меъёр ва андозалар мажмуи” ва ҳоказо.

Маданиятга берилган таърифлар орасида машҳур инглиз этнографи, антропологиянинг асосчиларидан бири Эдуард Тайлор (1832–1917) таърифи энг мукамал деб ҳисобланади. Унингча, маданият – инсоннинг ахлоқи, куч–қудрати, бахт–саодати тараққий этишига бир вақтнинг ўзида кўмаклашиш мақсадида алоҳида шахснинг ва бутун жамиятнинг юксак даражада ташкил қилиниши йўли билан инсониятнинг камол топишидир⁸.

Э.Б. Тайлорнинг мазкур таърифи мукамал бўлса ҳам, бугунги кунда маданиятнинг янги қирралари кашф қилинмоқда. Шу боис Э. Тайлорнинг маданиятга берган таърифи моҳиятини сақлаган ҳолда, қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Маданият – инсон жамият аъзоси сифатида ўзлаштирган билимларни, инонч–этиқодларни, санъатни, ахлоқ ва қонунларни, урф–одатларни, шунингдек, унинг бошқа қобилияти ва кўникмаларини ўз ичига олган мажмуадир.

Ғарбий Европада маданият тушунчаси XVIII асрнинг охиридан эътиборан юқоридаги таърифдай мазмун касб этди. Аммо бу тушунча фақат XX асрга келиб ижтимоий ва гуманитар фанлар тизимидан мустаҳкам ўрин олди. Кишилиқ жамиятининг бекиёс кўламга эга бўлган,

⁵ А.А. Игнатенко. Ибн–Халдун. М., “Мысль”, 1980, стр. 64.

⁶ А.А. Игнатенко. Юкоридаги асар, 131–132–бетлар.

⁷ А.И.Кравченко. Культурология. Учебник. – М., 2005, стр.11.

⁸ Э.Б.Тайлор. Первобытная культура. М., Изд. “Политической литературы”, 1989, стр.36.

доимий равишда ўзгариб боровчи маълумотларни тартибга солишга ёрдам берадиган, умумлаштирувчи тушунчаларни ифодалашга бўлган эҳтиёжи маданият тушунчасининг кенг тарқалишига сабаб бўлди.

Қадимги Римда «маданият» тушунчаси бора-бора «хаётни маънавий жиҳатдан янада яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган ғамхўрлик» деган маънода ишлатила бошлаган эди. Маълумотларга кўра, машхур Рим файласуфи Цицерон ҳам «руҳий маданият» терминини ишлатган. Европа халқларида эса, XVIII асрнинг охириларигача «маданият» термини ақлий, ахлоқий тушунчалар билан бир қаторда ишлатилган. Кўриниб турибдики, «маданият» тушунчаси турли тушунчаларни ифодалашига қарамай, қадимдан ҳозирги кунгача ўз моҳиятини ўзгартирмаган⁹.

Ҳозирги даврда маданиятга берилган илмий таърифлар инсоният томонидан яратилган ва яратилиши давом этаётган маънавий, руҳий жараённинг ўзига хослигини англаш натижасида вужудга келди. Инсоният «табиий» турмуш тарзи асосида яшаган даврда – ов қилиш, балиқ тутиш, илк чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган даврларда бугунги сингари маданият тўғрисида фикр юритгани гумон, аниқроғи, илмий таҳлил бўлмаган. Оддий, бир маромда ривожланувчи жамиятда инсон ўз маданияти билан ҳамроҳ бўлиб яшаган. Урф-одатлар, эътиқодлар, ҳаётнинг моддий ва ижтимоий шакллари маданиятнинг алоҳида кўриниши сифатида алоҳида ажралмаган эди.

Маданият мустақиллиги. Техниканинг ривожланишига ва меҳнатнинг ижтимоий мазмун касб этишига эришиш натижасида маданият мустақил соҳа сифатида ажралиб чиқди. Инсон ўзи яратган маданиятга тобе бўлиб бораверади. Ҳозирги ривожланган жамиятдаги экология, маънавият ва ахлоқ соҳаларидаги мавжуд муаммолар фикримизнинг далилидир. Шунинг учун маданиятни ноёб ҳодиса сифатида идрок этиш, унинг ривожланиш қонунларини англаш ва шу тушунчалар асосида маданиятни бошқаришга ўрганиш зарурият бўлиб қолади.

Инсоният жамияти доимий ривожланишда бўлиб, у ўзгариб, такомиллашиб бораверади. Турли тарихий даврларда ва хилма-хил маданиятда одамлар жамиятдаги ўзгаришларни ўзгача англайдилар ва қабул қиладилар, ўзига хос тасаввур ва билим ҳосил қиладилар. Биз ҳозирги даврдаги мавжуд муаммоларга ўхшаш бўлган тўсиқларни ўтмишда одамлар қандай қилиб бартараф қилганларини ўргана бориб, топмишга саволлар орқали мурожаат қиламиз. Ўтмишдан ўзимиз жавоб топамиз, натижада ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ўртасида доимий мулоқот бўлиб туради. Албатта, ҳар бир даврдаги маданий тушунчалар ёки жараёнларнинг тарихий босқичлар ёки даврларни боғлашда роли катта.

Жамият ва маданият. Маданият — жамият маҳсули, ижтимоий ҳаётнинг муҳим мулки ҳисобланади. Маданиятсиз жамият бўлмаганидек,

⁹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли лугати. М. 1981, 1-том, Энциклопедик лугат, Тошкент, 1990, 1-том, Фалсафа қомусий лугат. Тошкент, 2004, 230-бет.

маданият ҳам жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Мураккаб ижтимоий воқеалик сифатида маданиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсоният аждодларининг меҳнати, билимлари, дунёқарабини ўзида акс эттиради уларни сақлаб мунтазам бойитиб боради. Маданият ижтимоий ҳаётнинг вориси сифатида қадриятларни тўплайди, уларни келгуси авлодларга етказиб беради.

Маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида жамиятдаги ҳодисанинг мазмун–моҳиятига ва таҳлил қилинаётган ижтимоий борлиқнинг хусусиятларига боғлиқдир. Инсонларнинг ҳагги-ҳаракати, яъни уларнинг ижтимоий фаолияти маданий қадриятларни, мезонларни қарор топтиришда асосий восита вазифасини, шунингдек, инсонларнинг ижтимоий ва шахсий муносабатлари, шахслараро ва гуруҳлараро алоқалари шаклида ҳам ифодаланади.

Шу боисдан ҳам **жамият, маданият** ва **шахс** муносабатларига кундалик ҳаётда биз кўп дуч келамиз, яъни маданиятни мураккаб тизим сифатида тасаввур қиламиз. Зотан минг йиллар давомида пайдо бўлган инсоният маданияти шу муносабатлар йўлини босиб ўтган ва шундай бўлиши керак. Гарчи маданият мураккаб тизим бўлса ҳам, албатта, унинг илк “хужайралари” ёки “пойдевори” топилади. Ана шу топилган “хужайра” ёки “пойдевор” маданиятнинг *элементлари* ёки *хусусиятлари* деб юритилади. Ана шу жиҳатдан антропологларнинг маданият хусусиятларига оид қарашлари муҳимдир.

Бир қатор антропологларнинг далилларига кўра, маданият *универсал, умумий* ва *ноёб (ўзига хос)* хусусиятлардан иборат бўлади.¹⁰

Маданиятнинг универсал хусусиятлари шундан иборатки, бу хусусиятлар бутун инсониятга хос бўлиб, инсониятни бошқа жонзотлардан фарқлайди. Бу хусусият, аввало, инсониятга хос ижтимоий биологик жараён, жумладан, наслларни тарбиялаш, болаларнинг ота-оналарга боғлангани, гуруҳ бўлиб яшаш, озиқ-овқатларнинг тақсимланиши, оила қуриши ва ҳоказоларни қамраб олади. Шунингдек, яқин қариндошлар билан оила қуриш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳам маданиятнинг умумий хусусиятларига киради. Зотан, қадимдан ер юзидаги аксарият халқларда экзогамия (ўз қабиласидаги, уруғидаги аёлга уйланиш ёки эрга тегишни ман қилувчи урф–одат), қариндошларнинг қони аралашувига йўл қўймаслик қонун сингари амал қилинган. Бу урф–одатларни бузганлар ҳамма маданий тизимда жазоланган, албатта, ҳар хил даражада ва ҳар хил усул билан.

Маданиятнинг умумий хусусиятлари бир қатор жамиятга ва халқларга мансубдир. Бу хусусиятни ҳудудий маданият деб ҳам аташ мумкин.

Ҳудудий маданият ўхшашлигининг биринчи сабаби шуки, айрим

¹⁰ Kottak Conrad Philip. Anthropology: the Exploration of Human Diversity. New York, 1994, p. 46-47.

халқлар бошқаларига қараганда, маданий ютуқларини ўзаро алмашадилар. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа миллат вакиллари ҳам, худди ўзбеклар сингари меҳмонни хуш қабул қиладилар, меҳмондўстлик фазилатларини кўрсатадилар. Ёки Ўрта Осиё ҳудудида истиқомат қиладиган ўзбек ва тожик халқларида оиладаги ўзаро муносабатлар умумий маданий хусусиятларга эга. Фарзандларнинг ота-онага итоаткорлиги ёки ота-онани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши, шунингдек, ўзбек ва тожиклар билан бир ҳудудда яшайдиган бошқа миллатларга ҳам шу фазилатларнинг ўтганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Иккинчи сабаби – аجدодларнинг этник жиҳатдан умумийлигидир. Бу сабаб тарихийлик касб этади. Қадимий қабилаларнинг этник жараёни билинмас ҳолга келгани ҳолда, удумлар ва урф-одатлар уларнинг этник бирлигига ишора қиладиган омиллардан бирига айланади. Масалан, скифлар ва қадимги туркийларнинг дафн одатларида ва дафн маросими билан боғлиқ удумларда кўриш мумкин. Геродотнинг ёзишича, скиф (у “шоҳ скифлар” деб атайди) зодагонларидан биронтаси вафот этганда (милоддан олдинги V аср), аҳоли марҳум учун аза тутаётганини кўрсатиш учун кулоқларини, қўлларини тиладилар, сочларини олдирадилар, пешонаси ва бурнини яралайдилар, чап қўлига камон ўқини сукадилар, яхши кўрган отларини қурбонлик қиладилар. Қадимги туркларда ҳам шу удум давом этган. Турк ҳокони Элтариш ҳокон вафот этганда (милодий 692 йилда) дафнда иштирок этаётган одамлар сочларини қирдирганлар, кулоқларини юзларини тилганлар зотдор отларини қурбон қилганлар¹¹.

Учинчи сабаби – ер юзининг турли ҳудудларида истиқомат қиладиган халқларда юз берадиган бир пайтдаги ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган маданий ҳодисалардир. Масалан, турли китъаларда яшовчи инсонлар азалдан шу бугунгача турли буюмларга, дарахтларга, тошларга топинганлар ва бу ҳозирда ҳам айрим халқларда сақланиб қолган.

Маданиятнинг ноёб хусусиятлари – ғайриодатий (экзотик), кўпчилик томонидан қабул қилинмаган одатлар, удумлардир. Дафн одатлари шунга мисол бўла олади. Баъзи халқлар маданиятида инсонлар туғилганда эмас, балки дафн маросимларида сахийлик кўрсатилиши керак, деб ҳисоблайдилар. Масалан, Мадагаскарда дафн маросимлари одамларнинг жамиятдаги ўрнини белгилайдиган мақом даражасидадир. Шунинг учун айрим одамлар вафот этганда, дафн маросимида минглаб одамлар келади, айримларига камчилик катнашади, аза ҳафталаб давом этади. АҚШ ва Россияда дафн маросими бир неча соат давом этади. Бошқа айрим халқлар маданиятида эса, аксинча – инсон дунёга келиб, ҳаёти давомида бошқаларга олийҳимматли бўлиши лозим, деб биладилар.

Хуллас, маданиятни юзага келтирувчи асосий омил жамият ва унда

¹¹ Заур Гасанов. Царские скифы. Нью-Йорк, 2002, стр. 257–258.

яшайдиган одамлардир. Жамият маҳсули бўлган маданият қанчалик мукаммаллашиб, бойиб борса, унинг инсонга ва жамиятга таъсири кучайиб, мустақил бўла боради. Масалан, антик жамият аллақачон тарихга айланган бўлса–да, ўша жамият юзага келтирган моддий маданият ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Биз ўтмиш давр маданиятини ўша вақтдаги одамларга нисбатан кам биламиз. Аммо масала бунда эмас, балки ўтмиш маданияти узлуксиз равишда давом этиб келгани ва бир давр маданияти иккинчи бир давр учун замин бўлиб келгани муҳим масаладир. Шунинг учун маданий тараққиёт ҳар доим узлуксизликни талаб этган ва шундай бўлиб қолади. Зотан маданиятга жамиятнинг маҳсули, фаолият усули сифатида қаралгани учун ҳам ҳар бир жамиятни у ёки бу маданиятни юзага келтирувчи манба сифатида ҳам қараш лозим бўлади.

Жамият маҳсули бўлган маданият давр ўтган сари такомиллашиб бойиб борса, унинг инсонга ва жамиятга таъсири мукаммаллашиб, нисбий мустақиллиги кучайиб боради. Масалан, Антик жамият аллақачон ўтмиш тарихга айланган, аммо у даврдаги маданият бугунги кун маданиятига замин бўлган ва шу боис ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Маданият ва этнос. Юқорида жамият, маданият ва инсон муносабатлари яхлит тушунча экани, бири иккинчисини талаб қилиши, халқсиз маданият юзага келмаслигини айтиб ўтдик. Маданият якка шахснинг эмас, балки халқнинг ижодидир. Шунинг учун бир халқ ёки этнос – бир маданиятдир, деб айтилади.

Инсоният олами халқлардан ёки этнослардан ташкил топади. Дунёдаги ҳамма халқларнинг этник таркибини аниқлаш қийин, чунки бу халқнинг шаклланишида бир неча этнослар иштирок этган. Фақат минглаб этнослар бор, деб айта оламиз. Аммо инсонларни ягона этносга нима бирлаштиради? Бошқача айтганда, бир халқни ташкил қилган одамларнинг умумий хусусияти нималардан иборат бўлиш керак? Аксарият олимлар умумий хусусиятлар сифатида умумий тил, умумий ҳудуд, ҳўжалик ҳаётининг ва маданиятнинг бирлиги, умумий миллий феъл–атвори кўрсатадилар.

Тарихга назар ташласак, умумий тил маълум бир этноснинг маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаганига гувоҳ бўламиз. Масалан, қадимги Туронзаминнинг туб этносидан бири сўғдларнинг тили, ҳаёти, турмуш тарзи, ҳўжалик ҳаёти тўғрисида маълумотларга эгамиз. Улар ўтроқ ҳаёт кечирганлар ва ўзларининг тили ҳамда ёзуvidан истифода этганлар. Сўғд савдогарларидан бир қанчаси савдо алоқалари муносабати билан IХ асрда Байкал бўйи атрофларида ўрнашиб, муқим яшаб қолганлар. Байкал бўйи атрофларидаги сўғдлар қадимий Туронзамин тупроғидаги сўғдларнинг ҳаёт тарзини, ҳунармандчилигини олиб бориб, давом эттирганлар. Энг муҳими, сўғд ёзуви ва тили ўша Байкал атрофларида ҳам давом этган.

Аммо бугунги кундаги миллатлараро ёки халқаро тил билан қадимий

тил маданияти бир хил ҳодиса сифатида қарамаслик керак. Масалан, ҳозирда Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Канада, Африка қитъасидаги кўп давлатларда турли этник гуруҳга мансуб одамлар инглиз тилида гаплашадилар. Шунга кўра, бу мамлакатлардаги халқни бир миллат ёки бир этнос деб айтиш мумкинми? Албатта, йўқ. Тилнинг бугунги кундаги ижтимоий вазифаси билан илк даврдаги фақат маълум этник гуруҳлар доирасида қўлланишини назарда тутиш керак. Этник гуруҳлар тилни ташувчилар бўлиб, уларнинг тили ўзлари учун маданий ҳодисадир. Бошқа этник гуруҳларда маълум бир тилнинг қўлланиши ҳам (масалан, инглиз, рус ва бошқа тилларнинг) маданий тараққиётидаги ўзгаришлар сифатида баҳоланади. Хуллас, ҳар икки ҳолатда ҳам тил миллат ва халқнинг асосий етказчи белгисидир.

Инсоният ибтидоий яшаш тарзидан цивилизацияга борган сари, бир этник гуруҳнинг тили кенг миқёсда қўллана боради. Албатта, бу тилнинг ёйилиш сабаблари кўп (босқинчилик, техника тараққиётида ва маданий ривожланишда устунлик ва б.).

Халқ – этник умумийликнинг бош шаклидир. Бу умумийлик ичида этник гуруҳлар тил хусусиятларига, кийимлари, яшаш жойи, оила хусусиятларига кўра ажралиб туради. Маълум ҳудудлардаги кескин диалектал фарқлар (масалан, Ўзбекистон ҳудудидаги шеваларнинг ўзаро ва Ўзбекистондаги шеваларга нисбатан Афғонистон ўзбеклари шевасининг кескин фарқланиши) бунга бир далилдир. Аммо диалектлардаги фарқлар Афғонистон ўзбеклари билан Ўзбекистон ҳудудидаги туб аҳоли ўртасидаги этник бирлик тўғрисида шубҳа уйғотмайди.

Умуман олганда, тилнинг бошқа этносларда ёйилиши ҳам юксак маданий ҳодисадир. Этнос умумий тил ва маданиятни шакллантиради.

Яна бир белги – одам ўзининг қайси бир этник гуруҳга мансублигини англаши ҳам маданий тараққиётнинг муҳим белгиларидан биридир. Бундай ҳолда тил ва ҳудуд эмас, балки инсонлар қаерда ва қайси тилда гаплашувларидан қатъий назар, ўзларининг келиб чиқишини англаши муҳимдир. Масалан, лўлилар, қаерда яшмасинлар, ўзларининг анъаналарига содиқ қолганлар ва шундай бўлиб қолади. Уларнинг кийинишлари, удумлари ва урф-одатлари, касб-кори ҳамма мамлакатларда деярли бир хилдир.

Туркий халқлар тирихида этник гуруҳларнинг ўзини-ўзи англаши халқнинг алоҳида диққат марказида турган. Айниқса, Ўрта Осиё, Эрон ҳудудларини Чингизхон истило қилгандан кейин туркий қавмлар этник жиҳатдан ўзларини англашга алоҳида эътибор қаратди. Эронда ҳукмронлик қилган мўғул элхонийлари ҳузурида узоқ йиллар бош табиб вазифасида фаолият кўрсатган Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг “Жомеъут –тавориҳ” асари бор. Асар XIV аср бошларида ёзилган бўлиб, уч жилддан иборат. Рашидиддинга замондош бўлиб, унинг қўл остида хизмат қилган одамларнинг гувоҳ беришларича, Рашидиддин уч йил

давомида Хитойдан келган Пўлод Чжэн–Син деган муаррихдан туркий қавмлар тарихи бўйича сабоқ олган. Сўнгра Рашидиддин туркий қавмлар тарихига оид бошқа манбаларни изчил ўрганган ва “Жомеъут–таворих” асарини ёзишга киришган. Рашидиддин туркий қавмларнинг ҳаммаси Ўғуздан тарқалгани, ўз навбатида туркий қавмлардан *сулдус, найман, чиноз, боёғут* каби қатор мўғул қавмлари ажралиб чиққани тўғрисидаги қарашларни назарий жиҳатдан асослаб берди. Шунинг учун ҳам, кейинги асрларда “турк–мўғул” деган термин пайдо бўлди.

Туркий қавмлар тарихида маълум шахслар эмас, балки қавмлар маданиятни бир авлоддан иккинчисига олиб ўтдилар. Айни шу хусусият туркий қавмларнинг ҳаёт тарзида, урф–одатларида анъанавийликка сабаб бўлди. Масалан, миллоддан олдинги IV–III асрларда туркий қавмлар ажодлари касамёд қилишда, бошқа давлатлар билан сулҳ тузишда ўзларининг азалий одатларидан фойдаландилар. Бу одатга кўра, улар шаробни оқ отнинг қонига аралаштириб ичганлар. Бу одатни бузганларнинг тақдири фожа билан тугаган.

Этнос билан ҳудуд ўртасида зич алоқа бор. Маданий хусусият – одатлар, анъаналар, турмуш тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Маълум ҳудудда узоқ замон яшаган этноснинг анъанаси муқим бир ҳолатга келади. Нафақат тилда, балки ҳаёт тарзида, ҳўжалик юритишда, мулоқотда бошқа этнослардан, жумладан, кўчманчи этнослардан тамомила фарқ қилади. Бундай ҳодиса этнос билан маданий хусусиятлар ўртасидаги ўзига хосликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам бир ҳудудда яшовчи этноснинг маданий хусусиятлари бошқасига сингиши кийин кечади. Бу ҳодиса цивилизация ривожланган даврда осон кечади. Масалан, бир ҳудудда яшовчи европаликлар билан Шарқ халқлари ҳаётида шунини кузатиш мумкин.

Этнос маънавий жиҳатдан ўзини халқи билан бир деб ҳисоблаши ҳудудий ва тил белгиларига қараганда муҳимроқ. Бундай ҳолатда тил ва ҳудудий бирлик тўғрисида эмас, балки қон–қардошлик ва руҳий, маънавий жиҳатдан бирлик тўғрисида гапириш ўринли. Масалан, ўтган асрнинг ўрталарида Франция ёки Америкага бориб яшаб қолган руслар бор. Уларнинг авлодлари она тилини унутган, аммо қон–қардошлиги ва маънавий жиҳатдан ўзларини руслармиз, деб ҳисоблайдилар. Шу жиҳатдан олиб қаралса, туркий ва мўғул қавмлари тарихий алоқаларидаги узилиш этник жараёнда ҳам узоқлашишларга сабаб бўлди. Чунки бу қавмларда дифференциация жараёни кейинги 600–700 йил давомида қучли кечди. Шунинг учун ҳам туркий ва мўғул этнослари маънавий жиҳатдан бирликни тасаввур қилишлари амри маҳол. Фақат тарихий асарлар, тилнинг қадимий ҳолати бу икки қавмнинг этник бирлиги тўғрисида маълумот бера олади.

Этноснинг ҳаётида маълум бир диний оқимнинг ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, исломиятдан олдин туркий қавмлар шомонликка

этикод қилганлар, яъни шомонлик туркий этноснинг азалий белгиларидан биридир. Шомонлик этикодига кўра, туркий қавмлар Тангрини – осмонни илоҳийлаштирганлар, Умайни оналар ва болаларни ҳимоя қилувчи худо сифатида эътироф этганлар, муқаддас ер–сув руҳига сажда қилиб, улардан мадад тилаганлар. Ҳиндистондан кириб келган буддавийлик Турк хоқонлиги даврида (VI– VIII асрлар) илдиз ота олмади, чунки туркий қавмларнинг ҳарбий ҳаракатларига буддавийлик ақидалари ҳалакит бериши табиий эди. Фақат Уйғур хоқонлиги даврида (VIII асрнинг ўртаси – IX асрнинг ярми) буддавийлик, монийлик оқими билан бирга, туркий қавмлар маданий ҳаётига кириб келди, чунки маданий муҳит, ижтимоий ҳаёт ўзгарди, туркий қавмлар аъёналарида, дунёқарашида ўзгаришлар пайдо бўлди. Аммо тил, маънавий–руҳий омиллар сақланиб қолди. Зотан, туркий этноснинг тарихий тақдирида маънавий омиллар, ворисийлик, маданият ва аъёна, ўзини ўзи англаш каби омиллар ҳар доим муҳим ўрин эгаллаб келган эди.

Маълум этноснинг ҳаётини баъзи омиллар тамомила ўзгартириб юбориши мумкин. Шу ўринда туркий этнос ҳаётидаги яна бир ҳодисага эътибор берайлик-да, кейин бир хулосага келайлик.

Миграция ёки тарихий ватанларидан кўчиш этноснинг қон-қардошлик алоқаларига, тилга, ҳудудий бирликка, авлодлар орасидаги ворисийликка, умумий маданият ва аъёналарга барҳам бериши мумкин экан. Буни болгар халқининг тарихий тақдири мисолидан кўриш мумкин. Бугунги кунда Болгария ҳудудидаги бир неча миллион халқ ўзларини *болгарлар* деб атайдди. Бир неча асрлар олдин улар *булғорлар* деб номланган бўлиб, туркий қавмлардан ҳисобланарди. Бу қавм Азов денгизи бўйларида кўчманчи ҳаёт кечирган. VIII асрда бошқа бир туркий қавм – хазарлар уларни сиқиб чиқарди. Кўчманчи булғорлар ўрдаси парчаланиб кетди ва уларнинг бир уруғи Дунай дарёсидан ўтиб, ҳозирги Болгарияга ўрнашди. Бу ерда славян қабилалари яшардилар, улар ҳам VI асрда бу ерга келган эдилар. Туркий булғорлар славян қавмини бўйсундириб, славян–турк давлатини барпо қилдилар. Ҳокимият тепасига Аспарух хон бўлиб келди. Икки этник гуруҳнинг бир–бирига таъсири натижасида туркий булғорлар славян тилини ўзлаштирдилар. Энди славян гуруҳига мансуб бўлган болгар тили шакллана бошлади. Бу тил ҳозирги болгар тилига асос бўлди. Шу тарика туркий этнос славян этносига айланиб кетди. Фақат туркий этнодан *болгар* деган ном қолди, холос.

Кўчманчи булғорларнинг бир тармоғи эса, Итил (Волга) ва Кама дарёси орасига жойлашдилар. Бунинг натижасида яна бир Булғория давлати пайдо бўлди (Бу давлат ҳозирги Татаристон ҳудудига тўғри келади). Кўчманчи булғорлар бу ерда ўтроқлашган маҳаллий фин–угор қабилалари билан қоришиб кетдилар ва улар ҳам ўтроқ ҳаёт кечира бошладилар. Кўчманчи булғорлар ҳозирги татар, чуваш, бошқирд ва Итил дарёси бўйидаги бошқа халқларнинг шаклланишида муҳим роль

ўйнадилар. X–XIV асрларда улар Ўрта ва Қуйи Итил бўйларида кучли давлат барпо қилдилар. Улар Араб ҳалифалиги, Византия, Шарқий славянлар билан савдо алоқалари ўрнатган эдилар. Булғория ҳатто Киев Русига бас кела оладиган давлат эди. X асрда ёш Булғор давлати қудратли Хазар хонлигига қарши бўлиб қолган эди. Булғор шоҳи Олмос ўз мавқеини тиклаб олиш мақсадида Араб ҳалифалигидан ёрдам сўради. Бунинг натижасида Булғория исломни қабул қилди. Туркий–рун ёзуви ўрнига араб ёзуви кириб келди, мадрасалар очилди ва ҳ. Хуллас, бир этноснинг икки тармоғи тақдири тамомила ўзгаришга учради.

Маданият ва шахс нафақат мазмунан бир-бирига яқин бўлган, балки шаклан ва мазмунан ўзаро мос келувчи тушунчалардир. Шахс муайян маданий муҳитда яшайди ва фаолият кўрсатади. Қолаверса, маданиятнинг пайдо бўлиши ва ривожини шахсга боғлиқ. Айни пайтда шахснинг камолоти маданиятни ва унга оид тушунчаларни ўзига қанчалик сингдириши ва бунинг натижасида муносиб авлод бўлиб шаклланишига боғлиқ.

Якка шахс ижтимоий турмуш ва маданиятга қай тарзда жалб қилинганлигигагина эмас, балки унинг табиий имкониятларига, ҳаракатига, ҳиссиётига, ақл-идроки муҳим ижтимоий мазмун билан тўлдирилганлигига ва маданий шакл касб этганлигига қараб шахс сифатида қарор топади.

Маданият кишиларга тана аъзолари орқали, туғма ҳис-туйғу ёки туғма истёждод каби табиатан берилмайди. Ҳар бир шахс ўзининг шахсий тажрибаси асосида, мустақил равишда бевосита теварак-атрофдаги кишиларнинг, жамиятнинг ва ўтган аجدодларнинг тўплаган тажрибаларини ўзлаштиради. Якка шахс ижтимоий амалиёт маҳсули бўлган маданиятни ўзлаштириш билан бирга, унга таъсир ҳам этади. Шахснинг шаклланиши жараёнида моддий ва маънавий маданиятни бойитади. Шунингдек, инсон маданият нормаларига амал қилган ҳолда нафақат табиатни ва жамиятни, балки шахсий «табиати»ни ҳам ўзгартиради. Маданият шахснинг ички дунёси мазмунига, «иккинчи табиати»га айланади.

Шахснинг маданият билан ўзаро муносабати ҳеч қачон мукамал ва уйғун бўла олмайди. Ижтимоий ва индивидуал ҳаёт билан умумий маданий тушунчалар бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Аммо маданият доимо инсон ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлади, маданият шахсиз яшай олмайди. Лекин воқеликнинг мураккаб, яхлит бирлиги сифатида шахс ўз ривожланиш қонунларига эга бўлиб, борлиққа нисбатан мустакилдир. У маданиятни ўзида мужассамлаштирган аниқ бир ижтимоий гуруҳларнинг маънавий ҳаётига нисбатан бойроқ ва чуқурроқдир. Маданият доимо кадриятларнинг энг йирик захираси, тажрибалар ҳазинаси бўлиб қолади. Инсоният авлодлари ундан фойдаланадилар ва айна пайтда унга ўз ҳиссаларини қўшиб бойитиб

борадилар.

Шахс ва маданият ўртасидаги муносабат, юкорида айтиб ўтганимиздек, мураккаб жараён ҳисобланади. Шахснинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишига имкон яратувчи руҳий ва маънавий дунёкараши ижобий ва салбий муносабатлари йиғиндисидан ташкил топади. Инсонга ишчанлик, фидойилик, матонат, ўткир зехн каби ижобий фазилатлар билан бирга калтафаҳмлик, ялқовлик, шафқатсизлик, инсон манфаатларини тўғри тушуна олмаслик, ҳақиқий кадриятларни сохтасидан ажрата билмаслик иллатлари ҳам хосдир. Шунинг учун маданиятни нафақат кадрлаш ва сақлаш, балки унга танкидий муносабатда бўлиш ҳам талаб этилади.

Юкорида қайд этилган сабаблар таъсирида муайян ишлаб чиқариш усули ҳукмронлиги шароитидаги тарихан таркиб топган ижтимоий ва маданий муҳитда жамият билан шахс ўртасида нисбатан ўзгарувчан мувозанат бўлади. Бу мувозанат ҳосил бўлишида маданиятнинг иштироки салмоклидир.

Хуллас, шахс билан маданиятнинг ўзаро муносабатлари қуйидаги соҳаларда намоён бўлади:

биринчидан, шахс муайян маданий муҳитда шаклланади ва ўша маданиятни ўзлаштиради;

иккинчидан, маданий кадриятларнинг эгаси ва ифодаловчиси сифатида конкрет маданий муҳитда фаолият кўрсатади;

учинчидан, маданий ижодиёт субъекти сифатида маданиятни ривожлантиради.

Маданиятли жамиятнинг асосий хусусиятларини, маданиятнинг мезон ва мазмунини зиёлилар қатлами белгилайди. **Зиёлилик** бу нафақат кенг билимга эга бўлишни, балки ташаббускорликни, масъулиятни, ахлокий-эстетик томондан шаклланишни билдиради. Зиёлилар - ақлий меҳнатнинг хилма-хил мураккаб турлари билан шуғулланувчи қатламдир (фан ва маданият ходимлари, ўқитувчилар, муҳандис-техниклар, шифокорлар).

Маданиятлилик – камтарлик, ҳалоллик, ростгўйлик, саховатпешалик, инсонпарварлик, яхшилик, саҳийлик каби инсоний фазилатларга эга бўлиш, ахлокий қондаларга тўла амал қилиш, ўз миллати ҳамда бошқа халқларни ҳурмат қилишни ўзлаштиришдир.

Етарли билимга эга бўлмаган ҳолда, барча билимлар ва нарсалар тўғрисида фикр билдирувчи киши юзаки ишқибоз (дилетант)дир. Юзаки ишқибозлик маданиятлиликнинг етишмовчилиги белгиси бўлиб, чинакам маданиятлилик ва зиёлиликка алоқаси йўқдир.

Тарбиялилик зиёлиликнинг асосий белгиси бўлиб, унинг умумий маданий савияси кўпинча нутқда акс этади. Маданий нутқ, аввало, «тўғри нутқ» демакдир. Маданиятли киши ифодали ва чиройли нутқ орқали ўз фикрини баён қилади. Зиёлининг эстетик диди баланд бўлади. У санъат асарларининг гўзаллиги тўғрисидагина эмас, балки кишиларнинг,

табиатнинг ва жамиятнинг гўзаллиги ҳақида фикр юритишга, қўполлик ва адолатсизликка қарши туриб, уни бартараф қилишга қодир бўлади. Ҳамма нарсда метёр ва уйғунлик туйғуси зиёиликнинг асосий хусусиятидир.

Зиёилик билим ва тарбия орқали камол топади. Зиёилик тушунчасига, умумий маданиятдан ташқари, нозикдидлилик, умуман, ҳаётга юксак онг ва ижтимоий фаоллик билан муносабатда бўлиш ҳам киради. Демак, «зиёилик» фақат аклий меҳнат кишисига тааллуқли эмас, балки истеъдоди кенг камровли, олийжаноб фазилатларга эга, маънавияти юксак ҳар бир одамга нисбатан қўллаш мумкин.

Зиёли - интеллектуал фикрлаш қобилияти юксак шахс, унинг маданиятли одамдан фарқи шуки, у жамият ва миллат тақдирига маънавий жиҳатдан жавобгардир.

Шахснинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ бўлган юқоридагидай маънавий, аклий жараёнлар фақат маълум бир халққа хос миллий хусусият эмас, балки универсал хусусиятдир. Аммо маданий хусусиятларнинг ҳар бир халқда алоҳида, ўзига хос хусусияти ҳам борки, бу хусусиятлар бошқа халқ учун ғайритабиий туюлиши мумкин. Масалан, тарбиялилик умумий хусусият сифатида муомала ва нутқ жараёнида ҳосил бўлса, тарбиялиликнинг турли халқларда айрим кўринишлари борки, бундай ҳолда миллий хусусиятларни эътиборга олиш керак. Масалан, европаликлар худди ўзбеклар сингари саломлашганларида қўл узатадилар. Хитойликлар, японлар, ҳиндларнинг муомала маданиятида бу аломатлар йўқ. Венада яшайдиган эркаклар аёл киши билан танишганларида, “қўлингизни ўпай” деб мурожаат қиладилар, поляк эса, танишувда аёлнинг қўлини ўпади, ўзбек эркак ва аёллари учун бу сингари саломлашув тарбиясизликнинг бир кўринишидир. Ёки инглиз халқига мансуб одам ўз унча ҳурмат қилмайдиган биронтасига хат ёзганда, “ҳурматли жаноб” деган мурожаат билан бошлайди. Руслар меҳмондорчиликка борганларида, косоада овқатини қолдирмаслиги керак, қоида шу. Хитойликларда эса, меҳмонга тушлик охирида гуруч берганларида, ҳеч ким қўлини тегизмаслиги лозим (бу билан улар ўзларининг тўқ эканликларини кўрсатишлари керак).

Кўринадики, тарбиялилик каби маданий жараён ёки тушунчалар тўғрисида сўз юритилганда, албатта, универсал тушунчалар билан бирга, миллий регионал хусусиятларни ҳам назарда тутган ҳолда ҳулоса чиқариш керак.

Маданиятлилик тушунчасига қўшиб ишлатилувчи сифат кенг бўлиб, уни қўллаш жамиятнинг умумий маданий даражасига ва шахснинг социал мақомига боғлиқдир. Ҳозирги даврда «ишлаб чиқариш маданияти», «хизмат кўрсатиш маданияти», «дам олиш маданияти» «бошқариш маданияти», «нутқ маданияти», «экологик маданият», «ҳуқуқий маданият», «тиббий маданият», «турмуш маданияти» ва бошқалар тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бу иборалар орқали ижтимоий

институтларнинг самарали фаолият кўрсатиши тушунилади. Баъзан маданият тўғрисидаги тасаввурлар шаҳар турмуш тарзига, кинотеатрлар, театрлар ва кутубхоналарга тез-тез бориб туриш «маданиятли» кишилар билан дўстлашиш ва бошқа чиройли нарсаларни безак сифатида ишлатишга боғлиқ деган фикр билдирилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, “маданият” термини икки маънода – тор ва кенг маънода қўлланишини англаш мумкин. Кенг маънода – ҳаётий талаб ва эҳтиёжлар туфайли жамиятда мустаҳкам ўрнашган урф–одатлар, ижтимоий институтлар, шунингдек, давлат ва иқтисод ҳам маданиятга таааллуқли деб ҳисобланади. Тор маънода маданиятнинг чегаралари маънавий ижод, санъат, ахлоқ, шахсий ақлий фаолият чегаралари билан туташади.¹²

Маданий воқеликка инсон бефарқ муносабатда бўла олмайди. Унинг кадриятларга муносабати ва ҳиссий эмоционал тасаввурлари болалик даврида тўплаган тажрибасидан бошланади, қолаверса, кишининг жамиятда тутган ўрнига, ёшига, мавқеига ҳам боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан у ўзига бегона бўлган урф–одатларга, маданий ҳодисаларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади.

«Маданият» тушунчасининг айрим талқинлари

1. **Аксиологик** (кадрият мезони асосидаги) талқин. Бу талқинга кўра, маданият инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг йиғиндисидан иборат. Маданият инсон фаолиятидан ташқарида мавжуд эмас. Маданият қандай шаклда намоён бўлишидан катъий назар, кадрият мезонига эга бўлади.

Маданият тушунчаси ривожланиш, тарих, инсон каби категорияларга боғлиқ бўлади. Инсоннинг фаолияти натижаси, муайян кадриятларга эга бўлган воқелик аксиологик таърифнинг негизини ташкил этади. У кишиларнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ақлий фаолиятини камраб олади. Бу талқин камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. У воқеликни яхлит идрок этишга, натижаларни механик равишда ҳисоблашга асосланган. Бундай ёндошув воқеликка субъектив баҳо беришга олиб келади. Аксиологик ёндошув доирасида маданият фаолияти натижаси ўтмишга айланиб қолиб, ўтмиш ва ҳозирги замон билан табиий алоқалар бузилиши мумкин. Кадриятга ёндошганда, унинг заиф томонларини кўрсатиш бошқа даврга хос маданий бойликлар тизимидан воз кечишни англамайди.

2. «Фаолият» тушунчаси асосида маданиятни талқин қилиш.

Маданиятнинг умумий табиатини идрок этишга қилинган ҳаракат туфайли уни кишиларнинг ижодий фаолияти жараёни маҳсулидир, деган тушунча пайдо бўлди. Жамият нафақат қайта қуришга, балки анъаналарни, маданий ёдгорликларни сақлаб қолишга ҳам масъулдир. Жамиятнинг

¹² Қаранг: Соколов Э.В. Культурология. Очерки теории культуры: пособие для старшеклассников. М., 1994, стр.22.

амалий ва назарий, моддий ва маънавий фаолияти, ижодий соҳалар билан бир қаторда, фаолият кўрсатиш ва маданиятни ўзлаштириш жиҳатларини мужассамлаштиради.

Ижодий фаолиятнинг кўлами қанча катта бўлса, маданиятнинг бир авлод томонидан қабул қилиниши ва келгуси авлодларга етказиб бериш учун зарур бўлган шарт–шароитлар фаоллашади. Фаолият – мақсадли йўналтирилган фаолликдир.

3. Информацион талқин маданиятни «ирсиятга боғлиқ бўлмаган ахборотлар йиғиндиси»дан ташкил топган ва сакланиб келган ҳодиса сифатида тушунтиради. «Маданият ахборотлар омбори эмас», балки ниҳоятда мураккаб ташкил топган механизм бўлиб, у ахборотни энг фойдали ва қулай усуллар билан сақлаб келади, янги ахборотларни қабул қилади, уларни қайта маълумотларга айлантиради, уларнинг белгиларини бир тизимдан бошқасига ўтказди.

«Ирсиятга боғлиқ бўлмаган ахборотлар йиғиндиси» сифатида хотирани тушунишимиз мумкин. Чунки хотира механик жараён эмас, балки ижодий жараён ҳисобланади. Хотиранинг муҳим маънавий аҳамияти шундаки, у вақт тўсигини енгиб, истиқболга даъват этади. Умумий хусусиятларига кўра, биз маданиятни хотира билан киёслашимиз мумкин. Бунда биз алоҳида олинган шахснинг хотирасини эмас, балки жамият хотирасини назарда тутамиз.

Адабиётшунос Ю.М.Лотманнинг фикрича, “маданиятдаги бурилиш” уни ахборотга айлантиришнинг энг мукамал механизмидир. Бу механизм ахборотни саклаши ва узатиши билан бирга унинг кўламини кенгайтиради. “Маданиятга бурилиш” қонуниятига кўра, ўзини доимий равишда мукамаллаштириб, ривожлантириб боради. Шунинг учун маданият бир вақтда ҳам статик ҳам динамик хусусиятларни намойиш қилади. Шу маънода маданият тирик аъзо ва санъат асарларига хос бўлган хусусиятларга эга. Маданиятни худди инсоният томонидан яратилган яхлит бадий асар сифатида қабул қилиш ўринли.

Демак, **биринчидан**, маданият - инсон ижодий фаолиятининг усуллари, шакллари ва йўллари мажмуи бўлиб, у авлоддан–авлодга ворисийлик асосида ўтадиган моддий ва маънавий бойликлар орқали ифодаланади. Маданият - инсоният томонидан яратилган «иккинчи табиат, борлиқдир».

Иккинчидан, маданият мазмун–моҳияти ва шаклига кўра, моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Маданиятнинг ҳар икки кўриниши бир – бири билан узвий боғлиқ, бири иккинчисини тўлддиради. Маънавий маданият – моддий маданият кўринишида ифодаланганидек, моддий маданият ҳам маънавий жараён, ижодий изланиш, бадий тафаккур маҳсули сифатида яшайди ва амал қилади.

Учинчидан, маданият инсон томонидан яратилибгина қолмай, яратилиш жараёнида инсоннинг “шаклланиши”га, ўзгаришига таъсир

кўрсади. Маданият бойликларидан муттасил баҳраманд бўлиш (китоб мутолааси, санъат асарларини ўрганиш, ахлоқий фазилатлардан ибрат олиш, ўтмиш маданияти ёдгорликларини ўрганиш в.б.) инсонни комилликка етаклайди.

Тўртинчидан, маданиятлик – тарбиялик, зиёлик, инсон комиллигининг муҳим белгиси ва шарти бўлиб, у ҳар бир одамни маданият бойликларидан баҳраманд бўлишга, ижтимоий масъулиятга, ҳаётда ўз ўрнини топишга ундайди.

Мавзуга оид асосий тушунчалар изоҳи:

Маданият – инсон фаолияти асосида яратилган моддий-маънавий бойликлар. У ижтимоий ҳодиса сифатида ҳар бир жамиятда ўзига хос бўлади. Унинг ривожланиши авлодларни бир-бири билан боғлайди, тараққиётнинг ворислиги, узлуксизлигини таъминлайди;

Менталитет – муайян жамият, миллат, шахснинг тарихан таркиб топган тафаккур даражаси, таҳлил муҳофазаси, ақлий салоҳияти. У миллий анъанада, расм - русумларда, урф – одатларда, эътиқодда гавдаланади;

Аксиология – қадриятлар ҳақидаги илм. У аксиологик онг, туйғу, аксиологик билиш ва ёндошувларда ифодаланади. Маданиятга аксиологик ёндошув уни қадриятлар меъёри сифатида баҳолашга асос бўлади.

Феномен – кўзга ташланиб турган аниқ ҳолат ёхуд кам учрайдиган ҳодиса.

Зиёлик – билимлиликни англатиб, ижтимоий табақа сифатида асосан ақлий меҳнат билан шуғулланадиган ходимлар.

2 – Мавзу

МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ

РЕЖА

1. Моддий ва маънавий маданият – маданиятнинг икки соҳаси. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
2. Жамият ҳаётида маданиятнинг асосий вазифалари. Маданиятнинг асосий тизимлари.
3. Маданият тараққиётида қадриятларнинг ўрни.
4. Ворисийлик, тадрижийлик – маданий тараққиётнинг асосий қонунияти.

Маданий ҳодисани ўрганиш жараёнида, шубҳасиз, икки йўналишга дуч келамиз. Бу икки йўналиш – моддий ва маънавий маданиятдан иборатдир. Маданиятнинг бу икки тури бир-бири билан ўзаро алоқада

бўлиб, бир–бирига таъсир этади ва бир–бирини такозо қилиб, тараққий этиб боради. Моддий маданият маънавий маданиятнинг ҳосиласи, айни пайтда маънавий маданият ҳам моддий нарсаларни–буюмларнинг инсоният ривожига вазифасини кўрсатади. Шунинг учун маданиятшуносни фақат санъат олами – суръат, архитектура ёки ҳайкалтарошлик кизиқтириб қолмайди, балки халқ рақслари, кўнгилочар ўйин шакллари ва оммавий томошалар, анъана ва одатлар, таълим ва фан соҳаларига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Ана шундагина моддий ва маънавий маданиятнинг бир–бири билан ўзаро алоқадорлиги азалий ҳодиса экани аён бўлади. Буни янада яхшироқ тасаввур қилиш учун тарихга мурожаат этайлик.

Инсоният тараққиётининг бошланғич давларида моддий ҳаёт билан маънавий ҳаёт яхлит–бирликда намоён бўлган. Ибтидоий тузум шароитида ҳар икки турдаги маданий жараён алоҳида–алоҳида ривожланмаган, бири–биридан ажралмаган эди. Инсоният ҳодисалар ва буюмларни бир хил, турғун ҳолда тушунган. Ибтидоий давр одамнинг бу тарзда фикрлаш жараёни айрим халқларни (масалан, италияликларни) “Бутун олам бир мамлакатдир” деган тасаввурга олиб келган. Ҳодиса ва буюмларнинг бир хиллиги ва турғунлигини инсон табиатидаги ўхшашликда кузатиш мумкин. Ибтидоий давр шароитида яшаётган қабилалар ҳаётини кузатаётган олимлар, барча ёввойи қабилалар бир–бирига ўхшайди, деган хулосага келганлар. Масалан, музей экспонатларидаги дунёнинг исталган ҳудудидан топишган меҳнат қуроллари, инсоннинг яшаш шароитига хос буюмлар ва бошпаналар бу фикрларни яна бир бор тасдиқлайди. Дунёнинг исталган музейи экспонатларидан тошдан ясалган болта, чўкич, пичок, найза ва б. иш қуролларини топиш мумкин.

Даврлар ўтиб маънавий фаолият моддий маданиятдан ажралиб чиқди. Маълум бир даврга хос ахлоқий мезонлар шаклланди, дин, санъат, ҳуқуқ, сиёсат, фан пайдо бўлди, маълум доирадаги кишилар бу соҳалар билан шуғуллана бошлади. Қадимда “маданият” термини фақат маънавий маданиятни назарда тутган. Зотан ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик ҳукмрон бўлмоғи лозим, деган қарашлар бўлган. Нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун Шарқда бу ғоя ва ақидалар маданий ҳаётнинг асоси бўлиб хизмат қилган.

Индустриал ҷамият вужудга келгач, техника тараққиёти ва технологиялар тезлик билан алмашинадиган бўлди. Бу эса, инсоният барча моддий маданиятни ўрганишига туртки бўлди. Инсонларнинг амалий қайта ўзгартирувчилик фаолияти юзага келди. Аслида индустриал ҷамият иқтисодий ва сиёсий инқилобнинг маҳсули. “Иқтисодий инқилоб” термини остида Англиядан келиб чиққан *буюк индустриал инқилоб* назарда тутилади. “Сиёсий инқилоб” остида эса, буюк француз инқилобини назарда тутамиз. Ҳар иккаласи ҳам XVIII асрда пайдо бўлди. Англия машинасозлик ишлаб чиқаришида ва янги конунчиликда пешқадам бўлди. Завод ва фабрикаларнинг кенгайиши, ишлаб чиқариш шароитининг яхшиланиши ва одамларнинг ўртача ёши узайиши натижасида

индустриаллаштириш урбанизацияга олиб келди, яъни одамлар ўз хоҳиш-истаклари билан қишлоқлардан шаҳарларга оқиб кела бошладилар. Бунинг натижасида эса, шаҳарлар аҳолиси кўпайди, улар қулай яшаш шароитига, маданий хизматлар кўрсатилишига, яхши таълим олишга эришдилар.

Албатта, бу тарздаги маданий ҳаёт дунёнинг турли мамлакатларида ҳар хил кечди. Ўрта Осиё республикаларида индустриал жамият маданияти XIX аср охири– XX аср бошларига тўғри келади. Россияда эса, индустриал жамият маданияти эртароқ бошланди.

XXI асрга келиб технологиянинг ривож натижасида индустриал жамият маданиятидан *ахборот жамияти маданиятига* ўтиш жадал тус олди. Ҳозирги жамиятда ахборот излаш, таҳлил қилиш ва татбиқ этиш – таракқиётнинг асосий омилига айланди. Жумладан, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари “ахборот жамияти”га мисол бўла олади. Бу мамлакатларда ишчи кучларининг 60 – 80 фоизи бевосита ва билвосита ахборот яратиш, қайта ишлаш ва узатиш билан банд. Ахборотнинг турли-туман кўринишлари – интернет, кабель телевидениеси, видеодиск ва унинг бир қанча турлари инсониятнинг маданий ҳаёти даражасига катта ижобий таъсир кўрсатяпти. Инсоният тарихий таракқиёт жараёнида асосан, моддий маданиятга кўпроқ эътибор қаратган ва маданиятнинг бир қанча кўринишларини босиб ўтган. Моддий маданиятнинг бу кўринишлари қуйидагилардир:

Биринчи кўриниш – меҳнат қуроллари, барча ишлаб чиқариш воситалари, турар жойлар, алоқа, техника қурилмаларидир. Хуллас, нотабий йўл билан инсоният қўли воситасида яратилган буюмларнинг барчаси, шунингдек, моддий маданиятнинг кўриниши ва турлари жамият ҳаётининг моддий техник асоси деб аталади. Ишлаб чиқариш технологиялари, меҳнат маҳсулотида иштирок этувчиларнинг ижодий фаолияти, уларнинг билим даражаси, ишлаб чиқариш маданиятига қўшган ҳиссаси, уларнинг жисмоний ва маънавий имкониятлари ишлаб чиқариш техника маданиятининг алоҳида қисмини ташкил этади.

Моддий маданиятнинг иккинчи кўриниши - ижтимоий ҳаёт ва унинг барча соҳаларининг меъёрий ҳаракатини таъминловчи ижтимоий институтлар, ташкилот ва муассасалар фаолияти билан боғлиқ. Бу сингари ҳокимият тузилмалари ва унга муносиб бошқарув шакллари, ижтимоий ташкилотлар таълим, ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш, соғлиқни сақлаш ва дам олиш, бўш вақт ва кўнгил очиш муассасалари тизими каби, амалда жамиятнинг маданий таракқиётини сақлайди, ўзгартиради ва қайта шакллантиради.

Моддий маданиятнинг учинчи кўриниши (ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи) шахс ҳисобланади. Моддий маданиятнинг бу кўриниши инсоннинг табиий, яъни биологик ҳамда ижтимоий мавжудлик масалаларини ўз ичига олади. Шу билан бирга, авлодлар ўртасидаги ўзаро маданий муносабатлар, бундаги муаммолар ҳам шу соҳага тааллуқлидир.

Маданиятнинг юқоридаги уч кўриниши нисбийдир, маданиятнинг барча кўринишлари тарихий тараққиёт жараёнида инсониятнинг яшаш тарзи ва фаолиятига боғлиқ равишда ўзгариб боради, бир даврдаги маданий ҳодиса кейингиси учун замин бўлади.

Маданият кўринишлари¹

Ёзув пайдо бўлгунга қадар

замонавий

тарихий

содда

мураккаб

овчилик

полизчилик

саноат

тирикчилик ўтказиш

чорвачилик

деҳқончилик

Инсон улғайиб, вояга етар экан, турли хил ижтимоий-демографик гуруҳларга мансуб бўлади. Одамнинг маълум ёшида ва муайян ижтимоий мактебда бирон маданиятга мансублик устуворлик қилади. Айни пайтда у жамиятдаги, ҳатто ундан ташқаридаги маданиятнинг ҳам сезиларли таъсирида бўлади. Бунинг натижасида инсон икки, баъзан ундан ҳам кўпроқ маданият таъсири остида қолади. Масалан, кечаги талаба бугун мутахассис бўлиб, катта бир корхонага инженер бўлиб хизматга ўтади. Энди у саноат ёки индустриал жамият маданиятига мослашади, ишлаб чиқаришда ёки хизмат кўрсатиш соҳасида фаол иштирок этади, жамиятдаги маданий тараққиётда муҳим роль ўйнайди. Бошқа бир одам хорижга ўқишга ё ишга кетади. Энди у бошқа халқнинг муомала маданиятига, ўша жамиятнинг қонун-қоидаларига риоя қилади. Натижада, маданият регионал хусусиятга эга бўла боради. Энди улар янги маданий муҳитда, бошқа қадрият ва меъёрлар қуршовида яшайди.

Инсон турли маданий оламга кириб борар экан, унинг ички олами ва ташқи ҳатти-ҳаракатларининг мазмуни бойийди. Аммо кўп томонлама, турли маданий оламга мансубликнинг маълум ноинжобий жиҳатлари ҳам бор, яъни эндигина улғайиб келаётган ёш авлод бошқа жамиятга аралашуви жараёнида тасодифан носоғлом муҳитга тушиб қолиши ёхуд четдан келаётган бегона маданиятнинг салбий оқибатлари таъсирига тушиб қолиши ҳам мумкин. Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик ана шундай иллатлардан бўлиб, кўпроқ ёт маданиятнинг таъсирида пайдо бўлиши мумкин. Бу албатта халқнинг шаклланаётган ўзлигига жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўзга маданиятнинг анъанавий

¹ Бу жадвал А.И.Кравченконинг "Культурология" китобидан (61–бет) олинди.

жиҳатларининг ёки ундаги носоғлом акидаларининг кириб келишига хушёр туриш лозим бўлади. Маданиянинг доимо янгиланиш жараёнини таъминлаб бориш ғоят муҳимдир.

Моддий маданиятнинг учинчи кўриниши доирасига инсон ҳаёт фаолиятининг ирсий, жисмоний, тиббий-биологик хусусиятлари ҳақидаги, жамиятда юзага келган ва тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи маданий анъаналарга, соғлом одатларга мос муаммолар киради. Жумладан, инсоннинг турмуш тарзи, овқатланиши ҳақидаги оддий билимлари мажмуи бўлган экология масалалари бевосита шу кўринишга киради.

Моддий маданият тарихий жараёндир. Ҳар бир даврнинг моддий маданияти тўғрисидаги тушунча бошқа бир давр учун аҳамиятсиз бўлиб қолиши мумкин. Чунки синфий жамиятга ўтганда, ахлоқ ва мафкура ўзгарди, янгича диний-фалсафий қарашлар пайдо бўлди. Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида жиддий олға босиш пайдо бўлди. Бунга шарқда IX асрда пайдо бўлган мурувват ва футувватни мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳашаматли ҳаётга нисбатан ихтиёрий фақирликни афзал билиш, бойликка ружу қўймасликка даъват ва ҳоказо акидалар моддий бойликларга қарашларни ўзгартирди, жамиятдаги маълум қатлам маънавий жиҳатдан устун бўлиб, ҳамма қатламларга таъсирини ўтказа борди. Бу оқимлар заминиди юзага келган тасаввуфнинг диний-фалсафий оқим сифатида узок асрлар давомида маънавий соғломликни қарор топтиришдаги хизматини шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозим.

Аммо тасаввуфдаги ихтиёрий фақирлик акидасидан, моддий маданият ишлаб чиқаришга бефарқ деган хулосага олиб келмайди.

Моддий маданият ишлаб чиқариш жараёнида ижодий салоҳият, малака ва ғоя янгидан моддийлашади, шахс, жамият, халқ, давлат умуминсоний мазмун касб этади.

Моддий маданият муайян тарихий даврда жамиятда мавжуд бўлган буюмларни, моддий ишлаб чиқариш фаолиятининг барча соҳаларини ва натижаларини ўз ичига олади.

Маънавий маданият ривожини инсоният тарихининг илк даврида бошланган. Одамлар маънавий маданиятни белгилашга, унинг шаклланиш сабабларини аниқлашга, маънавий бойлик ижодкори ва яратувчилари қандай сифатларга эга бўлишлари кераклигига ва маънавий ижодкорлик жараёнини изоҳлашга уринганлар. Илгари мавжуд бўлмаган маданият ходисасини вужудга келтиришга хизмат қилувчи ижодий қучлар фаолиятида ҳаёлот, фантазияга берилиш муҳим ўрин тутди. Мифлар ана шу маънавий маданиятнинг илк кўриниши бўлиб, инсоният дунёни қандай идрок этганини ана шу мифлар кўрсатади.

Инсондаги қобилият кирралари табиатан мавжуд бўлиб, унинг шаклланиши инсоннинг пайдо бўлиш давридан бошланади. Инсоннинг жисмоний ва руҳий жиҳатлари такомиллашиб, интеллектуал ва ҳиссий

имкониятлари кучайиб борган. Инсон жисмоний, онгли ва ҳис қилувчи мавжудот сифатида илк даврданок ўзига хос дунёсини ярата бошлаган.

Маънавий маданиятнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, улар бир қарашда мустақил кўринади. Бироқ ўша шаклларнинг барчаси бир бутун маънавий жараённинг таркибий қисмларидир. Фан, дин, фалсафа, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат, мафкура, миллий ўзлик маънавий маданиятнинг муайян шакллари ҳисобланади. Маънавиятнинг ҳар бир шакли, таркибий қисми ўзига хос тузилишга ва маълум бир вазифаларга эга. Маънавий маданиятнинг айрим шакллари маълум доирада, бошқалари эса, барча соҳаларда амал қилади. Масалан, ахлоқнинг шаклланиши ва пайдо бўлишида бутун жаҳият хизмат қилган бўлса, санъатни ноёб қобилият эгалари яратади; кундалик билим ҳаммага озми - кўпми хос бўлса, фақат буюк мутафаккирларгина илм туфайли даҳолар даражасига кўтарила оладилар.

Маданиятнинг асосий хусусиятларидан бири шуки, унда ҳеч бир ортиқча, шунчаки нарса йўқ, барча маданий ҳодисалар ким ва нима учундир зарур. У пайдо бўлиб, сақланиб қолиб, авлоддан-авлодга ўтиб келар экан, бунда инсониятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш муҳим аҳамият касб этади.

Маданиятнинг асосий вазифалари куйидагилардир:

1) Оламни ўзлаштириш ва қайта ўзгартириш вазифаси: инсон дунёни ўз мақсад-манфаатига мос ҳолда ўрганиш эҳтиёжи ҳаётий талабларни қондириш зарурати билан боғлиқ бўлади.

2) Ҳимоя-мослашув вазифаси: жаҳият ва табиат ўртасидаги мувофиқликни сақлашдан иборат. Инсон узоқ вақт қийин табиий шароитларда барча янги ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишга мажбурият сезади, ўзини шунга кўниктиради (олов, турар жой, кийим, деҳқончиликни ва ҳ. кашф этади). Шу тарика одам омон қолган. Маданиятнинг бу вазифаси замонлар ўтиши билан инсоният эҳтиёжига мослашиб боради. Масалан, кейинги вақтларда инсоният олдида турган муаммолардан бири экология бўлиб, инсон ўзини ҳимоя қилувчи воситаларни яратишга эҳиёж сезади.

3) Сигнификатив (белгилаш, кўрсатиш) вазифа: маъно, ном, белгилар кўламини пайдо қилиш воситасида дунёнинг киёфаси, воқеликнинг белгилари тизимини (рақам, ёзув) яратади. Сезгилар ҳам, идрок ҳам, онг ҳам йўналишни аниқлаш тизимини инсонга таъминлаб бермайди. Бу вазифани ўзида сақламасдан, назарий моделлар ва ахборотлар билимини тўплашни вужудга келтириш учун фақат материал бўлиб хизмат қилувчи мазмун бажаради.

4) Ахборотларни яратиш ва йиғиш вазифаси – хабарларни йиғиш ва сақлаш, хотира ёки хабарларни бирор буюмларга ёзиш (қўлёзмалар, суратлар, пластинкалар, китоблар, кинотасмалар, магнит тасмалари ёки рақамли ёзувлар)дан иборат. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ахборот яратиш,

унинг аҳамияти ва мазмунини тартибга солиш бўйича маълум усул ва белгилар тизими зарур. Ҳозирги даврда кенг қўламли ва ўта аҳамиятли белгилар тизими тил бўлиб қолмоқда.

5) Коммуникатив (алоқа алмашув) **вазифа** - моҳиятни аниқлаш учун билимлар, фикрлар, маънавий омилларни ўзаро алмашувдир. Ижтимоий ҳаёт доимий равишда энергия, ахборот, ўзаро амалий ҳамкорликни тақозо қилади. Зотан, фақат турли типларнинг (аъъанавий, функционал, шахслараро, ишлаб чиқарувчи, маданий - маърифий) муносабати жамиятнинг мавжудлигини ва унинг кейинги тараққиётини таъминлашга қодир.

6) Меъёрий вазифа – инсонларнинг ахлоқ мезонларини йўлга қўйиш, жамиятда соғлом муҳит яратиш мақсадида ахлоқнинг моҳиятини мувофиқлаштиришдан иборатдир. Меъёр қандайдир хатти-ҳаракатни ёки қандайдир предметлар, нарсаларни яратиш соҳасида ишлаб чиқилган ва жамият томонидан маъқулланган аниқ қондадир. Меъёр маълум мақсадда жорий қилинган кўп асрлик аъъаналарга таянади ва аъъаналарни маъқуллаб, жамиятга олиб киришга йўл беради ёки мажбурий равишда кўп асрлик аъъаналарни тақиклайди. Меъёрнинг мазмуни жамиятда носоғлом муҳит пайдо бўлмаслиги учун одамлар фаолиятини, хулқ–атворини тартибга солиш, аниқ чегаралар орқали белгилашдан иборат..

7) Руҳан мўътадил муҳит яратиш вазифаси – аъъанавий байрамлар, диний маросимлар, ўйинлар, томоша жараёнида руҳий зўриқишни бартараф қилишдан иборат. Қоникмаган истак, рўёбга чиқмайдиган ният, амалда тақикланувчи можаролар руҳий зўриқишлар пайдо бўлишига олиб келади. Бу нафақат маълум бир шахс саломатлигига зарар етказади, балки оммавий равишда тарқалиб кетиб, жамиятдаги соғлом муҳитни издан чиқариши мумкин.

Хуллас, инсонлар яратган моддий, маънавий қадриятлар ва бойликлар – уларнинг қобилияти, муносабатлари ва моҳиятини намоён қилишдан иборат. Инсон бу моддий ва маънавий қадриятларга ўз муносабатини билдирар экан, айна вақтда инсоннинг ўзи ҳам мукамаллашиб, ўзгариб турадиган моҳият сифатида намоён бўлади. Демак, маданий ҳодиса буюмлар шаклида, инсон фаолиятининг тайёр маҳсулотлари шаклида ва инсоннинг қобилияти ҳамда билимлари шаклида керак бўлади.

Инсонлар ҳаётий тажриба жараёнида зарур моддий шарт-шароит ва яшаш воситаларини яратиш билангина қифояланиб қолмай, айна чоғда онгини ҳам такомиллаштириб боради. Улар ижтимоий онг шакллари (дунёқараш, ахлоқ, ҳуқуқ, эстетик тафаккур) вужудга келтирадилар ёки маънавий яратиш фаолиятини амалга оширадилар. Буларнинг мажмуи маънавий маданиятни ташкил этади.

Маънавий маданият — ақл-заковатнинг шунчаки маҳсулоти бўлмай, балки инсонлар ўртасидаги ижодий фаолиятга туртки берадиган

муносабатни ҳам билдиради. Шунингдек, маънавий маданият таълим ва фан соҳасига оид илмий фаолиятни, ахлокий ва эстетик маданиятни ўз ичига олади. Натижада, маънавий маданият инсоннинг лаёқати ва фаолиятининг буюмларда моддийлашган шаклида, инсоният томонидан яратилган маънавий қадриятлар (илм, санъат, ҳуқуқ, ахлоқ қондалари) шаклида мавжуд бўлади.

Маданиятнинг қуйидаги вазифалари бевосита шахс фаолияти билан боғлиқ:

Инкультурация. Инсон, аввало, ўз миллатининг маданиятини, кейин эса, умуминсоний маданий меросни ўзлаштиради, яъни инсон маданиятнинг қонун–қондаларига ва мезонларга мослашади, бир сўз билан айтганда, умуминсоний маданият кўникмасини ҳосил қилади.

— **Индивидуализация.** Маданият маълум шахслар қобилиятини, иқтидорини, хусусиятини жиддий мукаммаллаштиришга мўлжалланган. Шахс маданияти қолган барча маданий доирада - (жамиятда, инсоният орасида) энг асосий омил бўлиб, аниқ шахснинг баркамоллик даражаси, жамият билан ёки бутун инсоният маданияти билан боғлиқ бўлишини билдиради.

Ҳар қандай маънавий маданият жамиятнинг таркибий қисми бўлиб, у инсоннинг яшаши, фаолиятини, умуман, жамиятдаги ўрнини белгилашга ёрдам беради. Маънавий маданият маҳсули бўлган маданий қадриятлар инсон учун шахсий моҳият ва мазмун касб этиб, инсон у орқали бошқалар билан, бутун жамият билан муносабат ўрнатади. Қадриятлар жамиятга манзур бўладиган ахлоқ мезонлари яратилишида инсонга ёрдам беради. Шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатлари турли тарихий даврларда турлича бўлган, шунга қарамай, шахс маданияти жамият маданиятини белгилайди, айни пайтда шахс маданияти муайян бир жамиятнинг маданий муҳитида шаклланади. Ҳар бир жамият шахс маданиятини камол топтиришда қадриятларини меъёрлаштиради ва шахснинг маънавий эҳтиёжларини таъминлайди.

Инсон айни пайтда ҳам тарихий тараққиётнинг маҳсули, ҳам унинг субъектидир. Ижтимоий муносабатлар инсонни ижтимоий мавжудотга айлантиради, дунёқарашини шакллантиради. Инсон ишлаб чиқарувчи куч сифатида фақат буюмлар яратиб қолмай, балки ўзини, ўз шахсиятини ҳам шакллантиради. Бу жараёнда инсон ўзини тўққор ижод қилади, шу жиҳатдан у ижтимоий мавжудотдир.

Шахсни жамиятдан, ижтимоий муносабатлардан ажратиб бўлмаганидек, жамият тараққиёти ҳам инсоннинг амалий фаолияти билан узвий боғлиқдир. Жамият билан шахс ўртасидаги муносабат бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тақозо қиладиган муносабатлардир. Ижтимоий муносабатлар таъсирида шахс турмушининг турли жиҳатлари пайдо бўлади. Ҳар бир шахсда у мансуб бўлган жамоага, миллатга, элатга, жамиятга хос умумий хусусиятлар ва белгилар шаклланади.

Инсон ўзи яшаб турган жамиятнинг қонун-қоидалари, тартиблари, ахлокий, ҳуқуқий мезонларига амал қилмаслиги ёхуд жамиятнинг муаммоларига, қийинчиликларига бефарқ қараши асло мумкин эмас. Ҳар бир мамлакатнинг Конституциясида белгилаб қўйилган қонунларга амал қилиш, бошқа фуқароларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш, жамият манфаатларига зид ва ноҳўя ҳаракатларга муросасиз бўлиш, Ватанни ҳимоя қилиш каби қатор мажбуриятлар шахснинг бурчи ва маъсулиятидир.

Шахснинг қомилликка эришувини таъминлашда жамиятдаги меҳнат маданиятини ривожлантириш, одамларнинг сиёсий онгини ошириш, ахлокий ва нафосат туйғусини шакллантириш маданиятнинг таркибий қисмларидир.

3 – МАВЗУ

МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС

Режа:

1. Мерос – дунё халқлари учун умумий мулк. Мероснинг тарихан ўзгарувчанлиги. “Буюк ипак йўли” маданияти.
2. Маданий мерос – инсониятнинг ўтмиш билан чамбарчас боғлиқлиги натижаси.
3. Маданий мероснинг механизми. Маънавий ва маданий мероснинг узвийлиги. Ўтмишдан келажакка ўтиш жараёнида мероснинг мазмунан ўзгариши.

Мерос, юқорида кўриб ўтганимиздай, кенг камровли тушунча. Шу боис у биринчи навбатда дунёдаги ҳамма халқларнинг мулки ҳисобланади. «Маданий мерос аجدодлар томонидан яратилган амалий тажриба, ахлокий, илмий, тафаккурий, диний ва руҳий қарашларда халқ маданияти ва ижоди каби моддий ҳамда маънавий битиклар мажмуи»¹.

Маданият ривожланиши жараёнида турли даврларда ўзгариб, такомиллашиб борган. Инсон дастлабки ҳаёт тарзида тирикчиликнинг турли омилларини – овчилик, қўчманчилик, чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчиликни, бора-бора шаҳар ва қишлоқ ҳаёт тарзини пайдо қилди. Кейинги авлод-аждодлар яратган қундалиқ эҳтиёжга турли воситалардан имкониятига қўра, ўзлаштириб фойдаланган. Эҳтиёжни қондира олмаганлари унутилган, айримлари мукаммаллаштириб сақланган. Кези келиб музейлар бекорга ташкил этилмаган - у ердаги кўرғазмалар ўтмиш авлодлар ҳаёт ва тафаккур тарзини тасаввур этишга имконият беради.

Бугун биз учун маданий мерос бўлиб қолган ҳодисалар ўтмишда турмушнинг, ҳаёт кечиришнинг муҳим омилига, инсониятнинг маънавий

¹ Фалсафа қомусий лугат. Тошкент, 2004, 229-бет.

хаёти мезонига айланган эди. Маданий ва маънавий мероснинг айрим кирралари, юкорида айтганимиздек, эҳтиёжни қондира олмагандан кейин йўқолишга юз тутган бўлса, айримлари тобора жаҳоншумул аҳамият касб эта борган. Буюк ипак йўли юзага келтирган моддий ва маънавий маданият бунинг ёркин намунасидир. Ҳозирга келиб дунё маданияти тарихида “Буюк ипак йўли маданияти” деган ном пайдо бўлди. Демак, дастлабки даврда моддий эҳтиёж воситаси бўлган нарсга жаҳоншумул маданий ходисага айланди. Шу боис “Буюк ипак йўли маданияти” тўғрисида батафсил маълумот бермоқчимиз.

Буюк ипак йўли Хитойнинг ўрта қисмидан ғарбга Ўрта ер денгизи соҳилларигача чўзилган ва Евроосиёнинг қуруқлик қисмини кесиб ўтган. Бу йўл 7000 километрдан ошиқроқ. Хитой – дунёда илк бор ипак қурти бокишни ихтиро қилган мамлакат, шунингдек, пилла қурти уруғи Хитой ташки савдо алоқасида ғарб мамлакатларига экспорт қилинган асосий товар тури эди.

Шуни таъкидлаш керакки, ипак йўли якка маданият бўлиб шаклланмаган бўлса ҳам, Эрон, Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Хитой маданиятини кескин равишда ўзгартирган.

Буюк ипак йўлининг асосий қисми Ўрта Осиёдан ўтган. Бу йўл Ўрта Осиёнинг тоғ тизмалари бўйича белгиланган. Копетдоғ Эроннинг шарқий қисмидаги Хуросон ўлкаси билан Ўрта Осиёнинг ғарбий қисми текислигини иккига бўлиб туради. Амударё ва Сирдарё шу текисликдан оқиб ўтади.

Шарқий Эрон, Ҳиндистон ва Хитой орасида жойлашган ипак йўлининг асосий чизиги ғарб, жануб ва шарққа қараб чўзилган. Бу йўллар маркази Ўрта Осиёда туташган эди.

Буюк ипак йўли бир қатор давлатларнинг иқтисодий ривожига муҳим роль ўйнагани шубҳасиз. Аммо савдо алоқаси сифатида ташкил топган бу муносабатнинг маданий тараққиётдаги роли қандай бўлди? Шубҳасиз, Буюк ипак йўли иқтисодий соҳада қанчалик роль ўйнаган бўлса, маданий тараққиётда ҳам муҳим олға силжишларни пайдо қилди. Бу ходиса, аввало, бир мамлакатдаги диннинг бошқа мамлакатга бориб, мустаҳкам ўрнашувида кўринади.

Ипак йўлидаги дин соҳасида ранг-баранг манзара шаклланган. Шундай бўлса-да, диний эътиқоднинг мазмунини бир-бирига ўхшаш бўлмаган икки турга – миллий дин ва дунёвий динга бўлиш мумкин. Миллий дин шу халқ ва ирқ аъзолари орасидаги эътиқод одатларини кўрсатади. Бу дин дунё бўйлаб ёйилган масихийлик (христианлик), монийлик, буддавийлик ва ислом динлари каби эмас.

Миллий диннинг дастлабки намунаси сифатида оташпарастликни

айтиш мумкин. Бу оқим тарихда “Бактрия дини” деб ҳам аталади². Бу диний оқим ерли одамларнинг эътиқоди билан бирлашиб кетган эди.

Юнон–Бактрия давлати (милоддан олдинги 256–75) даврида ҳар хил юнон халқлари Бактрия ҳудудига кириб келган. Юнон–Бактрия давлати ҳудудидан топилган суратлар шундан далолат беради. Бу илоҳларга топинувчиларнинг юнон эмаслиги аниқ. Суратдаги одамлар маҳаллий оташпарастлар бўлиб, ўзларининг илоҳига – юнон илоҳига қилингандай ибодат қилиб топинганлар. Шундай қилиб, юнон услубига оид тимсол яратган. Илоҳларнинг суратини ибодатхоналар деворида тасвирлаш билан чекланиб қолмай, юнон–Бактрия давлати пулига ҳам туширилган. Натижада, савдо–сотиқ муносабатлари билан юнон илоҳлари бошқа жойларга ҳам тарқалган. Кушон империясига таъсир қилган турли маданият, жумладан, динлар шу даврдаги металл пулларда ҳам акс этган. Бу металл пулларга бут ва буддавийликка оид ҳар хил тасвирлар туширилгандан ташқари, оташпарастлар илоҳи, ҳинд шохлари, юнон ва рим шохлари тасвири туширилган. Илоҳларнинг исми бу пулларга юнон ёзувида битилган.

Оташпарастлик эътиқодидаги шохнинг исми Бактрия оташпарастлик динида сақланиб қолган. Бу уларнинг Кушон ибодатхоналаридаги аҳамияти ва ўйнаган роли мутлақ ҳолда ортодоксал оташпарастлик дини билан ўхшаш дегани эмас, албатта. Тахминан 15 кишилик оташпарастлар илоҳи Кушон ибодатхоналаридаги энг катта бир гуруҳ илоҳини вужудга келтирган. Уларнинг ичида “адолат” ва “давлат” илоҳлари ҳам бўлиб, улар ўша олти “оби ҳаёт авлиё”ларнинг иккитаси, оташпарастлик қавмларида бу олти авлиё “ақл–фаросат илоҳи” билан зич бирлаштирилган. Буни шундай тушуниш керакки, хон очик–ошқора ибодат қилишига бу илоҳлар сабаб бўлган. Ёки яна шундай тушуниш мумкинки, қуёш илоҳи билан ғолиблик илоҳининг урушда муваффақиятлари бу хонлиқнинг диний оламида алоҳида роль ўйнаган.

Маданий мерос авлодлар оша тарихий ҳодиса сифатида сақланиб қолар экан, шубҳасиз, маънавий жараённинг ҳам муҳим таркибий қисмига айланади. Айни пайтда маданий мероснинг ҳар қандай намунаси миллий ёки ҳудудий қийматга эга бўлиши билан бирга, умуминсоният маданий ёдгорлиги ҳам бўлиб қолади.

Юқорида айтиб ўтганимиз диний қадриятлар, қадимий динларнинг бир–бирига аралашуви фақат бир неча халқлар, мамлакатлар диний қадрияти бўлгани учун умуминсоният маданий ёдгорлиги ҳисобланмайди, балки инсониятнинг дунёқараши, ахлокий тушунчалари, фазилатлари ва бошқалар ер юзидаги бошқа ҳудудлар инсонларида кузатилгани учун ҳам умуминсоният мулки ҳисобланади. Меъморчиликка оид, ўтмиш ва бугунги

² Климигит. Қадимги ипак йўли маданияти (немис тилидан уйғур тилига таржима). “Шинжонг халқ наشريёти”, 2003, 134–бет.

иншоотлар, уларнинг тархи, фарқлари, ўз даври учун ноёб ходиса экани ҳам маданий тараққиётнинг муҳим белгиларидир. Масалан, Кушон империяси даврига оид Сурх-Катала ибодатхонаси (Шимолий Афғонистон)нинг тузилиши ўзига хосдир. Бу ибодатхона тоғ тепасига қурилган бўлиб, Франция археологлари томонидан топилган. Ибодатхонанинг ўзига хослиги шундаки, тоғ тепасидаги бу ибодатхонанинг олд тарафи дарё соҳили, тоғ билан дарё соҳили оралиғидаги 55 метр узунликдаги кўприк орқали бу ибодатхонага чиқилган. Ибодатхона ўртасида қурбонгоҳ тоқчаси бўлиб, назр–ниёзлар учун ишлатилган бўлиши мумкин.

Мазкур ибодатхонадан бир ярим километр нарида кичик ибодатхона ҳам қурилган. Эҳтимол, бу тоғ тепасида қурилган ибодатхонанинг бир қисми бўлса керак. Бу ибодатхона ичида учта будда ҳайкали бўлиб, кўп зарарланган. Бу ҳайкаллар тангалардаги суратларга ўхшаб кетади. Ҳайкалларда мўри шакли бўлиб, унга ловуллаб ёнаётган аланга шакли туширилган. Кушон империясига оид санъат асарларида аланга тасвири кўп учрайди. Аланга тасвири Буюк ипак йўлидаги бир қатор будда ҳайкаллариининг белгиси бўлиб қолди. Олимларнинг айтишларича, санъат асарларидаги аланга тасвири Месопотамиядан кириб келган (Ўрта Осиёдаги зардуштийлик билан боғламаслик кераклигини айтмоқчи).³

Ибодатхонада сакланиб қолган яна бир муҳим ашёлардан қурилиш ва бўёқ асбoblари, бир парча Кушон ёзувида битилган Бактрия адабиёти обидасидан уч нусха ва юнонча катта харфлар билан ёзилган ёдгорликнинг парчаси, яна номаълум ёзма обидадан бир парча, нақшлар ва бир қанча тангалардир. Буларнинг орасида ибодатхонага борадиган йўлдан топилган ёзма ёдгорлик диққатга сазовор. Ёдгорлик юнон–бохторий ёзувида ёзма ёдгорлик мазмунини қуйидагича: “Канишка ибодатхонасидаги бу кўрғонга мана шу ибодатхона эгаси – подшоҳ Канишканинг исми қўйилган”. Сув манбаи бу ерда қуриб қолгани учун, одамлар ибодатхонани тарк этишга мажбур бўлганлар.

Бу далиллардан кўриниб турибдики, ўтмишдан қолган ҳар бир осори атиқа – у қандай ҳажмда ва қандай кўринишда бўлмасин – инсоният ижодий фаолияти тафаккури самарасидир. Айтиш мумкинки, ҳар бир даврнинг моддий маданияти ўша даврнинг маънавий қамолотини, салоҳиятини кўрсатувчи омил ҳамдир. Инсониятнинг дунёқараши, ақлий жиҳатдан бойиши ҳам маданий меросни қанчалик ўзлаштиришга боғлиқ.

Маданий мерос, бу-инсониятнинг ўтмиш билан чамбарчас боғлиқлиги демакдир. Маданиятга ворисийлик, тарихий хотирани келажақ учун хизмат қилдириш айнан маданий меросга бўлган муносабатга боғлиқ. Маданий меросга нисбатан аксинча ҳолатлар ҳам бўлган. Ўтган асрнинг

³ Климгит. Қадимги ипак йўли маданияти (немис тилидан уйғур тилига таржима). “Шинжонг халқ наشريёти”, 2003, 220–бет.

20—йилларида собиқ Шўролар даврида “Пролетар маданияти”ни ва ўтган асрнинг 80—йилларида Хитойдаги “маданий инқилоб”ни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Ёки Афғонистонда ўтган асрнинг охириларида ҳукумат бошига келган Толибларнинг милодий I асрга оид улкан буддавийлик ёдгорлигини портлатиб, йўқотиб юборганларини ҳам шундай изоҳласа бўлади. “Маданият”нинг ана шу кўринишлари ёмон оқибатларга олиб келди: Ўтмиш маданий ёдгорликларидан воз кечиб, янгисини яратишга уринишлар бўлди ва ўтмиш ёдгорликларининг кўпчилиги йўқ қилинди, маънавий қашшоқлик, ўтмишдан тамомилла узилиш-махдудлик юзага келди.

Маданият келгуси авлодларга мерос қилиб қолдирилгандагина, у бир маромда узлуксиз ривожланиб бораверади. Маданий меросга келгуси авлодлар ворис сифатида ҳақли бўлар эканлар, албатта, тил, удум ва кундалик турмуш анъаналари маданий меросдаги ворисийликнинг кўп тарқалган кўринишлари ҳисобланади. Қадимги маданий меросдан кенг тарқалиб шу кунгача етиб келган кўринишлари ана шулардир. Бошқа маданий ёдгорликлар – пул, иншоотлар, конун–қоидалар ва бошқа маданий мерос намуналари даврлар ўтган сари кескин ўзгаришга учраши ёки йўқолиб кетиши мумкин.

Маданий мероснинг иккала тури – моддий ва маънавий маданият узвийдир. Аждодлар яратган жами бойликка янги авлод меросхўр бўлади. Маданий мероснинг бир турига эҳтиёж йўқолгандан кейин унинг ўрнига давр ва инсоният эҳтиёжига мос маданий мерос вужудга келади.

Бир мамлакат маданий меросининг бошқасига таъсири ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам доимо кузатилади. Бу – қонуний жараён. Давлатлар ўртасидаги ўзаро таъсир ёки турли сабаблар билан давлатларнинг бирлашуви шубҳасиз, биринчи навбатда, маданий меросда ўзгаришларни пайдо қилади, ўзлаштирилган маданий мерос халқнинг маънавий ҳаётида бурилиш ясайди. Бу ҳолатнинг жонли намунасини Хуросон–Амударё водийси маданиятига Кушон маданиятининг таъсирида кўриш мумкин. Милодий I асргача Хуросон–Амударё маданиятининг ўзига хослиги Осиёдаги энг ривожланган ўлка экани билан алоҳида ажралиб турган. Александр Македонский шарққа юриш қилганда ҳам, Хуросон ҳукмдори Форосмон у билан дўстона муносабат ўрнатиб, сиёсий мустақилликни сақлаб қолди. Айниқса, Хуросон–Амударё водийси санъати ва бинокорликдаги ўзига хослик шундан далолат беради. Душманга бас қилиш учун қурилган мудофаа кўрғонлари, Сўғд давлати ҳудудидан топилган қумуш идишларга чизилган суратлар бунинг намунасиридир. Ёки Қўй қирилган қалъани ҳам шундай ўзига хос маданият ёдгорлиги деб айтиш мумкин. Қалъанинг атрофини девор ўраб турган. Девор ҳам душмандан ҳимояланиш учун, ҳам ўтроқ яшаш учун имконият эди. Қалъа думалоқ шаклда бўлиб, шаҳар ичида икки қаватли ёйсимон-думалоқ иншоот бор эди. Бу ё подшоҳнинг макбараси ёки вафот этган подшоҳларни

хотирлаш учун қурилган диний иншоот бўлган.⁴

Милоннинг I асридан кейин Хуросон–Амударё маданияти таназзулга юз тутди. Энди унинг атрофидан Бактрия, Кушон давлатларидаги санъатнинг, ҳунармандчиликнинг бу давлат санъатига кучли таъсирини кўриш мумкин.

Шуниси муҳимки, ҳар бир халқнинг мустақил, бетакрор маданияти мавжуд, аммо сиёсий жараёнлар, шубҳасиз, маданиятга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ёки бир тарихий даврдан иккинчисига ўтиш жараёнида ҳам маданиятнинг ҳар икки турида – моддий маданиятда ҳам, маънавий маданиятда ҳам ўзгаришлар юз беради. Бунинг ижобий ва салбий томонлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, араблар истилоси натижасида исломнинг кириб келгани ижобий ҳодиса, аммо араблар ерли маданиятни йўқ қилдилар, айниқса, моддий маданият ёдгорликларини вайрон қилдилар, Марказий Осиёнинг тўб ёзув маданиятига барҳам бердилар. Умуман олганда, маънавий маданият ҳам, моддий маданият сингари, ворисийлик хусусиятига эга. Ўтмишдан анъанавий тарзда етиб келган маданий ёдгорликлар қадрият сифатида сақланиб қолади, гарчи уларнинг кўпчилиги бугунги кун учун амалий жиҳатдан хизмат қилмаса ҳам. Аммо маънавий ёдгорлик сифатидаги аҳамияти катта. Айтайлик, қадимий уй–рўзгор буюмлари, санъат ва мусика асбобларига бугунги кунда эҳтиёж бўлмаслиги мумкин, лекин маънавий мерос сифатида аҳамиятини сақлаб қолаверади. Маълум бир даврдаги халқнинг яшаш тарзи, дунёқараши атроф–муҳит ҳақидаги турли тасаввур–тушунчалари ана шу буюмларда акс этади.

Ўтмишдан етиб келган баъзи маданий мерос намуналари шакл ва мазмунини ўзгартириши мумкин. Жумладан, удумлар, маросимлар, урф–одатларнинг замон ва жамият талабларига, маҳаллий хусусиятларга мослашувини шу билан изоҳласа бўлади. Айтайлик, дафн маросимлари ва тўй маросимларидаги ўзгаришлар маҳаллий хусусиятларга боғлиқ бўлиши билан бирга, жамият талабларига ҳам мослашиб боради.

Умуман олганда, маданий тараққиёт ўзгариб, бойиб боровчи ҳодиса. Маълум даврга келганда, бир буюм ёки меҳнат қуроллари, ов қуроллари ва ҳоказоларнинг ўз даври учун муҳим бўлган маънавий аҳамияти сусайса ҳам, маданий ҳодиса сифатида сақланиб қолади. Зотан ворисийлик қонунияти моддий ва маънавий мероснинг асосидир.

Демак, моддий ва маънавий мерос – тарихий ҳодиса. У умумжаҳон, минтақавий, ҳудудий, миллий қимматга эга бўлиши мумкин. Кези келиб бир давр ва миллатга мансуб маънавий мерос намуналари умуминсоний қадрият касб этса, бу – табиий ҳол. Жаҳон мулкига айланган илмий ва диний қадриятлар, Шарқона ахлоқий фазилат ва удумлар, меъморчилик ва

⁴ Климгит. Қадимги ипак йўли маданияти (немис тилидан уйғур тилига таржима). “Шинжонг халқ наприёти”, 2003, 241–242–бетлар.

мусаввирлик бисотлари бунинг исботидир.

Аждодлар яратган жами бойликка янги авлод меросхўр бўлади, тарихий аҳамиятини йўқотган маданият ўрнида яна маданият вужудга келади, аввалгилардан кўп нарсалар ўзлаштирилади. Ўтмиш тажрибаси бугун ва келажак учун ҳар доим аскотиши мумкин, шунингдек, бугун унутилган нарсалар бутунлай йўқолиб кетмайди. Масалан, В.Шекспир юз йилча унутилиб, кейинги авлодлар учун жаҳон адабиёти ва драматургиясининг классиги сифатида танилди.

Ўтиш даврида маданий мероснинг хусусияти ўзгариши мумкин, яъни мерос мавжуд нуктаи назар ва билимлар талабига мос келувчи янги талкида мазмун касб этади. Мана шундай кўринишда у келажакка мерос бўлиб ўтади. Бизнинг кунимизгача Сукрот ва Демокрит асарларининг асл нусхаси сақланиб қолмаган, бироқ ҳар бир авлод уларнинг ғоясини ўзи учун янгитдан кашф қилди ва уларнинг фалсафасини талқин қилувчи минглаб китоблар яратилди.

4 – МАВЗУ

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Режа:

1. Миллий ўзликни англаш ва миллий маданият муносабатлари.
2. Жамиятнинг моддий ва маънавий ривожини – ҳар томонлама ривожланишга сабаб бўлди. Миллий ахлоқ ва ягона миллат, ягона Ватан туйғуси.
3. Мустақил Ўзбекистон шароитида миллий маданият ривожланиши учун омиллар ва миллий маданиятнинг бугунги жаҳон маданияти каторидан ўрин олаётгани ҳамда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётгани.

Жамият тобора ривожланиб борган сари, миллий ўзликни англаш миллий маданиятга ўз таъсирини ўтказиб боради. Дунёда нечта миллат ёки элат бўлса, ҳаммасининг ўзига хос, такрорланмас маданияти бўлиб, ҳар бирининг маданияти шаклан ва мазмунан бир-биридан фарқ қилади.

Аввалги бобларда “маданият” термини ва бу термин остидаги тушунча тўғрисида сўз юритиб, маданий тараққиёт босқичлари, унинг икки тури – моддий ва маънавий маданиятнинг пайдо бўлиш манбалари ва омиллари каби масалаларни кўриб чиққан эдик. Мазкур терминнинг кўп маънолилигини назарда тутган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, маданият – фақат воқеликнинг турли соҳалари эмас, балки шу соҳаларда инсоннинг яратувчи ва бош омил экандир. Турли-туман миллий ва тарихий анъаналар маданиятнинг ҳозирги кифасига чатишиб, миллий

маданиятларнинг ривожда муҳим рол ўйнади. Биргина мисол: ўтмишдаги собиқ Туркистон ўлкасида кенг омма ўзининг эстетик эҳтиёжларини кондиритиш учун кечалари гуруҳ–гуруҳ бўлиб ғазалхонлик, қиссахонлик қилганлари тарихдан маълум. Аҳолининг юқори савиядаги китобхонлиги даражаси ҳозирга қадар давом этиб келаётгани бошқа миллатларнинг таъсири натижасида юзага келган эмас, балки миллатнинг ўтмишдаги анъаналари маҳсули сифатида бугун ҳам давом этиб келмоқда.

Маданиятдаги турли–туманлик маълум миллат ёки элатнинг сони оз–кўплигида эмас, балки ижтимоий–иқтисодий ривожланиш даражаси, ҳўжалик юритиш тармоқларининг хилма–хиллиги, табиий ва иқлим шароити, географик жойлашуви, маънавий турмуш тарзи ва бошқа қатор омиллар билан белгиланади. Миллий ва тарихий анъаналар ўз йўли бўйича, сунъий таъсирларсиз ва тазйиқларсиз кечгандагина ўз қиёфасини сақлайди. Сунъий ғоялар, қарашлар, тушунчаларни олиб кириб, миллий ва тарихий анъаналарни ўзгартиришга уринишлар ёки таъқиқлар ижобий натижа бермайди. Бундай ҳолатга халқ эмас, балки маълум шахс ёки шахслар таъсир кўрсатишга уринади, аммо халқнинг удумлари сифатида у сақланадими ёки йўқми – бу бошқа масала. Собиқ Шўро даврида бир неча минг йиллар давомида анъана бўлиб нишонлаб келинган Наврўз байрамининг номини, мазмунини ва моҳиятини ўзгартиришга бўлган ҳатти–ҳаракатларнинг ижобий натижа бермагани маълум. Фақат Ўзбекистонда эмас, балки Шўро ҳукмронлиги остидаги кўп элатларнинг анъаналарига муносабат оқибати ҳам ачинарли бўлди. Масалан, Сибирь туркий халқларидаган хақасларнинг азалий эътиқоди шомонликка нисбатан ўтган асрнинг 50–йилларида сиёсий нуктаи назардан ёндашилиб, бу оқимнинг “реакцион моҳияти” тўғрисидаги диссертациялар пайдо бўлди. Бундай тадқиқотлар шомонизмга ҳукмрон партия (ўша даврдаги коммунистик партия назарда тутиляпти) нуктаи назардан ёндашди.¹ Миллийликни, миллий анъаналарни “ягона совет маданиятига айлантириш” ғояси ҳукмрон бўлган ўша шароитда маданий жараёнга ноҳолис муносабатнинг шундай бўлиши табиий эди. Чунки Наврўз сингари азалий байрамлар миллий маданиятнинг асл қиёфасини белгилайди.

Айни пайтда миллий–маданий анъаналарга муносабатда анъаналарнинг туб моҳиятидан келиб чиқиб ёндашув даркор. Бу сингари анъаналарни сохталаштиришда ва “янги замон” (Шўро замони)га бўйсундиришда бир муҳим ҳолат ҳисобга олинмаган: Наврўз – диний байрам эмас, балки унинг пайдо бўлиши халқнинг том маънодаги миллий маданияти – иззат–ҳурмат, улуғлик, яъни она заминни муқаддас деб қараш маҳсули эди. Чунки Наврўз сингари Халқ миллий байрамларининг остида тасодиқий тушунчалар ёки шахсиятларнинг қарашлари эмас, балки

¹ Бутанаев В.Я. Традиционный шаманизм Хонгоря. “Абакан”, 2006, стр. 7.

халкнинг тафаккури, дунёкараши, оламни билишга бўлган эҳтиёжи ётади. Бу борада мустақилликдан кейин барча халқ байрамлари қатори, Наврӯз байрамига нисбатан ҳам муносабатнинг асл ҳолига қайтгани гоят ибратлидир. Зотан, қадимда Хоразм ҳукмдорларининг халқ байрамлари анъанасига бўлган муносабати ҳам халқ анъаналарини сақлаш кераклигига бир даъватдир. Хоразмшоҳлар сулоласининг охириги вакилларида бири Аҳмад ибн Муҳаммад милодий 959 йили Ажгар байрамини қачон нишонлаш кераклиги тўғрисида мунажжимлардан сўрайди. Мунажжимлар форслар ва Хоразм халқи йилнинг ойларига маълум кунларни тўлдириш ҳисобига бу байрамни нишонлаб келганларини айтади. Ҳукмдор мунажжимларнинг жавобини эшитгач, шундай жавоб беради: “Бу иш пароканда бўлиб, унутилишгача борибди. Халқ шу кунларга таяниб, йилнинг тўрт фасли ўртасини белгилаб келяптилар. Одамлар, бу кунлар (яъни халқ ўзлари қўшган кунлар) барқарор ва ўрнини ўзгартирмайди, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг тахмин қилишларича, Ажгар – ёзнинг ўртаси, Нимҳоб – қишнинг ўртаси, ўша кунлардан маълум кунлар ўтгач, улар экин–тикин ишлари вақтини белгилайдилар. Улар ўзларининг хатоларини узоқ йиллардан кейин англаб етадилар. Вақтлар оралиғини белгилашда одамлар ўртасидаги ҳар хилликларнинг келиб чиқиши сабаблардан бири шудир. Масалан, баъзиларнинг айтишича, буғдой экиш вақти Ажгардан кейин олти–ўн кун ўтгач келади, бошқалар эса, “кўпроқ”, яна бошқалари “озроқ” кундан кейин келади, дейдилар. Уларнинг вақти ўзгармаслиги учун йилнинг ўзгармас, аниқ бир пайтига мустаҳкамлаш усулини топишимиз тўғри бўлади”. Шундан сўнг мунажжимларнинг маслаҳати билан Ажгарни байрам қилиш, румликлар ва сурёнийлар йил ҳисобига таянган ҳолда, йилнинг маълум вақтига мувофиқ белгиланиб, шу асосда деҳқончилик, боғдорчилик ишларини қачон бошлаш вақти аниқ белгилаб қўйилган².

Беруний келтирган бу далил ҳам халқ анъаналарини ўз ҳолича сақлаш кераклигини кўрсатади.

Даврлар ўтиши билан бир миллатга мансуб маданий ҳодиса янгича мазмун касб этиши мумкин. Бундай ҳолат жамиятнинг моддий ва маънавий ривожига боғлиқ. Мустақиллик давридан бошлаб маданий тараққиётда, хусусан, оммавий ахборот воситаларининг мазмунан кескин ўзгариши шу билан белгиланади. Зотан, маънавий юксалиш маънавий маданиятнинг тараққиётига олиб келди. Ёки аксинча, маданий тараққиёт иқтисодий ва маънавий тубанлашиш оқибатида ортга кетиши ҳам мумкин. Жумладан, Агрифийлар сулоласида Хоразм давлатидаги шаҳарларнинг йўқолиб бургани бунга мисолдир. У даврда бир неча шаҳарлардан бор–йўғи учта шаҳар – Урганч қолган эди.

Миллий маданиятнинг ўзи яқка ҳолда ривожлана олмайди. Фақат

² Бируни. Избранные произведения. Том-1, Ташкент, 1957, стр. 262–263.

жаҳон маданий жараёни билан узвий алоқада бўлгандагина миллий маданиятнинг ривожига ҳақиқат сўз юритиш мумкин. Ягона умуминсоний маданият шу тариқа қарор топади. Хуллас, миллий маданият жаҳон маданиятини узвий қисми сифатида шаклланади. Динлар, археологик ёдгорликлар, қадимий архитектура иншоотлари, ёзув маданияти, кўлэзма китоблар, фан, адабиёт кабилар умуминсоний маданиятнинг бир қисмидир. Шунингдек, инсоният кундалик ҳаётининг эҳтиёжларининг турли кўринишлари (телевидение, радио, театр, матбуот ва х.) миллий маданият меъёрларига айланиб қолди.

Миллий маданият умуминсоний маданиятнинг бир қисмига айланиб, уни бойитиб боришини хитойликларнинг ҳаётида кўриш мумкин. Улар ўз миллий маданиятини бутун олам бўйлаб ёйишга ҳаракат қилдилар. Милоддан олдинги II асрда Ғарбий Хан сулоласи лашкарбошиси Чжан Цзянь ҳарбий юришлари давомида Ғарб мамлакатларига, жумладан, Марказий Осиёга ёриб кирди. Бунгача хорижлик савдогарлар Хитойдан ипак олиб чиқишни бошлаган эдилар. Энди шу юриш натижасида тамаки, тут кўчатлари, порох, компас, мис эритиш техникаси, қоғоз тайёрлаш рецепти, чой, шафтоли ва қатор мева турлари кириб борди. “Хан маданияти ҳудуди” деб номланган маданий чегаралар шу тариқа пайдо бўлди.

Бир халқ ўз миллий маданиятини бевосита ёки билвосита бир халққа ўтказиши натижасида бу халқнинг маданияти ўша халққа ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Тарихда “скиф–ҳайвонот услуги” деган санъат мавжуд бўлган эди. Бу санъат тури Марказий Осиёнинг турли ўлкаларига кенг ёйилди. Айниқса, фанда “Амударё дафинаси” деб ном олган скиф–ҳайвонот услубига оид ёдгорликлар машхур. Бир–бири билан жанг қилаётган ҳайвонлар тасвири бор олтин безаклар милоддан олдинги дастлабки асрларда Сибирь ва Мўғулистонда кенг тарқалди. Бу ўлкалардаги “скиф–ҳайвонот услуги” асли Ўрта Осиёдаги массагетларнинг ҳаёт тарзи кучли таъсир этиши натижасида пайдо бўлган. Шу санъат тури Хан сулоласи давридаги Хитой санъатига кучли таъсир этди,³ яъни Ўрта Осиёнинг азалдан Хитой билан ўзаро тарихий муносабатлари ҳар икки халқда маданий юксалишни пайдо қилди.

Миллий маданиятларнинг маълум бир ҳудудий чегаралари бўлса ҳам, уларда анъана, авлодлар оша тарихий тақдирнинг бирлиги бор. Агар бир ҳудуд доирасида чегараланиб қолса, бундай маданият намунаси умуминсоний маданият маҳсулига айлана олмайди.

Миллий маданият ривож топиши учун фақат анъана ва ўзаро таъсирнинг ўзи кифоя эмас, балки маълум қонуниятга таянади. Бу қонуниятлар маданият **агентликлари** ва **институтлари** орқали юзага келади. Ҳар иккаласини фалсафий термин билан **маданият субъектлари**

³ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, “Фан” нашриёти, 1964, 151–бет.

деб аташ мумкин. Маданият субъектлари ижтимоий ҳаракат орқали юзага чиқади. Ижтимоий ҳаракат субъекти эса, фаолиятдаги шахс деб айтилади.

Маданият агентларига куйидагилар киради: 1) катта ижтимоий гуруҳлар, биринчи навбатда, этнослар (қабила, халқ, миллат); уларнинг орасида битта қабилага хос барқарор умумийликлар мавжуд бўлади. Одамлар умумий тарихий тақдирга, умумий анъана ва маданиятга, ягона турмуш хусусиятларига, ҳудуд ва тил бирлигига эга бўлади. Бу омиллар миллий маданиятни ҳосил қилувчи асосий белги сифатида муқим бўлиб қолаверади. Миллий маданиятнинг бу белгиси энг кўп тарқалган.

Аммо этнос ва ҳудуд бир бўлмаса ҳам, анъаналарнинг ўзаро таъсири турли этнослар маданиятида умумийликларни пайдо қилади, бора-бора бу умумийлик халққа шунчалик сингишиб кетадики, у гўё бир халқнинг мулкидай таассурот қолдиради. Илм-фан, касб-корнинг турли ҳудудларга ва этносларга ёйилганида шуни кўриш мумкин. Жумладан, кўп этнослар ҳаётидан ўрин олган астрологиянинг фан сифатида тараққиёти бунга ёрқин мисолдир. Астрология Месопотамияда милoddан олдинги I минг йиллик ўрталаридан кейин Саргонийлар саройида муҳим фан сифатида амал қилган. Ўша даврга оид оссурий ёзма ёдгорликларида қайд этилишича, хайвонларнинг ички аъзоларини қурбонлик қилиш орқали фол очиб, башорат қилганлар. Астрология математик астрономиянинг ривожига ҳам ҳеч қандай ҳалакат бермаган. Ҳатто табиий фанлар ривожланиб, астрологларнинг башоратларига зид равишда табиатдаги ўзгаришлар, офатлар юз берганда ҳам астрология фани ўз аҳамиятини йўқотмади. Астрология ва математик астрономия турли ижтимоий ва интеллектуал гуруҳлар доирасида тараққий этиб, гоҳ оралик бўғинлар орқали, гоҳ тўғридан-тўғри Мисрга ва эллинизм даврида ғарбга ўтди⁴. Шу тариқа бугунги кунда ғарбда астрология инонч-этиқодларга асосланган фан сифатида ривожланди. Руслар, европа халқлари, ҳатто Ўрта Осиё халқлари ҳаётида ижтимоий ҳодиса сифатида талқинларини кўриш мумкин. Бир-бирига асло алоқаси бўлмаган, ҳудудий жиҳатдан яқинлиги ҳам йўқ турли этник гуруҳлардаги бу сингари ҳодисалар ҳар бир этноснинг маданий мулкига айланиб қолаверади.

2) Маданият ва санъат асарларини яратувчи, таҳлил қилувчи гуруҳлар, шунингдек, бадиий асарларга маълум жиҳатдан алоқадор мутахассислар – мусикашунослар, ўлкашунослар, санъатшунослар, ўлкашунослар, филологлар, философлар, архитекторлар, қурувчилар ва б. Миллий маданиятнинг мазкур агентлари кенг камровли бўлиб, ҳам моддий маданиятни, ҳам маънавий маданиятни камраб олади. Маданиятдаги анъанавийлик, ўзаро таъсир буларнинг ҳар бирида кузатилади. Лекин этник бирлик ва тил бирлиги ҳам маълум даражада роль ўйнайди. Миллий ва маънавий юксалишнинг замини ҳам ана шу воситаларда. Зотан, “шахс

⁴ Оппенгейм А. Древняя Месопотамия. М., “Наука”, 1990, стр. 247.

Ўз миллати билан, яъни ўзига хос ирқлар қоришмаси билан зич боғланган. Бу қоришма эса, миллат, давр, жой ва таркибий элементлар билан чегараланган”⁵. Ирқлар қоришмаси бўлса ҳам, миллатнинг тафаккур тарзи бир миллатга хос маданиятни шакллантиради.

Миллий маданият агентликларини, юкоридагилардан ташқари, томошабинлар, кичик ҳаваскорлик гуруҳлари, китобхонлар, ижодий уюшмалар (композиторлар, ёзувчилар, архитекторлар уюшмалар ва ҳ.) ҳам маданият агентликларини ташкил қилиб, миллий маданиятнинг ўзига хос киефасини шакллантиради. Бу маданият агентлари ўз миллий киефасини намоён қилганда ва касб маҳоратини ошириб борганда, омма томонидан яхши қабул этилади ҳамда миллий маданиятнинг муҳим бўғинига айланади. Хуллас, миллий маданиятнинг ривожини яққа шахсга ҳам, гуруҳларга ҳам боғлиқ. Бу тоифалар одамларнинг маданий савиясини кўтаришга таъсир этади, маданий кадриятларни сақлаш, тарғиб қилиш ва кенг омма орасига ёйишга хизмат қилади.

Маълум бир ҳудуддаги миллий маданиятнинг ривожиди алоҳида юксалиб, шу ҳудуддаги бошқа миллатларга намуна бўладиган ё уларнинг маданиятига замин бўладиган ирқ ёки миллат йўқ. Фақат айрим томонларига туртки бериши мумкин. XIX аср охирида бунинг акси бўлган қарашлар, яъни “соф ирқ”нинг маданияти тўғрисидаги ғоялар илгари сурилган эди. Жумладан, “Тангдан Гебридгача ёйилган” арийлар ирқига алоҳида эътибор кучайиб, бу ирқнинг “тилида, динида, адабиёти ва фалсафасида қон-қардошлиқни ва рухий бирлик”ни кўрган эдилар. Айни пайтда ирқларнинг қоришиқлиги қонуний ҳодиса экани ва қоришиқ ирқларнинг маданий юксалиши кузатилгани тўғрисидаги қарашлар ҳам Германия, Франция мисолида аниқ далилланган эди⁶.

Агар гап Европа арийлари ирқига ва бу халқнинг маданиятига бориб тақаладиган бўлса, бу ирқнинг аслида Европа ирқига асло алоқаси йўқ. XIX асрдан бошлаб Европа шарқшунослари орасида кўп тарқалган нуқтаи назарга кўра, II минг йилликдан олдин Ўрта Осиёдан, хусусан, Амударё ва Сирдарё оқими бўйлаб жойлашган ўлкадан тортиб Орол ва Каспий денгизларигача чўзилган юртдан Ҳиндистонга арийлар қабиласи бостириб кирган (М. Майрхофер, И.М.Дьяконов, Т. Боррау ва бошқа кўп шарқшунослар шу фикрда). Ана шу даврдан бошлаб арийларнинг алоҳида қабилалари турли томонга кўча бошлаганлар. Бу кўчиш II минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади. Улар Ўрта Осиёдан Афғонистонга, у ердан Ҳиндикуш тоғлари орқали Ҳиндистонга – ҳозирги Панжоб вилоятига ўтганлар. Арий деган номни Ҳиндистондаги қабилалар қўйган эмас, балки Ўрта Осиёдан борган қабилаларнинг ўзлари олиб борганлар. Арийлар “нафақат ҳарбий истеъдоди билан, балки бадиий сўз соҳасидаги

⁵ Арнаудов М. Психология литературного творчества. М., “Прогресс”, 1970, 31–бет.

⁶ Арнаудов М. Юкоридаги асар, 32–33–бетлар.

иктидори билан ҳам ажралиб турганлар...Бу кабилаларнинг энг асосий хазинаси мадҳиялар бўлиб, келгусида жамланган Ригведаларнинг асосида ана шу мадҳиялар ётган эди”.⁷

Бу ўринда арийларни соф ирк сифатида талкин қилишга ҳожат йўқ. Арийларни соф ирк сифатида маданият агентлари сифатида баҳолаш ҳам бир ёқламадир. Арийлар Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга, сўнгра Европага ёйилиб, у ердаги бошқа халқлар билан қоришиб, соф ирқлигини йўқотган экан, арийлар ҳақидаги ақидаларга герман тиллари бўйича машҳур мутахассис Макс Мюллернинг куйидаги қатъий фикрини келтириб ўтиш ўринлидир: “Мен учун брахидефал луғати ёки долихоцефал грамматикаси тўғрисида гапирадиган ҳар қандай филолог сингари, арий ирки, арий қони, арий кўзлари ва сочлари ҳақида гапириши мумкин бўлган этнолог шунчалик гуноҳқордир. Мен арийлар ҳақида гапирганимда, қон ҳақида, бош суяги ҳақида эмас, балки қандайдир арий тилида гапираётган халқлар тўғрисида ўйлайман”.⁸

Миллий маданият ривожда шаҳар маданияти муҳим рол ўйнайди. Зотан, маданият агентлари, гуруҳлари ва ташкилотларининг аксарияти шаҳарларда жойлашган. Булардан ташқари, маълум бир мамлакат ҳудудида маданий тараққиёт, цивилизация азалдан “моддий, иқтисодий сабабларга боғлиқ бўлиб келган. Биринчи навбатда, одамлар мўл–кўл ҳосил ишлаб чиқара бошлайдилар. Агар шаҳар цивилизациялашган бўлса, одамларнинг меҳнати юксалиб бораверса, зарур эҳтиёжларни қондириб, бу мўл–кўлчилик ҳашамат ҳисобланган тирикчилик воситалари сифатида фойдаланилади” (Ибн Ҳалдун). Миллий маданиятнинг қиёфасини белгиловчи омиллардан бири цивилизациядир. Ибтидоий даврдан бошлаб маданият бўлган, аммо цивилизация кейинроқ – давлатчилик ва шаҳарлар пайдо бўлган даврдан бошланган. Ҳатто бугунги кунгача Полинезия ва Океанияда инсоният ибтидоий ҳаёт тарзини кечираётгани учун, у ерларда маданият бор, аммо цивилизация йўқ, чунки бу ўлкаларда ёзув, шаҳар, давлат йўқ.

Цивилизациянинг асосий белгиларидан бири ёзувдир. Айни пайтда “ёзув маданияти” деган тушунча жамият, маданият ва цивилизацияни бирлаштирувчи, бир–бирига боғлаб турувчи омил, қабилачилиқдан тортиб миллат шаклланишга қадар давр оралиғида цивилизациянинг асосий бўғини бўлиб келди. Ёзув давлатчиликнинг ривожда, хусусан, девонхоналар ташкил қилишда ва иш юритишда асосий восита бўлиб келди. Аммо бу–миллий маданиятнинг қиёфасини белгиловчи омил бўлган цивилизация қишлоқ жойларига кириб бормаиди, дегани эмас. “Цивилизация” сўзи таркибидаги “civis” сўзи аслида латинча бўлиб,

⁷ Елизаренкова Т.Я. Ригведа – великое начало индийской литературы и культуры. “Ригведа” китобида, М., “Наука”, 1989, 426–бет.

⁸ Бу ҳақда қаранг: Арнаудов М. Юқоридаги асар, 32–бет.

“шаҳар аҳолиси” ёки “шаҳар фуқаролари” деган маънони билдиради. Зотан, даврлар ўтиши билан “цивилизация” терминининг маъноси ўзгариб турган. Цивилизация шаҳар аҳолисига қанчалик алоқадор бўлса, қишлоқ аҳолисига нисбатан ҳам шунчалик тегишлидир. XVIII асрда “цивилизация” Европада юқоридагидай “шаҳар аҳолиси” маъносини ифода этган бўлса, XIX асрда ҳуқуқ ва эркинликлар, ижтимоий қоидалар, шунингдек, ҳуқуқ-атворнинг мулоҳимлиги, муомалада ёқимлилики каби ахлоқий тушунчаларга нисбатан шу термин қўллана бошлади.

Қишлоқ ва шаҳар маданияти ўзаро зич алоқада. Қишлоқ жойларидан айрим маданият институтлари шаҳар маданиятига кириб келиши мумкин. Масалан, қишлоқ жойларидаги халқ миллий ғуруҳига мансуб дорбозлар кўпроқ шаҳарларда фаолият кўрсатади. Қишлоқ маданияти ривож топгани сари, миллий маданият ривожланиб бораётгани сезилади.

Миллий маданият ривожини унинг миллатга хос аломатларини белгилайдиган яна бир муҳим омил адабиёт ва санъатдир. Адабиёт ва санъат асарлари яратилгандан сўнг маданий кадрлар сифатида яшайди. Адабиёт ва санъат вакиллари маданият агентларидир.

Адабиёт ва санъатнинг миллий маданиятга алоқадорлиги шунда намоён бўладики, она тилидаги адабиёт миллатнинг тафакқурини ўстиришда муҳим рол ўйнайди, адабиёт ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини эгаллаб, жамиятнинг ҳамма табақалари учун бир хил вазифани – инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда муҳим вазифа бажаради. Ўтмиш ўзбек адабиётининг даврлаштирилишида ҳам айни шу хусусиятлар – маълум бир даврда юксак маънавий ва маданий кўтарилиш белгилари асос қилиб олинган. Исломгача бўлган даврдаги адабиёт намуналарининг турли оқимларга мансублиги ҳам, Қорахонийлар, Олтин Ўрда, Темурийлар, уч хонлик адабиётида ҳам адабиётнинг маънавий-маданий жараёни яратгани ва шакллантиргани асос қилиб олинади.

Албатта, адабий жараён ёки санъат асарлари ўз ҳолича маълум даврда из қолдириб, ўзининг юксак вазифасини бажариши қийин эди. Бу жараён шубҳасиз, маданият агентларига боғлиқ эди. Ҳукмдорларнинг адабиёт ва санъатга ғамхўрлиги, яъни уларнинг маданият агентлари сифатида фаолият кўрсатганлари муҳим рол ўйнаган. Бунинг устига, адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаётига яқинлиги миллийлик қиёфасининг акс этишига сабаб бўлади. Ҳукмдорлар маданият агентлари сифатида маданий маҳсулотларни яратувчилар, шахсиятларнинг маданий обидалар яратишга оид имкониятларини шакллантиришга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчилардир. Энди ҳар бир давр адабий жараёнини миллий маданият ҳодисаси сифатида қисқача шарҳлаймиз.

Қорахонийлар сулоласи барпо бўлгач, сомонийлар ва ғазнавийлардан фарқли равишда, ўз қўл остидаги вилоятларда ижтимоий-сиёсий, моддий-маданий ҳаёт даражасини изга солиб, сулоланинг ҳамма ўлкаларида маданий ва иқтисодий ҳаётни ривож топтиришга алоҳида

этибор қаратдилар. Қорахонийлар сулоласининг махсули бўлган “Қутадғу билиг”, “Девону луғатит-турк” асарларининг юзага келиши маданий ҳаётда кескин бурилиш бўлди. Айниқса, “Қутадғу билиг”да илгари сурилган одоб-ахлоқ, ижтимоий гуруҳларнинг феъл-атвори, жамиятдаги ўрни, давлат қурилиши, иқтисод ва ҳўжалик, маърифат ва ободончилик, моддий маданият каби қатор масалалар том маънодаги шарқона ва туркона масалалар эдики, на Европа мамлакатларида, на шарқда бу сингари асарлар такрорланди. Ҳокимиятни идора қилиш Қорахонийлар сулоласидан бўлган ҳукмдорлар қўлига ўтиши муносабати билан, сўниб қолган маданий ҳаётда яна жонланиш бошланди. Маданий ҳаётнинг таянчи бўлган адабиётнинг зиммасига муҳим ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий вазифалар юкланди. Бу вазифалар – мамлакатда соғлом маънавий муҳит яратиш, ҳукмдорлар ва халқ ўртасидаги мўътадил муносабатларни шакллантириш, турли тоифа ва табақаларнинг – олимлар, шоирлар, деҳқонлар, савдогарлар, чорвадорларнинг мамлакат маънавий ва моддий ҳаётига оид йўл-йўриқлар кўрсатишдан иборат эди. Юсуф Хос Ҳожибнинг идеал ҳаёт ҳақидаги бу қарашлари, шубҳасиз, илк ўрта асрлардаги маданий категорияларнинг шаклланишига асос бўлди.

Қорахонийлар давридаги маданий категорияларни “Қутадғу билиг” белгилаб беради. Жумладан, замон ва макон категорияси, бойлик ва камбағаллик, ҳуқуқ ва одатлар, жамият ва табиат, ижтимоий ва фазовий, меҳнат ва мулк, эркинлик ва адолат, яқка шахс ва ижтимоий гуруҳ каби қатор категориялар борки, “Қутадғу билиг”даги мазкур маданий категорияларнинг илк ўрта аср шарқида инсониятнинг олами манзарасини гавдалантириб беради. Бу категориялар доимо бир-бирига боғлиқ ҳолда юз беради. Бу категориялар ўрта асрларда ҳам янада такомиллашиб, Ўрта Осиё цивилизациясини ўзида тўлиқ ифода этади.

Темурийлар салтанатида ҳам, илм-фан ривожидан ташқари, архитектурада, миниатюра санъатида, хаттотлик санъатида, мусика, китобатчилик, ҳуллас, санъатнинг ҳамма турларида маданий категорияларнинг янада такомиллашуви ўрта асрдаги айрим гуруҳларнинг амалий фаолияти билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлди. Ҳирот, Самарқанднинг маданият марказларига айлангани ҳам буни тасдиқлайди. Айниқса, Бойсунғур Мирзо замонида хаттотлар, наққошлар, созандаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатгани тўғрисида Алишер Навоий алоҳида фахру ифтихор билан ёзади. Бойсунғур Мирзонинг ташаббуси билан Ҳиротда кутубхона ташкил этилди. Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда худди шундай маданий юксалиш бўлгани аён. Самарқанддаги архитектура ёдгорликлари Темур ва унинг авлодларининг Мавороуннахр маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси бўлди.

Ва ундан кейинги маданий ҳаётда Темурийлар давридаги мусика, тасвирий санъат, хаттотлик каби санъат турлари анъанавий тарзда давом этди. Шу боис бу давр маданий категорияларида Темурийлар

давридагидан алоҳида фаркли хусусиятларни кўрмаймиз. Ўрта Осиё мусиқа санъатининг қўшни мамлакатларда – Ҳиндистонда кенг ёйилгани ҳам⁹ миллий маданиятнинг ривожини узлуксизлигини кўрсатади. Айни пайтда миллий маданиятнинг бошқа мамлакатларда ривожини учун шубҳасиз, маданий муҳит бўлиши шарт эди. Зотан, Ўрта Осиё мусиқа санъати Ҳиндистонда Бобур даврида ва унинг ўғли Ҳумоюн ҳукмронлиги даврида ёйилган эди. Ёки Бобурийлардан Акбаршоҳ (1556–1605) замонида форс–тожик тилига таржима қилинган “Бобурнома” учун чизилган миниатюралар ҳам бу жиҳатдан диққатга сазовор. Умуман, XVI асрда Ҳиндистонда кўлёзма китобларни миниатюра билан безаш санъати анча жонланди. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сига, “Таворихи гузида – Нусратнома” кўлёзма китобларига чизилган миниатюралар бунга далилдир. Хива, Қўқон хонликларида қарашли турли иншоотлар, хусусан, масжидлар, мадрасалар қурилишида қадимий анъаналар давом этди. Мусиқа санъатида ҳам Темурийлар давридаги, хусусан, Навоий замонидаги “Ажам”, “Ироқ”, “Ҳижоз” каби мумтоз мақомлар ижро этиш давом этди.

Умуман, ўтмишдаги – Қорахонийлар сулоласидан бошлаб маданий категориялар шарқона маданий категорияларнинг узлуксиз давоми бўлиб, бу категорияларни анъанавий равишда бир даврдан иккинчисига олиб ўтишда маданият агентларининг ҳомийлиги катта аҳамиятга эга бўлган эди.

Биз қисқача кўриб ўтган салтанат ва сулолаларнинг маданиятидаги умумий ва жузъий хусусиятлар, гарчи ҳукмдорлар маданият агентлари сифатида фаолият кўрсатсалар ҳам, Ўрта Осиё халқларининг тафакқуридан айри эмас, балки, кенг омманинг дунёқараши, диди, бадиий тафакқури маҳсули сифатида юзага келди. Замонлар, салтанатлар, сулолалар турлича, аммо маданият ёдгорликлари – архитектура иншоотлари, миниатюра санъати Шарқ халқлари дунёқарашининг маҳсули, айни пайтда миниатюра санъати турли мактабларга мансуб вакилларнинг ижоди. Қўқон хонлигида Амир Умархон ҳомийлигида ва бевосита унинг раҳнамолигида юзага келган Қўқон адабий муҳити, Хива Хонлигида Муҳаммад Раҳимхон – Феруз раҳнамолиги ва моддий кўмаги асосида шаклланган адабий муҳит ва таржимачилик. Хуллас, ҳар бир сулола ва хонлиқдаги маданий тараққиётнинг ўзига хослиги ҳамда умумий хусусиятлари, юқорида баён қилганимиздай, яққол кўзга ташланиб туради.

Шўро давридаги маданиятга бўлган муносабатда эса, аксинча ҳолатни кўраемиз. Бу давр “ягона совет маданияти” яратишга уринди. Миллий маданиятларнинг таназзули учун бу атайлаб қилинди, “пролетар маданияти”нинг устуворлиги учун замин яратилди. Айниқса, диний маданият, диний адабиётларни нашр этиш тамомила таъқиққа учради.

⁹ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик, III жилд, Тошкент, “Фан” нашриёти, 1978, 20–бет.

Барча халқлар ва элатлар қатори, ўзбек халқининг миллий маданияти ўз киёфасини йўқота борди.

Миллий маданиятни ривож бирданига юз берадиган жараён эмас. Агентларнинг ёки яққа шахсларнинг ва гуруҳларнинг фаолияти миллий маданият учун асосий омил эканини юқорида кўриб ўтдик. Маданият агенти маданий мухитга мослашиб қолмайди, балки ўзининг “микроолам”ини яратади. У ўзининг олаmidан чиқиб, бегона маданият билан ўз муносабатини белгилайди. Бу муносабатлар асосида янги маданиятни яратади. Бегона маданият миллий маданиятга сингиша олса, демак, ўша маданият миллий маданият ривожига туртки беради, миллий маданиятни бойитади, чунки миллий маданият ўзгармайдиган, қотиб қолган нарса эмас. XIX асрнинг II ярмидан бошлаб, Ўрта Осиёга, хусусан, Туркистон ўлкасига кириб келган маданиятнинг турли кўринишлари – техника воситалари, китоб чоп этиш, адабиётдаги ва тилдаги ўзгаришлар, барча соҳалардаги илм–фан ютуқлари ва бошқаларнинг соф шарқона миллий маданиятга таъсирини эътироф этганимизда, шарқона ва Европа маданиятнинг уйғунлашувини кўрамиз. Аммо бу моддий маданиятга алоқадор ҳодиса. Бунинг заминиди маънавий маданиятга зарба етиши ҳамда охири–оқибатда мамлакатни, халқни қарам қилиб олиши ҳам мумкин. Бу вазиятни Турк хоқонлиги даврида (VI-VIII асрлар) Хитойнинг хоқонлиқка ипак инъом қилиб, охири ўзига тобе қилиб олганида ва Чор Россиясидан бошлаб Шўро даврининг охириги кунларигача барча собиқ республикалар қатори, Ўзбекистоннинг ҳам қарам бўлиб қолганида кўрамиз. “...тарихимизнинг том маънодаги қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл–юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз... халқимизнинг асрлар синовида янада қучайиб, тобланиб борган мустақкам иродаси, иймон–этиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балки миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга асос бўлди”¹⁰.

Миллий маданиятнинг, шубҳасиз, замини бор. Бу замин – ўтмиш ёки қўшни халқлар маданиятидир. Ўтмиш маданияти ўз даврида қанчалик янги ижод бўлса, унинг асосида юзага келган маданият ҳам ўз даври учун янги ижод ҳисобланади. Замон ва маконда маъно, мазмунини такомиллаштириб боради. Инсон ижодий фаолиятининг моҳияти шундан иборат. Бунинг яққол намунасини эстрада санъатида кўришимиз мумкин. Эстрада санъатининг мусиқа маданиятидаги ўрни бениҳоятда катта. Аммо эстрада санъати миллийликдан узоклашиб кетса, халқнинг руҳи, маънавияти қабул қила олмайди. “Биз эстрада санъатининг бугунги ва эртанги ривож ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор, “миллий эстрада” деган иборанинг маъно–мазмунига алоҳида эътибор беритишимиз, уни ҳар

¹⁰ Ислон Қаримов. Юксак маънавият – енгилмас қуч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 25–26–бетлар.

кандай бегона таъсирдан, айниқса, “оммавий маданият” руҳидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишимиз табиий, албатта. Бу ҳақда гапирганда, бу ҳолатни афсус билан айтишга тўғри келади. Айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган “асар”лари санъатнинг ҳар қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди¹¹. Маълум тарихий ижодий жараён жараён ва маданият бир-бирига уйғунлашган, халқ оммаси руҳиятига мослашиб, улар томонидан қабул қилингандагина, асл киёфасига эга бўлади. Шу боис маълум тарихий давр маданияти ва ижодий жараён қуйидагиларга боғлиқ эканини таъкидлашимиз керак: 1) янгиликлар учун ижтимоий буюртмага; 2) янгиликларни амалга ошириш учун маълум маданият шакллариининг борлигига; 3) ижодий шахсият туғиладиган ижтимоий ёки профессионал гуруҳлар хусусиятига; 4) жамиятда ижод қилиш учун тарбия ва шароит тизими¹². Мазкур ижодий жараён бир-бирига боғлиқ ҳолда амалга ошади, ҳаммасининг марказида инсон ва унинг ижодий фаолияти туради.

Миллий маданиятнинг дунё маданиятида эгаллаган ўрни муҳимлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Бунинг учун инкультурация (маданият кўникмасини ҳосил қилиш) муҳимлигини таъкидламоқчимиз. *Инсоннинг маданиятга аста-секин жалб қилиниши, маълум тарихий давр учун, маълум маданият кўриниши учун хос бўлган кўникмаларни, ҳулқ-атвор тарзини, ахлоқ мезонларини, тафаккур тарзини ва эмоционал хатти-ҳаракатни бир маромда ишлаб чиқиш маданият кўникмасини ҳосил қилиш дейилади.* Тил, миллий-маданий қадриятлар, ижодий фаолиятни ривожлантириш омиллари, халқ маданий жараёни ва маданият турларини (моддий ва маънавий маданиятни) яратиш жараёнида йиғилган ютуқлар йиғиндисини, анъана ва маданият ютуқларини ўзлаштириш шакллари каби элементларни назарда тутати. Маданият кўникмасини ҳосил қилиш халқнинг узоқ давом этадиган ижодий жараёни маҳсули сифатида юзага келган. Масалан, инсоният ҳаёт тарзининг тобора ўсиб-ўзгариб, такомиллашиб бориши – уй-жой шароитининг қулайликлари, таълимнинг юксалиб бориши, инсон маънавий ҳаётининг бойиши, муомала маданиятининг ўзгариши каби катор омиллар бутун жамиятга сингиб боради, жамият аъзолари томонидан барабар қабул қилиниб, ҳаётий мезонга ва заруратга айланади.

Хуллас, миллий маданият ривожининг омиллари ва шакллари кўп. Бир томондан, халқнинг ижодий жараёни, иккинчи томондан, бошқа халқларнинг маданиятидан миллат руҳи ва ҳаёт тарзига мос томонларини қабул қилиш ва ривож топтириш орқали миллий маданият такомиллашиб бораверади.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон шароитида адабиёт ва санъатга,

¹¹ Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 141–142–бетлар.

¹² Қультурология. Ростов–на–Дону. “Феникс”, 2006, стр. 566.

умуман миллий маданиятга мамлакатимиз Президентининг ғамхўрлик кўрсатаётгани алоҳида таъкидлашга лойиқ. Унинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидан келтирилган қуйидаги сатрлар миллий маданиятимизнинг бугуни ва келгусидаги ривожини белгилаб беради: “...биз бугунги кунда таълим–тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, Интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари замон талаблари асосида кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур”¹³.

¹³ Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 129–бет.

ИККИНЧИ БОБ

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ

5 – МАВЗУ

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ БОСКИЧЛАРИ

Режа:

1. “Маданий жараён” тушунчасининг тарихий категорияга мансублиги, унинг маълум бир халқ ёки ҳудуд билан чегараланмаганлиги. Маданий боскичлар маълум даражада регионал – минтақавий хусусиятни ўз ичига қамраб олгани.
2. Маданият универсаллиги тушунчаси. Маданиятнинг универсаллиги, географик ўрнидан қатъий назар, ҳамма маданиятга мансуб қадриятлар, қоида, анъана ва ўзига хос хусусиятлар, мезон, жамиятнинг тарихий даври ва ижтимоий қурилишидир.
3. Маданиятнинг ибтидоий боскичлари. Селенгур маданияти – Ўзбекистоннинг қадимдан инсоният маскани эканини далилловчи маданият боскичи. Скиф–хайвонот услуги – инсоният тафаккурининг, ўлкамизда истиқомат қилган илк инсониятнинг бадий–фалсафий тафаккури маҳсулидир.

Маданият ҳамма даврда инсоният жамиятининг моддий ва маънавий тараққиёти даражасини, инсоният яратган билимларни, ишонч–этиқодларни, санъатни, ахлоқни, қонунлар ва одатларни, шунингдек, инсон ўзлаштирган лаёқат ва кўникмаларнинг йиғиндисини ифодалаган. “Маданий жараён” тушунчаси тарихий категорияга мансуб бўлиб, маълум бир халқ ёки ҳудуд билан чегараланмаган. Шунинг учун мазкур жараён ҳамма даврларга ва халқларга тегишлидир.

Маданий тараққиётнинг маълум бир даврда пайдо бўлган ўзига хос хусусияти ва ноёб, тақрорланмас жиҳатлари ҳам борки, бу хусусиятлар маълум ҳудудда маданий боскичларни юзага келтиради. Масалан. ибтидоий маданият, антик маданият, уйғониш даври маданияти, ислом маданияти ва бошқалар. Маданий боскичлар маълум даражада регионал – минтақавий хусусиятни ўз ичига қамраб олади.

Аммо маданият универсаллиги тушунчаси бутун инсониятга мансуб бўлган маданий меросни ифодалаб, маданиятнинг регионал хусусиятига зид келмайди, аксинча, уни тўлдиради. Умуман, маданиятнинг универсаллиги, географик ўрнидан қатъий назар, ҳамма маданиятга мансуб қадриятлар, қоида, анъана ва ўзига хос хусусиятлар, мезон, жамиятнинг тарихий даври ва ижтимоий қурилишидир. 1959 йили Жорж Мердок жамики маданиятга мансуб 70 дан ортиқ универсал маданий

категорияларни аниқлади¹. Булар - спорт, календарь, тозалikka риоя қилиш, фолбинлик, декоратив санъат, тушни таъбирлаш, меҳнат таксимоти, таълим, гаройиб равишда шиқолашга ишонч, оила, байрамлар, дафн расм – русумлари, ўйинлар, табриқлар, тил, қонун, меҳорсўрлик ҳуқуқи, ҳазил–мутойиба, тиббиёт, мотам, мусика, мифология, рақам, ҳомиладорларга муносабат, ҳусусий мулкка эғалиқ ҳуқуқи, диний расм–русумлар, болани кўқрақдан ажратиш, об–ҳавони кузатиш ва б. категориялардир. Биз ҳам маданиятнинг мазкур таркибий қисмларини қўллаб–қувватлаган ҳолда, кўпроқ моддий маданият ва маънавий маданиятга, жумладан, амалий ва тасвирий санъат асарларига, илм–фанга, диний таълимотларга, этнографияга, мифология, ёзув ва бошқа баъзи жиҳатларига эътибор қаратамиз.

Маданиятнинг универсаллиги шунинг учун пайдо бўладики, ҳамма одамлар, дунёнинг қайси қитъасида яшамасин, жисмоний жиҳатдан бир хил тузилган, ҳаммасида ҳам бир хил биологик эҳтиёж бор, бир хил муаммоларга дуч келади. Одамлар туғиладилар, яшайдилар, вафот этадилар, шунинг учун ҳамма халқларда туғилиш ва вафот этиш билан боғлиқ одатлар, удумлар бор ва ҳ. Маданият универсаллигининг пайдо бўлиши тўғрисида сўз кетганда, албатта, гап маданиятнинг ибтидоий қўринишларига бориб тақалади.

Бугунги Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги даврлардан бошлаб инсоният истиқомат қилган. Ўлқанинг табиий шароити инсоният истиқомат қилиши учун шарт–шароит яратган. Археологлар бу борада бизга ёрдам беради. Бугунги Ўзбекистон ҳудуди Марказий Осиёдаги энг қадимий инсоният масканларидан бири эканини археология фани исботламоқда.

Дунё археология фани турли даврларда инсониятнинг яшаш тарзи, яшаш омиллари асосида маданий босқичларни ишлаб чиққан. Дунёнинг турли жойларидаги маданий босқичлар турлича. Жумладан, Африкадаги Мустьер маданий босқичи энг қадимги деб эътироф этилган. Марказий Осиёдаги энг қадимий маданият босқичларидан бири Селенгур маданияти деб ном олган. Бу маданий босқич Марказий Осиёдаги энг қадимий инсоннинг ҳаёт тарзини кўрсатади. Селенгур маданияти деб ном олган объект Фарғона водийсининг Сўх туманида. Мазкур маданий объект инсоният ҳаётига оид кўплаб маълумотларни йиғишга ва ўзгартиришга ёрдам бери. Ўлкамизда инсоният ҳаёти бир миллион йил нарида экани исботланди. Қолаверса, Марказий Осиё маданиятига оид мавжуд анъанавий тасаввурларни ўзгартиришга ҳам Селенгур маданияти туртки бери.

Тош даврига оид мазкур обида Ўзбекистон ҳудудида тасодиф эмас эди. Бу топилма Марказий Осиё маданияти тарихида кейинги даврларда

¹ Қаранг: А.И.Кравченко. Культурология. Учебник. М., “Проспект”, 2005, 21–бет

хам давом этди ва кенг ёйилди. Селенгур маданиятига оид ашёлар орасида кушнинг тумшугига ўхшаш болта, уй – рўзгор буюмлари шулардан намуна бўлиб, кейинчалик Марказий Осиёда кенг ёйилган, мустахкам ўрнашган хайвонот услубининг илк намунаси эди.

Мазкур маданий босқичга оид намуналар Ўзбекистоннинг қадимий тупроғидан қўплаб топилди. Қуйидаги далилга мурожаат этайлик.

1932 йили академик А.П.Окладников бошчилигидаги Термиз экспедицияси Бойсун тоғидаги Тешиктош ғоридан Мустьер маданиятига² оид ашёларни топдилар. Топилмалар орасида одамнинг боши, тана аъзолари, суяклари диққатга сазовор эди. Суяклар жой – жойига қўйиб тикланди. Натижада 9 – 10 ёшли боланинг скелети ҳосил бўлди. Бу скелет Европа, Осиё ва Африкадаги Мустьер даврига оид неандертал одам тоифасига мансублиги маълум бўлди.

Илк инсоннинг юртимизда яшагани тўғрисидаги маълумотлар албатта катта янгилик эди. Яна бир диққатга сазовор томони шу бўлдики, қабр устига тоғ эчкисининг шохлари қўйилган экан. Эчки шохлари қабрга безак учун қўйилган эмас, балки ўша даврга оид одамнинг дунёкараши, фикрлаш тарзини кўрсатарди. Тотемистик фикрлаш айна шу даврдан бошланганини мазкур ёдгорлик далиллайди. Чунки инсоният пайдо бўлгандан бошлаб атроф – муҳитга, табиий ҳодисаларга ўз муносабатини билдирган. Бу жараёни ибтидоий фикрлаш тарзи билан боғлаш лозим: инсон табиат билан ўзи ўртасига чегара қўймаган даврнинг маҳсули сифатида юзага келган.

Ўзбекистон тупроғидан топилган мазкур икки қадимий обида юртимизда инсоният ҳаёти, уларнинг яшаш тарзи тўғрисида тўлақонли тасаввур ҳосил қилади. Дунёнинг ҳамма қиъасида ҳам бир хилдаги маданий ёдгорлик учрайвермайди.

Мустьер маданиятига оид мазкур босқич Селенгур маданиятидан бир оз кейинроқ – тош даврининг 800 - 700 минг йилликларига оиддир.

Мустьер маданияти кенгрок тарқалган бўлиб, дунёнинг бошқа жойларида ҳам учрайди. Жумладан, 1952 йили Қримда Боғчасарой ёнида 1,5 - 2 ёшли боланинг бош суяги топилди. Мана шу топилмадан бошлаб Мустьер маданияти деган термин маданий тушунча сифатида кириб келди.

Ўрта Осиё минтақаси ҳамма даврда ҳам маданий обидаларга бойлиги жиҳатидан дунё маданияти тарихида алоҳида ажралиб туради. Маданий қатламлардаги узлуксизлик Ўрта Осиё маданиятида янги, такрорланмас обидаларни яратишга сабаб бўлди. Инсониятнинг бадий тафаккури чексиз имкониятларга эгалигини ҳам айнан Ўрта Осиёдан топилган маданий обидаларда кўрамиз. Тешиктошдаги эчки шохи бадий тафаккурнинг илк намунасидир. Кейинчалик инсоният тош ва қояларга суратлар ўйиш орқали ўз қобилиятини намоён қилди. Бу суратлар орқали

² 1952 йили А. Фармозов Боғчасарой яқинида ибтидоий одам яшаган манзилни топди. Мустьер маданияти деган ном ўша жойнинг номидан олинган. Францияда.

ибтидоий инсон кундалик воқеаларни ифодалабгина қолмаган, балки оламни кенг қамровли, мифология орқали англашни намоён қилган. Тош ва қояларга ўйилган суратларда турли жонзотлар, қушлар, афсонавий махлуқлар асосий ўрин эгаллайди.

Ўзбекистоннинг жанубида - Кўхитанг тоғларида ҳозирда ҳам инсон оёғи кам етиб борган жойлар мавжуд. Мана шундай жойлардан бири тоғдаги Зариўтсой бўйидаги ғорлардир. Соининг қирғоқларида жойлашган ғорларда инсонларнинг суратлари ҳам бор. Бу суратларнинг қачон яратилгани маълум эмас. Аммо инсониятнинг илк маданий босқичларида яратилган деб ҳулоса чиқариш мумкин. Афсонавий махлуқлар, бошқа баъзи тасвирлар шундан далолат беради.

Зариўтсой - Олтин ўт дараси деганидир. Соининг ўрта қисмида катта “айвон” бўлиб, бу жой Зариўт камар деб айтилади. Бу қисмда диққатга сазовор суратлар бор. Айниқса, қушлар ва ҳайвонларнинг тасвирига кўпроқ эътибор қаратилган. Ҳамма халқларнинг илк маданий босқичида қушлар ва ҳайвонлар тасвири асосий ўрин эгаллайди. Шарқдаги аксарият ибтидоий маданиятда шу жараёни кўриш мумкин. Санъатнинг бу тури ҳайвонот услуби деб номланади. Милоддан олдинги биринчи минг йилликларга оид асарларга нисбатан эса, скиф - ҳайвонот услуби деган ном ҳам қўлланади. Санъатнинг бу тури дунёнинг кўп ҳудудларида қадимий санъат тури - амалий ва тасвирий санъатга нисбатан қўлланади.

Скифлар маданияти. Скифлар милоддан олдинги VII асрларда тарих сахнасига чиқдилар. Скифлар тарихи, уларнинг турмуш тарзи, ҳарбий санъати ва бошқа кўплаб моддий ва маънавий ҳаётига оид қарашлар турли-тумандир. Гоҳ Жанубий Россия, гоҳ Шимолий Кавказ, гоҳ Ўрта Осиёга нисбат берилаётган скифларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ қарашлар бугунги кунга келиб ўзгариб бормоқда. Бу халқ тўғрисида юнон тарихчиси Геродот баъзи афсоналарни келтиради. Жумладан, қуйидаги афсонага мурожаат этайлик:

Геракл Герионнинг чорчасини ҳайдаб, ўша пайтда инсон оёғи етмаган юртга бориб қолган экан. (Ҳозир бу ерларда скифлар яшайдилар.) Герион Понтадан узоқда — Океан оролида, Геракл Устунлари ортидаги Гадирда истиқомат қиларди (бу оролни эллинлар Эрития деб айташди).

Эллинлар ҳикоя қилишларича, Кун чиқиндан бошлаб бутун ер шарни бўйлаб океан оқар экан. Лекин ўзлари ҳам буни аниқ исботлай олмайдилар. Шундай қилиб, Геракл ҳозирда Скифлар мамлакати деб айтиладиган жойга ўша ёқдан келиб қолган экан. У ерда Геракл бўрон, совуққа дуч келиб қолибди. У отларини ўтлатгани қўйиб юборибди ва ўзи тўнғиз терисига ўраниб, ухлаб қолибди. Бу пайтда унинг отлари сирли равишда зойиб бўлибди.

Геракл уйғониб, отларини излашга тушибди ва бутун мамлакатларни кезиб чиқибди. Ниҳоят, Гилай деган юртга келибди. У ерда бир гора бор экан. Форда у ярми аёл, ярми илон бўлган аллақандай

жонзотга дуч келибди. У жонзотнинг сагрисидан юқори қисми — аёлга, пастки қисми — илонга ўхшар экан. Геракл уни қўриб, ҳайрон бўлибди. “Отларимни йўқотиб қўйдим, сен кўрмадингми?” деб Геракл ундан сўрабди. Аёл-илон: “Отларинг менда, мен билан ниқий алоқа қилмаганингча, отларингни бермайман”, — дебди. Геракл бундай мукофот эвазига ўша аёл-илон билан қовушибди. Лекин аёл-илон Гераклни олдида узоқроқ ушлаб туришни истаб, отларни қайтариб беришни орқага сураверибди. Геракл эса, отларини олиб, тезроқ кетишни хоҳлар экан. Охири, аёл отларни Гераклга қайтариб берибди ва шундай дебди: “Бу отлар олдимга келганда сен учун эҳтиётлаб сақладим. Сен отларинг эвазига менга ҳақини тўладинг. Сендан учта ўғил кўраман. Айт—чи, болалар улгайганларида, нима қилай: шу ерда қолдирайми — ахир, бу мамлакатда бир ўзим ҳукмронлик қиламан — ёки сенинг ёнингга юборайми?” Геракл аёлнинг саволига шундай жавоб берибди: “Ўғиллар улгайганини ўзинг билганингдан кейин, яхияси, шундай қил: улардан қайси бири, сенга кўрсатганимдай, камонимни торта олса ва мана бу камарни боғлай олса, унанисини шу ерда қолдир. Менинг айтганларимни бажара олмаганларини чекка жойларга жўнатиб юбор. Агар шу айтганларимни қилсанг, ҳам ўзинг хурсанд бўласан, ҳам менинг истагимни бажарган бўласан”.

Геракл шу сўзларни айтиб, камонидан биттасини (у ҳар доим иккита камон олиб юрар экан) тортиб кўрсатибди. Сўнгра камарни қандай боғлашни ҳам кўрсатиб, камон билан камарни аёлга берибди. (Камарнинг илағига олтин косача осилган экан.) Сўнг Геракл ўз йўлига кетибди. Болалар улгайгач, онаси уларга исм қўйибди. Тўнғичига — Агафрис, ўртанчасига — Гилон, кенжасига — Искиф деб исм қўйибди. Сўнгра Гераклнинг берган маслаҳатини амалга оширибди. Агафрис билан Гилон шартни бажара олмабдилар. Шунинг учун онаси уларни мамлакатдан чиқариб юборибди. Кичиги Скиф эса, шартни бажарибди, шунинг учун мамлакатда қолдирибди. Ҳамма скиф шоҳлари Гераклнинг ана шу ўғли Скифдан пайдо бўлган экан. Ўша олтин косани эслаб, искифлар ҳозиргача камарларида коса осиб юрадилар.

Аслида санъатдаги скиф - ҳайвонот услубининг илдизлари ана шу афсоналарда. Геродот келтирган мазкур афсонада кўринишича, Геракл учрашган жонзотнинг белидан юқори қисми - аёлга, пастки қисми илонга ўхшар экан.

Бу тасвир скиф - ҳайвонот услуби акс этган афсоналарнинг бизга маълум бўлган илк намунасидир. Илк афсоналарда инсон ва ҳайвонни яхлит тасаввур қилиш натижасида яна ярми ҳўкиз, ярми одам шаклида илк инсон юзага келган. Жумладан, машҳур археолог С.П.Толстовнинг айтишича, илк инсон (Беруний ҳам бу ҳақда айтган) Қаюмарснинг танаси ярми инсон, ярми ҳўкиздан иборат бўлган экан. Антик давр маданиятига оид тасвирларда учрайдиган жонзотлар - от, туя, тоғ эчкиси, ҳатто илон,

балик ҳам қанотли шаклда таввирланган. Қадимги Шарқда, Кичик Осиёда бундай санъат намуналари кўп учрайди. Қадимги Шарқ халқларининг бадий ва илмий тафаккурини бирлаштирадиган омиллардан бири ана шу хайвонот услубидир. Хет, Бобил, Оссурия, Тадмур каби Шарқдаги энг қадимий давлатларда мажусийлик махсули сифатида хайвон ва қушлар тасвирини яшаш удум бўлган эди. Бу давлатларда яшаган аҳоли турмуш тарзини ана шу жонзотлар тасвирига боғлаб изга солганлари қатъий қоида тусига кирган эди.

Оссурия, Бобил, Урарту давлатларида шаклланган санъат асарлари билан Марказий Осиёдаги санъат асарлари ўртасида уйғунлик бор. Бу уйғунлик тарихий - маданий муносабатлар махсулидир. Милoddан олдинги VII асрда скифлар Ўрта Осиёдан Шарққа юриш қилдилар ва Урартуни тор - мор қилдилар. Мидия ва Бобил билан иттифок тузиб, Оссурияни мағлуб қилдилар. Скифлар Шарқда 100 йил давомида ҳукмронлик қилдилар. Шарқ ҳаётининг ҳамма томонларига скифлар катта таъсир кўрсатдилар. Баъзи олимларнинг тадқиқ қилишларича, скифлар салтанати юнон давлатига ва форс давлатига ўхшамайди. Аниқроғи, уларнинг давлат тузилиши алоҳида, ўзига хос бўлиб, бир неча марта Қора денгиз атрофида ва Жанубий Рус ўрмонларида барпо бўлган. Хазарлар ва Олтин Ўрданинг маданий обидалари ҳам Жанубий Рус ўрмонларидаги скифларники билан бир хил бўлган эди³. Геродотнинг хабар беришича, скиф вафот этганда, азадорлар кулокларини, қўлларини тиладилар, сочларини қирадилар, пешоналарини, бурунларини шиладилар, чап қўлига найза тикадилар. Скифлар мархумларни дафн қиладиган жой Гера ери бўлиб, ўша жойга олиб боргунларича, йўл устидаги бошқа скиф қабиласига мархумнинг жасадини берадилар. Мазкур қабил аҳоли худди олдинги скиф қабиласи сингари аҳоли маросимини ўтказди ва бу маросим ўша Гера ерига боргунча давом этаверади.

Туркий қавмлар ота-боболарининг дафн одатлари тўғрисида Хитой йилномаларида ёзиб қолдирганлар. Хунлар ҳам, скифлар сингари, мархум учун аҳоли тутатганларида, қон қўз ёшлари билан аралашиб оқиши учун юзларини тилганлар. Турк хоқонлигида лашкарбоши Култегин вафот этганда (VIII аср), аҳоли маросимида иштирок этиш учун Хитой элчиси Лу Син бошчилигида 500 одам келади. Улар дафн маросимига олтин, қумуш, хушбўй тутатқилар олиб келадилар. Мархум учун йиғлаб, сочларини юлганлар, кулокларини кесганлар, энг яхши отларини қурбонлик қилганлар⁴.

Маданий босқичларнинг кейинги давларига аниқликлар киритишда ҳам шарқ халқларининг тарихий – маданий муносабатлари муҳим

³ Бу ҳақда қаранг: Заур Гасанов. Царские скифы. – Нью Йорк, 2002, 256-бет.

⁴ Қаранг: Заур Гасанов. Юқоридаги асар, 258-бет.

аҳамиятга эгадир. Шарқда ҳайвонларнинг якка ҳолдаги тасвири одатда маъбудлар қиёфасини ёки маъбудларнинг рамзини ифодалаган. Чамаси, скифлар ўзлари билан бирга Ўрта Осиёдаги скиф – ҳайвонот услубини ҳам Ғарбга олиб борганлар, у ерларда азалдан мавжуд бўлган ҳайвонот услубидаги тасвирий ва амалий санъат намуналари такомиллашувига таъсир кўрсатган.

Санъатдаги илк скиф – ҳайвонот услубининг ўзига хос хусусияти шуки, бу услубда яратилган асарларда зооморфик кўриниш асосий ўрин эгаллайди. Зооморфик кўринишнинг асосий белгиси шундан иборатки, санъатда ҳайвоннинг у ёки бу аъзоси мустақил бiron ҳайвон тимсолини гавдалантиради. Бунинг намуналарини Ўзбекистон ва Қозғистон тупроғидан топилган осори атиқаларда кузатиш мумкин. Сўхдан топилган бир ёдгорликда бунинг энг жонли намунасини кузатиш мумкин. (икки бошли илон расми).

Мазкур ёдгорлик милoddан олдинги иккинчи минг йилликка оид бўлиб, илон шаклидаги туморни эслатади. Тумор қора тошдан ясалган. Туморнинг дум қисми ҳам илоннинг калласи шаклида тасвирланган. Худди шу услубни Қозғистондаги Иссиқ кўрғонидан топилган амалий санъат намуналарида кузатиш мумкин. Мазкур обидалар милoddан олдинги V-IV асрларга оиддир. Топилган ашёлар орасида отнинг думидан ясалган қанотли от диққатга сазовордир. Отнинг тоғ эчкиси шохи сингари шохи ҳам бор. Скиф – ҳайвонот услубига оид санъат асарлари Шимолий Қора денгиз бўйларидан ҳам топилган. Айниқса, “Амударё ҳазинаси” деб ном олган милoddан олдинги V-IV асрларга оид скиф-ҳайвонот услубида бажарилган буюмлар Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихида катта воқеа бўлган эди. Уй-рўзғор буюмлари ҳам скиф – ҳайвонот услубида бажарилган. Мазкур буюмлар ўша ерда истиқомат қилган халқларнинг кундалик турмуш тарзига, қандай тирикчилик қилганларига ишора қилади. Масалан, бу кўрғондан ҳайвонот услубида ясалган чўмич, нонтaxта, жува, чекич каби буюмлар ўтроқлашган аҳоли турмуш тарзини кўрсатиш билан бирга, деҳқончилик маданиятидан ҳам дарак беради.

Умуман олганда, скиф-ҳайвонот услуби Марказий Осиё ва Шарқ халқларининг маданий таракқиётини кўрсатадиган омиллардан биридир. Бир маданий босқичдан иккинчисига ўтишда бу оқим муҳим омил бўлди. Илк тош даврига тааллуқли Селенгур маданиятидаги ҳайвонот услуби узлуксиз равишда давом этиб, хатто темир давригача келди. Бу услуб безак мақсадида эмас, балки дунё халқларининг диний - бадий тафаккурининг рамзи сифатида юзага келди. Архаик даврдаги рамзий тимсоллар - уруғчилик жамиятидаги инсоният ҳаёт тарзининг натижаси, оламга диний ва бадий қарашларнинг ифодаси эди. Қолаверса, бу услуб ходисаларнинг умумий алоқалари ва бир-бирига боғлиқлиги тўғрисидаги фикрларнинг мантикий ифодаси ҳам бўлди.

Ибтидоий фикрлаш босқичида тасвирий санъатда рамзий тимсоллар

кўп. Зариўтсойнинг ўрта қисмида туртиб чиққан “айвон”даги суратлар бу жихатдан диққатга сазовор. Бу ерда ов манзараси тасвирланган. Бир лавҳада овчилар ҳайвон терисини ёпиниб олиб, ёввойи тўнғизларни пойлаб турибдилар. Одамларнинг кўлларида ўк-ёй, болта, ўроксимон курул, палахмон бор.

“Айвон”даги суратларда магик маросимлар ҳамда илк тош давридан янги тош даврига ўтиш жараёни ўз ифодасини топган. Одамлар устига ҳайвон терисини ёпиниб олган тасвир шундан далолат беради. Гўё ҳайвон терисини ёпиниб олганда, ҳайвонни овлаш осон бўлади. Ибтидоий даврдаги бундай фикрлаш реликт – урф-одат қолдиги сифатида давом этаверган. Жумладан, Америкадаги баъзи халқларда XIX асрда ҳам ибтидоий даврдаги ҳайвон терисини ёпиниб ов қилиш одати сақланиб қолган ва тасвирий санъатга кўчган эди. Бундай тасвирларда ўк - ёй йўқ. Бу тасвирда ўк - ёй йўқлиги ҳам тош даврига оид моддий миф намунаси эканини кўрсатади. Бунга ўхшаш қоятош суратлари қадимги Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам учрайди. Самарқанд яқинидаги Илонсой, Оқсой, Тошкент яқинидаги Хўжакент, Фарғона вилоятидаги Такатош деган жойда топилган суратлар шулар жумласидандир. Бу суратларнинг санасини аниқлаш мураккаб, чунки кейинги даврларда ҳам ўша суратлар услуби давом этган.

Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида, хусусан, туркий қавмлар яшайдиган ҳудудларда - Мўғулистон, Олтой, Тува, Хакасия каби қатор ҳудудларда ҳам тарихий-маданий жараёнинг умумийлиги ва узлуксизлигини кузатиш мумкин. Бу жойлардаги маданий жараён Шарқ маданий жараёнидан ажралмаган, барча кўҳна Шарқ маданиятининг хусусиятларини ўзида мужассамлантиради. Бу жараён шуни кўрсатадики, Шарқ халқлари маданияти яхлит маданиятдир.

Осиёнинг, хусусан, Марказий Осиёнинг қадимий маданияти маълум бир жойга нисбат берилиб, шу жойнинг номи билан аталади. Масалан, Жанубий Сибирдан топилган маданий ёдгорликлар гуруҳланиб, ўша жойнинг номи билан аталади: *Олди бел маданияти, Сағлин маданияти, Қазилгон ёки Уюқ маданияти, Шурмак маданияти* ва бошқалар. Мазкур маданият босқичларида инсониятнинг яшаш тарзидаги олдинга силжишлар, яшаш тарзининг ўзига хосликлари осори атиқалар, топилмалар ёрдамида аниқланади.

Ўрта Осиё ва жаҳон маданияти босқичлари. Ўрта Осиё ҳудудидаги маданий жараён дунё маданиятидан ажралмаган ҳолда шаклланди. Юқорида Селенгур маданияти ва Мусътир маданиятининг Ўзбекистон ҳудудида амал қилгани тўғрисида қисқача айтиб ўтдик. Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган ва узоқ яшаган маданий босқичлардан бири Калтаминор маданиятидир.

Калтаминор маданиятида маданий обидаларнинг ўзига хослиги аниқроқ кузатилади. Милоддан олдинги IV - II минг йилликларга оид

Хоразмдан топилган маданий ёдгорликлар *Калтаминор маданияти* деб юритилади. (Бу ном археологик ёдгорлик топилган жойдаги каналнинг номидан олинган.) Инсонлар истиқомат қилган жой Жонбос қалъа деб ном олди. Жонбос қалъада яшаган одамларнинг ҳаёт тарзи Калтаминор маданияти тўғрисида қисман тасаввур беради. Жонбос қалъадаги ҳаёт тўғрисида машҳур археолог олимлар С.П.Толстов, Я.Гуломов, И.Жабборов ва бошқалар кўп далиллар келтирганлар.

Жонбос қалъанинг ҳажмига асосланиб, бу қалъада 100 – 120 кишидан иборат бир қабила истиқомат қилган, деб тахмин қилиш мумкин. Қалъанинг ўртасида олов ёниб турадиган ўчоқ бўлган. Чамаси, ўчоқдаги олов ҳеч қачон ўчмаган, бу олов муқаддас ҳисобланган. Олов ёнида қабила бошлиғи ўтирган. Муқаддас олов ўтроқ ҳаёт турмуш шароитини белгилловчи омил бўлган. Ҳар бир оиланинг овқат пиширадиган ўчоғи бўлган. Оила қурмаган йигитлар учун ҳам алоҳида жой бўлиб, кишда совуқдан, ёзда иссиқдан паноҳ топганлар. Қалъада суяк ва тошдан ишланган қуроқлар, маржонлар, бошқа тақинчоқлар, идиш – товоқлар ҳам топилган. Бу ердаги инсонларнинг яшаш тарзи, деҳқончилик ва овчилик маданияти тўғрисида мазкур ёдгорликлар маълумот беради.

Жонбос қалъадаги одамлар турли маросимларни ижро этганлар. Бу маросимларни ижро этадиган махсус “ўйин майдонлари” бўлган. Бу жой оловдан узокроқда бўлиб, маросим ўйинлар орқали ижро этилган. Жонбос қалъадан топилган ашёларнинг дилиллашича, бу ерда истиқомат қилган одамларнинг асосий машғулотларидан бири балиқчилик бўлган.

Калтаминор маданияти бошқа ҳудудлардаги маданиятга таъсир кўрсатди. Неолит ва энеолит даврига оид шимоли-шарқий Европадаги, Урал бўйи ва Жанубий Ғарбий Сибирдаги маданий ёдгорликлар шундан далолат беради. Жумладан, Об дарёсининг қуйи томонларидан топилган қароргоҳдаги ёдгорликларнинг кўрсатишича, аҳолининг асосий машғулоти овчилик ва балиқчилик бўлган. Бу турмуш тарзига шубҳасиз, Калтаминор маданияти ўз таъсирини ўтказган.

Калтаминор маданияти қадимий, айни пайтда инсониятнинг ҳаётида катта бурилиш ясаган, анчагина илғор маданият эди. Шу боис ҳам узок масофадаги маданиятга ўз таъсирини ўтказа олди. Айниқса, Шарқий Туркистоннинг Ёрқент дарёси ҳавзаларига туташиб кетган қумликлардан топилган ашёлар Калтаминор маданиятига жуда яқин.

Калтаминор маданиятининг таъсирини Бухоро воҳасининг шимолидаги Қулжуктов тоғи этақларидан топилган манзилда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, сопол буюмлар бу манзилдаги маданиятни Калтаминор маданияти билан бирлаштириб турадиган омиллардан биридир. Жанубий Сибирдаги Афанасьев маданияти, Туркманистондаги Анов маданиятига ҳам Калтаминор маданияти таъсир ўтказгани тўғрисида олимлар бир хулосага келганлар. Калтаминор маданиятининг ўша маданий босқичларга таъсирини кўрсатадиган, уларни бирлаштириб турадиган омил - турли

сопол буюмлар, овчилик асбоб – ускуналари, нақш солинган буюмлар ва хоказолардир. Умуман, мазкур ашёлар Афанасьев ва Анов маданияти билан Калтаминор маданиятини бирлаштириб туради.

Дунёнинг, қолаверса, Ўрта Осиёнинг ҳам турли даврларида ҳар хил маданий босқичларни кузатиш мумкин. Аммо қайси маданий босқичнинг қачон мавжудлиги эмас, балки қайси маданий босқичда инсон қандай ҳаёт кечиргани, қай йўсинда турмуш тарзи такомиллашиб боргани муҳим. Шубҳасиз, инсониятнинг турмуш тарзидаги ўзгариш, олдинга силжиш дунёни англашига таъсир кўрсатади. Маълум бир маданий босқичнинг турли ҳудудларда умумийлиги (Масалан, скифлар ва Калтаминор маданиятининг Марказий Осиё ва Европанинг кўп жойларида учраши) фақат ижтимоий - иқтисодий тараққиёт даражасининг, ҳаёт тарзининг умумийлигини белгилаб қолмасдан, қабилаларнинг этник жиҳатдан яқинлигини ҳам белгилайди. Қозоғистондаги Иссык дарёчаси бўйидан топилган бир қатор ашёлар - ёғоч ва металлдан қилинган уй - рўзгор буюмлари, аёлларнинг тақинчоқлари, қурол-аслаҳалар ва ҳ.л.р бу даврдаги Ўрта Осиё аҳолисининг иқтисодий, маънавий турмуш тарзини - қандай ҳаёт кечирганларини тасаввур қилишга ёрдам беради. Бу ашёлар миолддан олдинги V - IV асрларга оид бўлиб, сакларга тегишлидир. Бу даврдаги соқларнинг турмуш тарзига оид баъзи кўринишлар қадимги Исроил халқида ҳам кўринади. Биз юқорида саклар мил. авал. VII асрда Урартуни тор - мор қилиб, Мидия ва Бобил билан иттифок тузиб, Оссурини мағлуб қилгани тўғрисида айтган эдик. Исроил ҳам маълум вақт скифлар таъсирида қолган эди. Ана шу тарихий воқеа маданий - иқтисодий жараёнга таъсир этмаслиги мумкин эмас эди.

Умуман олганда, Иссыкдан топилган ашёлар ҳам Ўрта Осиёда мавжуд бўлган турли маданий босқичларнинг давоми бўлиб, энеолит даврининг маҳсулидир. Янги металл буюмлар, аниқроғи, олтиндан буюмлар яшаш пайдо бўлди. Шарқда, хусусан, Исроилда олтин буюмлар, тақинчоқлардан фойдаланиш Мусо пайғамбар давридан олдин бошланган эди. Шарқ халқларининг маданий турмуш соҳасидаги бир -бирларига таъсир этиш жараёни ўша даврлардан бошланган эди, деб айтиш мумкин. Мусо пайғамбар ўз қавмини Мисрдан олиб чиқаётганда тилла буюмлар ва тақинчоқларни яширин олиб кетишлари бежиз эмас эди.

Маданий босқичлар тўғрисида сўз кетганда, шуни назарда тутиш керакки, тарихий давр билан маданий босқичлар бир-бирига боғлиқ ва доимо бир - бирини тўлдиради. Қуйидаги жадвал маданий босқичлар ва тарихий даврларнинг алоқаси тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилади. Мазкур маданий босқичлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб европалик Габриэль Мартилье, Анри Бреаль, Эдгар Пьет каби олимлар томонидан ишлаб чиқилди.

Инсониятнинг маданий босқичлари таснифи*

Даврлар	Маданият турлари	Замон
5 Темир	Темир даврининг охириги маданий босқичи	Милoddан кейин V
4	Темир даврининг илк маданий босқичи	Милoddгача
3 Бронза	Бронза даври маданияти	Милoddгача 1200 йил
2 Янги тош даври	Энеолит даври маданияти	Милoddгача 1800 йил
	Ривожланган неолит даври	Милoddгача 3–2 минг йилликлар
	Илк неолит даври маданияти	IV Милoddгача 7–3 минг йилликлар
1 Қадимги тош даври	Тарденовоз маданияти	Милoddгача 10–7 минг йил
<i>Юқори тош даври</i>	Азил маданияти	Милoddгача 16–10 минг йил
	Модлен маданияти	Милoddгача 28–16 минг йил
	Солютрей маданияти	III
	Ориньяк маданияти	Милoddгача 28–45 минг йил
<i>Қуйи тош даври</i>	Мустьер маданияти	Милoddгача 45–75 минг йил
	Ашель маданияти	
	Шелль маданияти	100–75 минг йил
	Дошелль маданияти	200–100 минг йил
		II
		200–400 минг йил
		400–800 минг йил
		I

I - маймун одамлар; питекантроплар – синантроплар.

II - ибтидоий одам; неандерталлар.

III - онгли инсон; юқори тош даври одамлари.

IV - неолит ва илк бронза давридаги одам ирклари.

V - ҳозирги одам ирклари.

Аммо мазкур маданият босқичларини охирига хулоса сифатида қарамаслик керак. Янги - янги археологик топилмалар дунёнинг турли

худудларидаги маданият боскичларини юзага келтирмоқда ёки баъзиларига янада аниқлик киритмоқда.

6 – МАВЗУ **ИБТИДОЙ ДАВР МАДАНИЯТИ**

Режа:

1. Маданият ва цивилизация тушунчалари, улар ўртасидаги умумийлик ва фарқлар. Антик маданият ва қадимий маданият, улар ўртасидаги фарқлар. Архаик даврдаги инсоннинг фикрлаш тарзи.
2. Дунёкараш ва тафаккурнинг шаклланишига табиатдаги ходисалар, табиий ўзгаришлар таъсир кўрсатиши, дунёкараш, тафаккур билан табиат доимо бир - бирига таъсир ўтказиб бориши. Тафаккур ва дунёкараш маданий жараёни белгиловчи муҳим омиллардир.
3. Ибтидоий одам ва олам муносабатида икки йўл. Диний маданиятнинг илк шакллари ва кўринишлари: анимизм, фетишизм ва ҳ. Илк бадиий тафаккур намуналари: шумерлар ва уларнинг мифологияси, халқ оғзаки ижоди. Шумерларда фан. Ёзув маданияти. Ёзув боскичлари ва турлари. Ёзув – инсониятнинг бекиёс тафаккури маҳсули сифатида. Ёзув ашёлари. Китоб ва китобатчилик – маданиятнинг олий кўринишларидан бири.

Маданият тасодифан пайдо бўлган эмас, балки у турли билимлар мажмуидан, ишонч-эътиқодлардан, санъатнинг барча кўринишларидан, жамиятдаги ахлокий тамойиллар, қонун - қоидалардан, урф - одатлардан ташкил топади. Шунингдек, инсон жамият аъзоси сифатида ўзлаштириб олган адолат, бурч, масъулият, тенглик, озодлик, Ватан туйғулари ҳам маданиятнинг пайдо бўлиб шаклланишига таъсир қилган. Бир сўз билан айтганда, маданият - инсониятнинг бутун фаолиятидаги тўғри йўл ва натижадир.

Маданий турмуш анча илғор шароитига етишган боскич кўпинча “цивилизация” деган ном билан ҳам юритилади. Аммо маданият ва цивилизация айнан бир-бирига тенг тушунча эмас. Маданият синфий жамиятгача бўлган даврда ҳам мавжуд эди. Цивилизация - инсонларнинг ёввойи, ибтидоий ҳаётдан қабила, миллат, халқ бўлиб бирлашуви асосида юзага келди. Кейинчалик ҳар иккаласи бир-бирини тўлдириб борди. Цивилизация кўпроқ моддий маданиятга, меҳнат қуроллари ва ишлаб чиқариш унумдорлиги, жамият ва давлатни бошқарувчи қонунлар ривожига нисбатан қўлланади: Европа цивилизацияси, антик цивилизация, христиан цивилизацияси, мусулмон цивилизацияси, Шарқ цивилизацияси

ва ҳ. Маданият ва цивилизация - ўтмиш маҳсули, аини пайтда келажақ учун, жамият тараққиёти учун хизмат қилади.

Маданият инсониятнинг моддий, ақлий, сиёсий, бадий фаолияти сифатида юзага келди. Инсон ёввойи ҳаётдан цивилизациялашган ҳаётга ўтганда, маданият тараққий эта борди. Ибтидоий маданият даврини баъзи олимлар жамият даври деб ҳам атайдилар.

Инсоният маданиятни шакллантириб, ривожлантира борар экан, яққа шахснинг ва бутун жамиятнинг ахлокий тамойилларини, бахт - саодатга эришиш йўл - йўриқларини топишга интилади.

Маданият турли мамлакатларда турлича шаклда намоён бўлади. Аммо қай шаклда бўлмасин, инсон цивилизацияни тадрижий равишда ўрганиб, ўзлаштириб боришга мойилдир. Масалан, қадимги Миср, Хиндистон, Эрон, Юнонистон ва Римда цивилизация илк бор маданиятнинг шаклланишига ва дунё маданияти ривожига замин бўлди. Нима учун қадимийроқ Шарқ мамлакатлари эмас, айнан Юнонистон ва Рим давлатлари маданият бешиги бўлди, айнан бошқа мамлакатларда эмас? - деган савол туғилади. Чунки ақлий ва бадий тафаккур илк бор Юнонистон ва Римда шаклланди. Лекин Афлотун, Пифагор, Эпикур, Энон, Эмпедокл ва бошқа юнон донишмандлари Миср ва Хиндистондаги устозлардан таълим олганлар.

Фарб уламулари фикрича, фақат Юнон ва Рим маданияти антик маданият деб юритилади. Антик маданият билан қадимий (архаик) маданият айнан бир хил эмас. Улар орасида маълум фарқлар бор. Гарчи Шарқ маданияти юнон - рим маданиятидан қадимий бўлса ҳам, европаликлар юнон - рим маданиятини мерос қилиб олдилар ва бу маданият Европа маданияти изчиллигини таъминлагани, европаликлар учун юнон - рим жамияти ягона қадимий жамият бўлгани учун “антик” терминини қўллаганлар. Антик маданиятнинг қадимий маданиятдан яна бир фарқи-янги маданиятни, яъни Европа маданиятини юзага келтирганидир.

Антик маданиятда санъат, мифология, дин ва бошқа ижтимоий ҳодисалар илк даврда қоришиқ ҳолатдаги кўринишга эга бўлиб, биринчи марта яратилди, дунёнинг бошқа жойларида бундай маданият хали йўқ эди. Антик маданият деган термин ана шу биринчи марта яратилган осори атиқаларга, ёзма ва оғзаки адабиётга нисбатан қўлланади. Соддароқ қилиб айтсак, антик давр маданиятнинг “туғилиш” даври, яъни Европа маданиятини пайдо қилган даврдир. Дунёнинг бошқа ҳудудларида антик даврга оид маданий ёдгорликлар Александр Македонский юришларидан кейин пайдо бўлди. Жумладан, Ўрта Осиёдаги, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги “антик санъат” ёки эллинизм маданияти деган термин айнан мил. аввал. IV–III асрлардаги ёдгорликларга нисбатан қўлланмоқда. Масалан, Юнонистондаги ҳайкалтарошликнинг қадимги Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлгани ана шу тарихий жараён билан боғланади.

Ҳайкалтарошлик тасвирий ва амалий санъатни, мифологияни, фольклорни, мафкурани ифода этади. Бу даврда тафаккурда ҳам ўзгариш юз берди. Фикрлашда моддий мавжуд нарсаларга нисбатан ақлда мавжуд нарсалар ва тушунчалар асосий ўрин эгаллай бошлайди.

Антик давр одами ҳам жамики инсониятнинг ҳаёт йўлини босиб ўтган. Дунёқараш, тафаккур турли тарихий даврларда турли хил кечади. Лекин Юнонистон ва Рим маданиятини бирлаштириб турадиган кўп жиҳатлар бор. Ҳар иккала мамлакатнинг кўп сонли аҳолиси **Ўрта Ер денгизи ҳавзаси атрофига** ёйилиб кетган эди. Ана шу тарқоқ аҳоли **Ўрта Ер денгизи маданияти** деб аталган маданиятдан озикландилар. Ҳар иккала мамлакат ҳам тош қуролларни, кейинроқ темир буюмларни ўзлаштириб олишда бир хил сурат билан бордилар. Уларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва ижтимоий тузилиши, ақлий тараққиёти ҳам жуда яқин эди.

Аммо Юнонистон ва Рим маданияти бора - бора кескин ажралиб, ҳар бири ўз йўлидан кетди, мустақил, бир - бирини тақрорламайдиган оқимни шакллантирдилар. Юнонистон асосан, Эрон, Кичик Осиё, Африка ва Олд Осиё халқлари маданияти билан узвий алоқага киришди. Ўрта Осиё мисолида ҳам бу жараёни кузатиш мумкин.

Александр Македонский (Искандар) Эрон салтанатини, буюк Ахмонийлар сулоласини босиб олгандан кейин (мил. авал. 330 - 327 й.) Юнон ва Рим бадий маданияти Ўрта Осиёнинг азалий маданиятига қучли таъсир этди. Ўзбекистон заминида антик бадий маданиятнинг энг гуллаган даври - мил. авал. 3, милодий - 3 асрлардир¹.

Рим маданияти эса, қадимий Европа билан муносабатни мустаҳкамлади. Византия маданиятида милоднинг IV - XV асрларида антик Рим маданияти изларини кўриш мумкин. IV - VI асрларда Византия юксак иқтисодиёти, кўркам, ҳашаматли саройлари ва ибодатхоналари билан шухрат қозонди. Бу даврда Византия усталари ясаган буюмлар кўп мамлакатларда шухрат қозонди. Ҳар бир шаҳарнинг ўз театри, цирки, кўп қаватли уйлари, режали доирасимон майдонлари, кенг кўчалари бор эди.

Архаик, яъни қадимий маданият тушунчаси нейтрал маънода ишлатилади. Шунингдек, бир ҳудуддаги қадимий маданиятга оид ашёлар бошқа ҳудудда тақрорланиши мумкин ёки шунга ўхшаш ҳодиса юз бериши мумкин.

Умуман олганда, архаик маданият инсониятнинг илк даврдаги маиший ва маънавий ҳаёти тарзини бизгача етказиб келган ақлий тафаккур маҳсулидир.

Архаик даврдаги инсоннинг фикрлаш тарзи. Архаик даврдаги инсониятнинг дунёқараши, тафаккур тарзи қай омиллар асосида ривожланишини юқорида кўриб ўтдик. Албатта, дунёқараш ва

¹ Қаранг: Г.А. Пугаченкова, Л.И. Ремпель. История искусств Узбекистана. М., 1965, 35-36-бетлар.

тафаккурнинг шаклланишига табиатдаги ҳодисалар, табиий ўзгаришлар таъсир кўрсатади, дунёқараш, тафаккур билан табиат доимо бир - бирига таъсир ўтказиб боради. Натижада, ибтидоий инсон атрофида юз бераётган воқеа - ҳодисага ўз муносабатини билдиради.

Инсонда фикрлаш тарзи, онгли фикрлаш лаёқати бирданига пайдо бўлиб қолмаган, балки бир неча босқичларни босиб ўтган. **Тафаккур ва дунёқараш маданий жараёни белгилловчи муҳим омиллардир.** Ибтидоий инсоннинг дунёқарашини мифлар белгилайди. Миф - бирламчи, дин эса, иккиламчи ҳодисадир. Ибтидоий инсон бирон ҳайвон ёки паррандани муқаддаслаштиради. Ёки уруғбошиларини, ота-боболари руҳини улуғлайди, табиатдаги дарахт, ўсимлик, тошни муқаддаслаштириши мумкин. Аммо бу ҳали дин эмас, балки топиниш, сиғиниш культлардир. Ахлоқий маданиятга эҳтиёж пайдо бўлганда, дин келиб чиқади. Ҳатто энг ибтидоий дин ҳам ахлоқдан ташқари бўлиши мумкин эмас. Ахлоқ қачон пайдо бўлади? Инсон ҳалол билан ҳаромни, яхши билан ёмонни, тўғри билан нотўғрини англаб, бу тушунчалар ўртасидаги зиддиятларни тушуниб етганда маънавиятнинг муҳим қисми – ахлоқий маданият пайдо бўлади.

Диний оқимлар дастлабки пайтларда ижтимоий - сиёсий ғояларни ташиши ҳам мумкин. Бу босқични зардуштийлик ва монийлик оқимларида, буддавийликда кўришимиз мумкин. Бу оқимлар дастлаб диний оқим сифатида пайдо бўлмаган, балки ижтимоий - сиёсий оқим сифатида пайдо бўлган.

Миф бирламчи, яъни диндан олдинги ҳодиса экан, динга етиб келгунча, бир қанча босқичларни босиб ўтади. Ибтидоий одамнинг тасаввурига кўра, олам ғайритабиий мавжудот томонидан бошқарилади. Бу мавжудотлар инсонга раҳм - шафқат кўрсатади, инсонда умидворлик ҳиссиётини уйғотади. Айни пайтда бу мавжудотлар инсонни қўрқувга солиши ҳам, бошқа ёмон туйғуларни бошдан кечиришига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Ибтидоий одам оламини ўз тимсолига ўхшатиб тасаввур қилади. У ўзи билан табиат ва табиатдаги буюмлар ўртасига чегара қўя билмаган. Буюмларни ўзига ўхшатиб тасаввур қилган. Шу сабабдан ҳам, кўп буюмларни ижод қилган. Кўп буюмларнинг шаклини ҳам атроф - муҳитдан, фазодан олган. Масалан, коса, пиёла, стакан ва бошқа уй - рўзгор буюмларини уч бурчак ёки тўрт бурчак шаклида эмас, балки думалоқ шаклда тасаввур қилгани учун, худди шу шаклда ижод қилган. Чунки фазовий жисмларнинг ҳаммасини ибтидоий одам думалоқ шаклда кўрган. Ибтидоий одам ва олам муносабатида икки йўл мавжуд эди.

Биринчи йўл қуйидагича:

Ибтидоий инсон ўзини ожиз деб билди. Табиатни ва ундаги буюмларни ўзи сингари тасаввур қилгани учун, ҳамма нарсасига таъсир кўрсатиш қудратига эга эмасман, деб билди. Шу боис у ўз манфаати учун

худоларга илтижо қилиб, гоҳ назрлар атаб, ваъда берди. Инсонга худолар марҳамат қилиб, “яхши об -ҳаво, яхши ҳосил юборган”дай бўлди.

Иккинчи йўл қуйидагича:

Ибтидоий инсон оламни рухий кучлар билан тўла ҳолатда тасаввур қилди. Унинг назарида ана шу рухий кучлар доимо инсоннинг атрофида айланиб юрарди. Бу тасаввур натижасида одамнинг дунёкараши қуйидагича ўзгарди: табиат ўзгаришига инсон таъсир кўрсата олмайди, ҳодисалар бирин - кетин юз бераверади.

Инсоннинг табиат тўғрисидаги тасаввурларининг илк куртаклари шундай эди. Бу куртак сеҳр - жоду (магия) орқали ифодаланадиган бўлди. Ибтидоий диний тасаввурлар ана шу тариқа шаклланди.

Сеҳр - жоду (магия) ибтидоий инсоннинг ҳаётида муҳим роль ўйнади. Айни пайтда сеҳр - жоду аста - секин кўп динларга таъсир этди.

Бу дин кўринишини алоҳида рухий қудратга эга бўлган одамлар эмас, қабила бошлиғи, кейинроқ шоҳлар амалга оширган. Улар айни пайтда афсунгар ва руҳоний ҳам эдилар. Масалан, «Библия»нинг «Қадимги аҳд» ёки «Таврот» қисмида “Ибтидо” китобида ҳикоя қилинишича, Элам шоҳи Кадўрламар Иброҳимнинг жияни Лутни асир қилиб олиб кетганда, бу воқеадан хабар топган Иброҳим ўз одамлари билан Кадўрламарнинг ортидан қувиб, уни мағлуб қилиб, Лутни қутқаради, кўп ўлжалар билан манзилига қайтиб келади. Шунда Салем (Қуддус) шоҳи Малкисидк Иброҳимни кутиб олгани пешвоз чиқади. Малкисидк айни пайтда *руҳоний* ҳам эди (Ибтидо 14: 12–17).

Рухонийлар ўзларининг истёъдодини кўпинча сеҳргарлик (черная магия) ва дуохонлик (белая магия) орқали намоён қилган. Бу борада катта муваффақиятга эришгандан кейингина куч - қудратини ва ҳукмронлигини мустаҳкамлашга ўтган.

Албатта, ибтидоий фикрлаш босқичига хос бу жараён динларнинг кейинги тараққиётида катта қаршиликка учради. Жумладан, иудаизмда сеҳр - жодуга, афсунгарлик ва фолга ишониш каттиқ қораланади. Масихийлик, исломда ҳам сеҳр - жодуга асло ўрин йўқ.

Ибтидоий инсон ҳар доим инсонга яхшилик қилиш тарафдори. У ҳайвонларда ҳам инсонга фойдали хусусиятлар бор, деб билди. Сеҳр - жоду орқали ҳайвонлардаги бу хусусиятларни инсонларга ўтказишга ҳаракат қилди. Ибтидоий тафаккур тарзи баъзи халқларда неча минг йиллар давом этди ёки ҳанузгача давом этиб келади. Масалан, XIX асрда янги Гвинеяда илон овловчи олдин бир захарли илонни қуйдирган, ёниб бўлган илоннинг кули билан оёқларини артган. Шундан кейин, ҳеч қандай илон менга тегмайди, деган ишонч билан ўрмонга илон овлагани кетган.

Бу сингари ибтидоий фикрлаш даврига оид ишонч - эътиқодлар диний тасаввурларнинг пайдо бўлишида илк босқичдир. Биз ибтидоий фикрлаш тўғрисида факат қадимдан етиб келган ашёларга, удумларга, ишонч - эътиқодларга таянган ҳолда ҳукм юритамиз. Айниқса, дафн

одатларида ибтидоий фикрлаш боскичлари аниқроқ кўринади. Ҳар бир буюм, дарахт, ўсимлик, жонзотда инсон қиёфаси, руҳи акс этади деган тасаввур давом этиб келади.

Айниқса, учта қабила ибтидоий жамиятдан буюмларнинг руҳига ишончни сақлаб келади. Буларнинг биринчиси - Шимолий Америкада кенг ҳудудга ёйилиб кетган алганкин қабилалари, иккинчиси - Фижи оролларидаги ерли аҳоли, учинчиси - Бирмадаги қаран қабилаларидир. Алганкин қабилаларига мансуб ҳиндуларнинг диний-этикодий тасаввурлари ўзига хос: улар жонни тананинг сояси ёки жонли тимсоли деб ҳисоблайдилар, дунёдаги ҳамма нарса унинг назарида жонлидир. Алганкин қабилаларидан яна бири ожибваларнинг этикодида кўра, факат одамлар ва ҳайвонларгина эмас, балки жонсиз буюмларнинг, масалан, қозоннинг ҳам жони бор. Фижи қабиласининг этикоди бўйича, ҳайвон ёки ўсимлик нобуд бўлганда, уларнинг руҳи ўша заҳоти ботқоқликка ботиб кетади. Болта ёки пичоқ ишлатилаверганидан яроқсиз бўлиб қолганда ёки синганда, бу буюмларнинг руҳи тезда худоларга хизмат қилиш учун кетади. Қаранларнинг тушунишларича, ҳар бир буюмнинг алоҳида хусусияти бор. Пичоқ ва болта, дарахт ва ўсимлик руҳлари ҳам ўзига хос “вазифа”ни бажаради. Қаранлардан биронтаси вафот этгандан кейин ҳам, худди ҳаётлигидаги сингари, болтаси ва чопқиси билан уй қуришда, шоли ўришда, қундалик юмушларни бажаришда давом этади деб тасаввур қиладилар..

Худди шу сингари, кўп қабилалар марҳумни дафн қилишда ҳайвонларни ва одамларни қурбон қиладилар. Уларнинг тасаввурича, қурбон қилинган одам ёки ҳайвонларнинг руҳи марҳумга хизмат қилади. Ҳайвон ва одамларни марҳумлар руҳига атаб қурбон қилиш диний тизимларнинг барчасига хос бўлган хусусиятдир. Яқка ҳудодилик ёки кўп ҳудодилик шаронтида ҳам бу одат бордир. Ибтидоий фикрлаш босқичига хос бундай тасаввурлар Марказий Осиё халқлари тарихида кўп учрайди.

Қадимги даврда юқори лавозимдаги марҳум дафн этилаётганда, марҳум билан бирга унинг қули, оти, уй - рўзғор буюмлари ҳам бирга дафн қилинган.

Илк диний маданият дунё халқларининг барчасида умумий ўхшашликка эга. Чунки инсон ўзи билан табиат ва ҳайвонот олами ўртасига чегара қўя билмаган даврда тафаккур тарзи шундай бўлиши табиий эди. Юқоридагидек, марҳум билан бирга турли буюмларнинг қўшиб дафн этилиши қадимги мисрликлар ва юнонлар этикодида ҳам бор эди. Зотан, юнонлар қадимда шомонликка этикод қилганлар. Марҳумларнинг қабрларидан ҳозиргача қурбонликка аталган хазиналар топилмоқда. Бунинг сабаби - илк даврдаги тафаккурнинг ўхшашлигидир. Инсонни ва ҳайвонни қурбон қилиш дунё халқларида турли шаклларда амалга оширилган. Баъзиларида тириклайин кўмилса, баъзиларида қуйдирилган. Ҳар икки ҳолатда ҳам қурбонлик худоларга аталган. Худолар

эса, моддий ёки рухий кўринишда тасаввур қилинган. Қадимги юнон муаллифларидан Эврипид «Ифигения Авлида меҳробида», Гелиодарнинг «Эфиофика» асарларида бегуноҳ, энг яхши инсонларни «худолар»га қурбон қилиш тасвирланган.

Дафн маросимларида қурбонликнинг энг ваҳшиёна кўринишини XIII асрдан олдинги мўғулларда учратамиз. Мўғулларнинг ижтимоий тузуми ана шундай ваҳшиёна усулларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Олтин Ўрдага ва Мўғул ҳокони Хубилайхон саройига (Эронга) саёҳат қилган Марко Полонинг ёзишича, Мунка хон вафот этганда, уни дафн қилиш учун уйдан қабрига олиб бораётиб: “Сен ҳам у дунёга равона бўлиб, ҳоконимизга хизмат қил!” деб йўлда дуч келган йигирма минг одамнинг боши олинган.

Яна бир далил: Эронда мўғул ҳокимиятига асос солган Ҳалоқухон (хукмронлик йиллари 1256–1265) вафот этганда, уни дафн қилиш маросими тўғрисида Эрон тарихчиси Вассофнинг ҳикояси бор. Унинг ҳикоя қилишича, Ҳалоқухоннинг қабрига турли буюм ва қимматбаҳо нарсалар билан бир қаторда, чиройли кийинтирилган гўзал қизларни ҳам бирга қўшиб қўмганлар. Одамларни тириклайин дафн қилиш, назр сифатида дарёга одамларни тириклай улоқтириш ҳолатлари мўғуллар ҳукмронлиги даврида кўп учрайди². Бу даврда мажусийлик дини билан жамият ўртасида номувофиклик юзага келди. Аввалги диний оқимлар жамият талабларига жавоб бера олмай қолди. Ибтидоий фикрлаш тарзи ўрта асрлар учун мақсадга мувофиқ эмаслиги аён бўлиб қолди. Шу боис мўғуллар Олтин Ўрда маданиятида исломни қабул қилдилар ва маънавий жиҳатдан анча олдинга силжиш юз берди.

Ибтидоий фикрлаш тарзининг ўрта асрларда ҳам учраганини илк диний шакллардан анимизм ва фетишизмга боғлаш ўринлидир. Ҳар иккала дин шакли ўз даврида ахлоқий қарашларнинг маълум бир кўринишларини ифодалайдиган бўлди.

Анимизм (лот. *anima* - рух, жон) - диний эътиқодларга замин бўлиб, рухларнинг мавжудлигига ишонтиради, табиат кучларида, ҳайвонларда, ўсимликларда, жонсиз буюмларда рух бор, деб қарайди. Анимистик тасаввурларнинг қуртаклари энг қадимги даврларда, ҳатто тотемизмдан ҳам олдин - ибтидоий жамиятда пайдо бўлди. Диний тасаввур сифатида тотемизм билан барабар шаклланди. Умуман олганда, анимизм инсоният таракқиётининг энг қуйи босқичида турган қабилаларнинг ўзига хос диний тасаввурларини ифода этади.

Анимизмга эътиқод қилувчиларнинг қарашича, одамларнинг, аввало, марҳумларнинг руҳи айнан танасиз шаклда мавжуд бўлар экан. Мана шу тасаввур оммавий равишда тотемистик ва анимистик ишонч-эътиқодлар, урф-одатлар ўртасида боғловчи бўгин бўлиб хизмат қилди. Анимизм,

² Б.Д.Греков, А.Ю.Якубовский. Олтин ўрда ва унинг қулаши. Тошкент, 1956, 138–бет.

шубҳасиз, анча кенг тарқалган динлардан бири шомонликнинг пайдо бўлишига таъсир этди.

Ибтидий диний тасаввурларнинг сақланиб қолишига давлатчилик анъанасининг йўқлиги ёки бу тасаввурларнинг сақланиб қолишига яна бир сабаб динларнинг мураккаб тизим экани бўлиши ҳам мумкин.

Ривожланган шомонлик эса, ўйин билан ижро этилади. Шомонлик ақидаси бўйича хаста одамларга, ҳайвонларга шифо ато қилинади, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун курашади. Овчиликда муваффақиятга эришиш учун фол очади.

Фетишизм (фр. feticisme-сехргарлик) ибтидий диний шаклларга асослардан бири бўлиб, алоҳида буюмларда магик куч бор, деб қарашдан пайдо бўлган. Магик куч воқеаларнинг боришига таъсир кўрсатиб, қутилган натижаларга эриштиради. Фетишизм бутлар яратиш - ёғочлардан, лой ва бошқа қаттиқ материаллардан тумор яшаш жараёнида пайдо бўлди. Бундай буюмларни кўпинча афсунгар шомонлар ишлатганлар ва булар орқали сехр - жоду қилганлар. Умуман, шомонлик рухга топиниш кўринишларидан бўлиб, бу диний оқимнинг мақсади шуки, рухларнинг кўринмас олами билан инсонни алоқага киритади, инсонлар ишларини муваффақиятли амалга ошириши учун рухлардан мадад олади.

Шомонликнинг илк кўриниши мил. ав. V асрдан бошлаб Юнонистонда амал қила бошлаган. Бугунги кунда Марказий ва Шимолий Осиёда, Корея, Япония, Индонезия, Тибет, Шимолий ва Жанубий Америка ҳамда бошқа жойларда амал қилади.

Мифология халқ оғзаки ижодининг келиб чиқишида ҳам илк босқичдир. Халқ оғзаки ижоди инсониятнинг маданий тараққиётида муҳим воқеадир. Илк халқ оғзаки ижоди намуналари маълум бир халқнинг илк бадий тафаккури, яшаш тарзи, орзу - умидлари, дунёқарашини ўзида мужассамлантиради. Энг қадимги халқ оғзаки ижодининг намуналари сифатида шумерларнинг “Гилгамиш” (баъзан бу дostonни Билгамиш – “доно ҳокон” сифатида талқин қилиб, туркий қавмларга мансуб дoston сифатида ҳам талқин қиладилар) дostonини кўрсатиш мумкин. Шумерлар милoddан олдинги тўртинчи минг йилликда Месопотамияда яшаганлар. “Гилгамиш” дostonи сопол лавҳаларга миххатлар билан ёзиб қолдирилган. Дoston Гилгамишни ва у ҳукмдорлик қилаётган Урук шаҳрини мадҳия қилиш билан бошланади. Гилгамиш сингари кучли одам ҳали ер юзида йўқ эди, шунинг учун у одамларга зулм ўтказаверади. Одамлар худоларга илтижо қиладилар. Худолар ер юзига буюк аёл «худо» Аруруни юборадилар. Аруру лойдан Энкидани яратади. У инсондан кўра, ҳайвон (арслон) қиёфасига ва қудратига эга эди. Режага кўра, Энкида Гилгамишни мағлуб қилиши, бу курашда унга ҳайвонлар ёрдам беришлари керак эди. Аммо Энкида фоҳиша аёлнинг макрига учади ва ҳайвонлар ундан қочиб кетадилар. Фоҳиша аёл Энкидага инсонлардай овқат ейишни, ичимлик ичишни ва кийинишни ўргатади. Энкида шундан кейин Гилгамиш билан

дўстлашиб биргаликда ер юзига ёвузлик уруғини таркатаётган кедр ўрмонининг ҳукмдори Хувавни ўлдирадилар. Шундан кейин осмон «худоси» Анудан самовий ҳўкизни юборишни сўрайди. Самовий ҳўкиз Гилгамишни ўлдириши керак эди. Энкида билан Гилгамиш бу самовий махлукни ҳам ўлдирадилар. Халқ иккала қахрамонни мадҳ қилади. Хувавни ва самовий ҳўкизни ўлдирганлари учун «худолар» Энкидани хасталикка йўликтирадилар. Энкида ўн икки кун касал бўлиб, ўн учинчи куни Гилгамишнинг кўз олдида оламдан ўтади. Гилгамиш ҳам ўлим муқаррар эканини, абадий ҳаёт йўқлигини тушуниб етади. Охири, Шурупакнинг ҳокими, солих одам Утнапиштимнинг маслаҳати билан абадий ҳаёт ато этадиган гул-ғиёҳни денгиз тубидан олиб чиқади. Гилгамиш чўмилаётганда, илон ўша ғиёҳ-ўтни ўғирлаб кетади. Телба ҳолатга тушиб қолган Гилгамиш Урукка қайтиб келади ва у ердан бошпана излайди, шу ерда вафот этади.

Шумерлар кишлок ҳўжалиги, математика, тиббиёт, педагогика фанларига оид ёдгорликлар яратганлар. Бу фанларга оид парчалар орасида халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари ҳам бор. Булар шумер халқининг шарқона донолигидан, ижодкорлигидан далолат беради: *“Агар мамлакат яхши қурулланмаган бўлса, душман ҳеч қачон дарвоза олдидан кетмайди”*, *“Ёввойи ҳўкиздан қочиб, ёввойи сизирга дуч келди”*. Олти–етти минг йиллар илгари яратилган бу ҳикматларга ҳамоҳанг ўғитларни бугун ҳам ўзбек халқида учратиш мумкин.

Ёзув маданияти. Инсон пайдо бўлгандан бошлаб ҳаётининг кўп қисмини ёзувсиз ўтказди. Халқларни ёзувга эга бўлган ва ёзувсиз деб икки тоифага бўлиш кўп тарқалган атамидир. Бундай бўлиниш ёзувнинг аҳамияти тўғрисида гувоҳлик беради.

Ёзув ва нутқ ахборот турларидир. Бунга имо - ишораларни, турли сигналларни (хуштак, қарсақ, дўмбира чалиб жангга қорлаш ва ҳ.) ҳам қўйиш мумкин. Ахборотнинг бу турларини шарҳлашга ҳолат йўқ. Аммо ахборотнинг кўп турлари, жумладан нутқ ҳам, бир лаҳзалиқдир, улар замон ва маконда чекланган, узок муддатли эмас.

Бундай ахборот турлари даврга нисбатан фаол ёки нофаол бўлиши мумкин. Масалан бугунги кунда ёзув такомиллашган пайтда турли ишора ва сигналлар ёзув сингари муҳим ахборот вазифасини бажара олмайди ва бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Инсон ёзувсиз яшаган пайтда асосий ахборотни юқоридаги воситалар бажарди. Масалан, ибтидоий жамоа тузуми пайтида қабила бошлиғи қабилага етарли озик–овқат захираси, асбоб–анжомлар, қорва миқдори, жанг қилишга қодир эркакларнинг миқдорини ва ҳ.ларни билиши керак эди. Аммо буларнинг ҳаммасини хотирада сақлаб туришга инсон хотираси ожизлик қилади. Бунинг учун ахборотнинг қандайдир воситасини ўйлаб чиқиши лозим эди. У воситаларни топди: ё турли шаклдаги чўпдан, ёки ранглардан, ёки турли шакллардан фойдаланиб, миқдор тушунчасини аңлатадиган бўлди. Бу усул ёзув тарихида илк

боскич бўлиб, *буюмли ёзув* деб ном олди.

Инсоният дастлаб буюмлардан эслатувчи воситалар сифатида фойдаланди. Бу воситалар фикрни узатмас, балки эслатарди, холос. Бирор топшириқ ёки илтимосни бажаришни эслаб қолиш учун рўмолнинг учини тугиш одати шундан қолган. Бора-бора буюмларга аниқ маъно бериладиган бўлди. Буюмлар энди олдиндан келишиб олинган нарсаларни билдирадиган ўзига хос шартли белгилар ҳисобланди. Чўпхатга ёки дарахт танасига кертиб белгилар ўйиш, тугунчалар, тизимчалар, уруш эълон қилиш вақтида камон ўқидан фойдаланиш шундай шартли белги вазифасини ўтади.

Рақамларни билдириш учун инсон тахтачаларни кертиб белгилар ўйишни ўйлаб чиқарди. Хатчўплардан шартномалар тузишда фойдаланилди. Шартномани тузиш пайтида хатчўп қоқ ўртасидан иккига бўлиниб, ярми шартлашувчиларнинг бирига, иккинчи ярми иккинчи томонга берилган. Хатчўп бўлаклари бирлаштирилганда, кертиклар бир - бирига мос келарди.

Тўғри ҳисоб - китоб олиб бориш учун тизимчалардан фойдаландилар. Перулик чўпонлар, Лотин Америкаси ва Африкадаги баъзи халқлар ҳозир ҳам тизимчалардан фойдаланадилар. Бир тизимча - ҳўкизларни, бошқа тизимча - сигирларни санаш учун ишлатилади. Сигирларни санашда ишлатиладиган тизимча ҳам икки тутамга ажратилади: бир тутами билан бўғоз сигирлар саналади, яна бир тутами билан бузоқлар саналади. Тизимчадаги тугунлар сони шу чўпонларнинг подасида неча бош мол борлигини билдиради.

Қадимги хитойларда ҳисоб - китоб ишларида тизимчалардан фойдаланиш кенг тарқалган. Кўпчилик халқларда вақт ҳисоби ҳам тугунчалар орқали олиб борилган.

“Ахборот хассалари” ҳам ўзига хос буюм мактуб вазифасини ўтаган эди. Қабила бошлиғи ўз ваколатини ҳассани олиб борган элчи орқали тасдиқлаган. Ҳассага кертиб белгилар ва хотира нишонлари туширилган. Элчи белгига қараб ўзига қанча топшириқ берилганини хотирасига келтирган.

Буюмли ёзувнинг ажойиб намунасига яна бир мисол ҳозирги Перунинг қадимги аҳолиси инкларда учрайди. Инклар тугунлардан иборат мактублардан фойдаланганлар. Мазкур буюмли ёзув билан боғлиқ тарихий ривоят ҳам бор. Ривоятга кўра, XVI асрда инкларнинг ватанига испанлар ҳужум қилади. Инкларнинг бойликлари тўғрисидаги афсоналар испанларни бу мамлакатга олиб келган эди. Испан истилочилари йўлбошчиси Писсаро инкларнинг олтинларини қўлга киритиш учун турли йўллари кидиради. У инк шахзодалари ака-ука Ата-валпа билан Волкар ўртасидаги тахт учун курашдан усталик билан фойдаланади. Писсаро Ата-валпани ўз лагерига алдаб олиб келиб, қамаб қўйди. Уни қутқармоқчи бўлганлардан: “Ата-валпанинг эвазига у қамаб қўйилган хонани (ҳажми 70

куб метр - Н.Р.) қимматбаҳо тошлар ва олтин билан тўлдирсаларингиз, озод қиламан”, деб талаб қўяди. Инк чопарлари мамлакатнинг турли бурчакларига бориб, олтинни билдирувчи сариқ тизимчалардан иборат “мактуб” олиб келдилар. Тизимчаларда кўп тугунчалар бўлиб, қаерга қачон, қанча олтин келтириш керак, деган маънони билдирарди. Аммо Ата-валпа ўлдирилади. У ўлими олдидан “мактуб”ини қабиладошларига юборишга улгуради. “Мактуб” буйруқ бўлиб, олтин ёмбига боғланган ўн учта тугундан иборат эди. Инклар Ата-валпадан буйруқни олган кунгидек ибодатхоналардаги жамики олтин у жавоҳирларни олиб кетиб, номаълум жойга яширишга улгурдилар.

Ёзувнинг бу тури бугунги кунда ҳам кенг истифода этилади. Кийим сотувчи дўкондор ўз товарини тарғиб қилиш учун оғзаки тарғиботдан ҳам, айти пайтда товарни кўргазмага қўйиш орқали ҳам фойдаланади. Ёки қора ранг оилада кимдир вафот этгани тўғрисида хабар беради, узук “Мен оилалиман” деган ахборотни ташийди. Ҳарбийларнинг поғонидаги юлдузлар уларнинг унвонини билдириб туради.

Буюмли ёзувнинг бугунги кўринишлари қўшимча ахборот бажаради. Аммо ёзувли даврларда буюмли ёзув ҳарфли ёзувдан кўра муҳимроқ, таъсирлироқ вазифани бажарди. Мана бу тарихий воқеа бунинг ёрқин намунаси.

Геродотнинг ёзишича, Эрон шоҳи Доро билан искифлар шоҳи Иданфрис ўртасида жанг давом этарди. Иданфрис Доро аскарларига қутилмаган жойда қўққисдан зарба бериб, гангитиб қўярди. Геродотнинг хабар беришича, Доро қўшини 700 минг кишидан иборат эди. Шунга қарамай, Доро, искифларни мағлуб қилиш у ёқда турсин, қатта талафот кўрарди. Ниҳоят, Доронинг сабр-тоқати тугади, У искифлар шоҳи Иданфрисга мактуб йўллади. Мактубда шундай сўзлар битилган эди: “Тентак! Икки йўлдан бирини танлаш учун сенга имкон бор-у аммо сен қочиб, юрганнинг - юрган. Агар менга қарши туришга ўзингни қодир ҳисобласанг, дайдиб юришни бас қил, мен билан жанг қил. Агар заифлигингни тан олсанг, қочиб юриб овора бўлма. Ундан кўра ер - сувингни султонингга сийлов қилиб бергин-да, у билан қелишув битимини тузгин”.

Иданфрис жавобни кечиктирмади. “Менинг аҳволим бундай, шоҳ! Мен авваллари ҳам бирор кимсадан кўрқиб қочмаганман, ҳозир ҳам сендан кўрқганимдан қочаётганим йўқ. ... Сен учун сийлов қилиб ер-сув ўрнига ўзингга лойиқ бошқа нарсаларни юбораман. Ўзингни менинг султоним, ҳокимим деб айтганинг учун ҳали адабингни ейсан!”

Иданфарс мағрурона жавоб берди. Бироқ айтганлари қуруқ гап эмасди. Доро искиф даштларининг ичкарасига кириб бориб мушқул аҳволга тушиб қолди. Искиф шоҳлари Дорога ғалати совға - қуш, сичқон, қурбақа ва бешта ўткир ўқ юборди. Эронийлар бундай совганинг маъносини чопардан ҳар қанча сўрасалар ҳам, у бир хил жавобни

такфорлайверди: “Менга “совға”ни топшириш буюрилган, маъносини тушуниш ўзларингизга ҳавола”.

Эронийлар бу “совға”нинг маъносини тушунишга кўп уриниб кўрдилар. Доронинг ўзи муғомбирлик қилдими ёки совғанинг маъносини ҳақиқатан ҳам шундай тушундими, ўз фойдасига, бир ёклама “ўқиб тушунтириб берди”. Унинг “ўқиш тамойили” қуйидагича бўлди: “Сичқон ерда яшайди ва инсон сингари ерда битадиган ноз-неъматлардан баҳраманд бўлади. Қурбака сувда яшайди, бинобарин, искифлар ўзларини суви ва ери билан бирга менинг ихтиёримга топширадилар. Ўқлар эса, искифларнинг менинг лашкарим олдида қуроолларини ташлаганини билдиради”.

Искифлар “совға”сини бундай шарҳлаш ҳеч кимда ишонч ҳосил қилмади, совғанинг маъносини ечишни Доронинг маслаҳатчиси Гобрий ўз зиммасига олди. У совғани жуда тўғри “шарҳлади”. “Совға” искифларнинг шарти бўлиб чиқди: “Агар сиз, эронийлар, қуш каби учиб ғойиб бўлмасангиз, ё сичқон каби ер тагига кириб кетмасангиз, ё қурбака сингари ботқоқликка шўнғимасангиз, у ҳолда мана шу ўқлардан шикаст еб, шу ерларда қолиб кетасиз”.

Гобрий ҳақ бўлиб чиқди. Эронийларнинг кучи камаёверди. Кўп ўтмай Доро шармандаларча орқага чекинди. Искифларнинг тадбир билан қилган ҳужумларига бардош бера олмади.

Ёзувнинг кейинги босқичи *расм*ли ёзувдир. Бу турдаги ёзув *пиктографик* ёзув деб ҳам юритилади. Буюмли ёзув билан расмли ёзув ўртасидаги чегара ноаниқ. Инсоният қайси даврдан бошлаб буюмли ёзувдан расмли ёзувга ўтгани аниқ эмас. Аслида иккаласининг вазифаси ибтидоий даврдаги одам учун бир хил вазифа бажарган. Аммо ёзув тараққиёти учун расмли ёзув катта қадам бўлди. Расмли ёзув пайдо бўлиши билан ёзув учун турли материаллар - тош, тахта, лой тахтачалар ёки қоғоз парчалари пайдо бўлди.

Гарчи расмли ёзув билан сурат ўртасида чегара йўқ бўлса ҳам, уларни аралаштирмаслик керак. Суратда аниқ, юз берган ёки бирон кечинмани ифодалайдиган ҳодиса муҳрланган, яъни сурат бадий-эстетик тасаввурлар объекти бўлиб хизмат қилади. Расмли ёзув эса, ахборот ташйиди. Масалан, *кўз ёши* - бевани, *бош сужа* - ўлимни билдиради.

Идеографик ёзув расмли ёзувга узвий боғланиб кетган. Идеографик ёзувнинг илк намунаси Марказий Америкада истиқомат қилган ацтек халқидан болалар тарбиясига оид бир “хикоя”си бизгача етиб келган. Испанлар Американи босиб олгунларига қадар ацтеклар қудратли давлат қурган эдилар. Расмда ўн бир доира бўлиб, болаларнинг ўн бир ёшини билдиради, яъни ота-она болаларини ўн бир ёшгача боқиши шарт. Иккита катта доира эса, “нон” деган тушунчани билдиради. Суратда ота боласини олов устида тутиб турибди. Бу - болани ножўя қиликлари учун жазолашни билдиради. Яна пастроқда ўн бешта доирача бор. Бу доирачалар

болаларнинг ўн беш ёшгача ота-она назорати остида каттиқ турганини билдиради. Боланинг ўтирган одам томонга кетган оёқ излари - ўн беш ёшдан кейин руҳоний хузурига таълим олиш учун борганини англатади.

Идеографик ёзувнинг расмли ёзувдан фарқи шуки, идеографик ёзувда ҳар бир белги бир тушунчани англатади.

Идеографик ёзувнинг энг қадимий намунаси Мисрдан топилган бўлиб, милoddан олдинги учинчи минг йилликка мансубдир. Наполеон Мисрга юриш қилган пайтда бу ёзув битилган машҳур “Розетта тоши” (тош топилган жойнинг номи билан аталди) топилди. Бу ёзувдаги бир белги бир буюм номини ёки ҳаракатни ифодалагани аниқланди. Масалан, канотини ёзиб турган қуш “учмоқ” ҳаракатини, ўртасида қора нукта бор гардиш “қуёш” сўзини, қўлида қурол ушлаган одам “жангчи”, оёқ сурати “юрмоқ” ҳаракатини ифодалаган. Идеографик ёзувнинг қўплаб намуналари папирусларга, эҳромлар деворларига, ҳайкалларга, тош тобутларга битилган. Европадаги қўп шарқшуносларнинг Миср ёзув маданиятини ўрганишига Розетта тоши сабаб бўлди.

Шумерлар яратган ёзув бўғинли ёзув тури бўлиб, идеографик ёзув билан ҳарфли-товушли ёзув ўртасида турадиган алоҳида ёзув тури эди. Шумерлар дostonларни, тарихий воқеаларни, фанларнинг турли соҳаларига оид кашфиётларни ёзиб олиш учун ҳозирги товушлар сингари белгиларни киритдилар. Ёзув маданияти тараққиётида шумер ёзуви анчагина олдинга силжиш бўлди.

Жамият тараққий эта борган сари, ахборотни узоқ масофага етказиш эҳтиёжи туғилди. Бугун ер юзида қўлланаётган ҳарфли-товушли ёзув ана шу боскичларни босиб ўтди.

Илк ҳарфли-товушли ёзувни финикийлар ижод қилганлар. Финикий ёзувининг пайдо бўлиши ёзув тарихида кескин бурилиш ясади. Финикий ёзуви таъсирида оромий ёзуви шаклланди. Оромий ёзуви эса, шарқдаги бир қатор ёзувларга манба бўлди. Оромий ёзувининг бизгача етиб келган қадимги намунаси милoddан олдинги IX асрга оиддир. Оромий ёзуви ва тили Шарқдаги, қўп мамлакатларда, хусусан, Мисрда, Кичик Осиё ва Ҳиндистонда халқаро ёзув ва тил даражасига кўтарилди. Қадимги ёзувлардан бири бўлган иброний ёзуви ҳам оромий ёзувдан келиб чиқди.

Хуллас, ёзувнинг ҳар бир тури инсониятнинг эҳтиёжи туфайли пайдо бўлди. Ёзув инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан биридир. Ёзув маданияти илк бор Шарқда пайдо бўлиб, шаклланди.

Китоб ва китобатчилик. Китоб маданий тараққиётнинг илк боскичида юзага келган бадий ва илмий тафаккур маҳсулидир. Китобнинг илк кўринишини бугунги китоб шаклида тасаввур қилиб бўлмайди.

Китоб яратиш узоқ тарихга эга. Ёзиш учун энг қадимги материалдан бири тош бўлиб, ёзув асбоби сифатида тош пичок ишлатилган. Библияда - “Чикиш” китобида Ўнта Амр тўғрисидаги ҳикоя бор. Бу ҳикояда биринчи

марта тошга ўйиб ёзилган илк ёзув тўғрисидаги маълумот учрайди. Аммо бу китоб қачон ёзилгани тўғрисида маълумотга эга эмасмиз.

Лой тахтачалар. Бизга етиб келган китоб намуналари шумерлар яратган “лой китоблар”дир. Бу китоблар милoddан олдинги тўртинчи минг йиллик ўрталарига оиддир. Шумерларнинг миҳхати Яқин Шарқ ва Кичик Осиё мамлакатларида кенг тарқалган.

XIX аср охирида америкалик олимлар қадимги шумерларнинг Ниппур шаҳридан миҳхатда битилган бир неча мингта лавҳа топганлар. Ниппур тахтачалари 62 хонага жойлаштирилган экан. Бу кутубхона кутилмаган кашфиёт бўлди. Аммо кутубхона олимларни ташвишга солиб қўйди. Чунки лавҳалар - тахтачаларнинг уваланиб кетиш хавфи бор эди. Тахтачаларни зах ердан чиқариб олиб, қуёшда қуритдилар, кейин оловда пиширдилар.

Олимлар шумер кутубхоналарини фан тармоқларига ажратиб тасниф қилдилар. Биринчи тури - қишлоқ хўжалигига оид эди. Иккинчи тури - мактабга тегишли матнлар (мактаб ўқувчилари учун дафтар вазифасини бажарган тахтачалар). Бир қисм матнлар шох саройи хўжалигига оид ҳужжатлар бўлиб, кемани тузатишга юборилган қуллар миқдори тўғрисида. Бир қисм китоблар - математика, тарих фанларига алоқадор эди. Шумер математиклари теоремаларни исботлашни билганлар. Масалан, тахтачаларнинг бирида учбурчак исботланган бўлса, иккинчисида - фанда Эвклид назарияси номи билан маълум бўлган назария исботланган. Шунингдек, дори тайёрлашга оид рецепт ёзилган тахтачалар ҳам топилган. Дори тайёрлашда ишлатиладиган ўсимликлар, ҳайвонлар турлари ва аъзолари, минерал моддаларни ёзиб қолдирганлар.

Қадимги шумерларнинг миф ва афсоналарини, мақол ва маталларини ўз ичига олган кўплаб тахтачалар ҳам бор. Масалан, “Гилгамиш” достони шулар жумласидандир. Библиядаги “Тўфон” афсонаси ҳам аслида “Гилгамиш” достонидида бор эканини олимлар исботлаганлар.

Немис мусикашуноси К. Закс шумер тахтачалари билан қизиқиш қолди. Унда шумерларнинг “Инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақида”ги ривоят билан бирга, “мусика ёзуви” деб ҳисобланадиган миҳхат белгилари мавжуд экан. Олимнинг фикрига қўра, бу тахтачада арфа учун куй ёзилган бўлиб, ривоят мусика жўрлигида ижро ўқилган.

Оссурия подшоҳи Ашшурбанипалнинг қутуҳонаси қадимий замонлардан қолган ноёб ёдгорликдир. У ўзи тўғрисида шундай ёзади: “Мен, Ашшурбанипал, Нобу донолигига эришдим, жамики хаттотлик санъатини ўргандим, барча усталарнинг барча билимларини ўзлаштирдим. Камон отишни, от ва жанг аравасида юришни ўргандим, жилов тутишни билдим... Донишманд Адапнинг ҳунарини ўрганиб, хат ёзиш санъатининг яширин сирларини очдим, мен илоҳий ва заминий қошоналар ҳақида ўқиб, улар хусусида фикр юритдим. Мен хаттотларнинг мажлисида қатнашдим... Мен тезда тушуниш қийин бўлган кўпайтириш ва тақсимлашдек мураккаб

масалаларни ечдим”.

Бу парча, ҳақиқатан ҳам, Ашшурбанипалнинг ўз кўли билан иккита сопол тахтачага ёзилган. Бу шоҳ бундан икки ярим минг йил муқаддам Оссурия пойтахти Найнавода бениҳоя кўп китоб тўплади. Ашшурбанипал хаттотларини турли мамлакатларга юборди. Хаттотлар қадимий китобларни кидириб, нусха кўчирдилар. Китобларнинг кўпида нусханинг аслиятга тўғрилигини исботловчи дастхат бор эди: “Қадимий китоб аслидан кўчирилгани тўғри ва солиштирилган”. Баъзи аслият намуналари жуда қадимий бўлганлиги сабабли, айрим белгилари ўчиб кетган тақдирда хатто “ўчиб кетган”, “билмайман”, деб белги қўйган.

Найнавонинг тақдири маълум: Бобил ва Мидиянинг бирлашган қўшинлари шаҳарни ер билан яксон қилиб, шаҳарга ўт қўйди. Шаҳарда бир неча кун давомида аланга кўтарилиб турди, ўлганларнинг ҳисоби чексиз эди. Шаҳар ўрнида саҳро пайдо бўлди.

Ўтган аср ўрталарида инглиз археологи О.Лэйард Найнаво ҳаробалари ўрнида археологик казув ишлари олиб борди. Ҳашаматли саройлар, эҳромлар Бобил халқининг юксак маданиятидан дарак берарди. О.Лэйард ва унинг садоқатли шогирди О.Рассам сарой ертўласидан ёнғиндан омон қолган китобларни топдилар. Тахтакчалар ертўлага ағнаб ёнғиндан омон қолган экан. Тахтакча-китоблар қутиларга жойланиб, Лондонга жўнатилди.

Бу китобларни ўрганиб чиқиш учун кўп меҳнат талаб қилинди. Бу ишга турли мамлакат олимлар қўшилдилар.

Маълум бўлишича, бу ерда бир неча тилларда ҳар хил адабиётлар сакланиб қолган эди (жумладан, шумер тилида ҳам): астрономик кузатувлар натижаси ва табобат ҳақидаги рисола, Оссурия подшоҳларининг солномалари, диний мазмундаги китоблар, мифлар ва ҳ.л.р. Халқ оғзаки ижоди намуналарини ўз ичига олган “Қалбни ларзага соладиган мунгли кўшиқ” ҳам диққатга сазовор эди. Бу китобда ёлғизлик туфайли оғир мусибатни бошидан кечирган одамнинг қайғули кечинмалари, ҳиссиётлари қуйланган.

Бобилликлар ёзув учун юпка, тўртбурчак лой тахтакчалардан фойдаланганлар. Сўзларни уч қиррали усулда юмшоқ лой юзасига ўйиб ёзганлар. Кейин тахтакчаларни куёшда қуритганлар. Археологлар бундай лой тахтакчалар “кутубхона”ларини топганлар.

Ҳозирги Туркия ва Суриянинг шимолида қадимда Хет халқи яшаган. Ўтган асрнинг бошларида (1907 йили) немис олими Г. Винклер Бўғозкўлдан олиб борилган қазилма вақтида 10 мингдан ортиқ сопол тахтакчани топди. Тахтакчалар бобил тилида ёзилган эди. Бу тахтакчалар Хет давлати ҳудудидан топилди. Айниқса, фиръавн Рамсес II нинг Хет шоҳига ёзган мактуби жиддий воқеа бўлди. Тахтакчада Миср ва Хет давлатлари ўртасидаги шартнома ҳақида сўз юритилган эди.

Хет китоблари диний ақидалар, математика, ҳукукушунослик, тарих

ва бошқа фан соҳаларига оид эди.

Кўпинча синган идиш парчаларига, сополларга эсдалик учун белгилар қўйганлар, ҳисоб–китобларни ёзиб борганлар. Ҳатто ҳарид қилинадиган нарсалар рўйхатини тузганлар.

Мум суртилган тахтачалар. Ёзув учун тахтачалар ёғочдан ва фил суягидан таёрланиб, мум суртиларди. Бу тахтачалардан оссурийлар, юнонлар ва римликлар фойдаланганлар. Баъзан халқалар билан иккита тахтача бирлаштирилган. Учи ўткирланган таёкчадан ёзув қуроли сифатида фойдаланилган.

Папирус. Мисрликлар пирамидалар қурилиши даврларига қадар камишдан папирус тайёрлашни ўрганиб олган эдилар. Қамишлар Нил дарёси бўйларидаги ботқокликларда ўсиб ётарди. Йўғон нам камиш пояларни қатор қилиб териб, юпка варақ бўлгунча ёғоч тўқмоқ билан ураверганлар. Варақларни қуритганларидан кейин ёзиш мумкин бўлган. Папирус қимматбаҳо ҳисобланган, ундаги ёзувни ювиб ёки артиб ташлаб, яна ўрнига ёзиш мумкин бўлган. Папирус ўрама китоблар яратишга туртки бўлди. Мисрликлар бизгача қолдирган мана шундай ўрама китоблар-қиссалар, ҳисоб–китоб ёзувлари, мураккаб математик масалалар, марҳумларга аталган марсиялар, лирик шеърлар, астрономик кузатувлар, эртаклар, табобатга оид асарлардан иборат.

Мисрда энг қадимий кутубхона милоддан олдинги 1300 йилда пойтахт шаҳар Фивнинг яқинида бунёд этилган. Кутубхона Рамсес II га қарашли бўлган. Кутубхона пештокига: “Қалб дармонхонаси” деб ёзиб қўйилган. Эҳромларда сақланадиган бу китобларга қоҳинлар бошчилик қилган. Аксарият кутубхоналар таълим маскани бўлган.

Папируслар фан соҳалари бўйича ўралган. Бир ўрамда жарроҳликка оид 48 ҳодиса қайд этилган.

Мисрликлар қамиш чўп билан ёзганлар. Сиёҳни ўсимлик мойида ёки дарахт ширасида эритилган қурумдан тайёрлаганлар.

Папирус - баландлиги тўрт метрдан ортиқ бўлган камишдир. Папирусзорлар Нил дарёси қирғоқларини қоплаб олган, Исроилдаги Йордан дарёси қирғоқларида ҳам учраб турган.

Тери. Қўй, эчки, бузоқ ва қийикларнинг терисини қуришиб, қиртишлаб, тозалаганлар. Кейин таранг қилиб тортиб, ёзув учун юзаси текис бўлсин, деб ёғоч тўқмоқ билан урганлар. Пергамент деб аталган материал шундай тайёрланган.

Қамишнинг бир томонини ўткирлаб, текис ёзадиган қурулни ясаганлар.

Қоғоз. Китоб санъатида қоғоз кенг тарқалди. Хитойда илк бор қоғоздан фойдаланилган. Юнонистонда дастлабки китоблар қўчирилганда, бизнинг ҳозирги одатдаги китобларимиз ҳали кашф қилинмаган эди. Одамлар ўрама қоғозларга ёзганлар. Ўрама қоғозларни папирус, пергамент варақларидан ёки юпка мисдан қилганлар. Варақлар елиглаб ёки тикилиб

бирлаштирилган. Натижада эни ўттиз сантиметр, узунлиги ўн метргача бўлган лента ҳосил бўлган. Лентанинг иккала охириги томони чўпга ўраб маҳкамланган. Ўқувчи бир қўли билан чўпга ўралган ўрама қоғозни очиб, ўкиб бўлган қисмларини иккинчи қўли билан нариги томондаги чўпга ўрайверган. Ўрама қоғозни ўраб бўлганларидан кейин, уни латта матога ўраб, хум идишларга солиб сақлаганлар. Ўрама қоғозларни бир жойдан иккинчи жойга олиб юриш ноқулай эди: узун ўрама қоғоздан бирор кичкина парчани топиш учун кўп вақт талаб қилинарди.

Милодий II асрда Юнонистонда Янги Аҳд бир китобга жамлангани маълум. Ўрама қоғоздан биринчи бўлиб шу пайтда балки юнонлар воз кечган бўлишлари мумкин. Ўрама қоғозлар ўрнига битта дафтарга бир неча папирус ёки пергамент варақларини бирлаштириш уларнинг хаёлига келиб қолди. Варақларни буклаб, тахланган ҳолда тикдилар. Кейин эса, дафтар орқасига шунга ўхшаш дафтарларни қўшиб боравердилар. Китобнинг бундай илк шакли “кодекс” деб юритилади.

7 – МАВЗУ ҚАДИМГИ ДАВР МАДАНИЯТИ МИСР МАДАНИЯТИ

Режа:

1. Миср цивилизацияси – Шарқдаги илк цивилизация ватани сифатида. Мисрнинг тарихий тақдири. 2002 йили Европа ва Миср олимларининг робот ёрдамида Хеопс пирамидаси устида ўтказган тадқиқотлари. Қадимги Мисрда фалсафа мактаблари. Миср цивилизацияси – энг узок давом этган цивилизациядир.
2. Қадимги Юнонистон маданияти. Қадимги Юнонистон маданиятининг беш даври: Эгей ёки Крит - микен даври. Гомер даври маданияти. Архаик давр Маданияти. Классик давр. Эллинистик давр.
3. Қадимги Рим маданияти. Қадимги Рим маданиятининг уч даври: шохлик даври, республика даври, империя даври.
4. Хитой — цивилизация илк бор пайдо бўлган тўрт мамлакатнинг бири. Хитойда фалсафий ва диний оқимлар.
5. Ҳиндистон – қадимги цивилизация ўлкаларидан бири. Хоропп маданияти. Веда даври. Бобурийлар империяси даври маданияти. Ҳинд маданиятидаги буддавийликнинг дунё диний маданиятига таъсири.
6. Византия маданияти. Византия маданиятининг турли босқичларида шарқона ва ғарбона элементлар.

Илк цивилизация Осиё ва Африканинг қуруқ тропик ҳудудларидаги

дарё бўйларида пайдо бўлган. Булардан энг қадимийси сифатида *қадимги Миср цивилизацияси* эътироф этилган.

Дастлабки Миср давлати қирқта шаҳар-давлатдан иборат бўлган эди. Тахминан мил.ол. III минг йилликда ягона давлат ташкил топди. Мил.ол. XVI-XV асрларда қадимги Миср ғаройиб равишда гулаб-яшнади. Ҳозирги Туркиядан Эфиопиягача бўлган катта ҳудудни ўз ичига олди. Аммо қўшни давлатлар билан доимий равишда юз бериб турган доимий урушлар Миср давлатини таназзулга олиб келди. Милодгача VI асрда Миср Эронга, IV асрда эса, Александр Македонскийга ўлжа бўлиб қолди. Мил. ол. I асрда эса, Миср Римнинг бир вилоятига айланиб қолди. Рим империяси қулагандан кейин мил. VI аср охирида Миср Византия давлати таркибига кирди. VII асрдан сўнг Мисрда араблар ҳукмрон бўлди ва масиҳийлик ўрнига ислом ёйилди. Бу пайтда энди исломий маданият кучая борди. IX асрда Араб халифалиги қулагач, мамлакат яна мустақилликни қўлга киритди. XII-XIII асрларда Миср салиб юришларини бошдан кечирди. XVI асрда турк армиясининг ҳужумлари Миср давлатини қулатди. XIX аср охиридан эса, Усмонли империяси таркибига кирди. 1922 йили Миср яна мустақилликни қўлга киритди.

Миср ҳудудида инсониятнинг илк ҳаёти излари мил.ол. ўнинчи минг йилликларга оиддир. Мил. ол.олтинчи - бешинчи минг йилликларда инсон ўтроқ яшагани кузатилади. Тадқиқотчиларнинг радиоуглерод усули билан аниқлашларича, Фаюм водийсида дон сақлайдиган чуқурликлар бўлиб, милоддан олдинги 4600-4300 йилларга оид экан. Одамлар бу водийда чўчка, қорамол, қўй ва эчки боққанлар, буғдой ва арпа экканлар. Тахминан мил. ол. 3100 йилларда иккита йирик шоҳлик – Қуйи Миср (Нил дарёси дельтасида) ва Юқори Миср (Нил дельтасидан Элфантингача бўлган жойлар) пайдо бўлди. Инсон бу ерда илк бор ёзувни яратди, иншоотларни, шаҳарларни барпо қилди, деҳқончиликни ривожлантирди, давлат барқарор бўла бошлади.

Мисрликлар мукамал календарни ишлаб чиқдилар. Уларнинг календари бўйича, йил 365 кундан иборат эди. Мисрда календарнинг жорий қилингани астрономиянинг ривожланганидан далолат беради. Мисрликларнинг айтишларича, мамлакатнинг шаклий тузилиши маълум фазовий қонуниятларга асосланган экан, қачонлардир ҳудодлар фазони яратганларида, биринчи бўлиб Мисрни, кейин оламдаги бошқа мамлакатларни барпо қилган экан.

Одамларнинг ҳаёти қўп жиҳатдан Нилга боғлиқ эди. Шунинг учун жамият ҳаёти изчил йўлга қўйилди, сув омборлари ва каналлари режалаштирилган ҳолда қурилди, яхши сақланди. Ер тақсимланиши, сувга эғалик ҳуқуқи катъий бошқарув асосида олиб борилди. Фиръавннинг аёнлари юқори ҳосил олиш учун зурур ишларни бажарардилар.

Мисрликлар қадимда ўзларининг мамлакатини «қизил ва қора» деб айтганлар. Нил дарёси суви билан суғорилган вилоятлардан ҳосил мўл

олиналди, шунинг учун **Қора мамлакат** деб ном олган эди. Бу даврларда ёмғир кам ёғарди. Одамлар фақат Нилга умид боғлардилар. Айниқса, Нил дельтасининг ботқоқ жойларида папирус ва нилуфар гуллар кўп ўсган. Мана шу папирус ва гуллар Миср архитектурасининг шаклий томонига катта таъсир этди.

Қизил мамлакат деган ном ҳосилсиз жазирама иссиқ саҳрога нисбатан ишлатиларди. Саҳро мамлакатнинг шаркидан ғарбига томон ҳосилдор ўлкаларда оппок тасмага ўхшаб кўринарди.

Қадимги Миср маданияти беш минг йил олдин яратила бошлаган эди. Фақат кейинги йиллардагина Миср маданиятининг асосий нуқталари маълум бўла бошлади. Масалан, Мисрнинг мураккаб, мавҳум дини инсониятга XX асрнинг II ярми чорагида маълум бўлди. Маълум бўлишича, қадимги Мисрда 4000 худо бўлган экан. Бу худолардан ярми бугунги Миср бўйлаб кенг тарқалган ва ҳамма сажда қилаверган. Қолганлари маълум ҳудуддаги одамлар сажда қиладиган худолар эди. Ҳамма худолар бош худонинг маҳсули ёки унинг бир қисми эди. Бош худони баъзи манбаларда куёш худоси Ра деб, баъзиларида Нетер деб айтадилар.

Гарчи Миср маданиятида худолар ва уларнинг тасвири биринчи ўринда турган бўлса ҳам, дунёвий санъатга алоҳида эътибор берилган. Меъморлар, ҳайкалтарошлар, рассомлар юқори лавозимдаги одамлар ҳисобланган. Санъат – абадий ҳаётни бир авлоддан иккинчисига ўтказувчи восита деб қаралган. Фиръавнларнинг, худоларнинг ҳайкалларига санъатда кўпроқ эътибор берилган, мил. ол. XIX асргача Миср ҳайкалтарошлиги энг юқори чўққига кўтарилди. Бу санъат асарлари орасида фиръавн Эхнатон ва унинг хотини Нефертитининг ҳайкалчаси диққатга сазовор. Нефертити ҳам тож кийган ҳолда тасвирланган бўлиб, бир неча асрлар давомида Мисрнинг рамзий тасвири бўлган эди.

Ҳаммага маълумки, дунёнинг етти мўъжизасидан бири Миср пирамидаларидир. Бизга фиръавнлар Хеопс, Хефрон ва Микеронос давридаги пирамидалар етиб келган. Хеопс давридаги пирамида энг каттаси бўлиб, баландлиги 150 м.ни ташкил қилади. Пирамидаларнинг атрофида қабрлар бор. Бу қабрлар шохнинг қариндош - уруғлариники ва катта амалдорларники эди. Мазкур пирамида Хеопс (мил. ол.2551-2528 йилларда ҳукмронлик қилган) пирамидаси деб аталади. Олам мўъжизаларининг рўйхати бошида, Хитой деворидан кейин, ана шу пирамида туради. Дунёда инсоният қўли билан қурилган энг улкан иншоотлардан бири ана шу пирамидалардир. Хеопс пирамидасининг қурилишига 2,3 миллионта тош бўлаклари ишлатилган. Ҳар бир тош бўлагининг оғирлиги 2,5 тонна чиқади. Хеопс даврида пирамидаларнинг сирти майдаланган кумдан қилинган тошлар билан қопланган. Бу тошларга ишлатилишидан олдин жило берилган. Худди шу тошлардан Қохирада мамлук султонларининг саройини қуриш учун ҳам фойдаланилган.

Пирамидалар қурилишига кетган материаллар ҳажми тўғрисида қуйидаги далиллар бўйича хулоса чиқариш мумкин: инглиз олимларининг ҳисоблашларига кўра, битта Хеопс пирамидасига кетган материал Англиядаги жамики масиҳий жамоатхоналарининг қурилишига ишлатилган материалдан кўп экан. Яна шу ҳисоб - китоблар аниқланган: Хеопс пирамидасига ишлатилган тошлардан XX асрда Германиядаги ҳамма жамоатхоналарни қуриш мумкин бўларди.

2002 йили Европа ва Миср олимлари робот ёрдамида Хеопс пирамидаси устида тадқиқот ўтказдилар. Робот Хеопс пирамидаси ичига қандай кириб бораётганини бутун дунё телевизор орқали томоша қилиб турди. Археологлар техниканинг энг сўнгги ютуқлари ёрдамида Хеопс пирамидасининг энг муқаддас хонасига - сирли хонасига кириб бордилар. Тўрт минг йил давомида бу хонага инсон оёғи тегмаган эди. Икки соат давомида ўн икки сантиметрли «пирамидатешар» 65 метр туннельни босиб ўтиб, махсус дрель билан оҳактошдан қилинган эшикни тешди. Тешик орқали кичкина телекамерани ҳам олиб ўтди. Робот у ерда яна бир сирли хонага дуч келди. Хонанинг эшиги маҳкамланган экан. Шундай қилиб, хазина топилмади. Робот яна илгари юриши учун яна бир йил тайёргарлик керак бўлди.

XXI асрда археологлар қазув ишларида энг янги усуллари татбиқ қилиб, шуни тушундиларки, қадимги Миср архитекторлари айёрлик билан иш тутган эканлар: Фиръавннинг қабрини ҳар хил нопок одамлар бўлғамасин, деб одамларни қалғитиш учун ёлғондакам коридорлар қурган эканлар. Икки француз археологи Жак Бордо ва Франсин Дармен дастлабки олти сулоланинг фиръавнлари қабрлари лойиҳасига оид барча маълумотларни йиғдилар ва ҳар бир қабрнинг батафсил ҳариталарини чиздилар. Тайёрланган ҳариталар асосида пирамидаларнинг ички ер ости йўлларининг бир неча юз метрини суратга туширдилар. Ҳарита ва суратларни солиштириб, шуни аниқладиларки, ер ости йўлларидаги кўплаб туташган жойлар маҳорат билан қилинган сохта йўлларга олиб борар экан. Туташган жойлар тошни ўйиб ишланган бўлиб, сувалган ёки майдаланган тошга оҳак қушиб беркитилган экан. Шу тариқа горизонтал туташган жойлар сохта бўлиб чиқди. Аммо бу қазилма натижасида археологлар ҳақиқий йўлакни ва ҳақиқий тош деворни топишга муваффақ бўлдилар. Бу йўлак ва тош девор пирамиданинг яширин ковакларига қирадиган жойларини сир сақларди. Ўша ковакларни ташқаридан билиш мумкин эмас эди, чунки ковак жойлар қум билан беркитилган эди.

Қадимги Мисрда фалсафа мактаблари ҳам шаклланган эди. Мактабнинг асосий баҳси «Нима бирламчи – руҳми ёки моддий оламми?» деган мавзу эди. Худо Мемфиснинг руҳонийлари, жамики буюмлар бош худо Птаханинг тафаккури ва каломидан яратилган, деб ҳисоблардилар. Худо Гелиополнинг руҳонийлари эса, моддий оламнинг бирламчи эканига ишонардилар. Уларнинг қарашича, илк сувлардан худолар ҳам, атроф

оламдаги жамики ходисалар ва буюмлар ҳам келиб чиққан. Юнон философлари Миср рухонийларидан ўрганганлари тўғрисида рад қилиб бўлмайдиган далиллар бор. Хусусан, Библиядаги оламнинг яратилиши тўғрисидаги таълимотни яҳудийлар Мисрда яшаган пайтларда яратганлари эҳтимолдан холи эмас.

Қадимги Миср бутун қадимги дунё, жумладан, юнон ва Рим цивилизациясининг шаклланишига ва тараққиётига таъсир қўрсатган. Биронта цивилизация – на қадимни Рим, на қадимги юнон, на қадимги Хитой цивилизацияси Миср цивилизацияси каби қадимий ва узоқ муддат давом этган. Миср жамияти ва маданияти ҳеч қандай ўзгаришсиз *уч минг йил* давом этган.

Қадимги Юнонистон маданияти

Қадимги Юнонистон маданияти тарихи беш даврга бўлиб ўрганилади:

1. Эгей ёки Крит-микен даври (мил.ол. III-II минг йилликлар) маданияти.
2. Гомер даври (мил.ол. XI-IX асрлар) маданияти.
3. Архаик давр (мил.ол. VIII-VI асрлар) маданияти.
4. Классик давр (мил. ол. V-IV асрлар) маданияти.
5. Эллинистик давр (мил.ол.IV асрнинг II ярми – мил. ол. I асрнинг ўртаси) маданияти.

Крит-микен даври-энг қадимги цивилизация даври деб ҳам юритилади. Бундан ташқари, дастлабки уч давр қўпинча *классик давргача бўлган давр* деган умумий ном билан айтилади. Бундай ҳолда Юнонистон маданияти учта асосий даврга бўлинади: классик давргача бўлган давр, классик давр, эллинистик давр.

Эгей ёки Крит - микен даври

XIX асрнинг 70 - йилларида немис археологи Шлиман Эгей денгизи қирғоқларида қазув ишлари олиб борди. Қазув натижасида еттига шахарни аниқлади. Шаҳарлардан бирида Шлиман олтин хазинасини топди. Бу хазина мил. ол. III минг йилликда яшаган шоҳга тегишли бўлган экан. Бу шоҳ ҳақида Гомер «Илиада» достонида шундай ёзган эди:

Мукаддас Троя ҳалок бўлар,
Приамнинг найзабардор халқи
Троя билан ҳалокатга учрар.

Приам шахри олтин хазина эгаси бўлган шоҳдан минг йил кейин барпо бўлган эди.

Троядан учинчи минг йилликнинг ўрталарига оид археологик қатламлар топилган. Шлиман бу шаҳардан катта қабр ҳам топди. Қабрга шарқона кўринишда, олтин билан безатилган либослар кийган эркак ва аёлнинг жасадлари дафн қилинган. Қабрда қурол ҳам бор эди. Антик санъатдан енгисиз узун кийим (хитон) маълум эдию аммо шарқона либослар ҳали учрамаган эди. Бу топилмалардан, Юнонистонда бошқа халқ маданияти ҳам бўлган, деган хулоса келиб чиқади. Троядан Яна қалъа, сарой, қабрлар ҳам топилган. Бу сингари осори атиқалар Микендан ва Юнонистоннинг бошқа шаҳарларидан илгари ҳам топилган эди.

Юнонистон маданияти-узок тараққиёт махсули бўлиб, Шарк мамлакатлари Билан Эгей денгизи бўйларида жойлашган юнон қабилалари билан Болкон ярим ороллариининг жануби, Крит ороллари ва бошқа Эгей денгизи ороллари, Эгей денгизининг Осиё қисми ўзаро муносабатлари натижасида пайдо бўлган. Бу жойлар Микен давлатлари деб ном олган. Иккинчи минг йиллик охирида Микен давлатлари Болкон ярим оролининг шимолидан бу ерга келиб ўрнашган ва бу ердаги қабилаларга қариндош бўлган юнон қабилалари томонидан тор - мор қилинди.

Гомер даври маданияти

Гомер даври маданияти асосан Гомернинг ва Гесиоднинг асарлари асосида белгиланади. Бу давр маданиятида худолар ҳақидаги мифлар асосий роль ўйнайди. Юнонлар Гомерни худолар ҳақидаги тасаввурларимизнинг иждоқори, деб баҳолаган эдилар.

Юнонистонда кўчиш даври (м.о. XI аср) тугаши билан зодагонлар ўзларининг ижтимоий-сиёсий тузилмасини яратдилар ва «Гомер илохий давлати»ни барпо қилдилар. Бу давлатнинг тепасига Зевс тасвири қўйилган бўлиб, бу культни бу ерга келган босқинчилар ўзлари билан бирга олиб келган эдилар. Зевс ерли худоларга дуч келганда, уларнинг вазифасини ўзига олиб, сиқиб чиқарди, бошқа худолар билан қўшилиб кетди ва уларнинг номларини ва сифатларини ўзига олди, Яна бошқа баъзи худолар билан муроса қилиб, бирга яшади, шунинг учун олдинги худолар Зевснинг укалари, сингиллари, болалари бўлиб қолди. Зевс баъзи худолар билан оила қурди. Аммо Гомерда ҳам, Гесиодда ҳам худолар оламининг яратувчиси эмас, ўша худоларнинг ўзлари тугилганлар. Қачонлардир улар мавжуд бўлмаган эдилар.

Архаик давр маданияти

Архаик даврда юнон шаҳар - давлатлари шакллана бошлади, илмий тафаккур, шеърнат ривожланди, фалсафа, театр пайдо бўлди, Юнон санъати тараққий қилди. Архаик даврда спорт ва мусикавий - бадийий ўйинлар пайдо бўлиб, юнонлар ўзларининг худоларига бағишладилар. Мил. ол. 776 йилдан бошлаб худо Зевсга бағишланган спорт мусобақалари одатга айланди. Бу ўйинлар *Олимпия ўйинлари* деб ном олди ва тўрт

йилда бир марта ўтказиладиган бўлди. Худо Аполлон шарафига бағишлаб ўтказиладиган спорт ва мусика мусобақалари Пифий ўйинлари деб номланди. Бу мусобақа ҳам тўрт йилда бир марта ўтказиладиган бўлди.

Юнонистоннинг анча ривожланган вилояти Иония (Кичик Осиёнинг гарбий қирғоғида)да **натурфилософия** ривожланди. Материализм ва объектив қонуниятларни излаш бу фалсафий оқим учун характерли эди. **Фалес** (мил.ол. 624 – 546) ҳамма нарсаларнинг ибтидоси ва асоси сув деган бўлса, **Анаксимен** (тахминан мил.ол. 585– 525) - ҳаво, **Анаксимандр** (тахминан мил.ол. 611–546) - чексизлик, деб қараган эдилар.

Пифагор ва унинг издошлари, бутун борлиқнинг асоси миқдор ва миқдор муносабатларидир, деб ҳисоблаб, математика, астрономия ва мусика назарияси тараққиётига муҳим ҳисса қўшдилар. Машҳур юнон файласуфларидан **Гераклит** (тахминан мил.ол. 554 - 483) материянинг асоси олов, деган хулосага келди. Унингча, табиатда ҳам, жамиятга ҳам абадий ҳаракат ва кураш кетади.

Деярли ҳамма қадимги юнон файласуфлари математик бўлган эдилар. Булар – Пифагор, Афлотун, Арасту бўлиб, улар оламнинг миқдорий тавсифи тўғрисидаги фалсафий таълимотни ривожлантирди. Биринчи юнон файласуфи Фалес жиддий астрономик тадқиқотлар яратди, куёш тутилиши тўғрисида башорат қилди, айна пайтда у савдогар, денгизчи, кўприксоз, ажойиб инженер, давлат арбоби бўлган эди.

Архаик даврдаги адабиётда эпик жанрлар етакчи роль ўйнади. Гомернинг “Илиада”си, “Одиссея”си (мил.ол. VIII асрнинг охири) бунинг намунасидир. Бу даврда яна Гесиод “Теогония” (яъни Худолар шажараси) ва “Меҳнат ва кунлар” дostonларини ёзди. Эзопнинг (мил.ол.VI аср) масаллари ҳам юнон маданияти тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Архитектура ҳам ривожланди. Геометрик жиҳатдан тўғри шаклдаги колонналар, ҳайкалтарошлик, кулолчилик ривожланди. Айниқса, Коринфлик кулоллар идишларга нақш солишни ўйлаб топдилар. Бу даврда архитектура ва ҳайкалтарошлиқнинг бирлаштирилгани диққатга сазовордир. Ибодатхоналар ташқи томондан бўртма нақшлар билан безатилган, ичкарасига эса, худоларнинг ҳайкалчалари қўйилган.

Классик давр

Бу давр Перикл, Суқрот, Афлотун, Арасту, Демокрит, Эсхил, Софокл, Эврипид ва бошқа қатор алломаларнинг номлари билан боғлиқ. Бу даврда ҳайкалтарошлик ривожланиб, ҳайкалларнинг турли шакллари ва турлари яратилди. Мармар билан бирга бронзадан фойдаланиладиган бўлди.

Мил.ол. V асрда юнон жамиятининг маданий мезонлари шакллана бошлади. Овқат ва ичимликларда мўътадиллик, ахлоқда тийиқлик, ҳақиқатўйлик, ўз сўзига содиқлик, ишда ҳалоллик, жисмоний бардошлилик ва бошқа қатор ахлоқий мезонларга кўра жамият одамларга

баҳо берган. Инсонга ҳурмат шу тариқа шакллана бошлади. Спорт ривожланди, айниқса, болаларни соғлом тарбиялашга юнонлар куннинг кўп қисмини уйдан ташқарида - спорт залларида, стадионларда ўтказардилар. Шаҳар марказидаги бозор майдони одамлар ҳар куни йиғиладиган жой эди. Ҳамма янгиликларни улар шу ерда эшитганлар, Қолаверса, одамлар бу ерда бир-бирлари билан учрашиб, шахсий ишларини битирганлар.

Фидий, Мерон, Поликет ва бошқалар классик давр *ҳайкалтарошлигига* асос солдилар. Рассомчиликда *Полигнона* (V аср бошлари) ва *Аполлодора* (V асрнинг иккинчи ярми) янгича усулларни, сюжетларни олиб кирдилар. Классик давр адабиётида *трагедия* ва *комедия* жанри пайдо бўлди. Эсхил (мил.ол. 525–456), Софокл (тахминан мил.ол. 496–406) ва Эврипид (мил.ол.485–406) трагедия жанрига асос солдилар. *Трагедия* Дионис шарафига ўтказиладиган маросимлардан келиб чиққан. *Комедия* ҳам Дионис шарафига айтилган сатирик кўшиқ ва рақслардан пайдо бўлди. Шу тариқа Юнонистонда драматик театр пайдо бўлди.

Милoddан олдинги V аср ажойиб архитектура иншоотларига бой. Жамоат биолари сифатида *ибодатхона* (бу ибодатхоналар якка ҳудудликка эмас, балки мажусийликка мансуб эди) кўп қурилган эди. IV асрда Юнонистонда иқтисодий ва сиёсий таназзул кузатилади. Аммо маданиятнинг турли соҳалари ривожланиб бораверди. *Антик фалсафа* айна шу пайтда юксак чўққига етди. Учта файласуф - Сукрот, Афлотун ва Арасту антик фалсафани яратдилар.

Эллинистик давр

Александр Македонский босиб олган ерларда юнон маданияти тарқалган давр алоҳида босқич ҳисобланади. Бу даврдаги маданият эллинизм маданияти дейилади. Юнон ва маҳаллий маданиятнинг алоқалари ягона эллинистик маданият пайдо бўлишига ёрдам берди. Александр Македонский империяси йиқилгандан кейин ҳам алоҳида мустақил давлатларда эллинистик маданият сақланиб қолаверди (Миср, Салавкийлар давлати, Пергам давлати, Бактрия, Понтий шоҳлиги ва б.).

Бу даврда илмий билимлар тараққий қилди. Архимед (тахминан мил.ол. 287-212), Эвклид (тахминан 365-300), Аристарх Самосский (мил.ол.320-250)ларнинг кашфиётлари юзага келди. Илмий билимларнинг тараққиёти йиғилган ахборотларни системалаштиришни ва сақлашни талаб қиларди. Бир қатор шаҳарларда *кутубхоналар* барпо қилинди. Улардан энг каттаси Александрияда ва Пергамда эди. Филологиянинг грамматика, матн танқиди, адабий танқид соҳалари ривожланди.

Қадимги Рим маданияти

Қадимги Рим маданиятининг шаклланишига антик дунёдаги икки буюк маданият - этрусклар ва юнонлар маданияти аънаалари таъсир кўрсатди. Рим ибодатхоналари этруск ибодатхоналари намунаси бўйича қурилди, латин алифбоси ҳам этрускларнинг алифбоси асосида яратилди. Юнонларнинг таъсири мил.ол. III асрдан бошланди. “Одиссея”нинг латинчага таъсири Рим шеърятига таъсир кўрсатди. Аммо Рим шеърятининг том маънода халқ оғзаки ижодидан ўсиб чиқди.

Қадимги Рим тарихи уч даврга бўлинади:

1. Шохлик даври (мил.ол. VIII - VI аср бошлари).
2. Республика даври (мил.ол. 510 / 509 — 30 / 27 йиллар).
3. Империя даври (мил.ол. 30/27 – мил. 476 йиллар).

Рим цивилизациясининг тараққиёти Рим шахрининг ўсишига олиб келди, мил.ол. III–I асрларда Рим шаҳри аҳолиси I миллиондан 1,5 миллионга етган эди.

Антик даврга оид Рим меъморчилигининг ноёб намуналари сифатида **Пантеон** (ҳамма худоларга бағишланган жой)ни кўрсатиш мумкин. Пантеон – ибодатхона бўлиб, империядаги кўплаб халқларнинг бирлиги ғоясини гавдалантирадиган барча худолар учун қурилган.

Амфитеатр (юнон. amphit – атроф ва theatron – театр) томоша учун (кўпинча гладиаторлар жанги учун) қурилган иншоот бўлиб, чўзиқ шаклдаги майдон бўлган ва атрофида томошабинлар учун зинапоялардан иборат ўриндиқлар жойлашган. **Колизей** энг машҳур амфитеатр бўлиб, 50 минг томошабинга мўлжалланган эди.

Римда иссиқ ва совуқ суви бор ھаммомлар, гимнастика заллари, дам олиш хоналари қурилган. Кўп шаҳарларда 3–6 қаватли уйлар қурилган.

Империя даврида Рим шаҳарлари режаси анчагина яхшиланган, чиройли майдонларга, яшаш учун қулай бўлган уйларга алоҳида эътибор берилган. Нерон ҳукмронлиги даврида Римда ёнғин юз берган ва 14 та тумандан 10 таси ёниб тугаган. Бу туманларда уйлар асосан ёғочдан қурилган, йўллар тор эди. Ёнғиндан кейин император шаҳарни янги режа бўйича - кўчалари кенг, уйларни тошдан, император саройини ҳам тошдан қилиб қуришга фармон берди.

Империя давридаги шаҳарларнинг фарқли хусусиятларидан бири-коммуникация воситаларининг-тош кўприк, водопроводлар, канализацияларнинг борлиги эди. Империя даврида Римда II та водопровод бўлиб, иккитаси ҳозиргача ишлайди. Ўша даврларда қурилган йўллар, кўприклар ҳозиргача хизмат қилади.

Римда фан ва маориф катта муваффақиятларга эришди. Таълим уч босқичдан иборат эди: бошланғич таълим, грамматика мактаби ва риторика мактаби. Императорлар риторика мактаби учун катта маблағ

ажратардилар. Барча таълим боскичларида ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш ўргатилган. Ўрта мактабларда грамматика муаллимлари юнон тили ва еттита фан - грамматика, дилектика, риторика, мусика, арифметика, геометрия, астрономияни ўргатганлар. Булар қаторида архитектура ва тиббиёт ҳам ўқитилган. Охирги боскич олий таълим бўлиб, нотиклик санъати ва фалсафа ўқитилган. Мансабдор одам бўлиш учун ва сиёсатда риторикани эгаллаш шарт бўлган.

Рим таълим тизими юнонлардан намуна олган ҳолда ривожланди. Биринчи ўринда ҳуқуқ, тиллар, адабиёт, тарих, иккинчи ўринда математика турган эди. Олий таълимда фалсафадан кўра, нотикликка кўпроқ эътибор берилган.

Рим, Александрия, Афина, Корфаген шаҳарлари илмий марказлар сифатида фаолият кўрсатган эди. I–II асрларда Римда географик билимларга, тиббиёт ва тарихга эътибор берилган. Страбоннинг (мил.ол. 64/ 63 – мил. 23/24 йиллар), Птоломей (I–II асрлар)нинг китоблари яратилди. Плиний (I аср) физик география, ботаника, зоология, минералогияни ўз ичига олган “Табиий тарих” комусини ёзди. Тиббиёт ривожланди: Гален (129– 199 йиллар) нафас йўллари, бош миёна бўйича тажрибалар ўтказди, биринчи бўлиб одам аъзоларининг анатомик тузилишини берди. Врачлар тайёрлаш учун мактаблар очилди.

Милоддан олдинги III асрда юнонлар таъсири остида Рим адабиёти пайдо бўлди. Муаррихлар юнон тилида Рим йилномаларини ёздилар. Жумладан, Цицерон (мил.ол.106 – 43 йиллар) нинг публицистикаси Рим насрининг энг яхши намуналаридандир. Унинг 50 дан ортиқ нутқлари ва нотиклик назариясига оид ишлари сақланиб қолган. Цицероннинг ижоди Рим адабиётида “Олтин латин даври”ни кашф қилди. Бу даврда насрнинг гўзал намуналари яратилди.

Рим шеърляши ҳам мил.ол. I асрда катта муваффақиятга эришди. Лукреций (96–55 йиллар) нинг “Буюмларнинг табиати ҳақида” номли фалсафий поэмаси, Гораций (65–8 йиллар)нинг сатиралари, қасидалари ва бошқа шеърлий асарлари, Овидий (мил.ол. 43 – мил.18 йиллар)нинг ишкий шеърлари ва мактублари Рим шеърлятига асос солди.

Рим театр санъати, ҳайкалтарошлик юнонларнинг таъсири остида ривожланди. Аммо материаллар театр санъатида Рим жамиятининг ҳаётидан олинди. Ҳайкалтарошлиқда ҳам бизгача етиб келганлари юнонлар таъсиридан ҳолидир. Ҳайкалтарошлар инсоннинг ички оламида кўрсатишга кўпроқ эътибор қаратганлар.

Римликларнинг диний эътиқоди дастлаб мажусийликка асосланган эди. Милодий IV асрда Рим империяси Ғарбий ва Шарқий қисмларга бўлиниб кетгандан кейин, масиҳийлик ғалаба қилди ва католик оқими ҳаётга сингиб борди.

Хитой маданияти

Хитой — цивилизация илк бор пайдо бўлган тўрт мамлакатнинг бири бўлиб, қадимги Миср, Бобил ва Ҳиндистон қаторида туради. Расмий маълумотларга қараганда, мамлакатда беш мингта тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Милоддан олдинги учинчи минг йилликда хитойликлар қизил, оқ, сафсар рангли сополлар ишлаб чиқарганлар. Сополларга тўрбурчак, тўлқинсимон шакллар солганлар. Хитой маданиятидан қолган энг ноёб ёдгорлик — алифбодир. Хитой ёзуви “иероглиф” деб аталадиган белгилардан иборат бўлиб, 50 минг белгидан, яъни иероглифлардан иборат. “Иероглиф” термини юнонча бўлиб, “тошга ўйиб ёзилган муқаддас белги” деган маънони билдиради. Бундан ташқари, 1958 йили хитой тилининг лотинлашган алифбоси ҳам қабул қилинган.

Қундалик ҳаётда 4–6 минг белги ишлатилади. Ҳозирда яхши маълумоти бор хитойлик 6–8 минг белгини билади. Газетани ўқий олиш учун 3–5 минг белгини билиш керак бўлади.

Алифбо Хитой маданиятидан энг ноёб меросдир. “Маданият” сўзи хитойчада “вен-хуа” деб айтилиб, “саводли бўлмоқ” маъносини билдиради. Хитой иероглифларининг хизмати шундаки, миллат ўз меросини сақлашга ва ёйишга, давлатни марказлаштириб, мустахкамлашга имкон берди. Хитой раҳбарияти иероглиф ёзувини хитой миллати ва маданияти бирлиги учун қафолат сифатида қарайди. Хитой иероглифлари яна хуснихат эстетикаси учун ҳам асосдир.

VII–XIII асрларда хитойликлар рассомчиликни санъатнинг муҳим кўринишларидан бири сифатида ҳурмат қилганлар. Бу даврдан сарой деворларига, ибодатхоналарга солинган суратлар, миниатюралар сақланган. Бир неча метрли ўрама қоғозларда шаҳар ва сарой ҳаёти, табиат, портрет, маиший ҳаёт тасвирланган. Рассомлар гуручдан қилинган қоғоз ва ипакдан фойдаланганлар.

Қоғоз билан бирга хитойликлар биринчи бўлиб чой, чинни, порох, соябон, музқаймоқ, ипак ва гугуртни ўйлаб топиб, дунё бўйлаб тарқалган. Беш минг йил илгари илк бор дунёда бетон қуйиш технологиясини ишлаб чиққанлар. Гансу вилоятидаги архитектура комплекси шундан далолат беради.

Само ибодатхонаси (1420 йилда қурилган) Пекиннинг ўзига хос рамзидир. Бу ибодатхона думалоқ шаклда қурилган бўлиб, уч қаватли томи бор. Аслида бу ибодатхона император сайр қиладиган ўрама парк бўлган эди. Ибодатхона пойдеворининг диаметри 30 метр, баландлиги 38 метр. Ибодатхонанинг яна бир диққатга сазовор томони шуки, девор аксадо беради ва бир томондан иккинчи томонигача овоз ёйилади.

Ғор ибодатхоналар ҳам Хитой архитектурасининг эътиборга лойиқ томонларидандир. Асосан, тоғларни ўйиб ғорларда барпо қилинган будда ибодатхоналари тарихи 1000 йилдан нарига бориб тақалади.

Ғор ибодатхоналари орасида Гансу вилоятидаги Дунхуан шаҳрида барпо қилинган ибодатхона қадимги Шарқ санъатининг хазинаси деб ном олган. Бу ибодатхона Миншамань шаҳри этагидаги қояга ўйилган, узунлиги 1600 метр. Бу ибодатхоналар Могао ибодатхоналари комплекси дейилади. Ибодатхона қурилиши миладий 360 йилда бошланиб, узлуксиз равишда 700 йил давом этган. Буюк ипак йўли шу ердан ўтган. Ибодатхона қурилишида савдогарлар, амалдорлар, оддий одамлар иштирок этганлар, назрлар атаганлар. Ибодатхона комплексида 735 ғор, 45 минг квадрат метр девор суратлари, 2415 та турфа рангдаги ҳайкалчалар сақланган. Бу ёдгорликлар 10 сулола ҳукмронлиги даврида барпо бўлган. 1988 йили ЮНЕСКО қарори билан мазкур ибодатхона комплекси жаҳон маданий мероси сифатида рўйхатга олинган.

Хитой архитектураси Япония, Корея, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари архитектурасига кучли таъсир этган. Хитойда *фалсафий* ва *диний оқимлар* асосан милoddан олдинги биринчи минг йиллик охирида шаклланиб бўлган эди. Биринчи навбатда конфуцийлик ва даосизм пайдо бўлди. Хитойнинг маънавий маданиятида буддавийлик катта рол ўйнади. Буддавийлик Хитойга миладий I аср ўрталарида Ҳиндистондан кириб келди. VIII асрда Хитой ислом таълимоти билан танишди. Кейинроқ католик миссионерлари пайдо бўлдилар. IX асрнинг ўрталарида эса, мамлакатга масиҳийлик кириб кела бошлади.

Конфуцийлик ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ. Конфуцийнинг (мил.ол. 551–479) бу таълимоти ғайритабiiйликка асло алоқадор эмас. Шунинг учун конфуцийликни дунёвий таълимот деб атайдилар. Конфуций оила - қариндошлик алоқаларини ҳам давлат, ҳам диний нуқтаи назардан талқин қилди. “Давлат - битта оила, ҳукмдор, яъни Осмон ўғли бир пайтнинг ўзида халқнинг отаси ва онасидир”, деб баҳо берган эди.

Даосизм қадимги мифлар, халқ инонч - эътиқодлари культларга асосланган эди. *Дао* - “йўл” деган маънони билдириб, унинг асосчиси лао Цзидир. У Конфуцийнинг замондоши бўлган эди.

Умуман, Хитой маданияти тарихи дунё маданияти тарихида муҳим рол ўйнади.

Ҳиндистон маданияти

Ҳиндистон қадимги цивилизация ўлкаларидан биридир. Қадимги Ҳиндистон оламга “Мохобхарот”, “Рамаяна” каби эпик асарларни, Калидаса каби буюк ижодкорни, “Панчататра”ни берган. Қадимги Ҳиндистон математика, астрономия, тиббиёт соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Ҳозирги арифметикага асос бўлган сон тушунчасини ҳам хиндлар яратган.

Ҳиндистон мамлақати ва маданияти тарихи қуйидаги босқичларга бўлинади:

- Хоропп цивилизацияси,
- Веда даври,
- Маур даври,
- Гуптлар даври,
- Бобурийлар империяси,
- Замоनावий тарих.

Хоропп маданияти мил.ол. 3200– 1300 йиллар оралиғида яшаган. Хоропп маданияти Месопотамия ва Мисрдан кейин учинчи ўринда туради. Хоропп маданиятининг энг муҳим томонларидан бири ерга борона билан ишлов беришнинг йўлга қўйилгани ва ёзувнинг яратилганидир. Хоропп маданиятининг энг қадимги марказлари Мохенжо Дорро ва Хоропп шаҳарларидир. Бу ва бошқа шаҳарлардан топилган археологик ёдгорликлар бронза даврига оиддир. Хоропп маданиятида инсон Европа иркига мансуб бўлган.

Шаҳарсозлик маданияти ҳам бугунги архитектура талабларига жавоб беради. Махенжо Дорро ва Хоропп шаҳарлари бир хил режа асосида қурилган ва кейинги даврларда ҳам ўзгартирилмаган. Асосий кўчалар тўғри тўрт бурчак ҳосил қилиб кесишган ва кварталлар ҳосил қилинган. Бу шаҳарларда сув тармоқлари ва канализация барпо қилинган. 2–3 қаватли уйлар қурилган.

Топилган ёзув намуналари 400 пиктограмма (расмли ёзув)дан ва бўғинли белгилардан иборат. Археологлар топган чизғичда ўнлик бўлув системаси қўлланган. Тарих яна ғор суратларини, ов саҳнаси тавсирини ҳам саклаган.

Веда даври иккинчи минг йилликнинг ўртаси ва биринчи минг йилликнинг ўртасига алоқадор бўлиб, бошқа мамлакатлардан Ҳиндистонга келган халқларнинг маданияти билан боғлиқ. Арийлар деб аталган бу халқлар чорвачилик билан шуғулланганлар. Аммо уларнинг келиб чиқиши ҳанузгача маълум эмас. Уларнинг тили ҳинд-европа тилларидан бири санскритнинг қадимги шаклига мансуб.

Милоддан олдинги XV асрда арийлар Шимолий Ҳиндистонга бостириб кирдилар ва бу ернинг туб аҳолиси дравидларни жанубга қувдилар. Ҳиндистон аҳолисининг тили асли дравид тилидир. Ҳинд тиллари гуруҳига кирувчи тилларнинг тўртдан уч қисми арийларнинг санскрит тилига қариндошдир.

Арий қавмлари Ҳиндистонга келганларидан (баъзи олимлар Ўрта Осиёдан, баъзилари Жанубий Рус чўлларида келган дейдилар, аммо ҳар икки ҳолатда ҳам Ўрта Осиёдан боргани аниқ, чунки арийларнинг Жанубий Рус чўлларига ҳам Ўрта Осиёдан боргани аниқланган) кейин маданий тараққиётда кескин ўзгаришлар бўлди. Ведалар айна шу даврда яратилгани учун Ҳиндистон тарихида *веда даври* деб юритилади. Ведаларда гарчи бир ўринда 3399 худо борлиги айтилса ҳам, 33 худо тўғрисида сўз юритилади. Худолар *заминий*, *самовий* ва *оралиқ* каби учга

бўлинган. Арийлар кўп иззат қиладиган худо ёмғир ва момақалдиروق худоси Индра бўлиб, унга 250 мадхия бағишланган. Бошқа худоларга бағишланган мадхияларда ҳам Индра номи эсланади.

Ведаларга тўртта асосий тўплам - Ригведа (мадхия ведаси), Самоведа (куйлар ведаси), Яжурведа (курбонлик ведаси), Атхарведа (афсун ва сеҳр-жодулар ведаси) дан иборат.

Ведалар ўша даврдаги турли билим соҳаларини - деҳқончилик, тиббиёт, геометрия, ҳунармандчилик, ҳарбий техника, астрономияни қамраб олади. **Упанишодлар** ҳам ведаларнинг охириги жанрларидан биридир. “Упанишод” - инсонни худога (ёки устозга) яқинлаштирадиган нарса деган маънони билдиради. Упанишодлар Ҳиндистоннинг энг қадимги фалсафий асарлари ҳисобланади. Упанишод буддавийликка, жайнизм(диннинг асосчиси Будданинг замондоши Махавира, *Жина* “Ғолиб” деган маънони билдириб, унинг лақабидир)га катта таъсир этган. Упанишоднинг асосий вазифаси шахс руҳини кoinот руҳи билан бир хил деб қарашдан ва талқин қилишдан иборат эди.

Маур давлати Ганга дарёси бўйида барпо қилинган бўлиб, бу маданият буддавийлиқнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Маур сулоласи ҳукмдорлари буддавийликдан халқларни бирлаштириш учун фойдаландилар. Маур давлатидаги маданий ёдгорликлар **Ашок** (мил.ол. 268–232 йилларда ҳукмронлик қилган) номи билан боғлиқ. У жанг билан бошқа давлатларни кўшиб олди, кўп давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатди, фан ва санъатга эътибор берди, шаҳарлар барпо қилди. Ашок кўплаб будда ибодатхоналари қурдирди. Дунёвий адабиёт ҳам Ашок даврида ривожланди. Жумладан, “Артахаштра” номли сиёсий асар бу даврдаги муҳим ёдгорликлардан биридир. Асарда саройдаги зиддиятлар, фитналар, қимларнингдир сирли ўлими шеърый йўлда баён қилинган. Ашок вафотидан кейин Маур давлати таназулга юз тутта бошлади.

Гуптлар империяси. Бу империя (319–540 йиллар) даврида мамлакат яна бирлашиб, қудратли давлатга айланди. Санскрит асосий тил бўлиб қолди. Гуптлар сулоласини қадимги ҳинд маданиятининг “олтин асри” деб атайдилар. Сулоланинг баъзи вакиллари, жумладан, Чандргупта ва Скандаргупта шоир ҳамда мусикачи бўлган эдилар. Буюк шоир ва драматург Калидаса Чандраргупта ҳукмронлиги даврида яшаган эди.

Бу даврда моддий маданият ривожланди: ипакчилик, сунъий суғориш ривожланди. Ҳунармандлар қурул ва зеб - зийнатлар ишлаб чиқаришда катта муваффақиятга эришдилар, ипак ва пахтадан нафис матолар тўқидилар. V асрда хунларнинг авлоди эфталитлар (оқ хунлар) бостириб кириб, Гуптлар империясига зарба бердилар.

Бобурийлар империясидан Агра шаҳри яқинидаги Тож Маҳал дунё архитектурасида тенгсиз иншоотдир. Иншоот 1631–1653 йиллар оралиғида Шохжаҳон ҳукмронлиги даврида барпо қилинган. Қурилиш ишларида

Ҳиндистон ва Ўрта Осиёдан 20 000 одам иштирок этган. Сарой куннинг турли пайтларида турлича товланади. Тож Маҳал Ҳиндистонда кенг тарқалган шохлар макбарасига мансубдир.

Ҳинд маданиятидаги буддавийликнинг таъсири бутун дунё маданиятида сезилади. Қадимги Ҳиндистон тиббиёти, математикаси бутун дунёда шуҳрат топди, тилшунослик, мантик, психология фанлари юқори босқичга кўтарилди. Ҳинд маданиятида аъёнага содиқлик ва янгилекка интилиш баравар олиб борилмоқда.

Византия маданияти

Византия ўрта аср маданияти тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Византия ўрта аср оламига адабиёт ва санъатнинг энг юксак намуналарини берди. Византия таълимнинг юқори кўрсаткичи, маънавий ҳаётнинг фаоллиги, тасвирий санъатнинг таъсир кучи ва чуқур маъно ифодаси билан ўрта аср Европа мамлакатларидан бир неча асрга ўзиб кетди.

Византия давлати ҳудудида чорвачилик, қишлоқ хўжалиги ривожланди. Айниқса, антик даврдан қишлоқ хўжалиги асосларини ва ерга ишлов бериш, зайтун мойи ишлаб чиқариш, узумчиликни ўзлаштириб, катта иқтисодий кўрсаткичларга эришди. Византияда табиий бойликлар ҳам мўл эди. Тери ва тери маҳсулотлари етиштиришда ҳам энг илғор давлат эди. Аҳолининг этник таркиби турлича эди: катта қисмини юнонлар, улардан кейин сурёнийлар, яҳудийлар, фракийлар, қибтийлар, даҳлар, Кичик Осиёдаги ерли майда халқлар, грузинлар ва арманлар ташкил қиларди. Византиянинг кўп халқлари, айниқса, шарқий қисмидаги халқлар ўзларининг турмуш тарзини, тили, маданияти, удумлари, урф-одатларини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Бора-бора, юнонлар ҳар соҳада ҳукмрон бўлиб қолдилар. Илк Византия давлатида жиддий демографик ўзгаришлар, оммавий равишда қабила ва элатларнинг қўчиб келиши, босқинчиларнинг ҳужуми ва ҳоказолар эллинизмнинг¹ барқарорлашини қийинлаштирди.

Византия давлати икки давр чегарасида - сўнгги антик даврнинг барҳам топиши ва ўрта аср жамиятининг туғилиши чегарасида пайдо бўлди. Византия тарихининг илк даври дастлабки уч ярим асрни қамраб олади. Бу даврда Византия таркибига Рим империяси шарқий қисмидан ярми қирган эди. Римнинг шарқий қисми эса, Болқон ярим ороллари, Кичик Осиё, Сурия ва Фаластини, Мисрни, Киренаик (Шимолий Африка)ни, Крит ва Кипр ороллари, Месопотамиянинг бир қисмини,

¹ Эллинизм — Македонияли Александр Македонский (мил. авал. 362–332 й.) истилосидан кейин турли мамлакатларда пайдо бўлган маданият; бу маданиятда юнон тили ва юнон тафаккури ҳукмрон бўлган эди. Эллинистик давр Александр Македонский ўлимидан бошлаб масихийлик таълимоти пайдо бўлгунча даврни қамраб олади. Аммо Рим империяси эллинистик маданиятни давом эттирди. Шунинг учун Рим империяси қулагунга қадар, ҳатто ундан кейин ҳам, эллин маданияти давом этди.

Арманистонни, Арабистоннинг айрим ороллари, Қора денгиз бўйларини (жумладан, Қримдаги Херсонни ва Кавказдаги Лазикни) ўзи ичига олган эди. Манбаларнинг хабар беришича, бу даврда Византия ҳудуди 750 минг кв. км. дан ортиқ эди. Бу дегани - юқори деҳқончилик маданияти учун афзалликлар пайдо бўлди, деганидир. Бу ерда азалдан донли экинлар (буғдой, арпа, сули) ўстириларди, зайтунзор ва узумзорлар барпо қилинган эди.

Юнонистон, Кичик Осиё соҳилидаги вилоятлар, Сурия ва Фаластин боғ-роғлари, узумзорлари билан шуҳрат таратди. Фаластин эса, хурмолари, писталари билан машҳур бўлди, Юнонистон ва Кичик Осиёнинг ички туманлари зайтунзорларнинг асосий марказига айланди. VI асрдан бошлаб Хитойдан Византияга ипак қуртини кўпайтириш санъати кириб келди. Византия империясида ипакчиликнинг маркази Финикия бўлди. Илк Византияда йирик шаҳарлар маркази ҳали антик шаҳар қиёфасини сақлаб келаётган эди. Тўғри солинган кўчалар, антик даврга оид ҳайкалчалар билан безатилган майдонлар илк Византиянинг алоҳида белгилари эди. Шаҳар ҳаётининг маркази, олдингидай, чиройли жамоат бинолари билан ўралган майдон бўлиб, бу майдон *агора* (ёки форум) деб аталарди. Ҳар бир шаҳарда театр ёки цирк мавжуд эди. Бойларнинг икки қаватли уйлари шаҳарнинг асосий кўчасида жойлашганди. Кўп шаҳарларда масихийлар жамоат бинолари ўсиб бораётган бўлса ҳам, ҳамон мажусийлар ибодатхоналари сақланиб қолган эди.

Византиянинг пойтахти Константинополь бўлиб, VI асрда Юстиниан ҳукмронлиги даврида ҳашаматли саройлари, ибодатхоналари билан машҳур бўлди. Империя пойтахти дунёвий маданиятнинг ўчоғи бўлиб қолаверди. VI асрда яшаган нотик Фелисий Константинополни “улугворликнинг ғоят катта устахонаси” деб бекорга айтмаган эди.

Византия маданияти мураккаб шароитда пайдо бўлди. Айрим ҳолларда зиддиятлар заминида қарор топди. Византия маданияти ғарбий Европа маданиятидан фарқли равишда варварлар босқинлари даврида юнон-рим анъаналари таъсири остида қолаверди. Аммо Византия маданияти империя ҳудудига ўрнашган кўпчилик халқларнинг тафаккури маҳсули бўлган бадиий анъаналарни ўзига сингдирди. Нафакат юнонлар, балки сурёнийлар, арманлар, грузинлар, Кичик Осиёдаги қабилалар, славянлар, Қрим халқлари ва лотин халқи Византия маданиятининг шаклланишига ўз хиссаларини қўшдилар. Кейин бу халқларнинг маданий тараққиёти *Византия цивилизацияси* деб юритиладиган бўлди.

Византия маданиятининг илк даври империяда мажусийлик, мушриклик ва яқка ҳудоилик, масихийлик ғоялари кураши шароитида шаклланиб ривожланди. Бу давр жамиятдаги мафкуранинг шаклланиш даври бўлди. Масихийлик дунёқараши антик оламнинг фалсафий, ахлоқий ва эстетик қарашлари билан кескин курашда шаклланди. Византия давлатининг дастлабки юз йилликларини дунёқарашдаги кескин

бурилишлари асри деб караш мумкин. Бу даврда мажусийликка асосланган эллинизм анъаналари ўрнини расмий мақомга эга бўлган масихийлик эгаллади. Мана шу илк даврдаги курашлар жараёнида неоплатонизмнинг² спиритуал фалсафаси қайтадан гуллаб-яшнади. Бир қатор неоплатончи файласуфлар етишиб чикди. Прокл Диадох, Псевдо-Дионисий Ареопагит шулар жумласидандир. Маслагидан қайтган император Юлиан, IV асрда яшаган машҳур нотиклар Фемистий ва Ливаний, муаррихлар Аммиан Марцеллин ва Зосим (IV–V асрлар) мажусийликнинг охириги химоячилари бўлиб майдонга чиқдилар, улар сўниб бораётган мажусий ғояларини қайта тиклашга ҳаракат қилдилар. Аммо неоплатонизм ғояларини кенг омма қабул қила олмади, чунки неоплатонизм химоячилари ақидаларини ўзлаштириш учун оммадан чуқур билим талаб қилинар эди.

Масихийлик ўша даврнинг кўплаб фалсафий ва диний таълимотини ўзида мужассамлаштирди. Масихийлик ақидаларининг Византия маданияти тарихида пайдо бўлишида фақат Яқин Шарқдаги иудаизм, монийлик таъсир этиб қолмади, балки неоплатонизм ҳам кучли таъсирини ўтказди. Неоплатонизмдаги мистик ва илоҳий ақидалар, неоплатончиларнинг эстетик қарашлари масихийликдаги соҳидлик билан уйғунлашди, бу таълимотларнинг бир - бирига яқинлашишига йўл очди. Масалан, илоҳий Учлик тўғрисидаги ақида-масихийлик таълимотининг асосий ақидаларидандир. Аслида бу ақида неоплатончиларнинг учлик ҳақидаги ақидасининг қайта талқинидир. Аммо масихийликда неоплатонизм ва монийлик хусусиятлари давом этган бўлса ҳам, масихийлик монийлик дуализми ва неоплатончилик монизмдан кескин фарқ қиларди.

Масихийлик қоришиқ диний таълимот бўлиб қолмай, балки алоҳида фалсафий тизим бўлган эди. Шу боис антик фалсафий таълимотлар билан масихийлик ғоялари ўртасида зиддиятлар кескинлашди. Ҳамма қадимий фалсафий ғояларни рад қиладиган илк масихийлик ўрнига аста-секин антик ва масихийлик дунёқараши ўртасида маълум келишув пайдо бўлди.

Умуман, бу даврдаги Византияда маданий ҳаёт юқори поғонага кўтарилди. Фанда, адабиёт ва санъатда мажусийлик ва масихийлик ғояларини, тинсолларини ажойиб равишда бирлаштириш кузатилади. Юқорида биз айтган мутафаккир, илоҳиётчи ва файласуф Псевдо-Дионисий Ареопагит шулардан биридир. Ундан катта адабий мерос қолди. Шунингдек, бир қатор диний рисолалар - “Илоҳий исмлар тўғрисида”, “Самовий иерархия тўғрисида”³, “Жамоат иерархияси тўғрисида” ва бошқа диний мавзудаги бир неча мактублари бор. Псевдо-Дионисий Ареопагитнинг катта диний-фалсафий тизими неоплатонизм билан

² Неоплатонизм — антик фалсафада охириги ва энг узоқ давом этган давр (милодий III–VI асрлар) бўлиб, руҳий оламни моддий оламга нисбатан бирламчи деб қарайди; бу оқимга кўра, тажриба ва ақл воситасида эмас, балки мистик экстаз ҳолатида фалсафа олий босқичга эришилади.

³ Иерархия — юнонча сўз бўлиб, “хизмат пиллапоялари”, лавозим, унвонларнинг қуйидан юқorigа кўтарилишини билдиради.

масихийликни бирлаштиради. Унингча, Худо ва у сабабли мавжуд бўлган фазо самовий кучлар пастга тушадиган ирерахия кўринишида фикр қилинади. Жамоат босқичи тўғрисидаги қарашлари шундан иборатки, унингча, заминий жамоатнинг босқичлари самовий жамоат намунаси бўйича тузилади. Унинг қарашлари ўрта аср диний–фалсафий тафаккури тараққиётига маълум даражада ўрта аср маданиятининг бадийий жиҳатларига сезиларли таъсир этди.

Григорий Назианзин нафақат илоҳиётчи, балки истеъдодли ёзувчи, шоир ҳам эди. Унинг тақдири аянчли, зоҳидлар сингари танҳоликда кечди. У ҳаётнинг ҳамма машаққатларига шеърятдан тасалли топди. У шеърларида замоннинг шафқатсизлигидан азоб чекаётганини, дўстларнинг хиёнатидан, ҳамфикрларнинг соткинлигидан, жамоатлар ўртасидаги зиддиятлардан нолийди. Мана, унинг шу руҳдаги шеърларидан бир намуна:

Дўстлар - ғаним, хаста тана азоб тортади,
Оломон тошбўрон ила мени кутиб олади,
Қавм шол бўлган, руҳий фарзандлар
Ёлғиз мен билан видолашганлар.
Бошқалари шошилар мени сотгани,
Оҳ, бу эди ота–боболар ғами!
Мартабалари бўйича йиғилар улар,
Ёвузлашган нокаслар, унутган улар
Сирли зиёфатни, унутганлар
Чўпонлик хизматида ҳамма улушини.
Қулфатда қолганимда менга тасалли бермас,
Ўғирарлар улар ёлғизларга орқасини.

(Насимхон Раҳмон таржимаси)

Илк Византиянинг яна бир ёрқин истеъдодларидан бири шоир Роман Сладкопевецдир (V аср охирида туғилиб, 555 йилдан кейин вафот этган). У Байрутда туғилган. Роман ўз ижодида сурёний ва юнон анъаналарини омухталаштирди. Унинг буюк хизматларидан бири жамоатлар йиғинида қуйланадиган мадҳияларда янгича поэтик шаклларни - ибодат поэмаларини яратиш бўлди. Бу турдаги поэмалар *кандак* деб ҳам юритилган. Бора - бора бу жанр православ жамоатларида Худони мадҳ қилишда бош ўрин эгаллади. Унинг ижодида ижтимоий ҳаёт, халқона тафаккур маҳсули бўлган шеърлар ҳам ўрин олган.

IV-VII аср ўрталарида Византияда ижтимоий–сиёсий ва ғоявий кураш кетди. Бу кураш Византия муаррихлари асарларида ёрқин акс этди. Бу давр тарихий асарларга бой. Илк Византия машҳур дунёвий муаррихларнинг асарларини қолдирди. Булар - Аммиан Марцеллин, Евлампий, Олипиодор, Зосим, Кесарли, Прокопий Менандр Протиктор,

Феофилакт Симокатта ва бошқалардир. Булар истеъдоди, ақлий қудрати, кизгин ижодий дунёқарашининг кенглиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради.

Феофилакт (VI асрнинг охири - VII асрнинг биринчи ярми) Византия историографиясини антик даврдан ўрта асрга олға сурди.

Феофилактнинг “Тарих” асари бор. У мазкур асарида давлат ҳокимиятининг сиёсий қарашларини аниқ, изчил баён қилади, идеал ҳукмдорнинг мукамал қиёфасини чизиб беради. Унингча, ҳукмдор ўз фаолиятини юргизар экан, унинг биринчи фазилати *мулоҳазакорлик* бўлиши керак: “Ҳукмронлигинг зўравонлигини идрок югани билан ушла, фалсафа рулдир, фалсафа ёрдами билан эса, империянг кемасини бошқар”. Иккинчи фазилат-камтарлик бўлмоғи лозим: “Қўрқув билан эмас, балки фуқароларингнинг майли бўйича хизмат қилишга интил, хушомадгўй гапларга ёзғириқни афзал бил. Ёзғириқ ҳаётда энг яхши устоздир”. Учинчи фазилат адолат бўлиши даркор. Император онгли тадбир билан адолат ва олийжанобликни бирлаштириши керак: “Беозорлик - ғазабни, қўрқув - идрокни бошқарсин”. Масихга эътиқод қилувчи муаррих Феофилакт идеал ҳукмдордан яна масихийча солиҳлик ва шафқатни талаб қилади. Феофилакт асарнинг кириш қисмида инсоният идрокига юқори баҳо беради ва идрок - тарихнинг энг яхши ижоди, деб баҳолайди. Аммо тарих у ёки бу воқеанинг сабабини аниқламаса, бу фан самарасиз бўлиб қолаверди, деб ҳисоблайди буюк муаррих.

VII аср Византия тарихида қийин давр бўлди. Энг дахшатли ҳавф Шарқдан - Ислом халифалигидан эди. Шу даврда истеъдодли лашкарбоши, империяни ҳарбий ва маъмурий жиҳатдан ислоҳ қилган Византия императори Ираклий (610 - 641) аввало Шарқда форслар устидан ғалаба қилди. Аммо кейин ислом лашкарлари уни орқага улоқтириб ташлади. Ираклийнинг сиёсатидан норози бўлган халқ босқинчи арабларни қўллаб - қувватлади. Ҳазрат Умар даврида, 634 - 640 йилларда ислом қўшинлари Фаластинни, Сурия ва Месопотамияни бўйсундирди. 636 йили мусулмонлар Ираклийнинг армиясини тор - мор қилди. Кейинги икки йил давомида Қуддус ва Антиохияни бўйсундирди.

Бу мамлакатларнинг ислом лашкарлари бўйсундирилиши империяга катта зарба бўлди. Миср қаршилик кўрсатмай таслим бўлди. 642 йили Византиянинг шарқий вилоятлари - қадимий маданиятга энг бой ҳудудлари қўлдан кетди. VII асрнинг охирида Шарқий Рим империяси қудратли Ўрта Ер денгизи давлати сифатида инкирозга учради. Унинг ўрнини ўрта аср Византия давлати эгаллади. Бу давлат ҳудудий жиҳатдан кичик бўлса ҳам, этник бирлиги томондан, сиёсий ва диний жиҳатдан жипслашди. Юстиниан даврида этник томондан турлича бўлган империя энди юнон давлати бўлиб қолди. Юнон тили расмий тилга айланди. Византия ижтимоий тузумнинг феодализм босқичига ўтди. Энди шаҳарлар қиёфаси ўзгара бошлади. Антик даврдаги тўғри кўчалар, 2-3 қаватли уйлар

каторида, ўрта асрнинг мустаҳкам иншоотлари, кўплаб жамоат (черков) бинолари янгича архитектура услубида қурилди. Албатта, Византия маданиятидаги кескин ўзгариш ана шу иншоотларнинг янгича услубидан бошланди.

VIII аср ўрталарида Византия маданияти ва мафқураси ривождаги биринчи босқич низоёсига етди. Бу даврда масиҳийлик ақидаси мустаҳкам ўрнашиб бўлди. Византия жамиятининг эстетик қарашлари асосан шаклланишга улгурди. Византия тарихининг илк давридаги танг вазият ўрнига маълум даражада мафқуравий хотиржамлик юзага келди, ахлоқий томондан мукамалликка эришилди, ҳамма нарса ўз ўрнига тушгандай бўлди. Аммо бу хотиржамлик вақтинча эди. VIII асрнинг бошларидан диний ва ғоявий баҳслар янгидан куч олди. Бу даврда энди бутпарастликка қарши кураш бошланди.

Диний - фалсафий ва эстетик қадриятларни қайта баҳолаш Византиянинг маданий тараққиётига сезиларли таъсир қилди. Бутпарастликка қарши курашчилар, Худони тасвирлаб ҳам, билиб ҳам бўлмайди, деган ғояни илгари сурдилар. Уларнинг таълимоти асосида Училик ҳақидаги масиҳийлик таълимоти ётарди. Училикни инсон ақли тасвирлашга ҳам, билишга ҳам қодир эмас. Шу боис инсон қиёфасида тасвирлаш мумкин эмас. Агар мусаввир Масиҳнинг фақат инсоний табиатининггина тасвирлайдиган бўлса, у бидъатчи бўлади. Агар мусаввир Масиҳнинг фақат илоҳий табиатининггина тасвирлайдиган бўлса ҳам бидъат бўлади, чунки бундай ҳолатда мусаввир инсоний табиатни илоҳий табиатга тамомила сингдириб юборади. Бошқача айтганда, Масиҳни ҳар қандай йўл билан тасвирлаш бидъатга олиб боради.

Бутпарастликка қарши кураш давридаги сиёсий ва ғоявий кураш шу қадар шафқатсизликка олиб бордики, ҳар икки томон нафақат бир-бирини ҳақорат қилди, балки ғаним томон яратган нарсаларни йўқотишга ҳаракат қилиб, бир-бирини таъкиб қилишни авж олдирдилар. Аввало, бутпарастликка қарши курашувчилар мутаассибларча ибодатхоналардаги инсон тасвирларини йўқотдилар, бунинг ўрнига хоч тасвирини ёки геометрик тасвирни чиздилар.

Шубҳасиз, инсоният тафаккури маҳсули бўлган ёдгорликларнинг ва санъат асарларининг бутпарастликка қарши курашувчилар томонидан йўқ қилингани Византиянинг VIII - IX асрдаги маданий тараққиётига катта зарар келтирди. Аммо шу билан бирга, унутмаслик керакки, бутпарастликка қарши кураш ақидаси ва уларнинг эстетик тафаккури олами образли тасаввур қилишда янгича бадий тизимни яратди. Безакли нақш усули ана шулардан биридир.

Бундан ташқари, бутпарастликка қарши кураш Византиянинг дунёвий тасвирий санъати ва архитектурасига янгича оқимни олиб кирди. Ўша даврдаги маълумотларга қараганда, Константинополнинг дунёвий санъатида бутпарастликка қарши кураш даврида одамни тасвирлаш

таъқиқланмаган. Бадий ижоднинг энг сеvimли мотиви императорлар ва уларнинг оилаларининг, лашкарбошиларнинг ва Константинопол саройидаги амалдорларнинг портретларини чизиш мусаввирларнинг сеvimли машғулотига айланган.

Бутпарастликка қарши курашувчилар ва бутпарастлик тарафдорлари ўртасидаги ғоявий кураш, баъзан ҳарбий курашлар давом этаверди. Аммо Масихни илоҳийлаштириш тарафдорлари ўзларининг эстетик ва фалсафий - диний ақидаларини маҳкам ушладилар. Монахлар санъати улар томонидан ривожлантирилди. Бу санъат турининг бадий хусусиятлари Шарқ халқларининг эстетик тасаввурларидан ва халқ инонч - эътиқодларидан олинди. Санъатдаги бу йўналишнинг ёрқин намунасини Коппадокиядаги масихийлар ғорларда қурган ибодатхоналарнинг девор суратларида кўриш мумкин. Авлиёлар бошлари катта, бесўнақай, ҳаракатлари ҳам нотекис қилиб тасвирланган.

Шуниси қизиқки, Коппадокиядаги ғорларда қурилган ибодатхоналардаги санъат намуналарида бир пайтнинг ўзида икки оқимни кўриш мумкин: бир томондан, монахлар бутпарастликни давом эттириб, Масихни, Биби Марям ва авлиёларни тасвирлашда давом этдилар. Иккинчи томондан, бутпарастликка қарши курашувчилар хочнинг рамзий тасвирини чизавердилар. VIII - IX аср бошларида Кападокияда бутпарастликка қарши курашувчилар ҳам бир неча ибодатхоналар барпо қилганлар, ибодатхоналар деворларига кўплаб хоч тасвирини чизганлар.

Бутпарастликка қарши курашувчиларнинг деворга чизган суратлари бадий услуби жиҳатидан монахларнинг бутпарастлик суратларидан деярли фарқ қилмайди. Ҳар иккала йўналишдаги санъат асарларининг бадий шакллари рақсомлар маҳаллий юнон - шарқ анъаналаридан олди, бу анъаналар эса, халқ дунёкарашининг маҳсули эди. Чамаси, бутпарастларнинг ақидалари девор суратларида сақланиб қолганига сабаб - уларнинг чет ўлкаларда, марказдаги сингари, таъқибга учрамагани бўлса керак. Македониянинг пойтахти Салоника шаҳрида ҳам худди шу хусусиятни - икки оқим санъатда бир пайтнинг ўзида яшаганини кўриш мумкин.

Бутпарастлар ва уларга қарши курашувчилар ўртасидаги ғоявий кураш ўша даврдаги китоб миниатюра санъатида ҳам акс этди. IX аср ўрталарида яратилган юнон саноларида ҳар иккала томон курашчилари ўртасидаги қакшаткич кураш воқеаларига оид миниатюралар қизилган. Мазкур миниатюраларда бутпарастларнинг зафари тасвирланган. Бутпарастликка қарши курашувчилар қарикатура тарзида қизилган, улар муқаддас тасвирларни ҳақоратлаётгандай қилиб талқин қилинган.

VIII-IX асрлардаги ғарбий Европа миниатюра санъати, девор суратларига ҳам юнон ва сурёний бутпарастларининг таъсири кучли бўлди. Бутпарастлар таъқибдан қочиб Европага кетганларида, ўзлари билан Константинополдаги халқ санъати анъаналарини ҳам олиб бордилар.

X асрдан бошлаб Византия маданияти тарихида янги босқич бошланди. Фанда эришилган билимлар, илоҳиёт, фалсафа, адабиётда эришилган натижалар умумлаштирилиб, тасниф қилинди. Чет вилоятлардаги шаҳарлар ривожлантирилди, хунармандчилик, савдо ўсди, сиёсий ва интеллектуал тафаккур барқарорлашиб, тараққий этди. Марказлашган давлатни сақлаш йўлида ҳукмрон синф қатъий ҳаракат қилди. Мана шулар маданий тараққиётга таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Табиий фанлар ўсди, одамларнинг Ер ва Коинот тўғрисидаги билимлари кенгайди. Денгизчилик, савдо, дипломатик муносабатлар, ҳуқуқшунослик, Европа ва араб мамлакатлари билан маданий алоқалар ривожланди. Булар ҳам Византия маданиятининг бойишига, Византия жамияти дунёқарashiда кескин ўзгаришларга олиб келди.

Византия файласуфлари ва илоҳиётчилари илмий фаолиятида рационализм⁴ йўналиши бош ўрин эгаллади. XII–XIII асрдаги Византия мутафаккирлари антик давр файласуфларидан онгга ҳурматни ўргандилар. Обрў-эътиборга асосланган кўр-кўрона ишонч ўрнига, табиат ва жамиятдаги ҳодисаларнинг сабабларини тадқиқ этиш асосий ўрин эгаллади. Византия амалий санъати намуналари дунёнинг бошқа мамлакатлари санъатига - Италия, Болгария, Сербия, Русь, Кавказ ва бошқа мамлакатлар санъатига кучли таъсир этди. Жумладан, бинолар, черков бинолари архитектураси Византия услубида қурилди. Бу даврда Шарқнинг Византияга таъсири кучайди. Айниқса, адабиётда бу янада яққол кўзга ташланди. “Калила ва Димна”нинг арабча таржимасидан император Алексей I Комниннинг топшириғи билан Семён Сиф деган византиялик врач таржима қилди. XII асрда византиялик филолог Михаил Андреопул сурёний тилидан “Панчататра” таркибига кирган “Синдбоднома”ни таржима қилди. Бу асар юнончада “Синтип китоби” деб юритилган.

Умуман, Византия маданиятининг турли босқичларида гоҳ шарқона, гоҳ ғарбона элементлар кузатилади. IX аср ўрталаригача Византия маданиятига Шарқнинг таъсири кучли бўлса, кейинги даврларда ғарбий Европа, айниқса, Италия маданиятига Византиянинг таъсири кучли бўлди. Византия маданияти Европанинг маънавий тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Византия империяси XIII аср бошларида Усмонли Туркия қўшинлари томонидан тор-мор келтирилди. Унинг ўрнига Лотин (Романия) империяси келди. Аммо бу империя сиёсий жиҳатдан мустаҳкам бўлмагани учун бир неча давлатга парчаланиб кетди. 1453 йили Константинополни Усмонли турклар султони Маҳмед II Фотиҳ забт этди. Бунинг натижасида Лотин империяси маҳсули бўлган ва Византиянинг парчаланиши оқибатида барпо бўлган кучли Трабзон империяси ҳам

⁴ Рационализм — билиш назариясидаги бир йўналиш, онг – ҳақиқий билимнинг манбаи ва мезони, деб ҳисоблайди, тафаккурни ҳиссий билишдан ажратади.

барҳам топди. Аммо Византиянинг маданий таъсири империянинг ўзидан ҳам узун умр кечирди. Трапзон империяси даврида ҳам Византия маданияти давом этаверди.

8 – МАВЗУ

ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ МАДАНИЯТ

Режа:

1. Ўрта асрларда феодал муносабатларнинг шаклланиши ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда кескин ўзгаришларга боғлиқ бўлгани. Иудаизм, Таврот, Библия ва унинг таркибига кирувчи китоблар.
2. Масиҳийлик таълимоти Шарқнинг маҳсули сифатида.
3. Исломий маданият. Ислом ва илмий билимлар ривож. Тасаввуф ва маданият.

Диний маданият инсоният ҳаётининг илк даврларидан бошлаб рухий ҳаётда асосий омил бўлиб келди. "...дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсон ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қондалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир"¹.

Ўрта асрларда феодал муносабатларнинг шаклланиши ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда кескин ўзгаришларни келтириб чиқарди. Айниқса, диний ақидаларнинг расман тус олиб, кўп ҳудодиликдан якка ҳудодилик - тавҳид ақидасига ўтиш жараёни инсониятнинг ҳаёт тарзини ўзгартирди. Библия, Таврот, Қуръони Каримнинг пайдо бўлиши нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам тафаккурни ва ҳаёт тарзини жиддий ўзгартирди. Энди инсоният маълум тартибга солинган ҳаёт кечири бошлади.

Мукаддас ёзувлар ва манбаларнинг вужудга келиши нафақат халқлар ва давлатлар диний ҳаётининг ривожига балки, дунёвий маданий ҳаётнинг такомилида ҳам муҳим ўринга эга бўлди. Жумладан, иудаизм тарихи, назарияси қадимги яҳудийларнинг ҳаёти ва тақдири билан зич боғланган. Библиянинг Қадимги Аҳд-Таврот қисми бу тўғрида тўлиқ маълумот беради.

Библия таркибига кирувчи Тавротда (Мусонинг беш китоби) иудаизм Шарқдаги кўп ҳудодиликка қарши мафкура сифатида яратилди. Қадимги Исроил халқи илк бор якка Худо Яхвега Иброҳим даврида эътиқод қила бошлаган. Кейин унинг ўғли Исроил (ислом тарихида – Исмоил) набираси Ёқуб ва унинг ўн икки ўғли Яхвени танҳо Худо

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, "Маънавият", 2008, 36–бет.

сифатида эътироф қилдилар. Библиянинг Қадимий Аҳд қисми Муқаддас Китоб шаклида Яхве таълимоти сифатида - мил. авал. II-минг йилликда шакллана бошланди.

Талмуд мил.авв. IV асрларда вужудга келган ва ёзма Торадан фарқли ўларок, авлоддан-авлодга оғзаки равишда ўтиб борган. Талмудда яхудийларнинг маросимлари, урф-одатлари аниқ баён этилган бўлиб, улар 248 та буйруқ ва 365 та таъқиқни ўз ичига олган. Иудаизм динига эътикод қилувчи халқларнинг диний маданияти ва маънавияти ана шу манбалар асосида шакллана борган.

Иудаизм тўғрисида бизга Библия ва у ҳақда ёзилган кўпгина асарлар маълумот бера олади. Исроил халқи Ёкуб пайғамбар (бошқа номи Исроил) қавмларидир. Библияда ҳикоя қилинишича, Мусо Яхвё билан гаплашишга қодир бўлган Исроил халқи раҳнамоси ва Ёкубдан кейин Худо берган қонунларни амалга оширувчидир. Ўнта амрни Худо Мусо орқали Исроил халқига берган. Яхве Мусо орқали турли мўъжизалар (Мусо а.с.нинг фиръавн хузурида ҳассани илонга айлантириши, Қизил денгиздан Исроил халқини олиб ўтиши, қояга ҳассани уриб, қоядан сув чиқариши) кўрсатиб, Исроил халқининг диний раҳнамоси, иудаизм динининг отаси бўлиб қолди.

Қадимий Аҳд 39 китобдан иборат. Бу китоб қуйидагича гуруҳланади: Мусонинг бешта китоби ёки Таврот. Булар қуйидагилардир: “Ибтидо”, “Чиқиш”, “Левит”, “Соилар” ва “Иккинчи қонун”дир. Иудаизмнинг асосида ана шу бешала китобдаги ақидалар ётади.

Библиянинг давоми Ҳакамлар китоби, Шохлар китоблари (тўртта), Пайғамбарлар китоблари, Довуднинг “Забур”и, Сулаймоннинг «Ҳикматлари» ва бошқа кичик ҳажмли китоблардан иборатдир. Мазкур китобларни иудаизмга эътикод қилувчиларгина эмас, балки Исо Масих таълимотига эътикод қилувчи барча масиҳийлар - христианлар муқаддас китоблар сифатида ўрганадилар.

Қадимий Аҳдда оламнинг ибтидоси тўғрисидаги чуқур мушоҳадаларни, одамлар ўртасидаги муносабатларни, ахлоқий мезонларни, ижтимоий кадриятларни ва бошқа кўплаб фалсафий ғояларни, ахлоқий ўғитларни кўрамиз. Бир сўз билан айтганда, Қадимий Аҳд Шарқ халқлари минг йиллар давомида амал қилиб келган ахлоқий тизимни ва Танҳо Худо тўғрисидаги таълимотни ўзида мужассамлантиради.

Монотеистик таълимотга асосланган учта оқим - иудаизм, масиҳийлик, ислом бир-бирига боғлиқ. Буларнинг орасида қадимийси иудаизмдир.

Миллоддан аввалги учинчи минг йилликда илк диний тизим шакллана бошлади. Тарихда марказлашган ҳукмронлик пайдо бўлган мамлакатларда, жумладан, Мисрда мутлақ ҳукмронлик ва илоҳийлаштирилган ҳукмдор - фиръавннинг дахлсизлиги монотеизмга олиб келган эди. Миср фиръавнига қарам мамлакатлар халқи ҳукмдор

киёфасида олий илохий рамзни кўрдилар. Хукмдорнинг рамзи қарам давлатларнинг этник маданиятида ва ижтимоий-сиёсий жихатдан ўсиб боришида умумий жараёни ифода қиларди. Заминий хукмдорликнинг бир қўл остида тўпланиши натижасида шундай қарашлар келиб чиқди: осмонда, яъни ғайритабиий кучлар оламида ҳокимият тизими заминдаги сингари тизимни ўзида зоҳир этади. Айни ана шундай қарашлар, тахминлар монотезимни - Танҳо Худо тўғрисидаги ғоянинг ўсишига ёрдам бериши керак эди.

Христианлик ёки масихийлик - дунёдаги кўп тарқалган ижтимоий, фалсафий, диний оқимлардан бири бўлиб, Библиянинг Янги Аҳд қисмига асосланади. Янги Аҳд (ёки «Хушхабар») Исо Масих яратган таълимотдан иборатдир. Христианликнинг асосий ғояси - Исонинг одамзоднинг ҳалоскори “мессия” эканлиги яҳудийликда мавжуд бўлиб, охирагга яқин келиши кутилаётган ҳалоскор ҳақидаги таълимотдан келиб чиққандир. Христианликдаги бу ғоя Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши ҳақидаги таълимот билан мустаҳкамланди. Христианлик Ота Худо, Ўғил Худо ва Муқаддас рух-Уч юзлик Худо тўғрисидаги таълимотга асосланади. Бу дин дунёнинг ҳамма мамлакатларида учрайди. Аммо Европа, Америка, Австралия қитъаларида асосий давлат дини расмий мафкурадир. Гарчи масихийлик бугунги кунда Ғарб мамлакатларига ҳос оқим бўлса-да, аслида Шарқ ва унинг маданияти билан зич боғланган. У, Шарқнинг бой мифологик, бадиий ва ақидапарастлик имкониятларидан фойдаланди. Бу имкониятлар масихийликнинг пайдо бўлиши учун битта имконият ва асосдир. Иккинчи имконият - Масих таълимотининг юзага келишида иудаизмнинг муҳим асос бўлгандир. Битта далил: инсониятнинг гуноҳ қилиши ва гуноҳлардан фориғ бўлиб нажот топиши ғояси асли Қадимий Аҳднинг барча китобларида ўз аксини топган. Гуноҳ ва инсониятни гуноҳлардан ҳалос бўлиб, нажот топиш ғояси Европа учун ҳам, Шарқ халқлари ҳаёт тарзи учун ҳам муҳим ахлокий мезондир. Инсониятни ҳалолликка ва ортиқча ҳашаматларга, бойликка берилмасликка даъват қилиш ҳам масихийлик таълимотининг муҳим жихатларидандир. Қуйидаги парча бунга далилдир: *“Ҳеч бири мулкидан биров нарсани меники демас эди, ҳамма нарсани умумий деб билишар эди”* (Ҳаворийларнинг фаолияти, 4:32).

Илк масихийлик, барча диний таълимотлар сингари, ижтимоий-сиёсий ғоялар маҳсулига, иудаизмга ва Рим ҳокимиятининг собиқ Яҳудия ҳудудидаги ҳукмронлигига қарши ўларок юзага келди. Очикоқ айтганда, эзилган, ҳўрланган, азоб чекаётган халқнинг таълимоти сифатида вужудга келди. Масихийлик таълимоти оммани курашга даъват қилмади, шу маънода бу оқимни асло инкилобий деб бўлмайди. Аксинча, турли кўринишдаги кўзғолон ва урушларнинг, низоларнинг олдини олган оқим сифатида пайдо бўлди. Қуйидаги парча диққатга сазовордир: ортодоксал яҳудийлар билан Рим империяси аскарлари Исони ўлдириш режасини

тузиб, уни қўлга олганларида, Исо қон тўкилишнинг олдини олади: *“Исо билан бирга бўлганлардан бири қиличини қинидан суғуриб, қулочкашлаб олий руҳонийнинг қаролига даст солди-да, қулогини узиб ташлади. Лекин Исо унга:*

– Қиличингни жойиңга қайтариб қўй! Қилич қўтарган бари қиличдан ҳалок бўлур. Ёки ўйлайсанки, Мен Отамга илтижо қилолмайманми? У Менга ҳозирроқ ўн икки тумандан кўпроқ фаришталарни юбориши мумкин” (Матто 26:51).

Масихийлик таълимоти Шарқнинг маҳсули бўлса-да, Европа маданиятининг юзага келиши ва тараққиётида катта хизмат қилади. Шубҳасиз, Европанинг бой маданияти илдишлари антик давр фалсафасидан, ҳайкалтарошлигидан, архитектураси ва театридан озиқланган бўлса ҳам, Леонардо да-Винчи, Дона Тело, Жотто, Микеланжело, Рафаэл асарлари масихийлик тафаккури дурдоналаридир. Аммо Масих таълимоти ўрта асрларда Европа адабиёти, Коперник ва Галилейнинг илмий кашфиётларига қарши курашди. Бу курашни Масих таълимотининг бўлиниши маҳсули ва ўзига хос диний таълимотнинг “зўравонлик” сиёсати деб баҳолаш лозим. Бу фикримизни далиллаш учун масихийликнинг илк ўрта асрлардаги фаолиятдан бошлаб ўрта асрларгача бўлган тарихига эътибор қаратайлик.

IV аср охирида Рим империяси Ғарбий ва Шарқий қисмларга бўлиниб кетгач, масихий жамоатларида ҳам бўлиниш юз берди. Европа халқларининг анъаналарига, маданияти ва турмушига жамоатларнинг таъсири икки йўналишдаги жамоатларни пайдо қилди: ғарбий (католик–протестант) ва шарқий (православ) жамоатлари. Булар ўртасидаги зиддият Рим жамоати (черкови) ҳукмронлигига қарши эътироз сифатида шаклланди. Бу жамоатлар ўртасидаги сезиларли фарқлар Европа мамлакатлари ва халқлари ижтимоий тараққиёти йўлларига, сурати ва натижаларига турлича ёрдам берди.

Ғарбий империяда императорнинг ҳукмронлиги заифлашди. Жамоатларнинг (черков)ларнинг мавқеи аста–секин кучая бошлади. Бешинчи асрда Рим епископи Папа деб эълон қилинди. Папанинг қўли остида катта ҳукмронлик бор эди. Рим Папаси: *“Менинг ҳукмронлигим Худо томонидан берилган, мен гуноҳсизман”*, деб эълон қилди. Шу тариқа Рим Папасининг обрў–эътибори, сиёсий мавқеи ўрта асрдаги Европа ҳукмдорларидан юқори бўлди. Энди католик оқими ўрта аср Европа тарихида ўз ҳукмронлигини зўрлик билан ўтказадиган бўлди. Ҳукмдорлар ҳам Рим папасининг обрўйига таяндилар, жамоатларнинг обрўйидан фойдаландилар. *“Раббийнинг қабрини имонсизлардан ҳалос қилиш”* учун Қуддусга қилинган салиб юришлари бу тўғрида гувоҳлик беради.

XIV–XV асрларга келиб Рим католик жамоатларининг ҳукмронлигига қарши даъват пайдо бўлди. Бу даъват айнан маданият соҳасида юз берди. Чунки католик жамоатлари худди маданиятга ўз

хукмронлигини ўтказган эди. Уйғониш даври ана шу даъват маҳсули сифатида юзага келди. Уйғониш даври фикр эркинлигига, илмий билишга қаршилиқ қилиб келган жамоатларнинг хукмронлигига зид ўларок Данте, Рабле, Рафаэль, Боккаччо, Коперник, Галилей ва бошқа кўплаб олим ва ижодкорларни етиштирди. Улар маданиятнинг ташқи қатламидагина ислохот ўтказдилар. Католик оқимининг заминига кучли зарбани Уйғониш ортидан келатган Ислохотчилик (реформация) ҳаракати берди. Ислохотчилик ҳаракати католик жамоаларини Уйғонишга хос ҳурфикрлилик зарбаларидан сақлаб қолиш мақсадида ва Уйғониш даври маданияти элементларини Ислохотчилик оқимида олиб киришларга, яъни ассимиляциялашувга қарши чиқди. Лютер, Калвин, Мюнцер ва б. Папанинг бегуноҳлиги тўғрисидаги ақидага, католиклар жамоатида Худога хизмат қилишга оид дабдабаларга, католиклар жамоати инсон ва Худо ўртасидаги воситачидир, деган жамоанинг ролини ҳаддан ташқари оширишга қарши чиқдилар.

Католик жамоати латин маданиятидан озикланган бўлиб, антик маданиятга оид кўлөзма мероснинг бир қисми сақланиб қолишига ёрдам берди.

Православ жамоатларининг католик жамоалардан фарқ қиладиган томонлари қуйидагилар. Православлар Учликни бошқача талқин қиладилар. Уларнинг қарашича, Муқаддас Рух фақат Ота - Худодан келиб чиқади, жаннат ва дўзах оралиғидаги Аросатни тан олмайди. Аросат - католикларга мансуб ақида. Индульгенция (бандаларнинг гуноҳи кечирилганлиги тўғрисида Рим Папаси томонидан бериладиган ёрлик) протестант жамоаларига татбиқ қилинмайди, ҳамиртурушли нон ва шароб тановул қилиш маросимини ўтказадилар. Православлар бу фарқларга, айниқса, 1054 йилда католиклар билан тамомила айрилганларидан кейин қатъий риоя қиладилар.

Масихийлик, хусусан, католик оқими, ўрта асрдаги ўз тараққиётидан ҳулоса чиқариб, кейинги ривожда жамиятга ва одамларга тазйиқ ўтказишнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам берди.

Масихийликнинг европаликлар феъл-атвори, маданияти шакллари, тафаккур тарзи ва қадриятларига ижобий таъсирини алоҳида таъкидлаш керак. Библиядаги образ ва сюжетлар асрлар давомида тасвирий санъатда ва ҳайкалтарошлиқда асосий мавқени эгаллади. Европа меъморлиги яратган жамоат (черков) архитектураси Худонинг ва жамоатларнинг улугворлигини шарафлашга қаратилди. Маъбадаги мусика, худди жамоат хори сингари, Европа халқларининг мусика маданиятига таъсир кўрсатмай қолмади. Жамоат мусикаси ва кўшиқ халқона маданият билан зич алоқадорликда ривожланди. Масихий жамоатлари таъсири остида яратилган маданият Европада Худони шарафлаш, эътиқоднинг мустаҳкамлиги учун хизмат қилди.

Бир сўз билан айтганда, асрлар давомида, ҳатто минг йиллар давомида турмуш ва ахлоқ мезонлари, маданий анъаналар, адабиёт яратиш

- буларнинг ҳаммаси масихий жамоатларининг кучли таъсири остида шаклланди.

Исломий маданият. Масихийлик жамоатининг мавқеи Европа, Америка ва бошқа кўплаб китъалардаги мамлакатларнинг ижтимоий, сиёсий ва ахлокий маданиятида қанчалик рол ўйнаган бўлса, ислом маданияти Шарқда шунчалик катта рол ўйнади. Ислом - дунёда монотеизмга, яъни танҳо худолиликка асосланган учинчи ва охириги диндир. Бу дин ҳам Яқин Шарқда пайдо бўлди.

Ислом фақат араб оламида эмас, балки Яқин Шарқ мамлакатларида, Эрон, Туркия, Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Индонезия, Покистон, Бангладеш, Кавказ, Волга бўйлари, Болқон, Африканинг катта қисмига ёйилиб, бу халқларнинг тарихи ва маданиятида катта рол ўйнади.

Исломнинг тарихи, илк даврдаги фаолияти Мухаммад с.а.в. ва тўрт халифа - Абу Бакр (ҳукмронлик даври 632 - 634 йиллар), Умар (ҳукмронлик даври 634 - 644 йиллар), Усмон (ҳукмронлик даври 644 - 656 йиллар) ва Али (ҳукмронлик даври 656 - 661 йиллар) билан боғлиқ.

Ислом илк даврдаёқ икки мазҳабга бўлинди. Тўртинчи халифа Али шиа мазҳабига асос солди. Бу мазҳаб тарафдорлари ҳам, суннийлар каби, Куръонни илоҳий деб эътироф этадилар, аммо халифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган, деб ҳисоблайдилар. Шиа тарафдорлари фақат Али ва унинг тарафдорлари номи билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни тан олганлар ва шундай ҳодисалардан иборат мажмуалар тузганлар. Бу тўғламлар *Ахбор* деб аталган. Шиа мазҳабида тавҳид (Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш), адл (Аллоҳнинг одиллиги), нубувват (пайғамбарлик), қиёмат ёки маод (охират кунининг келиши ва марҳумларнинг тирилиши) асосан суннийлик мазҳаби билан мос келади. Яна шиа мазҳабида бешинчи ақида ҳам борки, улар имомат (имомлар) ҳокимиятини эътироф этадилар. Бу мазҳаб Али ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимиятини тан олади. Шу муносабат билан барча халифаларни, хусусан, дастлабки халифалар Абу Бакр, Умар ва Усмонни ҳокимиятни зўрлик билан билан эгаллаб олган шахслар сифатида қоралайди. 874–878 йиллар орасида 7– 9 ёшида бедарак йўқолган ўн иккинчи имом Мухаммад ал–Маҳдийни улар “яширинган” деб ҳисоблайдилар. Замона охир бўлганда, у қайтиб келади, адолат ўрнатади, деб қутадилар.

Уммавийлар сулоласи (661–750 йиллар) халифа Али ҳукмронлиги ўрнига келгандан кейин, суннийлик мазҳаби ҳам пайдо бўлди. Суннийлик шиаликка қараганда кенг тарқалган. Суннийлар Куръон билан бирга, суннага ҳам эътиқод қиладилар. Сунна - исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Мухаммад(с.а.в.)нинг сўзлари ва амалларидан иборат. Пайғамбаримиз ҳаёт вақтларида: *“Менинг сўзларимни ёзмаңлар, фақат Аллоҳ оятларини ёзиб олинғлар”*, деб буюрган эдилар. Шундай қилинди ҳам. Албатта, кимлардир ўз ташаббуси билан у ҳазратнинг айтган гаплари

ва қилган ишлари ҳақида аниқ маълумотларни қайд этиб борган бўлиши мумкин. Аммо Аллоҳнинг китоби бут бўлмай, ягона ўзгармас матн ҳолига келтирилмай туриб, унга бошқа сўзлар аралашиб кетиш хавфига йўл қўйиб бўлмас эди. Расулulloҳнинг сўзларини ва амалларини ёзиб олиш 651 йили — халифа Усмон даврида бажарилди. Мусҳаф тузилиб, ундан бир неча нусха кўчирилиб, қўпайтирилди. Ана шундан сўнг VII асрнинг II ярмидан бошлаб Абу Хурайра (вафоти 676 йил), Анас ибн Молик (вафоти 710 йил), Абдуллоҳ ибн Аббос (619 - 686 йиллар), Абдуллоҳ ибн Умар, Жобир ибн Абдуллоҳ каби илк ровийлардан Расулulloҳ сўзлари ва амаллари хусусида минглаб ҳадислар ёзиб олинди. VIII аср бошларида Уммавий халифаларидан Умар ибн Абдулазиз (717 - 720) ноибларига Мухаммад(с.а.в.)нинг ҳадисларини жамлаш ҳақида фармон берди. Натижада ҳадис илми ривож топиб, йирик ҳадис тўпламлари яратилди. Имом Малик ибн Анас (713 - 795)нинг “ал-Муватта”, имом Шофеъий (767–820) ва имом ибн Ханбал (780 - 855)ларнинг “Муснад” номли ҳадис тўпламлари бунга мисолдир. Дастлаб имом Аъзам Абу Ханифа ан-Нуъмон ибн Собит (699 - 767) таълимоти асосида сунний йўналишида Ханафия мазҳаби шаклланди. Кейин унинг шогирдлари ва издошлари имом Малик – Моликия мазҳабини, имом Шофеъий - Шофеъия, имом Ханбал - Ханбалия мазҳабларини шакллантирдилар. Шиъа мазҳабида эса, пайғамбаримиз авлодидан олтинчи имом Жаъфар ас-Содик (700 - 765) Жаъфария мазҳабини юзага келтирди¹.

Ислом, ўзидан олдинги динлар каби, ижтимоий қайта қуришга даъват қилмайди. Аксинча, бу дин итоаткорликка, мўминликка ўргатади. Қуллар хўжайинларига итоат этишлари лозим, хўжайинлар ҳам ўз қулларига мулоим муносабатда бўлишлари керак. Аллоҳ олдида гарчи ҳамма тенг бўлса ҳам, ҳаётда бундай тенглик йўқ. Солиҳ инсон ижтимоий тизим иерархиясига риоя қилмоғи даркор.

Исломиёт маданиятнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, ислом зулмни қаттиқ қоралайди, зулм қуфрликдир: “Аллоҳ золимлар қавминини ҳидоятга йўлламагай” (Оли Имрон, 86 - оят).

Ахлокий қонун - қоидалар, жисмоний ва маънавий томондан пок ҳаёт кечиришга оид ўғитлар, нопоклик учун бериладиган жазо, маиший ҳаётнинг бошқа томонларига оид барча йўл - йўриқлар билан ислом ижтимоий ахлоқни тақомиллаштиришга катта ҳисса қўшди. “*Зинокор аёл ва зинокор эркакнинг - ҳар бирини юз дарра урингиз. Агар Аллоҳга ва охираат қунига иймон келтирувчи бўлсангиз, Аллоҳнинг дини (ҳукми)да уларни (зинокорларга) нисбатан раҳм - шафқат (тўғуларини) тутмасин!*” (Нур сураси, 2–оят). Аммо миш–миш ҳам оғир гуноҳ эканлиги, миш – миш тарқатган одам ҳам, зинокорлар сингари, жазога лойиқдир. Ундай

¹ М.Имомназаров. Миллий маънавиятимизнинг тақомил босқичлари. Тошкент, “Шарқ” нашриёт матбаа концернининг бош таҳририяти, 1996, 31–бет.

тоифадаги одамлар фосиклар деб ном олган, итоатсиз кимсалардир. “Иффатли аёлларни (зинокор деб) ҳақорат қилган, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар(ни) – саксон даррадан урингиз ва абадул-абад уларнинг гувоҳликларини қабул қилмангиз” (Нур сураси, 4–оят). Мазкур ахлокий тушунчалар Шарқ оламида азалий ва ҳамма динлар учун умумий бўлиб, зардуштийликда, иудаизмда ва масихийликда ҳам каттик қораланади. Кундалик ҳаётда ахлоқ ва маданият уйғун, доимо бири иккинчисини талаб қилган, соғлом маънавий, маданий муҳит жамиятнинг илгарилаб бориши учун хизмат қилган. Ислом пок ҳаёт кечиришга оид мавжуд ақида ва қонун–қоидаларни такомиллаштирди.

Умуман, исломда ахлокий маданият кенг тушунча, жамиятнинг ҳамма томонларини қамраб олиб, маънавий соғлом муҳит яратиш учун хизмат қилади.

Исломда илм ўрганиш ташвиқи ва тарғиботи алоҳида таъкидланади. Қуръон ҳам Муҳаммад(с.а.в.)нинг илоҳий ҳикматларини англашга даъват этди. Ислом ҳам, якка худоиликка асосланган бошқа динлар каби, инсониятни тубан кетишдан сақлашга, пок ҳаётга йўллашга қаратилган.

Ислом қадимий Шарқ, Юнонистон, Эрон, Туркистон ва қисман Ҳиндистону Чиннинг тафаккур маҳсулидан янги маданият юзага келтирди. Илм маданий босқичнинг олий чўққиси эканига даъват қилиб, илм таҳсилини муслмон аҳлига даъват этди. Олим билан жохилнинг тенг бўлмаслигини уқтирди. Дарвоқе, одам илм эгаллагандагина, у маданиятли тоифа қаторига қўшилади.

Туркий қавмлар яшайдиган ўлкаларда исломнинг тарихи ўзига хос кечди. Ислом Мовароуннаҳрда қарор топгач, шимолда хазарлар, булғорлар орасигача ёйилди. Туркий маданиятнинг узлуксиз ривожига ислом маданияти таъсир этди. Айниқса, ўғуз ва қорлуқлар орасида ислом динининг ёйилиши нафақат туркий халқлар тарихида, балки жаҳон тарихида ҳам улкан натижалар берди. 960 йилда икки юз минг кўчманчи ўғуз ва қорлуқ қабилалари ёппасига исломни қабул қилди.

Ислом ва илмий билимлар ривож. Исломнинг ёйилиши ва Ўрта Осиёда мустаҳкам қарор топишида араб тили асосий ролни ўйнади. “Тарихда фавқуллодда бўлган ва биз Уйғониш деб атайдиган даврни яратган кучлар”² худди шу даврда юзга келди. Уйғониш даврининг буюк намоёндалари ўзларининг амалий фаолияти, тарих, фалсафа, мантиқ, шунингдек, аниқ фанлар соҳасидаги кашифиётлари билан Ўрта Осиё тарихида чуқур из қолдирдилар.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780, Хива - 850, Бағдод). Бағдодга таклиф қилинган. Аввал ҳалифа ал-Маъмун (813–833), сўнгра ал-Мутасим (833 - 842), ал-Восик (842 - 847) саройида ишлади. У Шарқнинг илк академияси - “Байт ул-ҳикма” (Донолар уйи)да фаол меҳнат

² Н. Конрад. Алишер Навоий. // Ўзбек тили ва адабиёти журнали. Тошкент, 1969, № 1, 16–бет.

килди. Бу ерда унинг раҳбарлигида Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллох Марвазий каби Ўрта Осиёлик олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Хоразмий “Ал-жабр вал-муқобала”, “Китобу сурат ал-арз” каби асарлари билан математика, астрономия фанларининг асосчиларидан бўлди.

Хоразмий “Ал-жабр” асарида олимларни уч тоифага бўлади: Биринчи тоифаси ўзигача қилинмаган ишларни қилиб, ўша ишларни келажак авлодларга қолдириб, бошқалардан ўзиб кетадилар. Иккинчи тоифаси ўтмишдошларининг меҳнатларини шарҳлаб берадилар ва бу билан қийинчиликларни енгиллаштирадилар, қулфларни очадилар, йўлларни ёритадилар. Бу эса, тушунишни енгиллаштиради. Учинчи тоифаси баъзи китоблардаги нуксонларни топади ва узилган жойларини улайди.

Шу тасниф бўйича Хоразмийнинг ўзини “Алгебра”нинг муаллифи сифатида биринчи гуруҳга, “арифметика”си билан иккинчи гуруҳга қиритиш мумкин.

Хоразмий астрономия соҳасида ҳам ишлар яратган. Бағдод расадхонасида ўтказилган кузатишлари ва ҳиндларнинг астрономия жадвалларини ҳар томонлама танқидий таҳлил қилиш асосида янги “Астрономия жадвали”ни тузди. Бу асар XIII асрда араб тилидан лотин тилига италян олими Аделард Батский томонидан таржима қилинди.

Хоразмий “Устурлоб ҳақида рисола”, “Қуёш соатлари тўғрисида рисола”, “Тарих рисоласи”, “Музыка рисоласи” каби асарлар ҳам ёзганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Абу Наср Форобий (873, Ўтрор - 950, Дамашқ) Форобда ўқиган, Шошда бўлган, Бухоро, Самарқанд, Бағдодда таълим олган. Ҳалабда, Дамашқда яшаган. 160 дан ортиқ ишлар яратган.

Форобий комусий олим сифатида фалсафа, мантиқ, музыка, тиббиёт, математика, астрономия, тилшунослик ва бошқа бир қатор фанларга оид рисоалар билан Шарқ оламида машҳурдир.

Форобий қадимий фалсафа билан танишар экан, аввало Аристотел асарларини синчиклаб мутолаа қилган. Зотан, Аристотелнинг асарлари Шарқ тилларига таржима қилиниб, кенг кўламда ўрганилар эди. Лекин Аристотелдан кейин фалсафа соҳасида Шарқда Форобий сингари зот чиқмади. У фикр доираси кенглиги учун Аристотелдан кейинги мутафаккир-“муаллими ас-соний” деб аталади. Муаррихларнинг хабар беришларича, Дамашқнинг ўзида Форобийнинг ўзидан таълим олувчиларнинг сони ўн мингга етган.

Форобий шуғулланган ҳар бир соҳа, у ёзган ҳар бир асар ўрта асрларда олимлар таҳсинига сазовор бўлган. Мантиқ илмининг буюк устози, араб олими Ибн ал-Қифтий (1172 - 1248) Форобийнинг “Ихсо ал-улум ва ат-таъриф” (Илм саноғи ва уларнинг таърифи) асарига таъриф бериб: “Бундай асарни ёзишда ҳеч ким Абу Насрдан ўзиб кета олмаган”, дейди. Байҳакий (вафоти 1169) Форобийни исломдан кейин ўтган энг буюк

ҳаким деб таърифлайди: “Ҳакимлар аслида тўртта бўлган экан. Иккитаси исломдан олдин чиққан - Арасту ва Искандар (Афрудусий) бўлганлар. Иккитаси ислом даврида етишган. Улар Абу Наср билан Абу Али ибн Синодир. Ибн Сино Абу Насрнинг китоблар орқали унга шоғирд саналган”³.

Шарқдаги яна бир машҳур тарихчи ва библиограф Ибн Ҳалликон (1211 - 1282) ёзади: “Абу Наср Форобий мантиқ, мусика ва бу иккала фандан ташқари яна бир қанча соҳаларга оид асарлар муаллифи ва у мусулмонларнинг энг йирик файласуфидан саналади. Ҳеч ким бу кишичалик илм-фан даражасига эришолмаган”⁴. Абу Наср шеърлар ҳам ёзгани тўғрисида Ибн Абу Усайбия хабар бериб, унинг шеърларидан намуналар ҳам келтиради⁵.

Форобий юнон олимларининг асарларини таржима қилиб, ўша асарларга шарҳ ёзгани ҳам маълум. У Эпикур, Зенон, Птоломей, Парфирий асарларига шарҳлар ёзган, турли фалсафий мактаблар-эпикурчилар⁶, стоиклар⁷, пифагорчилар⁸ мактабларини яхши билган.

Форобийнинг фандаги энг катта хизматларидан бири “Афлотун қонунари моҳияти” ва “Аристотель фалсафаси” асарларини яратгани бўлди. Форобийнинг ҳар икки асари ҳам Афлотун ва Аристотелнинг асарларига шарҳдир.

Араб тили, қолаверса, форс тили ҳам, Ўрта Осиё маданий ва илмий ҳаётида катта рол ўйнади. Ўрта Осиё Шарқдаги илм-фаннинг энг муҳим марказларидан бирига айланишида араб ва форс тиллари катта омил бўлди. Қолаверса, алоҳида диний-фалсафий оқим - тасаввуфнинг шаклланиб, ривож топиши ҳам араб ва форс тилларидаги асарларга боғлиқ бўлди.

Тасаввуф ва маданият. Ислом ва унинг воситаси бўлган араб тили аниқ фанлар ривожига ўрта асрларда муҳим рол ўйнади. Албатта, илк ўрта асрлар - кескин бурилишлар, кўтарилишлари давридир. Мафқурани белгилловчи омиллардан бири бўлган жаҳон динлари инсоният тараққиётининг муайян босқичида яъни маънавий-руҳий зарурат, фикрий ва ҳиссий изланишлар эҳтиёжига жавоб тариқасида пайдо бўлди. Ислом Шарқда, Марказий Осиёда катта маданий кўтарилиш пайдо қилиши билан бирга, қабилачилик хурофотларига барҳам бергани билан аҳамиятлидир.

Ислом маданиятининг энг юксак қадрияти тавҳид эътиқодидир. Шунингдек, шариат ҳам ислом маданиятида муҳим, ҳар бир мусулмон

³ Абу Наср Форобий. Фосил одамлар шахри. Тошкент, “Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти”, 1993, 192-193-бетлар.

⁴ Ўша асар. 200-201-бетлар

⁵ Ўша асар. 211-212-бетлар

⁶ Эпикурчилар - Эпикур (мил.ол. 241 - 370 йиллар) тарафдорлари, уларнинг қарашича, одам бахт-саодатта онгли равишда интилади.

⁷ Стоиклар - буларнинг қарашича, одам онгта итоат этиб, ҳис-ғуйгулардан ва майллардан халос бўлиб яшаши керак.

⁸ Пифагорчилар — табиатдаги ҳамма ҳодисалар миқдор муносабатларига боғлиқ, деб қараш тарафдорлари.

фарзанди бажариши керак бўлган анъанавий амаллар, акидалардир.

Тавҳид этиқоди шубҳасиз, исломдан олдин ҳам шаклланган эди. Тавҳид тасаввуфни вужудга келтирди. Тасаввуф тўғрисида сўз юритар эканмиз, ислом тасаввуфнинг шаклланиши ўзига хос, алоҳида диний фалсафий оқим сифатида жаҳолат ва худбинликка қарши ўлароқ майдонга чиққанини таъкидлаш лозим.

Тасаввуф ўрта асрлар ижтимоий ҳаётида катта куч бўлди. Бу оқимнинг шаклланишида аслида қундалик турмушдаги оддий ҳаётий воқеалар, тушунчалар ҳам муҳим рол ўйнаганини айтиб ўтишимизга тўғри келади. Ана шундай ҳаётий тушунчалардан бири - *мурувват*дир.

Мурувват - тасаввуфнинг илк кўринишларидан бири, худбинликка қарши майдонга келган *футувват* (ёки *жавонмардлик*) оқимининг илк ибтидосидир. Мурувват - биронтасига ўзи учун, яқинлари ва мол–мулки учун мажбурият юклайди. Мурувватли одам бошқаларнинг бурчини ҳам ўз зиммасига олгач, уларнинг роҳат–фароғати йўлида машаққатларга дуч келади. Шу тарика бу одам футувватли инсонга айланади.

Футувват - тариқатнинг бир бўлаги, футувват асослари билан тасаввуф ғоялари бир–бирига мувофиқдир. Футувват ҳам, тасаввуф ҳам инсон ахлоқини поклаш, меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни тарғиб этади. Содда қилиб айтсак, футувватнинг зоҳирий ва ботиний рукнлари инсониятни маънавий соғлом бўлишга даъват этадиган, комилликка етаклайдиган, умуман бугунги тил билан айтганда, энг маданиятли одам, деб таъриф беришга лойиқ инсон қилиб тарбиялайдиган тариқатдир.

Футувватнинг зоҳирий рукнлари қуйидагилар:

Биринчиси - ғийбат, ёлғон, бўҳтон ва беҳуда сўзлардан тилни тийиш. Зеро тилидан халққа озор етмайдиган одамгина футувватга даъво қила олади. *Иккинчиси* - ножўя, номақбул сўзлар, бўҳтон, ғийбатдан қулоқни беркитиш. *Учинчиси* - кўриш ножоиз ҳисобланган нарсалардан кўзни юмиш. *Тўртинчиси* - ҳаром нарсалардан, халқ озоридан қўлни тортиш. *Бешинчиси* - бориш ман қилинган ношоиста жойлардан оёқни тортиш. Ҳақорат ва гуноҳга сабаб бўладиган, гап ташиш ва зиён–заҳмат, озорга етаклайдиган ишларга қадам қўймаслик. *Олтинчиси* - ҳаром овқатлардан оғизни, зинодан аъзони беркитиш. Зино - футувват аҳдини бузиш, ҳаромхўрлик ва футувват риштасини узишдир.

Ботиний рукнлар мана булардир: *биринчиси* – саховат, яъни тиламасдан бурун ўз маҳалида бағишламоқ ва оқибатини ўйламаслик, лаёқату қобилиятни андеша қилмаслик. *Иккинчиси* – тавозеъ, яъни бошқаларни ўзидан афзал билмоқ, барчага камтар, хоксор муносабатда бўлиш. *Учинчиси* - қаноат... *Тўртинчиси* - афв ва марҳамат, яъни халққа шафқат кўргазмоқ, кишилар гуноҳини кечирмоқ ва иложи борича уларга яхшилик, мурувват билан муомала қилиш... *Бешинчиси* - ҳавобаландлик ва ғурурни тарк этиш, яъни қанчалик маъқул ва мақбул ишларни амалга

оширса ҳам мағрур бўлмаслик. Зеро иблис кибру ҳаво туфайли жаннатдан бадарға бўлди. *Олтинчиси* - қурб (илоҳиётга яқинлашиш) ва васлат (йўл) мақомига бутун вужуди, дилу жони билан интилиш⁹.

Футувват тариқатига мансуб одамлар жамоа бўлиб уюшиб, ўзларининг эзгу мақсадларини амалга оширганлар. Хуросон ва Мовароуннаҳрда Х асрдан бошлаб футувват анча кенг ёйила бошлади. Бу тариқатга мансуб одамлар муайян қоида ва талабларга риоя этар, маънавий ва жисмоний етукликка интилар, нима иш қилсалар ҳам, мардлик, олийжаноблик намунасини кўрсатар, зулмга, ҳақсизликка қарши курашардилар.

Тасаввуфнинг шаклланишида зоҳидлик ҳаракати ҳам муҳим рол ўйнаган. Куфа, Боғдод шаҳарларида таркидунё қилган зоҳидлар кўп эди. Қолаверса, уларнинг халқ орасида обрўйи ҳам катта бўлди. Чунончи, Увайс Қораний, Ҳасан Басрий каби суфийлар аслида зоҳид кишилар эдилар. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират мағфиратини қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш эди. Суфийлар назарида эса, жаннат умидида тоат-ибодат қилиш ҳам таъманинг бир кўринишидир. Суфий учун на дунёдан, на охиратдан таъма бўлиши керак. Уларнинг ягона истаги - Худо дийдоридир, холос.

Зоҳидлик тушунчаси ва ҳаракатини фақат ислом билан боғлаш бирёқламадир. Асли зоҳидлик Буддадан бошланган. Будданинг ҳаёти тўғрисидаги ривоят шундан далолат беради.

Будда - ҳақиқат нажоткори демакдир. Унинг асл номи Сиддхартха. Сиддхартханинг онаси – шакйиларнинг ҳукмдори Майянинг хотини бир куни тушида ёнига оқ филнинг кириб ётганини кўрди. Маълум вақтдан сўнг у ўғил туғди. Унинг овозини коинотдаги ҳамма худолар эшитди. Борликдаги уқубатларнинг олдини оладиган одам келди, деб хурсанд бўлдилар. Доно Асита чакалоқнинг буюк қаҳрамонликлар кўрсатиши ҳақида қаромат қилди. Чакалоққа Сиддхартра деб от қўйдилар. Бу “топширикни бажарувчи” деганидир.

Отаси ўғлининг диний руҳда тарбия топишини истамади. У ҳаётнинг салбий томонларини ўғлидан яшириб, дабдабали ҳаётни муҳайё қилди. Ўғлига ҳақиқий дунёвий тарбия берди, чиройли қизга уйлантирди. Хотини ўғил туғиб берди.

Бир куни Сиддхартха Гаутама шахри бўйлаб сайр қилиб юрган эди, қартайган бир чолни кўрди. Унинг бутун танасига яра тошган, тарки дунё қилган, йиллар давомида қадди буқилган эди. Шу тариқа Сиддхартра жонли мавжудотларнинг муқаррар азоб чекишини билди. Шу кечаси у ҳеч кимга билдирмай саройни тарк этди, зоҳидликда ҳаёт кечиришни бошлади

⁹ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёҳуд жавонмардлик тариқати. Тошкент, “Абдулла Кодирий номидаги Халқ мероси нашриёти”, 1994, 10–11–бетлар, Форс–тожик тилидан Нажмиддин Комилов таржимаси.

ва азоблардан қутқариш йўллари излай бошлади.

Етти йил давомида у азоб–укубат билан тер тўкиб, кохин брахманларнинг муқаддас китобларини ўқиди. Очликни бас қилиб ва ёлгон доноликдан воз кечиб, узоқ мушоадалардан кейин қутқаришга йўл очди. У “*тўрт олийжаноб ҳақиқат*”ни (таъкид бизники) фахмлади.

Исо Масихнинг таълимоти ва фаолияти ҳам аслида зоҳидликнинг энг мукамал кўринишидир. Масихийлик таълимоти аслида заминий бойлик ва ҳашаматдан воз кечиб, Худо йўлида хизмат қилиш, жамики гуноҳлардан тийилиш ва шу орқали Худо берадиган Самовий Шохликка эришишга даъват қилишдан иборатдир. Масихнинг энг буюк ақидаларидан бири-факирликни ихтиёр қилиш борасида шахсий намуна кўрсатганидир.

Зоҳидлардан кейинги давр суфийлари тафаккурий–шуурий ривожланишни - дунёни ва илоҳни билишни, танишни асосий мақсад деб ҳисоблаганлар. Бу давр орифлик даври деб аталади.

Тасаввуфнинг пайдо бўлишида яна бошқа омиллар ҳам бор. Булар - шиа мазҳаби, юнон фалсафаси, ҳинд фалсафий қарашлари, зардуштийлик, Исо Масихнинг таълимотидир. Тасавуф амалиёти ва фалсафасида буларнинг самарали таъсири бўлди.

Тасавуф тарихи ислом тарихи билан бирга ривожланиб, ислом маданияти ва маърифатига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Дастлабки пайтларда Куфа, Басра ва Бағдод шаҳарларида санокли даражада зоҳид ва суфийлар яшаган бўлсалар, бора–бора мусулмон оламида шайху машойхлар, суфий давешлар, қаландарларнинг сони кўпайди, ўзинга хос ҳаракатга айланди. Биргина Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул–унс” китобида 664 шайх ва суфийларнинг номи зикр этилади. Бу китобга кирган суфийлар фақат XV асргача яшаб ўтганларидир. XV асрдан кейин ҳам кўплаб авлиёлар яшаб ўтганлар.

9 – МАВЗУ

МОДЕРНИЗМ ВА ПОСТМОДЕРНИЗМ МАДАНИЯТИ

(XVI – XXI АСРЛАР)

Режа:

1. Модерн маданияти. Модерн тушунчасининг фақат санъат, балки фалсафа ва фанга алоқадорлиги.
2. Постмодерн - ҳозирги фалсафа, санъат ва фаннинг асосий йўналиши эканлиги.
3. Маданий тараққиётда инсон омили. Инсоннинг индустриал маданиятга муносабати.
4. Оммавий маданият. Оммавий маданиятнинг салбий ва хатарли оқибатлари.

Маданий ходисалар ва жараёнларнинг анъанавий хусусиятга эга эканини юкорида кўриб ўтган эдик. Анъанавийлик бирон маданий ходисанинг ўзгаришига йўл қўймайди ёки имкон бермайди, дегани эмас. Инсон онги ҳар бир давр маданиятига қандайдир қандайдир янгилик олиб киради, маданий жараённинг маълум тарихий даврдаги ўзига хослигини, янгилигини белгилайди. Шунинг учун ҳам антик давр маданияти, ибтидоий маданияти, Уйғониш даври маданияти, Темурийлар даври маданияти каби терминлар ва тушунчалар маданиятшуносликда, санъатнинг кўп турларида мустахкам ўрнашган. Бир даврдаги маданий жараёнда олдингисига нисбатан қандайдир олға силжиш, янгилик бўлди, шу боис ҳам янгиликка нисбатан маданий давр ўз номи билан аталган.

Маълум бир ҳудуддаги маданиятнинг тарқалиши чегараланмаган. Масалан, антик давр маданияти, Юнонистон, Рим, Шарқ мамлакатларининг кўп ҳудуди, Ўрта Осиё ва бошқа кўп мамлакатларга тарқалган бўлса, Темурийлар даври маданияти Ўрта Осиё ва Шарқнинг айрим мамлакатларига ёйилди.

Маълум маданий босқичларнинг ўзаро нисбатида бир ходисани кузатиш мумкин. Бир давр маданиятида ўтмиш маданиятига нисбатан пайдо бўлган янгиликлар бадиий идрок этишда кескин ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бир мисол: XX аср бошларида Россияда ранг тасвир санъатида “тушунарсиз”, “бемаъни”, одамни “ғазаблантирадиган” асарлар пайдо бўла бошлади. Тор фикрли одамлар бу асарларни қабул қила олмадилар. Улар: “Рассомлар бизни калака қиляптилар”, деб хулоса чиқардилар. Аммо туғилаётган “янги санъат” тарафдорлари жамиятни ўзининг оммавий маданиятига қарши қўймоқчи эдилар. Бу тоифа одамларга ҳамма нарса бемаъни, телбанамо бўлиб туюлди. Улар оламни доимий телбаликдан иборат деб тасвирлаш учун анъанавий ўтмиш образлардан воз кечишлари керак эди.

Ана шундай санъатнинг алоҳида бир йўналиши *суперматизм* (лот. энг юкори) оқими шу тариқа илк бор Россияда юзага келган эди. Бу оқимнинг асосчиси Казимер Малевичдир. Бу йўналиш 1910 йили пайдо бўлди. Суперматизм абстракционизмнинг бир кўринишидир.

К.Малевичнинг “Қора квадрат” сурати суперматизм оқимига мансуб дастлабки асарлардан биридир. Томошабин бир қарашда бу квадратда ҳеч нарсани кўрмайди ёки бу сурат нимани англатишини тушуниб етмайди. Оддий тўртбурчак қора рангдаги тасвир, бор-йўғи оддий геометрик шаклни эслатади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу тасвирнинг санъат асари экани ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди.

К.Малевичнинг сурати онгга таъсир этишга мўлжалланган. Агар бирон одамнинг олдида чойнакни қўйиб, “бу – этик” деб айтсак, шубҳасиз, у ҳайрон бўлади. Агар бирон суратдаги ҳаётнинг тасвири ўрнига қора квадратни жойлаштирсак, баттар ҳайрон бўлади. Албатта, томошабин яна

асарга қўл силтаб кетаверади ва охири бу асарни унутади. Аммо замонавий цивилизациянинг мўъжизасини яхши билган, тушунган томошабин рассом яширган мазмунни излай бошлайди ва ниҳоят топади. Биринчидан, “Қора квадрат” тасвирдаги анъанавий усулни инкор қилади, чунки рассом ўз асарини янги, замондан илгари кетган деб баҳолайди, тасвирнинг анъанавий усулини эса, эскирган деб эълон қилади. Бундан оддий ҳақиқат келиб чиқади: бу рассомнинг фикрича, олдинги рассомларнинг санъати яроксиз бўлиб қолган, уларнинг асарлари лаш–лушдан бошқа нарса эмас, ташлаб юбориш керак.

Аммо “Қора квадрат” сурати қандай мазмун ифодалашини, унинг маъно–моҳиятини била олганимиз йўқ. Томошабин инсон ҳаёти тасвири ўрнига қоп–қора бўшлиқни қўради. Томошабиннинг онгида, ҳаёт ҳам худди шу қора квадрат каби, бўм–бўш, мазмунсиздир, деган таассурот пайдо бўлиши мумкин. Мухлислар ва назариётчиларнинг дунёқараши шундан иборат. Хуллас, “Қора квадрат” мазмундан холи эмас, балки ўша мазмунни онг, идрокни ишга солган ҳолда билиб олиш мумкин. Бунинг учун томошабиннинг ҳаёт ва унинг мазмуни ҳақидаги тасаввурлари оддийликдан мураккабликка томон бориши лозим. “Маданиятнинг янги руҳи” албатта туғилишини ва анъанавийлик абадий эмаслигини, маданиятда ягона, қотиб қолган шакл бўлмаслигини шу биргина мисол кўрсатади. Маданиятдаги *модерн* ёки *модернизм* шудир.

Модерн (фр. *moderne* – замонавий, замонга мансублик) илк бор милодий V асрда қўлланган бўлиб, расмий мақом эгаллаб бораётган замонавий масиҳийликни ўтмишдаги мажусий Римдан ажратиш учун қўллана бошлаган. Зотан, масиҳийлик оқими Рим учун тамомила янгилик эди, чунки Яхудия узоқ йиллар гарчи Рим империяси таркибида бўлса ҳам, масиҳийликка ашаддий қаршилик қилиб келди, аммо масиҳийлик мажусийликка нисбатан илғор, ўз давридаги Шарқ учун энг прогрессив оқим бўлган, учун барча қаршиликлар беҳуда бўлиб қолди. “Давр онги зарурати” деб баҳоланган ҳамма даврда ҳам эскидан янгига ўтиш босқичи юз берган. Аммо Буюк Карл (768 – 814 йилларда франклар кироли ва императори; унинг ҳукмронлиги даврида Франция ва Германияда янги мактаблар очилди, кироликка билимдон одамлар таклиф қилинди, антик адабиётга, дунёвий билимларга, тасвирий санъатга ва архитектурага эътибор кучайди; “Каролинг Ренессанси” деган ном унинг давридан қолган) ва Маърифатчилик (XVII асрда Англияда, XVII асрда Ғарбий Европада ёйилган ғоявий оқим; инсон онгининг чексизлигига ишонч пайдо бўлиб, жамиятни онг асосида қуриш ва бошқариш ғоясини илгари сурди) давридан бошлаб ўзларини “модернчи”, “янги”, замонавий деб қаровчи тоифа пайдо бўлди. Ҳар иккаласи ҳам инсон онгига катта аҳамият берди.

Янги ёки модерн маданият антик давр маданиятига янгича муносабат юзасидан шаклланган, яъни антик давр маданияти модерн маданияти учун

меъёр бўлиб ҳисобланди, ҳамма замонда ҳам “модерн” рассомлари ўз асарларини антик давр асарлари билан солиштирди, яъни антик давр асарлари “модерн” рассомлари учун акс таъсир вазифасини бажарди. Шуниси диққатга сазоворки, модернчилар антик даврни танқид қилганлари ҳолда, ҳеч қачон бу маданиятдан юз ўгирмадилар.

“Модерн” тушунчаси фақат санъат билан эмас, балки фалсафа ва фанга ҳам алоқадордир. Илк модернчи шоирларнинг кўпчилиги (айниқса, рус модернчилари Валерий Брюсов, Андрей Белый, Вячеслав Иванов кабилар) олим ва файласуф ҳам эдилар. Бу шоирлар рус адабиётида символчи шоирлар сифатида шуҳрат қозондилар, рус шеъриятга янги оқимни олиб кирдилар. Модерн шеъриятнинг эстетик-фалсафий асоси символизмга таянди. Символчи шоирлар ижодида ўлим, севги, азоб-укубат каби кечинмалар, Инжил лавҳаларидан сахналар, антик мифология, ўрта асрдаги тарихий ва мифологик воқеалар асосий мавзу бўлди.

Умуман олганда, Россияда модерн шеърият символизм маҳсули ўларок юзага келди ёки символизм илк модерн шеърият сифатида пайдо бўлди. Айни пайтда символизмнинг пайдо бўлиши билан Россияда рус адабиётининг Олтин даври бошланди. Бу даврда барча янги шеърият мактаблари ва янги оқимлар символизм таъсири остида қолди. Ҳатто символизмга қарши бўлган санъат ва адабиётдаги футуристлар (улар ижодда фақат жадаллаштиришни эътироф этганлар, улар ўн йил давомида ўз олдиларига қўйган вазифаларини бажариш тўғрисида шoir билан чиққанлар, “акс ҳолда кейин келадиган авлод бизни ахлат челагига улоқтирадилар”, деб ўйлардилар. Уларнинг шиори – анъанавий грамматикадан воз кечиш, шоирнинг ўз имло қоидалари бўлиши кераклигига ҳуқуқ бериш, сўз ижод қилиш, жадаллаштириш ва б. У ўз суратларини цивилизациянинг бир лаҳзалик ютуқларига бағишладилар, уларнинг суратлари ўша давр техникасининг катта ютуғи ҳисобланган поезд, автомобиль, самолётларга бағишланди) ҳам кўп ҳолларда символчиларнинг материалларидан фойдаландилар. Символчилар кундалик ҳаётда ишлатиладиган муомаладаги сўзларга ишончсизлик билан қараб, мажоз ва символлардан фойдаланишни шарт деб билдилар. Шоир Фёдор Тютчевнинг “Изҳор қилинган фикр – ёлғондир” деган гапи бутун символчи шоирларнинг ва рассомларнинг шиорини ўзида ифода этади.

Россияда символизм эстетикаси тасодифан, йўқ ердан пайдо бўлмади, балки XIX асрнинг 60–70–йилларида Францияда пайдо бўлиб, Белгия, Германия, Норвегияга ёйилди. Рус символизми ҳам дастлаб – XIX аср охири – XX аср бошларида хорижда камол топди. Рус файласуфи ва шоири В.Соловьёвнинг Олам Руҳи, Абдий Назокат, Оламни қутқарадиган гўзаллик (бу мифологемани В.Соловьёв Достоевскийнинг “Идиот” (Овсар) романидан олган) тўғрисидаги фалсафий ғояларидан рус символчилари фойдаландилар.

Умуман, “модерн” услуби қоришиқликка (эклектизмга) ва ўтмишнинг

тарихий услубидан жонсиз равишда нусха кўчиришга қарши таъсир сифатида юзага келди. Модерн учун турланувчан, номуқим чизиклар, маълум услубга солинган ва ривожланиб боровчи нақшлар характерлидир. XIX аср охирларида Европа ва Американинг йирик шаҳарларида қурила бошлаган йирик савдо дўконларини безашда ғайриодатий безак усулларида фойдаланилди. Бу безак усуллари савдонинг гуллаб-яшнаётгани ва қудрати ошиб бораётгани рамзи эди.

Модернизмдан кейини йўналиш *постмодернизм*дир. Постмодернизм – жанр ҳам эмас, услуб ҳам эмас, балки вазият, онни беглилайдиган ўзига хос “маданий борлик”дир. Постмодернизм – ҳозирги фалсафа, санъат ва фаннинг асосий йўналишидир. Модернизм олдинга ҳаракат қилишга уриниш, мутлақ янги белгилар тизимини яратишга уриниш бўлса, постмодернизм – янги белгилар тизимини яратиш *имконсизлигини қайд қилиш*дир(таъкид бизники – Н.Р.). Постмодернизмнинг асосида постструктурализм ётади. Постструктурализм постмодернизмнинг фалсафий асоси сифатида Ғарбнинг энг янги фалсафаси амалга оширган “лингвистик бурилиш” ўзани асосида шаклланди. Шунинг учун постмодернизмнинг диққат марказида тил муаммоси, тафаккурнинг лисоний хусусияти туради. Шу боис ҳам постмодернизмнинг энг машҳур тезисларидан бири “Олам – матндир” деган назариясидир. Постмодернизмда ҳамма воқелик матн, баён сифатида фикр қилинади. “Матндан ташқарида ҳеч нарса йўқ”, деб тасдиқлайди постмодернизмнинг йирик вакилларида бири Ж. Деррида. Ҳар қандай тарихий давр маданияти матнлар йиғиндисиди сифатида намоён бўлади.

Постмодернизм маданиятга қандай таъбиқ қилинади, уларнинг ўзаро алоқалари нималарда кўринади? - деган саволга шундай жавоб бериш мумкин: маданият ғояси ва тушунчаси белгилар тизими сифатида постмодернизмни биринчи ва асосий шартидир. Постмодернизмнинг хусусияти шундан иборат: у онгли равишда қоришқиликка (эклетикиликка) мойил бўлади, кесатикни, анъаналарни, оммавий ва алоҳида санъатнинг бўлинишини идрок қилмайди, санъат билан кундалик ҳаёт ўртасидаги чегарани йўқотади, ўз табиатига кўра ҳаёлотга тамомила тескари, келажакка юз бурмаган, умиддан маҳрум. Унинг модернизмдан фарқи ҳам шунда.

Маданиятдаги маънавий ўзгаришлар, ўзгаришларнинг жамият олға тараққиёти учун, инсоният тафаккури учун қанчалик манфаатли экани муҳим. Ҳар қандай маданий ҳодиса инсон ва жамият манфаати учун хизмат қилмас экан, унинг қиймати бўлмайди. Инсон омили маданиятнинг жамиятдаги ўрнини белгилловчи воситадир. Аммо индустриал жамиятда инсон омили қандай юзага чиқади? Инсоннинг “индустриал маданият”га муносабати қандай?

Замонавий маданиятни айрим мутахассислар техника, электрон ёки

ахборот маданияти деб атайдилар. Бундай муносабат ҳозирги маданиятда техниканинг ўрни муҳимлигини кўрсатади. Ҳозирги фан билиш, яратиш, ихтиро қилиш, лойиҳа тузиш каби жараёнларни ўзида мужассамлаштиради ва инсон ақл-заковати ёрдамида ҳал бўладиган муаммоларга эътиборни жалб этади. Бугунги кунда илмий ҳақиқатни очиш билан бирга, инсоннинг эҳтиёж ва манфаатларига мос келадиган имкониятларни топиш фанда устувор бўлмоқда.

Фан ва маданиятдаги янги йўналиш шаклланишининг бошланиши Ғарбда Уйғониш даври (XIV-XVI асрлар) билан боғлиқ. Уйғониш даври Европа маданияти тараққиётида муҳим давр бўлиб, мутлақо янги маданий босқичини бошлаб берди. Шаҳарларнинг кўпайиши, Европада ички ва ташқи савдонинг вужудга келиши, хунармандчиликнинг ривожланиши Европа маданиятида янги йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Қисқа вақт ичида моддий маданият ва технологиялар ўзгариб, кўплаб муҳим илмий кашфиётлар қилинди. Зотан, янги давр – фан, техника тараққиёти нафақат дунёни, балки одамларнинг фикрлаш тарзини ҳам ўзгартиради.

Фаннинг шаклланиши ва секин-аста жамият ҳаётига муҳим асос бўлиб кириши янги давр кишисининг турмуш тарзи, фикр йўсини сифатида рационализмнинг пайдо бўлишга сабаб бўлди. Рационализмнинг кенг кўламда намоён бўлиши XVIII асрдаги маърифатпарварлик ҳаракати билан боғлиқ. Барча бахтсизлик ва ноҳақликдан инсониятнинг азият чекиши билимсизликдан эканлигига, фақат маърифатли халқ ва унинг ҳукмдори “Озодлик, Тенглик, Қардошлик”ни ўрнатишга маърифатпарварлар ишонганлар. Маърифатпарварлар вакиллари Д.Дидро ва Д.Аламбер «Фан, санъат ва хунармандчилик энциклопедияси»ни нашр қилдилар. Бу маданиятнинг катта ютуғи бўлди. «Энциклопедия» нафақат инсониятнинг муҳим илмий ютуқларини тартибга солди, балки янги маданий кадриятлар тизимини ҳам тасдиқлади.

Маърифатпарварларнинг рационалистик йўналиши XVIII асрдаги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, ҳуқуқ институтлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, санъат тараққиётида кўплаб тамойилларни белгилаб берди. Маърифатпарварлар Буюк Француз инқилобининг идеологлари ҳисобланиб, Уйғониш даври гуманистлари бошлаб берган маданий кадриятларни улуғлаш жараёнини ниҳоясига етказдилар. XVIII асрда илмий билим жамият онгини бутунлай янги сифат даражасига кўтарди. Фан инсоннинг маънавий ҳаётига чуқур кириб бориб унинг маданиятига мазмун бағишлади. Кишиларнинг табақавий, миллий-ирқий ёки бошқа фарқларидан қатъий назар, барча учун бир хил моҳият касб этди.

Европа ва Шимолий Американинг кўплаб мамлакатларида XIX асрнинг ўрталарида индустриалаштириш ёки саноатдаги бурилиш ниҳоясига етди. Машхур социолог П. Сорокиннинг хулосаси билан айтганда,

«биргина XIX асрдаги кашфиёт ва янгиликларнинг ўзи олдинги асрлардаги кашфиётларнинг ҳаммасини жамлагандан ҳам кўпдир».¹ Хусусан, бу асрда 24 8527 та кашфиёт ҳисобга олинган ва бу макон, замон ва материя устидан техника ҳукмронлигининг чексиз ўсганлигидан далолат беради. Испан файласуфи Х. Ортега Гассетнинг ёзишича: «Биз ҳақиқатдан ҳам XIX асрда инсоният тақдирида рўй берган радикал ўзгаришлар олдида турибмиз. Замонавий инсон учун ҳам моддий, ҳам ижтимоий жиҳатдан мутлақо янги манзара яратилди. Бу янги дунёнинг қиёфасини учта муҳим жиҳат белгилайди. Бу демократия, экспериментал фан ва индустриализациядир. Иккинчи ва учинчи жиҳатларни «техника» номи билан умумлаштириш мумкин».²

Цивилизациянинг ўсиши дастлаб макон ва замонга хос кечди: инсоннинг маънавий дунёси ўтмишнинг янги ҳудуди ва янги «қатлами»ни ўзлаштира бошлади. Билишнинг майдони чуқурлашди ва кенгайди. Бирок шу билан бирга замон ва маконни енгувчи янги усуллар ҳам пайдо бўлди: инсон янги техника воситасида улкан фазовий вақтни қисқа муддатда босиб ўтиб, ер юзининг хоҳлаган жойида бўлиш имкониятини қўлга киритди. Дунё янги қиёфа касб этди.

XIX асрда техноцентриқ дунёқараш кенг тарқалиб, кишилар ўз ҳаётини илмий асосда кўришга урина бошлади. Инженерлик фаолияти тамойиллари табиатга ва ҳаётга кенг ёйилди.

Инсоннинг турмуш жараёнидаги бунёдкорлик, тирикчилик ташвишлари ўрнини бундан буён ихтирочилик, техника ижодкорлиги, эҳтиёжларни қондирувчи техника воситалари яратиш эгаллади. Табиат, инсон, маданият каби тушунчалар талқини сезиларли ўзгарди. Табиат материал ва энергиянинг битмас-туганмас манбаи, универсал омборхонага айланиб қолди. Ҳатто, табиат сирларини ўта чуқур англаш ҳам унга яқинлашиш дегани эмас, балки, аксинча қандайдир бегоналикни, фақат техник ёндошувни билдиради. Инсоннинг ўз табиати сирларини англашга уриниши шунчалик қарама-қарши натижаларга олиб келади. XIX аср инсонга «қонинот сардори», «барча нарсалар ҳукмдори» ёрлиғини берди. Инсон кўпроқ «механик агрегат», «физик-кимёвий унсурлар мажмуи», «маймунга турдош махлук», «турли меҳнат қуроллари тайёрловчи Хомо фабер» каби сифатлар билан атала бошланди. Инсоннинг ўзи механизм бўлгани каби, дунё ҳам унга ўхшаш улкан машина ишлаб чиқарувчи фабрикадир. Инсон ўртача меҳнат унумдорлигига эга бўлган маданият ижодкори деган фикрлар пайдо бўлди. Инсоннинг ҳаёти, эҳтиёжлари ва максадларини белгилаб берадиган ғоялар, меъёрлар, тартиблар пайдо бўлди, умумҳаётий андоза, турмуш тарзи қонунийлашди, барчанинг ҳуқуқи тенглашди, кўп сонли ўрта синф шаклланди, мисли қўрилмаган муваффақиятлар орқали озодликка эришди, муносабат, дид, одатлар янги

¹ Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество, М., 1992, с 467.

² Ортега-и-Гасит Х. Восстания масс. Вопросы Философии, 1989, № 3, с 127-128.

андозаларга кўчди. Оммавий маданият, хиссиз, шахсиз маданият даври келди.

XIX асрда техника тараққиёти ғайриқонуний равишда маданиятнинг бутун ривожини бир хил қолипда ўлчаши жамият фикрида иқтисодий омилларнинг аҳамияти ошувига олиб келди. Бу эса, оламни техник ўзлаштириш суратлари сезиларли ўсишига сабаб бўлди. Натижада тараққиётнинг жадвал ва назоратсиз ўсиши жараёнида цивилизация бутунлай ҳалок бўлиши мумкин деган хавотирлар пайдо бўлди. (И. Хейзинг). Бу муаммолар XX асрда янада яққол кўзга ташланди.

XX асрда техника сурати хаддан ташқари ўсди. Кейинги юз йилда ер юзида саноат ишлаб чиқариши 50 мартадан ошди, бу ўсишнинг 4,5 қисми 1950 йилдан кейинги даврга тўғри келди. Ҳақли равишда XX аср инсоният тарихига илмий-техника инқилоби асри бўлиб кирди. Инсонларнинг ҳозирги вақтдаги таъсир кучини табиатнинг энг бешафқат кучлари билан тенг қўйиш мумкин. Шунинг учун ҳам, хусусан XX асрда техника муаммоси ва унинг маданиятдаги ўрнига олимлар алоҳида эътибор қаратдилар.

Техника сўзининг ўзи маҳорат, санъатни англатиб, ишлаб чиқаришга боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган фаолиятни амалга ошириш учун **кишилар яратган воситалар йиғиндисини билдиради**. Инсонлар жамияти пайдо бўлиши билан амалда техника пайдо бўлди, дастлаб кишининг меҳнат фаолиятида ёрдам берувчи меҳнат қуроли сифатида, кейин ҳар хил мақсадларда ишлатиладиган техниканинг бошқа турлари вужудга келди. **Техниканинг хусусиятлари қуйдагилар:**

1. Техника сунъий равишда, кишилар томонидан табиатни ўзгартириши натижасида яратилади, олдин онгда идеал яратиладиган лойиҳа, андозалар моддийликда мужассамланади;

2. Техниканинг оммавий хусусияти, аввало, кишиларнинг амалий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, шу эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади;

3. Техниканинг муҳим параметрларидан бири рационаллик ҳисобланади, маълум жамиятда у ёки бу техника қурилмасини маълум қадар тезроқ ишлаб чиқаришга мўлжалланади.

Техника маданиятнинг муҳим ҳодисаси сифатида жамият ва табиат ўртасидаги муносабатни таъминлайди, у ижтимоий маданият жараёнининг ажралмас таркибий қисмидир. Техника тараққиёти инсоннинг табиат устидан ҳукмронлик қилишида унинг имкониятларини кенгайтди, маданий ва ижтимоий ўзгаришларни мукаммал амалга оширди.

Маданиятда техниканинг ўрни хусусида турлича қарашлар мавжуд. **Технодетерминистик концепция** техниканинг ҳар доим инсонга ижобий таъсир кўрсатишини ишончли асослайди. Илмий тараққиёт ва техника ютуқлари инсонга қўллаб-сирғатишни очиб, уни улкан миқдорда моддий бойлик билан таъминлайди. Илмий техника тараққиёти билан боғлиқ барча

муаммо ва қарама-қаршиликлар, яъни техник воситаларнинг биосферани ҳалокатга яқинлаштирувчи таъсири ахборот алоқа даври деб аталувчи инсоният тараққиётининг кейинги босқичида ижобий бартараф қилинишини таъкидлайди. Техникани оптимистик баҳолашда **технократик назария** катта аҳамиятга эга. Технократия жамиятдаги шундай кучки, у жамиятнинг технология тараққиёти истикболи хусусидаги илмий башоратида нуфузли илмий ҳулосаларга таянади.

Европада XVIII аср охирлариданок техниканинг ҳалокатли таъсири ҳақида хабарлар тарқала бошлади. Турли фалсафа мактабининг вакиллари техника цивилизацияси, унинг қаттиқ «темир суръати», бешафқат ва ахлоқсизлигини таъкидлаб, ҳаёт, табиат, инсонга ҳурматсизлигини қаттиқ танқид қила бошладилар. Улар жамиятда техникага сиғиниш, уни илоҳийлаштириш ҳолати содир бўлаётганига, техника замонавий цивилизациянинг офати бўлажигига ўз эътиборларини қаратдилар. Техниканинг назоратсиз тараққий этиши экологик муаммоларни туғдиради, ҳарбий саноат комплексларининг кенг ривожланишига сабаб бўлади, оқибатда инсонни техниканинг қулига айлантириб қўяди, деган қарашлар кенг тарқалди. Шу боис XX асрнинг машҳур файласуфларидан А. Швейцер технократик маданиятдан воз кечиш зарурлиги ҳақидаги фикрга келди. XX асрдаги дунёвий ҳалокатни, урушларни бошдан кечириш оқибатида у шундай ғояни илгари сурдики, технократизм ва технократик фан руҳан зўравонликка, тафаккурнинг эмоционал жиҳатдан камбағаллашувига, маданият идеалларининг ҳалокатига олиб келди. Швейцер янги умуминсоний, умумпланета маданияти учун асос сифатида ҳаёт олдида ҳурмат–эҳтиром тамойилини илгари сурди. Бу руҳ экологияси ва уни сақлаш тамойили бўлиб, маданий қатламда ўзаро ҳурмат технократик моделдан умуминсоний кадриятга ўтишини аңглатган эди.

“...Инсон онгли мавжудот бўлиб, у ҳаётнинг ҳар қандай хохиш–иродасига худди ўзига бўлгани сингари ҳурмат билан муносабатда бўлиши кераклигини ҳис қилади. Ў ўз ҳаётни тажрибасида бошқача ҳаётни билиб олади. Умрни сақлаш, ҳаётни осонлаштириш, ҳаётнинг энг юқори кадриятигача ривожлантиришга қодир бўлган ҳаётни таклиф қилиш – буларни инсон эзгулик сифатида қабул қилади. Ҳаётга зарба беришга сабабчи бўлиш, зарар келтириш, ривожлантириш мумкин бўлган ҳаётни барбод қилиш – бу ёвузликдир...”

Ҳаёт олдида ҳурмат–эҳтиром ахлоқи ўз ичига севги, жасорат, бошқа мавжудотларга раҳм–шафқат кўрсатиш, уларнинг шодлиги ва интилишларини тавсифлаши мумкин бўлган ҳамма нарсани камраб олади”. Инсоният учун хос бўлган бу фазилатлар шубҳасиз, жамиятнинг ҳамма қатламида ҳамма даврлар учун хос бўлиши кераклигини айтадилар. Шунинг учун ҳам, назариётчиларнинг бир қисми техникага тушқунлик назари билан қараб, анъанавий жамиятга қайтишни ягона йўл деб, ҳисоблайди. Бошқалари эса, техниканинг агрессивлиги ва

мурасизлигини таъкидлаб, инсон бундай шароитда фақат битта усул билан қарши туриши мумкин, яъни кучи етганича техномаданиятнинг парчаланишига ёрдам бериши керак, деб ҳисоблайдилар.

Бироқ барча муаммо техникага эмас, балки инсоннинг ўзига боғлиқ. Техника ахлоқий жихатдан мустақил олам эмас, унинг ўрни, аҳамияти ва кучи жамиятнинг қадрият тизимига боғлиқ бўлади. «Техника-инсон» зиддиятларининг бартараф қилиниши янги типдаги инсоннинг шаклланишига боғлиқ бўлиб, бу маданиятдаги биосферик тамойилларини ҳисобга олувчи, табиат ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилувчи маданиятнинг бош муаммоларини оқилона ҳал қилишни таъминловчи сифатга эга бўлган янги инсондир.

Маданиятдаги биосферик концепция тарафдорлари инсоният маданияти босқичларини ишлаб чиққанлар. Унда таъкидланишича, инсониятнинг илк босқичларида маданиятнинг турли хил биогеник кўринишлари мавжуд бўлган, кейинчалик «табиат устидан ҳукмронлик қилиш» шиорига таянган ҳолда техноген маданият яратилди. Замонавий одамлар ердаги экология қонунларига асосланиб, ноогеник маданиятга ўтадилар. Шунинг учун ҳам, экологик маданият ҳозирги замон цивилизациясининг аҳамиятга молик белгиларидан бирига айланиб бормоқда.

1970 йиллардан экология жамият ҳаётидаги жараёнларни ўрганишга киришди. Инсоният жамияти билан уни ўраб турган табиий-иқлим шароити, ижтимоий-маданий муҳитнинг алоқадорлиги муаммоларини ўрганувчи ижтимоий экология шаклланди. Табиий ва ижтимоий, табиий ва сунъий жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги ривожланишини “экологик маданиятнинг бошланиши” деб ҳисоблаш мумкин. Бу инсоният томонидан икки тизимнинг – табиий ва сунъий тизимнинг тенг ҳуқуқлигини тан олиши демакдир. Айниқса бу қишлоқ хўжалик соҳаси учун ўта аҳамият касб этади. Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги учун маҳсулдорлик ва товар ишлаб чиқариш ҳажми асосий стратегик мақсад эмас, гап экология қонуниятларига мувофиқ табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитини асрашдан иборат. Саноат ишлаб чиқариши учун экологик қонунлар табиат ресурсларига тежамкорлик асосида ёндошиш имкониятини берувчи техника ва технологияни яратишдангина иборат бўлмай, айти пайтда, инсоннинг мавжудлиги ва яшаш муҳити – биосферани асрашдан иборатдир.

XX аср ўрталаридан фан ва техника тараққиётининг натижаси сифатида катта ахборотлар сифими, захираси вужудга келди. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ)- матбуот, кино, радио, телевидение, компьютер замонавий ижтимоий маданият жараёнида салмоқли ўринни эгаллай бошлади. ОАВ ёки бунинг бошқача mass media деб ном олган тури ахборот узатишдаги каналларнинг кўплиги, тезлиги ва узоқ ишлаши билан улкан ҳажмдаги ахборотларга эга бўлмоқда. 1940-50-йилларда Г.М. Макмозн

асарларида оммавий коммуникация биринчи марта маданиятнинг ва кишиларнинг ижтимоий муносабатидаги мутлақо янги типи сифатида таърифланди. Унинг фикрича, бу восита инсонларнинг ахборот олишдаги рақобат курашида қудратли кучга айланади.

ОАВ электрон техника ва йўлдош алоқаларидан фойдаланиб, кишиларни ижтимоий ҳодисалар ва маданий бойликларни бир вақтда идрок қилишга ундайди. Г.Э. Макмоэн таъкидлаганидек, «ҳаммабоп ва омма ёктирадиган янги дунёвий электрон маданияти» шаклланмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, замонавий маданият ҳолисона таҳлил қилинса, маънавий маданият кўпроқ оммавийлик касб этиб бораётгани маълум бўлади.

Оммавий маданиятнинг кифоаси куйидагича:

1. У миллати, ёши, жойи, ижтимоий хусусиятларга боғлиқ бўлмаган оммавий истеъмолчиларга эга бўлади;

2. Бу маданият намуналарини яратиш жараёнининг ўзи оммавий хусусият касб этиб, индустриянинг махсус кўринишини ўзида намоён қилади, яъни унда юз минглаб кишилар банд бўлиб, уларнинг «матбуот қироли», - шоу томошабинлари, кино, ТВ, эстрада юлдузлари бўлади.

Оммавий маданият кишиларни ҳаётни бефарқ кузатувчи томошабинга айлантиради, ўзлари ҳам мавжуд ҳаётни гўё сароб каби тасаввур қиладилар.

Ортега Гассет оммавий маданиятнинг таъсир доирасини таҳлил этиб, омма ўзига, шахсга ўхшамай қолиши, кимки бошқаларга ўхшамаса, шулардек фикрламаса таҳлиқада қолишини айтиб, шундай деган эди: «Омма – йўриқ-йўналишсиз оқим билан сузаётган одамлардир. Шунинг учун улар қобилият имкониятлари катта бўлишига қарамай, ҳеч нарса яратмайди. Оммавий одам ахлоқдан маҳрум, чунки унинг моҳияти, онги бурчига итоат қилади».

Оммавий маданият умумий истеъмолчилар эҳтиёжи билан боғлиқ. Бунинг асосида истеъмол учун талаб, товар сифатида ҳаридоргир бўлиш эҳтиёжи ётади. Оқибатда ҳозирги замон маданиятидаги маънавий кадриятлар тор доирадаги эҳтиёжларни қондириш воситасига айланади. Маданиятнинг чуқур маъно-моҳияти, хотира чексизлиги “қундалик”, “ҳаммабоп” хизматлар билан ижод аввалдан маълум, мавжуд намуна асосидаги «асарлар» яратиш ва ишлаб чиқариш (киносериаллар, саёз ТВ ва адабий асарлар) билан алмашинади. Шахс ўзининг ижодий қобилияти, миллий руҳидан айрилиб, тайёр «маданий маҳсулотлар» истеъмолчисига айланиб қолади.

Бугунги глобаллашув жараёни иқтисодий-техник тараққиёт, бошқариш тизими, сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар, турмуш тарзигагина дахлдор ҳодиса эмас. Бу замонавий технология ускуналарига асосланган куч, гуруҳлар манфаати назаридан хилма-хил воситалар ёрдамида бошқа халқ ва мамлакатларга маънавий-ахлоқий таъсир кўрсатиш, мафкуравий устуворликка эришиш имконияти ҳамдир. Иқтисодий, молиявий “ёрдам”,

“демократия” ниқоби остида маънавий-руҳий экспансия (“хужум”) уюштириш, миллатларнинг мустақиллиги ва ўзлигига таҳдид кўрсатишга уринишлар бўлмоқда. Бу ҳол америкалик олим Френсис Фукияманинг “Ғарб тарихининг заволи топиши” китобида, америкалик сиёсатчи Патрик Дж. Бьюкененнинг «Ғарб ҳалокати» (Москва, 2004 й.) асарида ҳам таъкидланган.

Ёшлар, уларнинг маънавияти ва ахлоқи учун глобаллашув жараёни ва оммавий маданиятнинг салбий таъсири ва хатарли оқибатлари ҳақида Ислон Каримов шундай деган эди: «Дунёда бир қарашда беозор, сиёсатдан холи бўлиб туюлган шундай мафкуравий таъсир воситалари ҳам борки, уларга кўпда етарлича эътибор беравермаймиз, телевидение орқали кўплаб намоён этилаётган жангари филмлар, бепарда асарлар ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, уларни ўзлigidан, тарихидан, маданияtidан, иймонидан жудо этишга қаратилган. Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун аввало киши организмидан унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагидан она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг **мафкуравий иммунитетини** кучайтиришимиз зарур³».

Демак, ҳар бир инсон, ёш йигит-қиз икки йўлдан бирини танлаши – ё истеъмолчи тарзда оқим билан сузмоғи, ёхуд ўзига, ўзлigidан нисбатан талабчан бўлиб, бу гирдобдан ўзини ҳимоя қилмоғи лозим.

Инсоният техника тараққиёти ва оммавий коммуникацияни ижтимоий ва экологик жиҳатдан назоратга олиши, бугунги одам маънавий қиёфасини бир хиллаштириш (стандартлаштириш) га қарши жиддий тўсиқ қўйиши заруриятини англамоқда. Ушбу масаланинг ўта жиддийлигига эътиборни қаратиш, мавжуд муаммоларнинг ечимларини белгилашда 1990–йилларда БМТ Бош Ассамблеяси эълон қилган “Маданиятнинг умумжаҳон ўн йиллиги” муҳим босқич бўлди. “Ўн йиллик”нинг асосий мақсади – иқтисод ва техника тезкор ривожланаётган ҳозирги даврда умуминсоний маданий кадриятларнинг биринчи даражали аҳамиятини тиклашдан иборат бўлди ва бунда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилди: а) тараққиёт маданиятнинг юксалишига хизмат қилиши, моддий ишлаб чиқариш билан ижодкорликнинг алоқадорлиги йўлларини белгилаш; б) маданий ўзига ҳослик ва маданиятлар мулоқотини эътироф этиш; в) индивидуал ва жамоа тимсолида ижодий потенциал ва ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш; г) халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантириш ва бошқалар.

Демак, биринчидан, техноген маданият –ўнлаб асрлар мобайнида инсониятнинг яшаш тарзи, оламни англаш мезони бўлиб келган **қадимий** (Миср, Юнонистон, Византия) **маданият** асосида шаклланган, вужудга

³ И. Каримов. Миллий истиқлол мафкуриси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000, 24-бет.

келган **янги давр** – одамлар ҳаёти техника асосига қурилган давр маданиятидир. **Иккинчидан**, техноген маданият-фан амалиёти, техниканинг янгидан-янги шакллари, уларни ишлата билиш уқуви ва маҳорати - умуман маданият тақомилининг натижаси бўлишига қарамай, у маданиятнинг таркиби, тақдирига фаол таъсир кўрсатиш воситасидир (нашр қилиш техникаси, радио, телефон, телеграф, телевидение, компьютерлаштириш, электрон ахборот, кимёвий элементларни сунъий яратиш, инсон руҳиятига таъсир в.б.). Техник кашфиётларга асосланган ХХI аср маданияти одамларнинг турмуши ва фикр тарзи, қадриятларга, муносабатига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бу маданият ирқий, миллий, касбий тафовутни, давлат сарҳадларини билмайди. **Учинчидан**, замонавий техник қурилмаларга асосланган бугунги жаҳон маданиятининг муҳим белгиси оммавийликдир. Миллий мазмун ва киёфадан йироқ, шакли ранг-баранг, ҳажми енгил мусиқа сингари санъат асарлари, беандиша клип ва рекламалар - савияси саёз миқозларга мўлжалланган бўлиб, улар **оммавий маданият** намуналаридир. Оммавий маданиятни чеклашга интилишнинг ўзи чекланган ҳолат. Бундай муҳитда маънавияти “бутун” одамгина ўзлиги, миллий руҳиятини асраб қолади.

УЧИНЧИ БОБ

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

10 – МАВЗУ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ МАДАНИЯТИ

Режа:

1. Марказий Осиёнинг Олтой, Жанубий Сибирь, Мўғулистон, Ўрта Осиё ҳудудларидаги ибтидоий яшаш тарзи. Фарғонанинг тош даврига оид маданий ёдгорликлари. Қовунчи маданияти. Туроний ирқ.
2. Ўзбекистоннинг азалдан ўtroклашган аҳолиси ижоди – меъморчилик, амалий ва тасвирий санъат. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида қадимги давр меъморчилиги ва санъати.
3. Қадимий ёзма манбаларда Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида меъморчилик ёдгорликлари тўғрисидаги маълумотлар.
4. Буддавийлик даври маданияти. Буддавийликнинг Бактрия давлатига кириб келиши. Буддавийликнинг уч мазҳаби. “Авесто” даври маданияти.

Марказий Осиё халқларининг Олтой, Жанубий Сибирь, Мўғулистон, Ўрта Осиё ҳудудларидаги ибтидоий яшаш тарзи деярли умумийдир. Ибтидоий инсоннинг бу ҳудудлардаги умумийлигини кўрсатувчи далиллар биринчи навбатда ҳаёт тарзига-овчилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачиликка асосланганидир. Шунингдек, мазкур ҳудудлардаги қавмларнинг қайси ирқларга мансублиги ҳам масалага маълум даражада аниқлик киритишга ёрдам беради. Шунинг эътиборга олиш керакки, мўғуллар истилосига қадар Ўрта Осиёдаги туркий халқлар қиёфаси мўғул ирқига мансуб эмас эди. Жумладан, милоддан олдинги учинчи минг йилликка ва иккинчи минг йилликнинг бошларига оид Жанубий Сибирдаги мўғул ирқига мансуб аҳоли Ғарбий Туркистон (Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон), Помир ўлкаларига келгунига қадар, бу ерларда Оқденгиз ирқига ўхшаш доликоцефал¹ ирқи борлиги аниқланган.

Фарғонанинг тош даврига оид маданий ёдгорликларида ва Янгийўлдаги Қовунчи маданиятида ҳам бу ирқ учрайди. Ғарбий Туркистоннинг Анов маданиятига оид топилмаларда, Қуйи Волга бўйларида, Ўрта Волга ҳудудида, Проховок кўрғонида ҳам мазкур

¹ Доликоцефал (фр.) – бошнинг эни узунлигига нисбатан 75 фоиз қисқа бўлган одамлар.

иркларга мансуб одамлар суяклари топилган. Шунингдек, доликосефал иркининг Тангри тоғ худудларига ҳам кириб боргани тўғрисида маълумотлар бор. Жанубий Қозоғистон билан Волга бўйларига мазкур ирк бутунлай ёйилганини тасаввур қилиш мумкин. Биз ирққа оид мазкур қарашларни 40–50–йиллардаги археологик топималар асосида Туркистон ва Европа олимларининг асарларига таянган ҳолда айтишмиз². Қолаверса, Амударё билан Сирдарё - бугунги Ўзбекистон худудидаги энг қадимий инсонни Туроний ирққа мансуб деган қарашлар ҳам бор³. Умуман олганда, Ўрта Осиёнинггина эмас, балки бутун дунё халқларининг ибтидоий даври ҳар жиҳатдан, жумладан, маданий тараққиёти жиҳатидан ҳам энг кам ўрганилган давр ҳисобланади, Ўзбекистон худуди эса, янада кўпроқ ўрганишни талаб қилади. Чунки азалдан ўtroқлашган аҳоли маскани бўлган Фарғона водийси, Жанубий Ўзбекистон бизга кўп маданий ёдгорликларни қолдирдики, буларга таянган ҳолда кўп масалаларга, жумладан, этник тарихига ҳам аниқлик киритиш мумкин бўлади.

Меъморчилик. Ўзбекистоннинг азалдан ўtroқлашган аҳолиси меъморчилик, амалий ҳамда тасвирий санъат борасида кўп мерос қолдирди. Биз юқорида Хоразмдаги Тупроққалъанинг маданий босқичи тўғрисида қисқа тўхталган эдик. Ўзбекистоннинг жанубий худудлари ҳам, худди Хоразмдаги Тупроққалъа сингари, қадимги давр меъморчилиги ва санъати тўғрисида тўлақонли маълумот беради. Жумладан, Термиздаги меъморчилик ёдгорликлари, тасвирий ва амалий санъат намуналари шундан далолат беради. Маданий жараённинг бу кўринишлари пайдо бўлишига, шубҳасиз, ижтимоий - сиёсий жараёнлар асосий сабаб бўлди.

Милoddan олдинги II асрда Юнон - Бактрия шоҳи Деметрий Амударё киргоғида шаҳар барпо қилди. Чунки Амударёнинг кечуви азалдан айнан шу ерда жойлашган эди. Натижада, шаҳар дастлаб Дермед номини олди ва аста - секин Термизга айланди (*Дермед-Термед-Термез*). Термиз шаҳри барпо бўлгандан буён икки минг йилдан кўпроқ вақт давомида мазкур худуд ҳар жиҳатдан ривожланиб борди. Археологик тадқиқотлар бу шаҳарнинг Кушон империяси давридаги тузилишини тасаввур қилишга имкон беради.

Термиз айнан Кушонлар даврида тезлик билан ривожланиб борди. Шаҳарнинг умумий майдони 500 гектарни ташкил қиларди. Шаҳарнинг маркази ҳарбий қўрғон бўлиб хизмат қилган. Шу қўрғондан бошлаб бир томонда савдо-хунармандчилик дўконлари, иккинчи томонда ибодатхоналар қурила бошлайди. Мил.ав. II асрдан бошлаб Ҳиндистондан кириб келган буддавийлик бу шаҳардаги диний маданий муҳитни белгилаб

² Бу қарашлар тўғрисида қаранг: Bahaeddin Ogal. Islamiyetten onca turk kultur tarihi. (Исломиётдан аввалги туркий маданият тарихи) Ankara, 1991, s 6.

³ В.В. Гинзбург. Материаль и исследования по археологии. 15, 248–249–бетлар.

берди. Чингизтепа, Қоратепадаги будда ибодатхоналари шундан далолат беради. Шаҳар ўртасидан катта анҳор кесиб ўтган. Бу анҳор аҳолини сув билан таъминлаган. Термиз савдо йўли устида бўлиб, Сўғд, Хитой Помирга борадиган қаровонлар шу ердан ўтган. Амударёнинг кечуви эса, Бактриянинг асосий шаҳри Балхга олиб борган.

Далварзин тепадаги Чағониён шаҳри ҳам меъморчилик жиҳатдан деярли кўхна Термиз шаҳрининг меъморчилигига ўхшайди. Кўп қиррали ҳарбий қалъа тепалик устига қурилган. Жануб томондан шаҳар майдони туташади. Майдон мустаҳкам деворлар билан ўралган бўлиб, атрофи, худди ҳарбий қалъа атрофида бўлгани сингари, хандак билан ўралган.

Милодий I-III асрларда қадимий Ўзбекистон ҳудудида шаҳарларнинг бунчалик тез ривож топгани ва савдо, ҳунармандчилик, ҳарбий - маъмурий тузилмага эътибор берилгани ҳарбий меъморчиликни юзага келтирди. Қадимий иншоотларнинг қолдиқлари шундан далолат беради.

Меъморчиликнинг ривож топиши натижасида қурилиш материаллари ҳам такомиллашди. Сўғд, Хоразм, Бактриядаги иншоотларда фойдаланилган квадрат шаклдаги ғишт қурилиш материалларининг такомиллашувига хизмат қилди ва меъморчилик янги босқичга кўтарилди. Яна шуниси диққатга сазоворки, ғиштларнинг бир қисмида тамғалар босилган. Хоразм (Жонбос қалъа, Тупрок қалъа), Бактрия (Термиз, Айритом, Хоанақоҳтепа), Марғиёнадаги қурилиш ғиштларида шундай тамғалар учрайди. Олимларнинг тахмин қилишлариچа, бу тамғалар маълум бир қабилага тегишли бўлиб, қабиалар ҳисоб-китоб олиб боришлари учун ёки қайси ҳунармандчилик устахонасига тегишли эканини кўрсатиш учун ҳам фойдаланганлар.

Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидаги иншоотлар меъморчилиги ўзига хос. Айниқса, Хоразмдаги Қўйқирилган қалъадаги иншоотнинг (мил. ав. III аср) тузилиши диққатга сазовор. Бу иншоот думлоқ шаклда қурилган, 42 метрли цилиндр шаклидаги бино ўртада. Бинонинг биринчи қавати бутун сақланган. Тахминларга кўра, Қўйқирилган қалъа дафн одатлари билан ё фазовий жисмлар культини ўзида намоён этади ёки Хоразм шоҳларининг сулолалари култи билан боғлиқ муҳим сиёсий марказни гавдалантиради.

Умуман, Қўйқирилган қалъа бу ерда жуда қадимги вақтлардаёқ меъморчилик юксак ривожланганлигини кўрсатади, шунингдек, катта ибодатхона ҳўжалиги манзарасини акс эттиради. Ибодатхона билан бир қаторда устахоналар, яшаш уйлари, омборхоналар, ҳам бор. Ўзига хос кичик “шаҳарча” кўринишидаги бу қалъада ҳаёт Ўрта Осиё аҳолисининг юксак турмуш тарзини кўрсатади.

Тасвирий ва амалий санъат. Бугунги Ўзбекистон ҳудуди, умуман, Ўрта Осиё қадимдан инсоният истиқомат қилган маскан бўлганини турли маданий қатламлар тасдиқлайди. Анов маданиятидаги амалий ва тасвирий санъат намуналари ўтроқ аҳолининг турмуш тарзини

тасаввур қилишга имкон беради. Бу маданиятга мансуб ёдгорликлар Ашхобод яқинидан топилган ва атроф ҳудудларга, жумладан, Ўзбекистон ҳудудига ҳам тарқалган. Анов маданиятини 1904 йили америкалик олим Р. Пёмпелли кашф қилди. Анов маданиятини у неолит даврига мансуб деб қарайди ва милoddан олдинги IX минг йилликка бориб тақалишини айтади. Бу маданиятга оид ашёлар уруғчилик жамиятига хос маънавий ва моддий ёдгорликлардан иборат. Бу даврдаги санъат ибтидий санъат кўринишини ифода этади. Шунга қарамай, сопол идишларнинг ўзига хос кўриниши диққатга сазовор. Сопол идишларнинг сирти нақш билан безитилган ва қандайдир учи ўткир асбоб билан чизилган. Анов маданиятига мансуб идишларнинг аксарияти ё геометрик шаклда ёки тўлқинсимон чизик билан учбурчак ва тўртбурчак шаклда безитилган. Баъзи идишларнинг четларида нақш бор. Бундай нақшли буюмлар Самарқанддаги Афросиёб шаҳарчасидан, қадимги Марвдан ва Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан топилган. Бу топилмалар қадимги маданиятнинг ўчоқлари борлигидан гувоҳлик беради. Идишлардаги нақшлар ва шакллар шунчаки безак учун қилинмаган, балки буларда магик тасаввурлар ўз ифодасини топган: ё фазони қандай тасаввур қилганларини ифода этганлар ёки қундалик ҳаёт билан боғлиқ удумларни кўрсатганлар. Умуман, ибтидий даврдаги бирон шакл ёки сурат фақат безак учун қилинмаган, балки унинг остида албатта бирон мифологик тасаввур ётади.

Анов маданиятига оид муҳим топилмалардан бири, идишлардан ташқари, аёллар ҳайкалчалари, одам ва қуш бошли қаноти бор шер тасвирланган тош муҳрди. Бу маданий қатламни Анов маданиятига қадимги ҳалдей ва юнон маданиятининг таъсири, деб қаровчилар ҳам бор. Афросиёб девор суратидаги отлар ҳам қанотли шаклда тасвирланган.

Македониялик Искандар қўшинлари - эллинлар Ўрта Осиёни истило қилгандан кейин, бу ўлкада юнон маданиятининг изларини кўрамыз. Ўрта Осиё Салавкийлар давлати қўл остига киргач, мил.ав. III асрда Ўрта Осиё, Шимолий Эрон ва Афғонистон ҳудудида мустақил давлатлар-шарқда Бактрия давлати, ғарбда Парфия давлати барпо бўлди.

Айниқса, Бактрия давлатида юнон маданияти кучли из қолдирди. Жумладан, будда ҳайкалларида юнон ҳайкалтарошлиги услубига хос унсурлар мавжуд. Парфия маданияти анча мураккаб. Рим империясига (мил. ав. I аср) рақобат қила оладиган қудратли давлат Парфия бўлиб, Ўрта Ер денгизи, Қизил Осиё, Туркменистон ва Ўзбекистон ҳудудлари шу давлатга қарашли эди. Бу ерда кўзга ташланадиган маданий қатлам - бу ўлкадаги меъморчилик ёдгорликларидир. Мустаҳкам қалъалар ва шаҳарлар барпо қилишга Парфия давлати алоҳида эътибор берди. Қолаверса, иқтисодий юксалиш ҳам бунга имкон берди. Юлий Цезар билан бир вақтда консул бўлган, Спартак қўзғолонини бостирган лашкарбоши Марк Красс Рим – Парфия урушида енгилиб, ҳалокатга учради. Нерон даврида ҳам Рим легионлари Парфиядан мағлубиятга учраган.

Қадимий ёзма манбалар Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида меъморчилик ёдгорликларидан ташқари, юксак бадний ҳунармандчилик намуналари борлигини тасдиқлайди. Жумладан, милодий I асрга оид Хан йилномасида Хитой сайёҳи ўша пайтда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини ҳам ўз ичига олган Катта Юэчжи ва Гибин тўғрисида шундай ёзади: “Хунлар катта юэчжиларни тор–мор келтиргандан кейин, катта юэчжи ғарбда Дахия давлатини босиб олди (Бухоро ҳам Дахия давлати таркибига кирган - Н.Р.). Осмон ўғли (яъни Хитой императори - Н.Р.) олган маълумотларга кўра, Довон, Дахия ва Аньси катта давлатлардир. Бу давлатларда ноёб буюмлар бор. У ерда ўтроқ ҳаёт кечирадilar. Ҳунармандчилик буюмлари ўрта шохликлар ҳунармандчилик буюмлари билан ўхшашдир”⁴ Гибин - Кобулистон, катта юэчжи - массагетлар бўлиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини ўз ичига олган.

Факат шугина эмас. Ер остидан археологлар тош ва сополдан ясалган ҳайкаллар, деворий суратларнинг қолдиқлари, бадний безалган буюмларни кўп топганлар. Юнон истилосигача ҳам Ўзбекистон ҳудудида анъанавий тасвирий санъат амалда эди. “Амударё хазинаси” деб ном олган буюмлар амалий санъатнинг ўзига хослигини кўрсатувчи далилдир. Юнон муаррихларининг ёзишича, Македониялик Искандар юришлари пайтида Ўрта Осиёдаги ибодатхоналарда, саройларда, уйларда Зариандр ва Одатиди ривояти сюжетларига ишланган тасвирларни учратганлар.

Юнон истилосидан кейин Ўзбекистон тупроғига эллинистик маданият таъсирлари кириб кела бошлади. Дастлаб ўзгаришсиз ҳолда кириб келди. Термиз, Самарканд ва бошқа шаҳарларда топилган тарокларда дубулга кийган жангчи тасвирланган. Тарок тошдан ясалган. Бу тасвирларнинг кўпчилигида Искандар тасвирланган. Бу топилмаларнинг санаси мил. ав. IV–III асрларга оид. Шунингдек, бу давр тангаларидаги юнон ҳукмдорларининг тасвирлари ҳам Юнон–Бактрия маданиятининг қадимги Ўзбекистон ҳудудида равнақ топганидан далолат беради.

Буддавийлик даври маданияти. Милодий I асрда Бактриянинг ўнг томонига буддавийлик кириб кела бошлади. Шу даврда буддавийлик эътиқодига алоқадор иншоотлар асосий ўрин эгаллади. Ғорлардаги Будда ибодатхоналари Кўҳна Термиздан, Қоратепадан ва Чингизтепадан топилган.

Буддавийликнинг Бактрия давлатига кириб келиши Кушонлар империясининг давлати чегаралари жанубга томон кенгайиб боргани билан боғлиқдир. Хитой манбаларига кўра, Кушонлар империяси дастлаб ҳозирги Бекобод ва Хўжанд ўртасида барпо этилган. Бу давлат тезлик билан кенгайиб, милодий I аср охирларида (ташқил бўлгандан кейин

⁴ Н.Я.Бичурин (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том-11, 1950, М., Л., 179, 153–бетлар

тахминан эллик йиллар ўтгач), Ҳиндистонгача етиб борди. Шубҳасиз, ана шу тарихий даврда Ҳиндистон билан Кушонлар империясининг маданий алоқалари ривожланди. Ана шу маданий муносабатларнинг маҳсули сифатида буддавийлик кириб келди. Буддавийлик Ўрта Осиёда шунчалик мустаҳкам ўрнашдики, қадимги Ватанимизда кўплаб Будда ибодатхоналари барпо бўлди. Ёзма манбаларнинг хабар беришича, шу даврда эфталитлар пойтахти Бадахшонда сирти олтин билан қопланган Будда ҳайкали қўйилган ибодатхоналар кўп қурилди. VII асрда Хитой сайёҳи Сюань - Цзян Термизда кўплаб Будда ибодатхоналарини, Будда ҳайкалчаларини кўрганини ёзади. Самарқандда ҳам бундай ибодатхоналар кўп бўлган эди.

Кўхна Термиздан Будданинг ва бўлғуси Будда - Бўдисатванинг тошдан ясалган ҳайкалчалари топилган. Бу ҳайкалчаларнинг диққатга сазовор томони – юнон-бохтарий санъати услуби анъаналарини давом эттирганидир.

Буддавийликни тарғиб қилиш, омма орасида ёйишнинг муҳим усулларида бири сифатида ёзма матнлар, ривоятлар, афсоналар, шеърлар ҳам яратилди, санскрит тилидан қадимги туркий тилга асарлар таржима қилинди. Буддавийликни тарғиб қилишда бу усул амалий ва тасвирий санъат орқали ифодаланган ғояларни тўлдирди. “Олтин ёрук” достони (IX аср) шулардан биридир. Бу асарнинг асл матни санскрит тилида бўлиб, милодий I асрда - Кушонлар империяси даврида яратилган. Достонда илгари сурилган асосий ғоя – буддавийликдаги махаяна мазҳабини илгари суриш ва ёйиш бўлган.

Буддавийликнинг учта мазҳаби мавжуд: хинаяна, махаяна, вайрияна. Булардан махаяна мазҳаби Жанубий Ўзбекистонга Кушон империяси ҳукмдори Канишка даврида расмий диний оқим сифатида кириб келди. Махаяна мазҳабининг моҳияти шундан иборатки, унда нажот топиш ғояси асосий ўрин эгаллайди, Будда ҳолатига етишиш имконияти жамики жонзотларга берилади. Махаяна мазҳабида асосий ўринни Бўдисатва тимсоли эгаллайди. Бўдисатва фақат ўзи нажот топиб қолмайди, балки жамики сансара (“турли ҳолатлар орқали ўтиш”) ҳолатларидан нажот топиши керак бўлади.

“Олтин ёрук”даги “Шаҳзода ва Барс” билан “Ку Тай” ҳақидаги афсоналарни кузатар эканмиз⁵, одамзоднинг вужуди, хулқи, ким бўлишидан қатъий назар, эзгуликдан иборат бўлмоғи, вужуд кимгадир ёки нимагадир яхшилиқ учун хизмат қилмоғи лозим деган ғоя бор. Аксинча, одамларга хизмат қилмайдиган одам тирик жасад, чирик бир нарса билан баробар. Мағавти - Бўдисатва, айни махаяна мазҳабидаги жонзотларнинг нажот топиши учун курашиб, ўз танасини оч она йўлбарсга қурбон қилди. Аслида махаяна таълимоти Будданинг нажоткорлик ақидасини ифода

⁵ Бу афсоналар ҳақида қаранг: Н.Раҳмонов. Рухиятдаги нур муроди. Тошкент, “Абдулла Қодирий номидаги Ҳалқ мероси нашриёти”, 2002, 115-бет.

этади. Будданинг асосий ғояси инсонларни ва ҳайвонларни қутқаришга мўлжалланган. “Океан суви битта таъмга-шўр таъмга эга бўлганидек, менинг таълимотим ҳам бир йўсинга - қутқаришга мўлжалланган, - дейди Будда. Одамзод бажариши керак бўлган энг муҳим вазифа – атроф-муҳитни нафс асирлигидан, гуноҳлардан қутқаришга эришишдир. Қўрқувнинг йўқолиши одамзодни озод қилади. У озод бўлгандагина ўз озодлигини билади, қайта тирилишдан қутулганлигини тушунади, муқаддасликка тўлиқ эришилган ва бурчи бажарилган бўлади, одам бу дунёга қайтиб келмайди”. Фақат жасад қайтиб келмайди, борди-ю, қайтиб келади деган бўлса, қулликдан қутула олмайди. Умуман, буддавийликнинг асосий мақсади фақат одамзоднинг озод бўлишига йўл-йўрик кўрсатишдангина иборат бўлмай, балки бутун жонли мавжудотларни қутқаришга мўлжалланган. Иродага эга бўла олиш ва иродани бирдан-бир мақсадга бўйсундира олиш буддавийликнинг идеалидир.

“Авесто” даври маданияти. “Авесто” Ўрта Осиё тарихидагина эмас, балки дунё маданияти тарихида муҳим воқеадир. “Авесто” тўғрисида сўз кетганда, албатта, Зардушт шахси ва у яратган таълимот тўғрисида сўз кетади. Зардуштгача ҳам Авесто таълимоти бор эди. Лекин Зардуштнинг сай-ҳаракати билан “Авесто” қудратли таълимотга айланади.

“Авесто” Зардушт номи билан боғланар экан, бу ноёб асар бир даврнинг маҳсули эмаслигини ҳам таъкидламоқ даркор. “Авесто” бир неча асрлар давомида шаклланиб, яхлит асар ҳолига келган. Бу жараён дунё маданияти тарихида синовлардан ўтган тажриба бўлиб, “Авесто” ана шу тажрибанинг илк маҳсулларидан биридир. Шарқда бу жараённинг ноёб намуналари кузатилади. Қадимги Хитойдаги фалсафий рисолалар, Библия ҳам шаклланганда, ана шу йўлни - асрлар йўлини босиб ўтган. Айни пайтда бу жараён “Авесто”нинг асрлар оша маълум ва машҳур бўлганини яна бир бор тасдиқлайди.

“Авесто”нинг маълум ва машҳурлиги Берунийнинг “Ўтмиш асрлардан қолган ёдгорликлар” (XI аср), Табарийнинг “Тарихи Табарий” (X аср) каби асарларида ҳам баён қилинган. Берунийнинг ёзишича, “Авесто”нинг қўлёзмаси ўн икки минг молнинг терисига олтин харфлар билан ёзилган экан. Искандар Эронга бостириб келгач, бу асарнинг Эрон подшолари ҳазинасида сақланаётган энг нодир нусхаларини олиб, тиб ва астрономияга оид қисмларини хаттотларга қўчиртириб, қолган қисминини катта гулханда ёндириб юборган. Қўчиртирган қисмларини юнон тилига таржима қилдирган. Сосонийлар сулоласининг илк ҳукмдори Ардашер Бобак Хирбадан номли донишмандга “Авесто”ни қайта тиклаш вазифасини топширади. Хирбадан бир қанча зардуштийликка эътиқод қилувчи уламолар билан бирга асарни қайта ёзиб олиб, қайтадан тартиб беради. Шопур II даврида Озарбод Меҳросин “Авесто”нинг пароканда қисмларини тўплаб, асардаги қўплаб номлар, атамаларни шарҳлаб, “Занд Авесто” номли китоб яратади. “Занд Авесто”ни бу улкан асарнинг шарҳи

деб айтиш мумкин.

“Авесто”нинг энг қадимий қатлами **Гохларни** Зардуштнинг ўзи ёзган, деб айтилади. Гохлар (оврупоча - гатлар) - диний қасида, муножот демакдир. Асарнинг энг қадимий қатламига кўра шундай хулоса чиқариш мумкинки, зардуштийлик уруғчилик жамиятида - ҳукмрон табақа пайдо бўлган даврда шакллана бошлаган. Жамиятнинг кейинги босқичларида яна ҳам ривож топди. Айниқса, Сосонийлар (мил. III–VI асрлар) сулоласи даврида янгича кўринишда пайдо бўлди. Лекин қандай бўлмасин, Зардуштнинг таълимоти ўз моҳиятини сақлаб, янада мукаммаллашди. Яна шуни таъкидлаш керакки, “Авесто”нинг энг қадимий қатлами Гохлар ва Яштлар нотиқлик санъати босқичининг илк даврида юзага келган. Нотиқлик санъати, айниқса, ғоявий курашлар маҳсули сифатида юқори чўккига кўтарилганини эътироф этсак, Зардушт ўз давридаги коҳинлар ҳаракати ва эски культларга қарши чиққани, шу асосда ўз таълимотини яратгани янада ойдинлашади. Зотан, ғоявий кураш жамиятдаги икки қарама-қарши куч ўртасидаги курашнинг натижаси сифатида юзага чиқади.

Зардуштийлик таълимоти. Зардушт шахси тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Баъзи овруполик олимларнинг айтишларича, Зардушт ўз даврида таъкибга учраган. Лекин у буюк пайғамбар, инсоният нажоткори деб эътироф этилган. Милоддан олдинги VII–VI асрлардаги сиёсий вазиятда Зардуштнинг муҳим рол ўйнаган фаолияти уни нажоткор сифатида талкин қилинишга сабаб бўлган. Коҳинлар халққа қарашли яйловларни тортиб олиб, халқ жамоа бўлиб сиғинадиган ибодатхоналарни вайрон қилиб, ўзларининг сиёсатини юргизар эдилар. Бунинг устига эски культларга сиғиниш оқибати ҳам коҳинлар ва зодагонларнинг манфаати учун мос эди. Мана шундай таранг вазиятда Зардушт кенг омманинг манфаатларини ҳимоя қилиб, ўтроқ чорвадор қабилаларнинг вакили сифатида майдонга чикди ва пайғамбар деб эътироф этилди.

Сосонийлардан беш - олти аср аввал ўтган Ахмонийлар даврига оид матнларда, гарчи Зардуштнинг номи эсланмаса-да, унинг ғоялари, жумладан, Хурмуздни шарафлаш ғояси бош ўрин тутди. Аксарият манбаларда Зардушт милоддан олдинги XIII - VII асрлар оралиғида яшаган деб эътироф этилади. Зардушт таъкибга учрагани учун ҳам, онгли равишда унутилган бўлиши мумкин. Янгилик ва янги ғояларнинг тақдири ҳар доим ҳам осон кечавермаган.

Хўш, Зардушт яратган таълимот нимадан иборат? У қандай шакл ва мазмундаги таълимот эди? Унинг таълимоти - эзгулик ёвузлик, нур ва зулмат руҳий кучлари ўртасидаги курашдан иборат эди. Зардуштийлик жамиятдаги мутаносибликни бузадиган номутаносибликка қарши кураш эди. Зардуштийлик таълимоти дастлаб яратилган пайтда диний эмас, балки ижтимоий-сиёсий қарашларининг мажмуи сифатида юзага келган. Зардушт ўз таълимотини яратган пайтда эзгулик ва ёвузликни ижтимоий

муаммо сифатидагина илгари суриб қолмади, балки ахлокий қарашларини фазо билан, хусусан, оламнинг яратилиши ва тузилиши билан боғлади. Оқибатда бу қараш аста-секин илоҳий тус олди. Унинг таълимоти фақат даврлар синовидан ўтиш билан бирга, жуғрофий жиҳатдан ҳам кенгая борди. Бизнинг заминимиздан тортиб Мидия, Форс, Арманистон, Кичик Осиё, Ҳиндистон (хусусан, Панжоб) каби катор мамлакатларга ёйилди. Барча диний оқимларнинг вазифаси маълум бир ҳудудда маданий ва маънавий юксалишни юзага келтирганидай, зардуштийлик ҳам бу мамлакатларда маданият ўчоқларини барпо қилди.

Зардушт шахси асрлар оша шунчалик машхур бўлганки, у афсонавий қаҳрамон каби донг таратган. Милоддан олдинги I асрда яшаган Рим тарихчиси Помпей Трог “Филиппин тарихи” асарида Зардуштни Бактрия подшоҳи деб ёзган.

Зардушт Хўрмузддан муҳим қонун сўраб экан: “Ер юзида энг яхши жой қаерда?” дейди. Хўрмузднинг Зардуштга берган жавоби шу бўлди: “Қаерда солих - Хўрмузднинг муҳлиси ерга яхши ишлов берса, чорва туёқларини кўпайтурса, яхши жой ўша ердир.” Зотан, меҳнатнинг бу турлари инсоннинг фаровон яшаши учун қафолат. Айни пайтда Хўрмузднинг бу жавобидан агротехника қоидаларининг илк илдизлари тўғрисида хабардор бўламиз. Дарвоқе, Зардушт Хўрмузддан қонун сўраган эди, Хўрмузд қонуннинг ижроси сифатида меҳнатни берди. Гарчи қонун тушунчаси бугунги кунда ўз мазмунини ва моҳиятини ўзгартирган бўлса-да, “Авесто” қонуни ва ҳозирги қонун тушунчалари ўртасида фаолият жиҳатидан уйғунлиқни кўрамиз. Ҳамма даврда ҳам қонун инсон манфаатларига хизмат қилиб, инсониятни эзгуликка даъват қилишини, ёвузликнинг ҳар қандай кўринишига зарба беришини халқлар умид қилганига эътиборга олсак, Зардуштнинг саволига Хўрмузднинг берган жавоби ҳам ўз даврида муҳим қонун эканига амин бўламиз. Хўрмузднинг қуйидаги жавоби бу фикрларни яна бир бор тасдиқлайди: *“Қимки чап қўли ва ўнг қўли билан, ўнг қўли ва чап қўли билан ерга ишлов берса, фойда келтиради. Шунда ер солиҳга айтади: “Эй инсон! Сен менга чап қўлинг ва ўнг қўлинг билан, ўнг қўлинг ва чап қўлинг билан ишлов беряпсан. Дарҳақиқат, мен толиқмасдан тугаман. Ҳар турли егуликни, мўл ҳосилни етиштираман.” Қимки чап қўли ва ўнг қўли билан, ўнг қўли ва чап қўли билан ерга ишлов бермаса, унга ер айтади: “Эй инсон! Сен менга ишлов бермаяпсан, сен шубҳасиз тиланчилар орасида бўласан, бегона эшиқлар олдида мунгайиб турасан.”* Узоқ вақт ишлов берилмасдан, экувсиз қолиб кетган ер - турмушга чиқолмай, бефарзанд ўтган қариқиз билан барабардир, деган ҳикматли фикр «Авесто» замонидан бизгача етиб келган. Бу эса, турли даврлар маданиятнинг ворисийлигини ва узлуксизлигини кўрсатди

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ V-VIII АСРЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ, МАДАНИЙ ҲАЁТИ

Режа:

1. Қадимги Ўрта Осиёнинг ижтимоий ва маданий тарихини ўрганишда асосий манбалар: Ўрхун–Энасой ёдгорликлари, юнон муаррихларининг асарлари, қадимги Хитой йилномалари.
2. Марказий Осиё маданиятининг ўзига хослиги. Ёзув маданияти – кўк турк хоконлиги давридан бугунгача етиб келган энг ноёб маданий ёдгорлик.
3. Уйғониш – Шарк ва ғарб халқларининг маданияти тарихида кескин бурилишлари даври. Ўрта Осиёдаги Уйғонишнинг уч босқичи. Ҳар бир босқичда Уйғонишнинг асосий белгилари.

Қадимги Ўрта Осиёнинг ижтимоий ва маданий тарихини ўрганишда асосий мабалар қуйидагилардир:

1. Ўрхун – Энасой ёдгорликлари;
2. Юнон муаррихларининг асарлари.
3. Қадимги Хитой йилномалари.

Маданий ҳаёт, биринчи навбатда, ижтимоий–сиёсий ҳаёт равнақи белгиси ва айни пайтда, узоқ асрлар давомида шаклланидиган жараён бўлгани учун Марказий Осиёнинг ижтимоий - сиёсий тарихига қисқача тўхталамиз ва юқоридаги манбаларга таянамиз. Аммо ҳар бир манбанинг маълум даврдаги маданият тарихини ўрганишда ўз аҳамияти ва мавқеи бор.

Марказий Осиё тарихи милoddан олдинги даврларда Хитой йилномаларига таянган бўлса, Кўк турк хоконлиги даврида ўз манбаларига эга бўлди. Марказий Осиё халқларининг Кўк турк хоконлиги давридаги тарихи кўпроқ Тўба–хун хоконлиги давридан бошланади. Тўба-хун давлатида IV асрда юзага келган сиёсий вазият Марказий Осиё маданияти тарихида ҳам янги саҳифани бошлаб берди. Бу сиёсий вазият асосан Хитой империясининг таназзули ва қайта тикланиши билан боғлиқ.

Европадаги тўкилай деб турган Римни бўйсундирган халқларнинг буюк кўчиши Шарқий Осиёда 100 йил олдин юз берди. Хитой тарихида “Беш ваҳший қабилалар даври” (304–399 йиллар) деб ном олган даврда Хитойни хунлар ва сянбийлар босиб олгани ва оралик давлатларга асос солгани айтилади. Бу оралик давлатлар готлар, бургундлар ва вандаллар асос солган кироликларга ўхшаб кетарди. Европада Болкон ярим оролида

Шаркий Рим империясида нисбатан маданият юксалган эди. Хитойда эса, Янцзи дарёси қирғоқларида барпо бўлган Хан империясининг меросхўри Хитой империяси ҳамон мавқени қўлдан бермасди. Заиф, ношуд Хан императорлари Хуанхэ водийсидаги ўз халқларини “ваҳший қабилалар”га ўлжа қилиб қолдириб кетди. Аммо шунча кулфатларга, ташки хужумларга, ички урушларга қарамай, Хитой халқи миқдор жиҳатдан кўпайиб бораверди. VI асрга келиб Хитойнинг тикланиши учун шароит юзага келди.

Биз Хитой тарихига шунчаки мурожаат этганимиз йўқ, аслида Марказий Осиё туркий қавмларининг тарихи шу даврдаги Хитой тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Хитой билан Марказий Осиё шарқидаги туркий қавмларнинг ижтимоий-тарихий муносабатлари худди шу даврдан аниқроқ юзага чиқди. Милоддан аввалга V асрда - Чин-хун давридаги тарихий муносабатлар алоҳида тарихий даврни ташкил қилади. Хан сулоласи билан Хун тангрикутлигидаги тарихий, маданий муносабатлар алоҳида тарихий даврни ташкил қилади ва бу алоҳида мавзу бўлгани, бунинг устига, бу даврдаги тарихнинг маълум қоронғу саҳифалари ҳали борлиги учун бу ҳақда фикр юритиш учун кўплаб далилларга мурожаат этишга тўғри келади.

V-VII асрлардан бошлаб Марказий Осиёда ижтимоий - сиёсий воқеалар янгича тус олди. Хусусан, V аср бошларида ташкил топган Тўба - хун давлати Марказий Осиёдаги маданий муҳитга кучли таъсир этди. Бу давлат гарчи Хитойдан кўра баланд мавқе эгаллаган бўлса ҳам, Тўба аҳолиси Хитой маданиятига муте бўлиб қолди. Улар ўз тилларидан воз кечиб, фақат хитойча гапирадиган бўлдилар, эски анъаналаридан воз кечиб, сочларини қирқдилар. Хуллас, Хитой маданияти олдида сажда қилдилар.

Бу давлатнинг келиб чиқиши тарихи бор. Милодий III асрдан бошлаб узок бир тарихий даврда хунлар билан бошқа қабилаларнинг ўзаро чатишиб кетишидан “Тўба-хун” деб ном олган қавм келиб чиқди. Тарихда: “Отаси хун, онаси сяньбий”лардан бўлганларни шимолдагилар тўба - хунлар деган ном билан юритганлар.

Тўба - хунларнинг шахзодаларидан бири Гирон Бур милодий 407 йили Тўба - хун давлатини қурди. Бу давлат Хитой тарихида Шиё давлати деб аталади. Гирон Бур бур ғоят шафқатсиз эди. У Хан сулоласи подшоҳи кучига таяниб, доим душманлари устидан ғалаба қилиб келди. Милодий 410 йили Тўба-хун давлати қудратли давлатга айланди.

Гирон Бур бур вафот этгандан кейин (425 йили) унинг ўрнига ўғиллари Гирон Жон (425–427), Гирон Тин (427–431)лар подшоҳ бўлди. Уларнинг ҳукмронлиги даврида Тўба - хун давлати билан Шимолий Вэй империяси (386 - 543) орасида узлуксиз урушлар бўлди.

Хуллас, IV аср ўрталарига келганда, Тўба - хун аҳолиси Хитой маданиятига сажда қилиши оқибатида аввалги шон - шухратини ва доимо

уларни ғалабага олиб келган яқдиллигини ҳам йўқотдилар.

Милодий V ва VI асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий ва маданий ҳаёт учун юнон муаррихларининг асарларидан кўра, Хитой йилномаларидаги маълумотлар аҳамиятлироқ экани тўғрисида XIX асрдаёқ Европа олимлари ўз фикрларини айтганлар.

Лекин милоддан аввалги асрлардаги Ўрта Осиё тарихи учун юнон манбаларининг аҳамиятини ҳам таъкидлаш керак. Аммо урушларнинг оқибатлари, қабилалар ва халқларнинг бир - бири билан қоришуви, даврнинг ижтимоий ва сиёсий ҳолати, қолаверса, бошқа бир қатор сабаблар қадимги давлатларни парчалади, аста - секин қабилалар ва тилларнинг, одатлар ва қонунларнинг бирлигини ҳам парчалаб ташлади, натижада ҳозир бизга етиб келган маълумотларнинг моҳияти ҳам ўзгаришга учради. Буларнинг ҳаммаси табиий жараён эди. Бу жараёнларнинг маҳсули сифатида Ўрта Осиёда бошқарувнинг удел системаси такомиллашди, яъни давлат майда ер эгалликларига бўлинди. Айни замонда ўша майда давлатлар гоҳ бирлашиб, гоҳ парчаланиб, қайтадан янги - янги давлатлар ташкил топарди.

Милоддан аввалги даврда Ўрта Осиёда ирқлар. Майда давлатларнинг гоҳ бирлашуви, гоҳ бўлинуви қабилаларнинг қоришувига ҳам таъсир кўрсатди. Марказий Осиёнинг асосий аҳолиси бўлган туркий қавмларнинг қайси ирқка мансублиги кўп мунозараларга сабаб бўлган.

Марказий Осиё Кўк турк хоқонлиги даврида ҳам тил жиҳатидан, ҳам тарихий нуктаи назардан туркий қавмлар учун муҳим аҳамиятга моликлиги ҳеч қандай мунозарага сабаб бўлмайди. Бу ўлкани ўрта, Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлган ҳолда ўрганиш мумкин. Ўрта қисм туркий халқлар тарихи нуктаи назаридан энг диққатга сазовор ҳудуддир. Кўк турк хоқонлиги даврида ўрта қисмда асосан туркий қавмларнинг катта бўлаги қирғизлар (хакаслар) яшаган. Бу ўлка тош даврида Шарқий ва Ғарбий Сибирь ҳамда шимолдаги Тундра маданияти билан яқин муносабатлар ўрнатган. Антропологларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бу ҳудуддаги халқлар Европа ва мўғул ирқларининг бир қисмидан пайдо бўлган экан. Айни пайтда жанубдаги Олтой маданиятидан бу ерларга баъзи таъсирларнинг ҳам бўлгани **мумкин**дир.

Қадимги турк даврида Гоби саҳроси, бугунги Мўғулистон муҳим ҳудуд бўлгани маълум. Неолит давридаги инсонлар серсув жойларда яшагани маълум бўлди. Ўлканинг неолит даври маданияти Ўрхун дарёси ва Байкал қўли бўйларидаги маданият билан ўхшашлиги археологик топилмалар асосида аниқланди. Умуман олганда, Марказий Осиёнинг шарқий ҳудуди маданиятида ўзаро таъсир аниқроқ кўзга ташланади. Шундай бир маданиятга туркийлар тарихининг сўнгги даврида ҳам дуч келамиз. Бу ҳолат Ўрта Осиё туркий қавмлари тарихига ҳамоҳанг равишда бори.

Ирқлар тўғрисида сўз кетар экан, милoddан олдинги учинчи минг йилликда Олтой тоғларида ўғуз типидagi қавмнинг яшагани тўғрисида маълумот бор. Бу қавм жанубдаги мамлакатлар билан, масалан, Орол денгизи соҳилларидаги маданият билан, ҳатто Хитой билан алоқада бўлганини кўрсатади. Сибирда ҳам шу сингари ирқлар қадимда яшаганини археологлар кузатганлар¹. Бу давр маданияти туркий халқлар тарихида *Олтой маданияти* деб ном олган. Милoddан аввалги учинчи минг йилликда ва иккинчи минг йиллик бошларида ҳозирги Ўзбекистон ва Помир ҳудудларида Окденгиз ирқига ўхшаш долихоцефал ирққа мансуб одамлар қолдиқлари топилган. Фарғонанинг тош даврига оид маданиятида ва Тошкент яқинидаги Қовунчи маданиятида ҳам бу ирқ кузатишган. Мазкур ирқ тури яна Анов маданиятида, Қуйи Волга бўйларида, Астрахань атрафларида, Ўрта Волга бўйларида Прохоров қўғонидан ҳам топилган. Бу ҳақда археологлар Г.Серги, В. Гинзбург, Л. Ошанин, Г.А.Трофимова, С. Руденко каби инглиз ва рус олимлари XX асрда жиддий кузатувлари натижаларини эълон қилганлар. Ўрта Осиёнинг бракицефал² ирқи юқорида айтиб ўтилган ўлкаларга кўп таъсир этмаган. Фақат бронза даврида Ўрта Осиё бракицефаллари Амударё бўйларига ва Фарғонанинг ички ҳудудларига қадар таъсир этгани аниқланган.

Ҳақиқатан, Амударё билан Сирдарё орасидаги халқлар ирқ жиҳатдан Амударё жанубидаги туркман даштларида, Помир ва Афғонистонда яшаган ирқлардан кескин фарқлиниб чиққан эди. Бу “туроний” (В.В. Гинзбург) ёки “икки дарё ораси” (И. Свидетский) ирқи деган ном олган бўлиб, бракицефал қалаларга мансуб эди. Шу олимларнинг олиб борган кузатувларига кўра, Олтойдаги бракицефал ирқларга яқин бўлган бу суяклар кейинги даврлардаги сўғдларнинг ҳам ота-боболари бўлгани тахмин қилинади.

Милoddан аввалги 1700 йиллардан эътиборан Ўрта Осиёда кўчманчи ва жанговар бир қавм маданиятининг аста-секин ҳукмрон бўлгани кўринади. Бу ирқ “Андронов одами” деб ном олиб, Олтой ва Тангри тоғларига ёйилган. Мазкур ирқ Хун даврида ҳам, Кўк турк хоқонлиги даврида ҳам давом этган.

Аммо Кўктурк хоқонлиги даврида Ўрта Осиёда мўғул ирқи кўрина бошлади. Бир томондан ўғуз қиёфасига мансуб бўлган туркийлар азалий ирқни давом эттирган бўлса, иккинчи томондан, чинакам ва асло аралашмаган мўғул унсурлари ҳам ғарбга силжий бошлади. Кўк турк даври бошланғичида Олтой ўлкасининг жануби-ғарб ва шимоли-шарқ ҳудудларида яшаган ўғуз қиёфали туркий қавмлар ҳамон ҳукмрон эди. Бу даврга оид Тангри - тоғдан топилган скелетларда йирик кўзли одамлар кузатилади. Бу ҳақда рус олими В. Гинзбург ўтган асрнинг 50–йилларида

¹ Қаранг: Bahaeddin Ogel. Islamiyettan once turk kultur tarihi. –Ankara, 1991, s. 3.

² Бракицефал (фр.) – бу ирққа мансуб одамлар ҳам бўлиб, улар бошининг эни узунлигига нисбатан 80 фоз кенг бўлган.

ўз фикрларини баён қилган эди. Кўк турк давлати барпо бўлмасдан бир оз олдин ва давлат барпо бўлгандан кейинги даврларга оид мўгул қиёфали одамлар скелети топилган. Айни пайтда Тангри тоғдаги кўрғонларда ўтуз қиёфасидаги одамлар скелети ҳам топилгани маълум.

Милодий VI–VIII асрларга оид Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларидаги ирқлар милоддан олдинги брехицефал одамларнинг давоми эканини кўрсатади. Умуман, Ўрта Осиё ирқлари алоҳида ирқка – Туроний ирқка мансуб эди, деган маълумотлар ўзини оклайди.

Топилмалар. Умуман, турк хоқонлиги давригача Марказий Осиё халқларининг ижтимоий, айниқса этник тарихи маданий ҳаёт учун замин ҳозирлади. Бизгача етиб келган тарихий манбалар - юнон, Рим тарихий асарлари, Хитой йилномаларида Марказий Осиёнинг маданиятига оид далиллар шуни кўрсатадики, Турк хоқонлиги давридаги маданий ҳаёт учун узлуксиз замин ҳозирланган эди. Айниқса, Фарғона водийси милоддан олдинги Ўрта Осиё маданияти тарихида муҳим рол ўйнаган эди. Милоддан аввалги 3–2 асрларга оид Фарғона топилмалари маданий жараённинг узлуксизлигини, айни пайтда шу даврдаги Хитой билан тарихий муносабатларни кўрсатадиган далиллардир. Хитой манбалари Фарғонанинг зотдор, ўша даврда “самовий” деб ном олган отлари тўғрисида маълумот беради. Ана шу тарихий маълумотларни Фарғона атрофларида тошларга чизилган от суратлари тасдиқлайди.

Милоддан олдинги даврларга оид маданий ёдгорликлар ер остидан топилган бўлса, Кўктурк хоқонлиги даврига оид манбаларнинг кўпи ер устида сақланиб қолган. Булар - йирик тошларга ёки қаттиқ жисмларга ўйилган ёзув ёдгорликлари, хайкаллар, қурбонгоҳлардир.

Кўктурк хоқонлигидан қолган ёдгорликларнинг энг диққатга сазовори битигтошлардир. Йирик ҳажмдаги ёдгорликлар - Кул тигин ва Билга хоқон ёдгорликлари асли қабр тошларидир. Тарихий маълумотларга қараганда, кўктурклар қабрлар устига иншоот қурганлар, иншоот деворларига марҳумларнинг суратларини чизганлар. Кўктурк хоқонлигига Чин хоқонининг саройидаги рассомлар келтирилгани ва улар марҳум Кул тигин ва Билга хоқон учун бир иншоот (*барақ*) қурганлари, уйнинг ич-тошини суратлар билан безаганлари тўғрисида Кул тигин битигтошида маълумот берилган. Аммо ҳозирга келиб ўша иншоотлар, яъни бараклар бутун қолмаган, фақат балбаллар қолган, холос. Баъзи Европа олимларининг фикрича, хоқонларнинг қабри бошқа ерда, битигтошлар бошқа ерда бўлган бўлиши мумкин. Бу фикрлар асосли. Кул тигин битигтоши топилган жойдан бир ярим километр шимолга томон балбаллар ўрнатилган. Балбаллар тугаган жойда Кул тигиннинг қабри ўрнатилган бўлиши мумкин.

Кўктуркларда йиғи, яъни аза маросими бўлган. Кул тигин битигтошида бир қанча халқлардан дафн маросимига вакиллар келгани айтилади. Аза халқнинг маданий савияси билан мутаносибдир. Бу ҳақда

юнон манбалар яхши маълумот бера олади. II асрда юнон файласуфи Лукиан Самосат искиф қавмига мансуб Тўқсар билан юноний Муисип деган одамлар ўртасидаги куйидаги суҳбатни келтиради:

Муисип: - Сиз, искифлар, Орест билан Пиладнинг жасадларига қурбонлик қиласизлар ва уларни тангри деб ҳисоблайсизлар. Тўқсар, сен бунга нима дейсан?

Тўқсар: - Ҳа, қурбонлик қиламиз, Муисип, қурбонлик қиламиз. Аммо уларни тангри деб эмас, яхши инсонлар деб ҳисоблаймиз.

Муисип: - Демак, яхши инсонлар вафот этгандан кейин, сизлар, тангриларга қилингани каби, қурбонлик қиласизлар.

Тўқсар: - Фақат шугина эмас, биз уларнинг шарафига байрамлар ва катта ишчилар ҳам қиламиз.

Муисип: - Сизлар марҳумлардан нима истайсизлар? Улар марҳумлардир. Шуниси ҳақиқатки, уларга ҳурмат ва илтифот кўрсатиши учун қурбонлик қиласизларми?

Тўқсар: — Марҳумларнинг бизга ҳурмат—эътибори кўриниб турганда эди, улар ҳеч қачон ўлмаган бўлардилар. Фақат биз яхши инсонлар хотираси учун фойдали деб ўйлаймиз. Шу сабабдан марҳумларни ҳурмат қиламиз. Биз шундай тушунамиз: марҳумларни ёдга олсак, кўплаймиз улар сингари ўлмак учун ҳаракат қиламиз³.

Қадимдаги икки халқ вакилининг суҳбатидан кўриниб турибдики, Марказий Осиёда марҳумларга атаб ўтказиладиган удумлар ва урф-одатлар фақат шу ҳудудга хос бўлгани учун ҳам юнонийлар бу удумларга изох талаб қилганлар. Мана шу кичик лавҳанинг ўзиёқ кўк турклар давридаги удумлар ва инонч—эътиқодлар милодий II асрда Осиёнинг кўп ерларига маълум бўлганини ва ёйилганини кўрсатади.

Марказий Осиё маданиятининг ўзига хослиги. Марказий Осиёнинг ғарбий ўлкаларидаги туркий қавмларнинг маданий ҳаёти шарқий ҳудуддаги ўлкалар ҳаёт тарзидан баъзи ўзгачаликларга эга эди. Ўрта Осиёдаги этник жараёнларнинг мураккаблиги маданий жараёнга ҳам таъсир этмай қолмади. Шунинг учун бу ҳудуддаги маданий жараёнда бошқа этник гуруҳларнинг маданий жараёни изларини ҳам кўрамыз. Фарғона водийси бу жиҳатдан алоҳида ўлка ҳисобланади.

М.ав. III—II асрларда Тангри тоғидан Фарғонага кўчиш бўлди. Кўчиб келган қавмларнинг катта қисми юэчжилар ва усунлар эди. Юэчжилар икки қисмга бўлинган: катта юэчжилар ва кичик юэчжилар. Ботир тангрикут (Ўғузхон) тор—мор қилган ва Довонга келиб, дахларнинг ерларини босиб олган қавмлар *катта юэчжи* деб юритилган. Заифлашиб, кичик тўп—тўп бўлиб кетган, жанубий тоғларда ўрнашган қавмларни

³ Иктибос турк олими Абдуқодир Йоннинг *Tarihte ve bugün Shamanizm* (Ankara, 1954, s.190-191) китобидан олинди.

тангутлар *кичик юэчжи* деб атаганлар⁴.

Усун давлати тўғрисида Хитой йилномаларидаги маълумотлар шунинг кўрсатадики, Шарқда уларнинг ерлари хунларнинг ерларига туташ бўлган, шимол-ғарбда Қангли давлати билан, ғарбда Довон давлати билан чегараланган.

Шунингдек, бошқа қабилалар Ўрта Осиёга кўчиши натижасида турли қавмлар маданиятининг бир-бирига қоришганини кўрамиз. Фарғона водийсидаги Исфара, Ширинчой, Тошкент яқинидаги Қовунчи маданияти шундан далолат беради. Тангри тоғларида илгаридан мавжуд бўлган маданият Фарғонада янги маданиятнинг юзага келишига сабаб бўлди, жумладан, ордамларнинг яшаш тарзида, деҳқончилик маданиятида, ишлаб чиқаришда ва ҳ. к.ларда ўзига хосликлар кузатилади. Одамларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити, ясаган буюмлари шундан далолат беради.

Кўк турк давлати ташкил топиши арафасида Фарғона атрофларида кўплаб отлик кўчманчилар яшарди. Бу кўчманчилар аста-секин ўтроқлашиб, деҳқончилик қила бошладилар. Чигирчиқ, Ғулжадан топилган ашёлар деҳқончилик маданияти тўғрисида тасаввур уйғотади.

Кўк турк хоқонлиги давридан бугунгача етиб келган энг ноёб маданий ёдгорлик ёзув маданиятидир. Исфара, Андижон, Поп, Бухоро, Қува ва бошқа қатор ҳудудлардан топилган ёзув ёдгорликлари қадим Ўзбекистон халқининг азалдан салоҳиятли бўлганини кўрсатадиган аломатлардир⁵.

Шарқ уйғониш даври маданияти

Уйғониш (фр. Renaissance – Ренессанс) Шарқ ва ғарб халқларининг маданияти тарихида кескин бурилишлари давридир. Уйғониш даври Шарқ ва Ғарбда турлича давлалаштирилади. Уйғониш (яъни Ренессанс) терминини илк бор италиялик ёзувчи Ж. Боккаччо Жотто ижодида нисбатан ишлатиб: “У антик санъатни уйғотди”, деб таърифлаган эди.

Шарқ Уйғониш маданияти ғарб уйғониш маданиятидан олдин юзага келгани аён ҳақиқат. Уйғониш Европада биринчи марта XIV асрда бошланган бўлса, Шарқда хусусан, Ўрта Осиёда унинг илдизлари миллдининг бошларига қараб келади.

Агар уйғониш юзага келтирган махсулнинг моддий ва маънавий томонларига назар ташласак, Уйғониш-ташқи таъсир ёки ички маданий, илмий жараёнлар таъсирида халқнинг тафаккури, дунёқараши, янги, илғор маданий ҳодисанинг юзага келишидир. Уйғонишни шу жиҳатдан белгиласак ва унинг юзага келиш омиллари маълум бир даврда инқилобий ўзгариш юзага келтирганини эътиборга олсак, Шарқда, хусусан, бугунги

⁴ Н. Я. Бичурин (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том-11. М.,–Л., 1950, стр. 183–184

⁵ Бағафил маълумот олиш учун қаранг: Н. Раҳмонов, Б. Матбобоев. Ўзбекистоннинг қўхна туркий–рун ёзувлари. Тошкент, “Фан”, 2006.

Ўзбекистон ҳудудига Уйғониш Кушон империяси давридан бошланган, деб айтиш мумкин. Кушон империяси маданий жараёни, ижтимоий муҳитни тубдан ўзгартирди. Ҳозирги Ўзбекистоннинг Шарқ билан маданий алоқалари, айниқса, буддавийликнинг катта маданий ҳодиса сифатида қариб келиши ва бунинг натижасида инсоннинг руҳан покланиш жараёни айтиш шу даврда бошлангани Уйғонишнинг илдизларига ишора қилади, яъни янги ҳодиса маданий ҳаётнинг, тафаккурни тубдан ўзгартирди.

Уйғониш маданияти – хронологик томондан кенг тушунча бўлиб, айтиш замонда катта ҳудуддаги маданий жараёни ўз ичига қамраб олади.

Шарқ уйғониш маданиятининг қадимийлиги тўғрисида сўз кетганда, Хитойнинг Уйғониш маданияти қадим экани ҳам эътиборга олинади. Хитой Уйғониш маданияти милодий VII-VIII асрларда пайдо бўлди. Хитойнинг шу даврдаги файласуфи Хан Юй (768–824) инсонпарварликнинг ҳақиқий идеалини ваъз қилди ва нафакат илгаридан мавжуд бўлган “инсониятга муҳаббат” ғоясини, балки “ҳаммага муҳаббат” ғоясини илгари сурди. Ана шу ғоя Хитой Уйғониш маданиятини бошлаб берди. Бу фикрни академик И.Н.Конрад илгари сурган эди.

Ҳамма мамлакатларда - Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам Уйғонишни белгилаб берадиган битта омил бор. Яна И.Н. Конраднинг айтишича, бу омил – қишлоқ маданиятидан шаҳар маданиятига ўтишдан иборатдир.

Аммо шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Шарқдаги Уйғонишни Европадаги Уйғониш билан бир, деб қараб бўлмайди. Европада Уйғониш ижтимоий–сиёсий соҳада кескин бурилишни пайдо қилган. XIV асрда Италиядаги, XV– XVI асрларда бошқа мамлакатлардаги ўзгаришлар бунга мисолдир. Ишлаб чиқаришнинг ривож топиши ҳам Европадаги Уйғонишга кучли таъсир кўрсатган. Шарқда эса, ижтимоий–сиёсий жараён ўз оқими, йўналиши ва табиий ҳолатича давом этгани учун, Уйғониш биринчи навбатда ўз ўтмиши асосига қурилди. Иккинчидан, илм–фан, маданият қадимий анъана ва Шарқ илм–фанининг таъсири натижасида пайдо бўлди. Айтиш пайтда Шарқ илм–фани, маданияти ўзаро бир–бирига таъсир этиб, бир–бирини инкор этмасдан, аксинча бойитганини ҳам эътиборга олишимиз керак.

Ўрта Осиёдаги Уйғонишни уч босқичга бўлиш мумкин:

1. IX–XIII асрлар Уйғониш даври.
2. XIV–XV асрлар Уйғониш даври.
3. XIX аср охири – XX аср бошлари Уйғониш даври.

Қайд этилган ҳар бир даврда Уйғониш маълум ижтимоий–сиёсий жараён маҳсулидир. Биринчи давр (IX–XII асрлар) араб истилосидан кейин юз берди. Бу даврдаги Уйғонишнинг асосий белгилари қуйидагича:

Дунёвий илмларга интилиш, бу соҳада кескин бурилишлар пайдо бўлиб, илм–фан натижаларини инсон манфаатларига хизмат қилдириш;

Дунё микёсидаги илмий кашфиётларнинг юзага келиши ва бунинг

учун замин яратилиши;

Диний–фалсафий акидалар билан комил инсонни тарбиялаш масаласини уйғунлаштириш;

Араблар истилосидан олдинги маданий (тил муаммоси), сиёсий (хусусан давлат қурилишига оид) анъана Қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида янгича мазмун касб этди, бу сулола янгича тафаккур билан араблар истилосидан олдинги маданиятдан фойдаланди.

Ўрта асрлардаги Уйғонишнинг мазкур даври дунё маданияти тарихида энг ёрқин саҳифаларни ташкил этади. Форобийнинг кўп қиррали илмий фаолияти, Берунийнинг табиий ва ижтимоий фанларга оид кашфиётлари, Ибн Синонинг тиббиёт, фалсафа ва мантикка оид ишлари айти шу даврда юзага келгани билан эмас, балки Ўрта Осиё маданий ҳаётида кескин бурилиш пайдо қилгани билан диққатга сазовор. Бу даврни ана шу буюк олимларнинг кашфиётлари Ўрта Осиё Уйғонишининг дастлабки даври сифатида юзага келтирди. Уйғониш даврининг илмий, маданий ҳаёти, бир томондан, инсон шахсини улуғлаган давр сифатида тарих саҳнасига чиққан бўлса, иккинчи томондан, кейин Уйғониш босқичлари учун замин бўлгани билан ахамиятлидир.

Иккинчи босқич - XIV– XV асрлардаги Уйғониш мўғуллар истилосидан кейинги даврга алоқадор. “Бу босқич айнан Уйғониш даврига хос қандай хусусиятларга эга? Шунчаки тарихий давр деб номланса бўлмайdimи?” деган савол туғилиши мумкин.

Бу асрлар тарихий жиҳатдан мўғуллар истилоси оқибатлари кўзга ташланиб қолган давр эди. Аммо мўғуллар истилоси фақат салбий оқибатлари билан из қолдирмади, балки Марказий Осиё маданияти тарихида, хусусан, адабий жараёнда кескин бурилишлар, кўтарилишлар даври ҳамдир. Мўғуллар истилоси Олтин Ўрда давлатини юзага келтирди. Шу билан бирга, бу давлатнинг тарихий “паспорти” деб аташ мумкин бўлган такрорланмас Олтин Ўрда маданияти ва адабиётини яратди. Ўзбек адабиёти айти Олтин Ўрда маданий муҳитида илк бор юзага чиқди, десак хато қилмаган бўламиз. Хўш, Олтин Ўрдадаги маданий ва адабий муҳитни қайси белгиларига кўра Уйғониш даврига боғлаймиз? Бунинг учун фарб Уйғониш маданиятидан қиёс сифатида фойдаланамиз.

Уйғонишнинг фарбий Европа мамлакатлари маданияти тарихидаги асосий белгиси сифатида ўрта асрлардан янги даврга ўтиш мезон қилиб олинади. Худди шу таърифни мўғуллар асос солган Олтин Ўрда маданияти ва адабиётига ҳам татбиқ қилиш мумкин. Том маънодаги ўзбек (умуман туркий) адабиётини тиклашга, эски ўзбек тилини ривож топтиришга уриниш Олтин Ўрдада бошланди. Форс ва араб тилларидаги адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш ишлари Олтин Ўрдада ривож топди. Олтин Ўрда таркибига Хоразм, шимоли–шарқда Булғор вилояти, шимолда Рус князликлари, жанубда Қрим ва унинг денгиз бўйидаги шаҳарлари, Дарбандгача чўзилиб кетган Кавказ, ҳатто Бокугача чўзилиб кетган

жойлар, ғарбда Днестрдан бошланган даштликлар, шарқда — ғарбий Сибирь ва Сирдарё этакларигача бўлган ерлар кирган. Ана шу худудларнинг ҳаммасида ягона анъана амал қилган эди.

Олтин Ўрда туркий халқлар ҳаётида маданиятнинг марказига айлангандан кейин бунинг ижобий томонларидан бири шу бўлдики, маданий ҳаёт Ўрта Осиёдан Олтин Ўрдага кўчиб ўтди. Албатта, бу кўчиш тарих оқимиға ҳамоҳанг табиий жараён эди.

Олтин Ўрда адабий муҳити шуниси билан диққатға сазоворки, мусулмон маданиятини ва ислом динини ёйиш учун пайғамбарлар тарихига оид асарлар ўзбек тилида биринчи марта Олтин Ўрдада яратилди. Носируддин Бурхониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” (710|1310 йил), Махмуд ибн Али ас-Саройининг “Нахжул-фародис” (Жаннатларга очик йўл) (761|1361 йил) асарлари бунинг ёркин намунасиدير. “Қисаси Рабғузий” сингари “Қисасул-анбиё”ларнинг ўзбек тилидаги кўплаб нусхалари бугунги кунда Туркия музейларида, кутубхоналарида сақланмоқда. Бу асарларнинг бир қисми Олтин Ўрдада ҳукм сурган даврда яратилган. Мазкур “Қисасул-анбиё”ларнинг аксарияти форсчадан қилинган таржималардир.

Албатта, Уйғониш, А.Ф.Посевнинг айтишича, одамнинг заминда ўзининг мавжудлигини тасдиқлашға уринишидир. Аммо инсоннинг заминда мавжудлигини тирикчилик ўтказиш, кун кечириш, турли эҳтиёжларини қондиришдир, деб тушунмаслик керак. Уйғониш даври маданияти ҳар қандай маиший ҳаётдан устун туради. Уйғониш юқорида биз кўрсатган уч босқичдан қайси бирида бўлмасин, биринчи навбатда тафаккурдаги ўзгаришдир. Тафаккурдаги ўзгариш - инсоннинг маънавий, руҳан, жисмонан, умуман олганда, моддий томондан озод бўлиши демакдир. Уйғониш эстетикаси айни шунни талаб қилади. Уйғониш босқичлари учун ана шу кўрсатиб ўтганларимиз асосий тамойиллардир.

Шарқ Уйғониш маданияти ўз доирасида қолиб кетмади, балки умуминсониятнинг ютуғига айланди. Тарихий далиллар шунни кўрсатадики, Шарқ ютуқларининг ғарбға ёйилишида Византия маданий олами ҳам катта таъсир кўрсатди.

Ташқи ва ички қулай шароитлар Шарқ маданиятининг ривожини таъминлади. Шу билан бирга, Шарқ Уйғониш маданияти ўз доирасида қолиб кетмади, балки умуминсоният ютуғи бўлди. Алишер Навоий ижоди иккинчи босқичдаги Уйғониш даврини улкан чўққиға кўтарди. XV асрдаги Уйғониш даври унинг “Хамса”си, дostonларидаги кўтарилган гуманистик ғоялар, тарихий ва илмий асарлари билан ажралиб туради. Ўзбек адабиётини юксак поғонаға кўтариш, ўзбек адабий тилини яратиш, фаннинг турли соҳалари -тарих, фалсафа, мусика, санъатта ҳомийлик билан у XV аср маданий муҳитини тубдан ўзгартирди. Ғарбий Европада ҳам мумтоз адабиётнинг халқ тилида яратилгани Уйғониш даврининг энг

буюк ютуқларидан бири экани айтилади⁶. Алишер Навоий ижоди ва фаолияти билангина XV аср Уйғониш даври Шарқ Уйғониш тарихида алоҳида мавке эгаллайди.

Аммо Навоий давридаги Уйғонишни, хусусан, Навоий ижоди XV аср Уйғониш даврини пайдо қилганини юқорида айтилганлар билан чеклаш кифоя қилмайди. “Хамса” дostonлари Уйғонишнинг энг ёрқин махсули сифатида юзага келганини таъкидлаш даркор. “Хамса” асари ёзилгани учун эмас, балки Уйғониш романтизмини Навоий дostonларига олиб киргани билан белгиланади. Айниқса, Фарход образида идеал инсон тасвири ҳам Уйғониш даврининг идеалидир. У бир талай хунарларни ўрганади, отаси таклиф қилган тахтда воз кечади, Ширинга бўлган севгиси уни қахрамонона ишларга ундайди, Хусрав билан мунозарада маънавий жиҳатдан юксаклигини намоиш этади ва х. Бу фазилатлар Шарқ адабиётидаги Уйғониш даври қахрамонларига хос идеал фазилатлардир. Шунингдек, Навоий “Фарход ва Ширин” дostonида антик давр мутафаккирлари номларини келтиради. Антик давр юнон мутафаккирларининг салоҳияти билан шахзода Фарходнинг истеъдоди солиштирилади, юнон файласуфлари бошқа давр одамлари учун бошқача қиёфада, бошқа замонлар учун, бошқа тафаккур тарзи учун XV асрга қайтади:

Эрур Искандари Румий ниғори,
Жаҳон аҳлига онинг ёдғори,
Ки айлаб тўрт юз доно билан жаҳд,
Алардин ҳар бир Афлотунга ҳамаҳд...
Эрур ғор ичра Сукроти яғона,
Дема Сукрот, Букроти замона...

(“Фарход ва Ширин”дан)

Уйғониш даври Шарқ ва Ғарбда ўзига хос жузъий қонуниятларга эга. Шу боис Европа ўрта аср дostonларининг фарқини тушунишимизга ҳам Навоий дostonлари ёрдам беради. Масалан, ўрта аср Германиясида “Ошиқ Роланд”, “Роланд ҳақида қўшиқ” дostonлари бор. Бу дostonлар қахрамонлари ўрта асрдаги рицарлик ҳаётини айнан акс эттиради, яъни чинакам рицарь қиёфаси қандай бўлса, шундайича тасвирланган, ўша давр нуктаи назари бўйича рицарнинг *реалистик қиёфаси* чизиб берилган. Уйғониш даври дostonлари қахрамонлари *романтик қиёфада* тасвирланган. Бу ўз-ўзидан тушунарли: Уйғониш асрида рицарлар йўқ эди. Агар уларни қандайдир қиёфада тасвирлаш керак бўлса, тасаввурлар ҳаёлотни сафарбар қилиши керак бўлган⁷.

Худди шу сингари, милоддан олдинги IV–II асрлардаги юнон

⁶ В.М.Жирмунский. Сравнительное литературоведение. Л., “Наука”, 1979, 178–бет.

⁷ Н.И. Конрад. Средневеочное Возрождение Алишер Навои. Избранные труды. “Наука”, М., 1978, 94–бет.

файласуфларини XV асрда тасвирлаш учун албатта, романтик тасвир шарт эди. Уйғониш даврининг тафаккур тарзи айна шуни талаб қиларди.

12 – МАВЗУ

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ

Режа:

1. Амир Темур ва темурийлар даврининг Ўрта Осиё маданияти тарихидаги ўрни. Ободончилик ишлари. Меъморчилик. Шаҳарсозлик. Улуғбек расадхонаси. Самарқанд регистони.
2. Темурийлар даврида тасвирий санъат ва унинг турлари ривожланиши. Самарқанд миниатюра мактаби ва унинг хусусияти. Самарқанд илм-фан маркази.
3. Адабиётнинг ривожланиши. Чигатой адабиёти-ўзбек адабиётининг вужудга келиши. XIV-XV асрлардаги маънавий-маданий ривожланишда ислом мафкурасининг роли.
4. Мовароуннаҳрда тиббиёт, фалсафа, тарих илми. Китобат санъати. Мусиқа санъати. 12 мақом. Ҳозирги замон фани томонидан бу давр темурийлар Ренессанси даври деб ном олиши.

Амир Темур ва темурийлар даври Ўрта Осиё маданияти тарихида алоҳида ўрин тутди. Бу даврдаги маданий ютуқлар умумбашарий цивилизацияси даражасида бўлган. Маданият тарихидаги ушбу мумтоз даврда ўзбек маданиятининг шаклланиши бу даврдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан боғлиқдир. Хусусан, меъморчилик, илм-фан, адабиёт, санъат, хунарамандчилик равнақ топди. Мамлакат, шунингдек йирик шаҳарлар Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Термиз, Тошкент ва Ҳиротнинг ободончилиги, маданий равнақи йўлида Мовароуннаҳр ва Ўрта Шарқ мамлакатларидан, Ҳиндистондан кўплаб фан ва санъат аҳллари, хунарамандлар, меъмор ва мусаввирлар жам бўлган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан Шохизиндадаги бир гуруҳ меъморий ёдгорликлар, Бибиҳоним масжиди, Дор ус - сиёдат (Кеш), Туркистондаги Аҳмад Яссавий макбараси қабилар барпо этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Амир Темур ва темурийлардан Шохрух, Улуғбек, Бойсунгур Мирзо, Абу Саид Мирзо ва бошқалар маданият, адабиёт, наққошлик, меъморлик ривожига катта эътибор бердилар ва уларга хомийлик қилдилар.

Сохибқирон даврида салтанатда жуда катта **ободончилик** ишлари олиб борилган. Бунга Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа жойларда қурилган меъморий мажмуалар, Самарқанд атрофидаги дунёнинг йирик шаҳарлари номи билан аталган Дамашқ, Миср, Бағдод, Султония, Фориш, Шероз каби

кишлокларни кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Ободончилик, суғорма дехкончилигининг ривожланиши иктисодий ҳаётда муҳим соҳа - ҳунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Амир Темури ва Мирзо Улуғбек даврида тоғ-кон ишлари йўлга қўйилиб, турли маъданлар қазиб олиниши туфайли ҳунармандчилик юксак даражада ривожланди. **Ҳунармандчилик**ка қатта эътибор туфайли шаҳарларда махсус гиламдўзлар, сандикчилар, шишасозлар, эгарчилар, заргарлар маҳаллалари кўпайди, янги бозор расталари, тим ва тоқлар қурилди. Тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик, темирчилик ва бинокорлик, меъморчилик соҳалари асосий ўрин тутди. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шохруҳия, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларида янги ҳунармандчилик маҳаллалари вужудга келиб, бу шаҳарлар савдо ва маданият марказларига айланди. Ип, жун, канош толасидан газмоллар тўқилган. Ипакдан шойи газламалар - атлас, кимхоб, банорас, духоба, ҳоро, дебо каби газмоллар тўқилган бўлиб, улар маҳаллий ва хорижий савдогарлар томонидан ҳарид қилинар эди.

XIV - XV асрда металл буюмлар, уй-рўзгор буюмлари, асбоб-ускуна, қурол-яроғлар кўплаб ишлаб чиқарилган. Самарқанд қуролсозлик марказига айланиб, шаҳарда махсус совутиқлар маҳалласи вужудга келган. Шаҳарларда мис ва жездан буюмлар ва танга пул зарб қилинган. Амир Темури фармони билан уста Изиддин бин Тождин Исфаҳоний Аҳмад Ясавий мақбараси учун ясаган шамдон, Абдулазиз бин Шарофуддин Табризий қўйган улкан жез қозон ҳозиргача сақланиб қолган. Мисгар ва чилангарлар металлни тоблаш, қўйиш, сиртига нақш солиш, олтин ва қумуш суви юритиш каби мураккаб ишларни бажарганлар.

Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди эшиклари етти хил металл қотишма (ҳафтжўш)дан тайёрланган. Заргарлар олтин, қумуш ва жез қотишмаларидан нафис зеб-зийнат буюмлари ясаганлар. Олтин ва қумуш гардишли, қимматбаҳо тошлар қадалган идишлар сиртига нақш ва ёзувлар ишланган.

Кулолчилик сиртармок соҳа бўлган. XIV-XV асрларда сирли сопол буюмлар юксак бадийий ранг-баранг шакли ва сифати билан ажралиб турган. Тоштарошлиқда нақш, ҳаттотлик кенг қўлланила бошланган. Бинокорликда гишт терувчилар «панно», пештоқ, равоқ ҳамда тоқларга парчин ва чироқ қопловчи пардозчилар «устод» деб аталган.

Самарқандда шишасозлик ривожланиб турли идиш ва буюмлар ясалган. Қурилишда рангли ойналардан фойдаланилган. Ёғоч ўймакорлигида нақшинкор эшиклар, панжаралар, устунлар, дарвозалар қурилган ва турли буюм, жиҳозлар ясалган. Самарқанд қоғози ҳатто чет ўлкаларда ҳам машҳур бўлган. Тарихчи Ибн Арабшоҳ, Шамсиддин Муншийнинг хат ёзишдаги маҳоратини Амир Темури найзаси тиғининг

ўткирлиги билан тенглаштирар эдилар.

Бу даврда хунармандчилик моллари ишлаб чиқарадиган корхона бошлиғи «уста», ёрдамчи ва шогирдни «халфа» деб юритилган. Хунармандлар шаҳарнинг маданиятли табақасига мансуб ҳисобланган.

Темурийлар давлати Хитой, Тибет, Ҳиндистон, Эрон, Русия, Волга бўйи, Сибир билан мунтазам савдо-сотиқ алоқалари олиб борган. Чет давлатлар билан савдо алоқаларини кенгайтиришда темурийларнинг элчилик алоқалари муҳим аҳамият касб этган. Амир Темур йирик шаҳарларда савдо расталари, бозор ва йўллар қурдирди, савдо йўлларида қарвонсаройларни қўпайтирди. Айниқса, Самарқанд ва Бухорода бозор, чорсу, тим, тоқ, каппон каби савдо-хунармандчилик иншоотлари қад ростлади. Самарқанднинг марказий қисми бўйлаб ўтган кенг қўчанинг икки томонига савдо дўконлари (растаси) жойлаштирилган. Самарқанд ва Бухоро савдо майдонларининг кенглиги ва ихтисослаштирилган бозорларга эгаллиги билан ажралиб турган. Бозор савдо маркази бўлиши билан бирга хунармандчилик ишлаб чиқариши жойи ҳам бўлган. Шунингдек, бозорларда қўлёзма китоблар, ёзув коғози сотилган, ариза ёки мактуб ёзувчи мирзалар ҳам ўтирган. Савдо растаси унда сотилувчи товар номи билан аталган (Тоқи заргарон, Тоқи телпақфурушон каби). Бозорларда адабиёт, шеърят, илм-фан ҳақида суҳбатлар ташкил этилган, фармонлар эълон қилинган ва айбдорлар жазоланган. Турли томошалар шу жойда кўрсатилган, масжид, мадраса, ҳаммом бозорга яқин жойга қурилган.

Темурийлар даврида қарвон йўлларида элчилар, чопарлар ва савдо қарвонлари учун дам олиш, отларни алмаштириш жойлари - ёмлар, работлар, сардобалар қурилган.

XIV-XV аср охирида Мовароуннаҳр кўп мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий, баъзан сиёсий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган қарвон йўллари билан боғланган эди. Бу йўллар халқ турмуш тарзи, диний, иқтисодий, маънавий ва моддий маданияти жиҳатидан бир-биридан фаркланувчи мамлакатларнинг ўзаро алоқасини ривожлантиришга имкон яратди. Қарвон йўллари савдо, дипломатик муносабатлар борасидаги амалий вазифасидан ташқари, айна вақтда мамлакатлар ва халқларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларини мустақамлашга ҳам хизмат қилди. Дадил айтиш мумкинки, бу даврда Буюк Ипак йўли тикланиб, минтақаларнинг маданий тараққиёти учун хизмат қилди.

Ўрта Осиё заминида темурийлар даврида меъморчилик, илм-фан, адабиёт, санъат соҳалари камолот босқичига кўтарилди. Темурийлар давлатининг қудрати айнақса **меъморчилик**да намоён бўлди. Оксарой пештоқида битилган “Агар бизнинг қувват ва қудратимизга ишонмасанг, иморатларимизга бок!» деган ёзув Амир Темур салтанатининг сиёсий мақсадини ҳам англатар эди. Чунки барпо этилаётган иншоотларнинг улўғворлиги сиёсий вазифалардан бири эди. Бу даврда Мовароуннаҳр

шаҳарлари қурилишида мудофаа деворлари, шох кўчаларни тартибга солиш, меъморий мажмуаларни қуриш авж олган. Илк ўрта асрлардаги шаҳарнинг асосий қисми бўлган «шаҳристон»дан бирмунча фарқ қилувчи «ҳисор» қурилишини Самарқанд ва Шаҳрисабзда кузатиш мумкин. Амир Темур даврида Кеш (Шаҳрисабз) шаҳар қурилиши якунланди. Ҳисорнинг жануби - ғарбида ҳукумат саройи - Оксарой ва атрофида работлар қурилди, боғ-роғлар барпо этилди.

Салтанат пойтахти Самарқандни безатишга Амир Темур алоҳида эътибор берди. Унинг фармони билан ҳисор, қалъа, улуғвор иншоотлар ва тиллакор саройлар бунёд этилган. Самарқандга кираверишдаги Кўҳак тепалигидаги Чўпон ота мақбараси Мирзо Улуғбек даврида қурилган бўлиб, бу иншоотдаги ажойиб мутаносиблик, умумий шакл нафислиги, безаклардаги сиполик ўзаро уйғунлашиб кетган. Амур Темур даврида Самарқанд Афросиёбдан жанубда, мўғуллар давридаги ички ва ташқи шаҳар ўрнида қурилади бошлари ҳамда бу майдон қалъа девори ва хандак билан ўралиб (1371 й), ҳисор деб аталди. Ҳисор 500 гектар бўлиб, девор билан ўралган. Шаҳарга олти дарвозадан кирилган.

Шаҳар маҳаллалардан иборат бўлиб, бир қанчаси гузарларга бирлашган. Шаҳарда меъморий мажмуалар шаклланиши Темурийлар даврининг энг катта ютуғи бўлди. Меъморчилик тараққиётнинг янги босқичига кўтарилди. Бу жараён муҳандис, меъмор ва наққошлар зиммасига янги вазифаларни қўйди. Амир Темур даврида гумбазлар тузилишида қирралар оралиги кенгайди. Икки қаватли гумбазлар қуришда ичкаридан ёйсимон қовурғаларга таянган ташқи гумбазни кўтариб турувчи пойгумбазнинг баландлиги ошди. Мирзо Улуғбек даврида гумбаз ости тузилмаларнинг янги хиллари ишлаб чиқилди. Аниқ фанлардаги ютуқлар меъморчилик ёдгорликларида ҳам яққол намоён бўлди (Шоҳизинда, Аҳмад Яссавий, Гўри Амир мақбаралари, Бибиҳоним масжиди, Улуғбек мадрасаси). Уларнинг олди томони ва ички қиёфаси режаларини тузишда меъморий шаклларнинг умумий уйғунлигини белгиловчи хандасавий тузилмаларнинг аниқ ўзаро мутаносиблиги бўлган. Безак ва сайқал ишлари ҳам бино қурилиши жараёнида барабар амалга оширилган.

Темурийлар даврига ва ундан кейин ҳам Мовароуннаҳр ҳамда Хуросон меъморчилигида безак ва нақш бу қадар юксалмаган эди. Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даври меъморчилигида безакда кўп ранглилик ва нақшлар хилма-хиллиги кузатилади. Эпиграфик битикларни ҳаттотлик санъатини мукаммал эгаллаган усталар бинонинг махсус жойларига олти хил ёзувда ёзганлар.

Кошин қопламаларда тасвирий мавзулар кам учрайди. Оксарой пештоқларида шер билан кўёшнинг жуфт тасвири мавжудки, бу рамзий маънога эга. Бу даврдаги бино ичининг беағи ҳам хилма-хил бўлган. Девор ва шифт, ҳатто гумбаз ҳам нақш билан зийнатланган. Амир Темур даврида қурилган биноларда кўк ва зарҳал ранглар устун бўлиб, дабдабали

нақшлар ишланган. Мирзо Улуғбек даврида эса, Хитой чиннисига ўхшаш оқ заминдаги кўк нақшлар кўп учрайди.

Бу даврда **масжид, макбаралар** кўплаб қурилди. Амир Темур Ҳиндистон юришидан сўнг (1399 й.), Самарқандда жомеъ масжидини қурдирди. Унинг рўпарасида Бибиҳоним мадрасаси ва макбара бунёд эттирди. Мирзо Улуғбек Бухоро жомеъ масжиди (Масжиди Калон)ни кенгайтириб, қайта қуриш ишларини бошлаган эди. Бирок у кейинроқ XVI асрга келиб яқуний киёфасига эга бўлди.

Амир Темур даврида Сароймулкхоним (Бибиҳоним) мадрасаси ва Гўри Амир мажмуасидаги мадраса қурилган. Мирзо Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар бунёд эттирди. Бухородаги мадрасада «Билим олмоққа интилиш - ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» деган ҳадис битилган.

XV асрда мадраса меъморчилиги ўзининг узил-кесил шаклланган киёфасига эга бўлди. Мадраса қурилиши ягона тизим бўйича режалаштирилса ҳам, асосий шакллари, уларнинг ўзаро нисбатлари ва безакларига кўра ҳар бири ўз киёфасига эга эди. Темурийларнинг икки санъат дурдонаси - Самарқанддаги Улуғбек ва Ҳиротдаги Ғавҳаршодбегим мадрасалари ягона тизим режаси бўйича қурилганига қарамай, бири-биридан фарқ қилади.

Темурийлар даврида яратилган макбара, дин арбоби ва рухонийлар қабрини ўз ичига олувчи панжара-ҳазира, авлиёлар қадамжолари, даҳмалар алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Самарқандда Амир Темур даврида шайх Бурхониддин Соғаржий хилхонаси - Рухобод макбараси ва темурийлар хилхонаси - Гўри Амир мажбараси, шунингдек, Шохизинда мажмуасида пештоқли макбаралар гуруҳи қурилади.

Мирзо Улуғбек даврида ижодий изланишлар самараси даҳмаларнинг меъморий кўринишига ҳам таъсир ўтказди. Шохизинда мажмуасида саккиз қиррали макбара ва ҳозиргача Қозизода Румий макбараси деб келинаётган («Султоннинг онаси» учун қурилган, кимлиги номаълум) макбара қурилади. Мирзо Улуғбек Бухоро, Ғиждувон, Шахрисабз, Термиз, Тошкентда ҳам ноёб иморатлар қурдирган. Аммо қурилиш миқёси ва безаклар бўйича Самарқанддаги обидалар устунлик қиларди. Тошкентда Занги ота макбараси ва Шайхонтохур мажмуаси бўлиб, унинг таркибидаги Қалдирғочбий макбараси XV асрнинг биринчи ярмига мансуб.

Амир Темур даврида тузилиши ва миқёси бўйича улкан иншоот - Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавий макбараси барпо қилинди. Бу макбара мусулмон Шаркининг меъморий ёдгорликлари орасида энг ноёбидир.

Қадамжолар меъморчилиги ҳам ўзига хос тузилишга эга. Амир Темур Бухорода Чашмаи Айюб ёдгорлигини қурдиради (1380 й.) Шунингдек, Соҳибқирон Шахрисабзда зиёрат ва дафн маросимлари учун ҳазира - “Дор ул-Сиёдат” (“Сайидлар уйи”) (1379-80 йй.) хилхонасини, ўғли Жаҳонгир вафот этгач, Шахрисабзда Жаҳонгир Мирзо макбараси

(Ҳазрати Имом макбараси) қурдирган. Унда Хоразм меъморчилиги анъаналарини кўриш мумкин. Чунки Амир Темур Хоразмни Мовароуннаҳр ҳудудига қайта қўшиб олгач, у ердаги меъмор ва усталарни аввал Шаҳрисабзга сўнгра Самарқандга кўчиртирган.

Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси меъморий санъатнинг ноёб ёдгорлигидир. Расадхона диаметри 48 метрли айлана шаклда бўлиб, уч қаватлидир. Расадхонада Улуғбек билан бирга Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи ва бошқа алломалар астрономия илмига ривож бердилар.

Темурийлар даврида қурилган **саройлар** икки хил бўлган. **Биринчиси**- маъмурий-сиёсий вазифани бажарган бўлиб, қалъа ёки ҳисор ичига қурилган. **Иккинчиси** - шаҳар ташқарисидagi қароргоҳлар бўлиб, қабул маросими, мажлислар ўтказилган ва ҳордиқ чиқарилган. Шаҳрисабздаги Оқсарой гўмбазининг диаметри 22 метр бўлиб, токи ва равоқлари бекиёс даражада катта бўлган. Амир Темур ва Мирзо Улуғбекнинг асосий қароргоҳи Самарқанддаги Кўксарой ва Бўстонсаройда бўлган. Шунингдек, шаҳар ташқарисидa Амир Темур ўн иккита боғ бунёд эттирган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз номи, катта-кичиклиги, вазифаси, ободонлаштирилганлиги билан алоҳида ажралиб турган. Бу боғларда уюштирилган қабул маросимлари ва тўйлар Р.Г.Клавихо ва Шарафиддин Али Яздийлар томонидан ёзиб қолдирилган.

Мирзо Улуғбек даврида Самарқанднинг Регистон майдони шаклланди, Масжиди муқаттаъ, 210 гўмбазли Алиқа Кўқалдош жоме масжиди қад кўтарди. Шохизиндадаги айрим макбаралар, Чилустун ва Чиннихона саройлари, Шаҳрисабзда Кўкгўмбаз масжиди унинг даврида қурилди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда Хожа Аҳрор мадрасаси, Ишратхона, Оқсарой макбаралари бунёд қилинди.

Темурийлар даврида **тасвирий санъат** турли йўналишлар бўйича юксалди. Ўрта Осиёдаги қадимги деворий суратлар ва умуман тасвирий санъат анъаналари Амир Темур даврида янги шакл ва мазмунда тикланди. Миниатюра санъатига ҳам аввало нақш сифатида қаралган. Самарқанддаги темурийларнинг сарой, қароргоҳларида қабул маросими, жанг воқеалари, ов манзаралари, халқ байрамлари тасвири туширилган деворий суратлар бўлган. Уларда Амир Темур, ўғиллари, набиралари, аёллари ва қанизақлари тасвири акс эттирилган. Улуғбек расадхонаси деворида ҳам деворий суратлар мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, услубий жиҳатдан миниатюра жанрига яқин бўлган. Абдурахмон ас-Суфийнинг фалакиётга оид асарига ишланган бир суратда Андромеда юлдузлар туркуми чочлик аёл киёфасида тасвирланади. Расадхонада эса, тўққиз фалак кўриниши, етти гардиш, етти ёритқич юлдуз даража, вақт бўлимлари, Ер юзининг етти иклими тасвирланган.

Амир Темур даврида қурилган Ширинбека оға, Бибихоним, Туман

оқа иншоатларида наққошлик ва ҳаттотлик билан бирга, тасвирий лавҳалар ҳам мавжуддир. Ширинбека оға макбарасида рангли тасвир кўп бўлса, қолган икки бино деворларида оқ ва мовий рангдаги ислимий нақшлар тасвирланади.

Ҳаттотлик санъати тараққий этди, XV асрда анъанавий қуфий, насх, девоний хатлари каторида пештоқларни безовчи сулс ва тезкор-настаълиқ услублари ривожланди. Ноёб қўлёзма асарлар кўчирилаётган махсус устасхона китобатчилиқнинг раванқига ижобий таъсир кўрсатди.

Амир Темури даврида Самарқандда **миниатюра мактаби** ташкил топди. Бу даврдаги етакчи мусаввир Хожа Абдулҳай Наққошдир. Ҳозир Туркия ва Берлин кутубхоналарида сақланаётган хомаки миниатюра нусхалари XIV-XV асрларга оид бўлиб, улар алоҳида шахслар, дарахтлар, гуллар, кичик композициялар, нақшларда чизиклар уйғунлиги, ҳаракатлар аниқлиги, қиёфаларнинг ўз ўрнида жойлаштирилиши билан ажралиб туради.

Тарихий шахсларнинг қиёфалари ҳам миниатюраларда акс этган. Амир Темури ҳаётлик вақтида қиёфаси акс этган миниатюралар ҳали топилмаган. Асл ҳолатига яқин суратлар «Зафарнома»нинг дастлабки кўчирилган нусхаларида учрайди. Унинг бир мунча ёрқинроқ қиёфаси Ҳиротда (1467 й.) кўчирилган «Зафарнома»да келтирилади. Дастлаб Мирак Наққош бошлаган ва Камолиддин Беҳзод якунлаган ушбу миниатюралар тарҳининг мураккаблиги ва сержило рангларнинг уйғунлиги билан ажралиб туради.

Шарқ миниатюрасининг тараққиёти бадий адабиётнинг ривожига билан боғлиқ бўлган. Мусаввирлар кўпинча Фирдавсий, Низомий, Хусрав Дехлавий, сўнгра Жомий ва Навоий асарларига расмлар ишлашган. XIV асрда Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг «Жомеъ ут-таворих» тарихий асарига ҳам миниатюралар ишланган. Бу анъана темурийлар даврида ҳам давом эттирилиб, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Хотифийнинг «Темунома» каби асарларида жанг лавҳалари тасвирланади. Айрим ҳолларда диний асарларга ҳам Макка ва Мадина каби муқаддас жойлар тасвири туширилган. Бадий асарларнинг баъзиларида Муҳаммад пайғамбарнинг (муборак юзлари ниқоб билан тўсилган ҳолда) одамлар орасида турган ҳолатлари ва меърожга чиқишларига оид лавҳалар учрайди.

XV аср миниатюраларининг аксариятида Шарқ шеърятининг қаҳрамонлари Лайли ва Мажнун, Хусрав ва Ширин, Рустам, Искандар, Баҳром билан боғлиқ жанг лавҳалари тасвирланади. Умуман миниатюра санъати мусулмон Шарқининг Ироқ, Эрон, Хуросон, Мовароуннахр ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудида муайян бир даврнинг ўзига хос бадий - эстетик ҳодисаси эди. Бу санъат темурийларнинг ҳомийлик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, Исфохон, Шероз, Табриз, Ҳирот, Самарқанд, Деҳли каби марказий шаҳарларда илғор миниатюра мактаблари вужудга келди.

Самарқанд миниатюра мактаби XIV-XV асрнинг биринчи ярмида шаклланган бўлиб, турли туркумда яратилган бу миниатюраларда Шарқий Туркистон санъатига хос бўлган туркона тимсолларда хитой рассомчилиги таъсири сезилиб туради.

Самарқанддаги сарой мусаввирлари Хожа Абдулхай Наккош ва унинг шогирдлари Шайх Махмуд Талилий, Пир Аҳмад Боғи Шамолий, Муҳаммад бин Махмудшоҳ ал - Ҳайём, Дарвеш Мансурлар ишлаган расмларда нозик, ранглар усталик билан қўлланган. Ушбу миниатюралар темурийлар даврига хос ов-шикор мавзуида яратилган. 1420 йилдан кейин Бойсунғур Мирзо Ҳиротда кутубхона, хаттотлик ва наққошлик устaxonасини ташкил қилгач, бу рассомларнинг айримлари (Масалан, Махмудшоҳ ал - Ҳайём) Ҳиротга кўчиб ўтади. Хожа Абдулхайнинг тарихий асарларга (“Зафарнома”) ишлаган миниатюраларида Амир Темуր ва темурийларнинг қиёфаларигина акс этса, баъзи бадий асарларга ишлаган расмларида ҳам улар турли ҳолатларда тасвирланади. Ҳалил Султон даврида ишланган айрим миниатюралар муҳим тарихий ҳужжат бўлиши билан бирга, бадий жиҳатдан ўзига хос «сиёҳи калам» услубида ишлангани билан ажралиб туради. Амир Темури ҳаётлик даврида унинг сарой деворларида шох ва шаҳзодалар бор бўйича тасвирланган. Ҳақиқий портрет жанрини Камолитдин Бехзод шакллантирган.

Амир Темури ва темурийларнинг қиёфалари тасвирланган қўплаб миниатюралар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Уларнинг аксариятида расм чизилган давр ёки рассом, жой, мактаб кўрсатилмаган. Бироқ бу миниатюраларда нур сочиб турган қуёшсимон шернинг боши тасвирланган туғ - Амир Темури асос солган рамз - унинг саройи пештокида, Ҳалил Султон ва Улуғбек зарб қилган тангаларда учрайди. Шунингдек, табиат тасвирида тўқ яшил ва жигаррангнинг кўплигидан, кийимлар туркий миллатга хос бўлганлигидан бу миниатюраларни Самарқанд миниатюра мактабига мансуб дейиш мумкин. Чунки Ҳирот ва Шероз миниатюралари қаҳрамонларининг кийимлари бошқачароқдир. Самарқанд мактаби миниатюрачилари вакиллари композиция яратиш ва манзара тасвирида маҳоратлироқ бўлишган.

Мирзо Улуғбек даврида машҳур бўлган хаттот ва мусаввир, обивардлик Султон Али Бовардий миниатюралари чизикларнинг кескинлиги, рангларнинг ёрқинлиги билан ўзига хосдир. Самарқанд мактабига хос бўлган 18 та миниатюра Низомийнинг «Ҳамса» асарига ва 49 та миниатюра «Шохнома» асарига ишланган бўлиб, улар ҳозир Туркиянинг Тўпкопу сарой кутубхонасида сақланади. Абдурахмон ас-Суфийнинг «Силжмас юлдузлар рўйхати» асарига ишланган миниатюраларда хариталар кизил ва қора доиралар билан, катта ва кичик юлдузларнинг ўринлари кўрсатилган бўлиб, ранг бермай, қора сиёҳда график тарзда чизилган. Юлдуз туркуми оддий халқ вакили қиёфасида тасвир этилади. Шарқ миниатюрачилигида оддий халқ ҳаёти мавзуи айнан

темурийлар даврида пайдо бўлган. Масалан, «Самарқанд масжидини куриш», «Искандар деворини бунёд этиш», «Кўчманчилар турмуши», «Жамшиднинг оддий халққа ҳунар ўргатиши» мавзуидаги миниатюралар бунга мисолдир.

Темурийлар даврида маданиятнинг юксалиши **бадий хунармандчилик**нинг турли шаклларида ҳам намоён бўлди. Уларнинг айримлари меъморчилик билан, баъзилари кошинкорлик, ёғоч ва тош ўймакорлиги билан ҳам боғлиқ эди. **Қабртошларга** қисман ислимий ўсимликсимон, асосан геометрик нақшларда хаттотлик намуналари билан сўзлар битилган. Бу ёзувлар чуқур, қуйма ўйикларда битилган. Қабртошлар сағана ёки супа шаклида бўлиб, маҳаллий хом ашё - бўз рангли мармардан, айрим ҳолларда ўта ноёб тошлардан ишланган. **Ёғоч ўймакорлиги**да Гўри Амир, Шохизинда, Яссавий мақбаралари эшиклари, шунингдек, XV асрга оид уй устунлари ўймакор нақшлар билан ишланган. Бу даврда **металл ўймакорлиги** (кандакорлик) тараққий этади. Буюм ва идишлар зарҳал бронза, латун, қизил мисдан ишланган. Нақшлар ўйик ва бўртма усулда, қимматбаҳо тошлар қадалиб тайёрланган. Яссавий мақбарасидаги улкан шамдонлар, айникса, икки тонналик қозон бронза қуйиш санъатининг энг юксак намунаси.

Амалий санъатнинг **кулолчилик** тури учун яшил, зангори тусдаги ёрқин сир устига содда ўсимликсимон нақшларни қора бўёқлар билан тушириш ёки уюрма гуллар ишланиши, бу даврда пайдо бўлган оппоқ садафдек идишларга шаффоф сир устидан кобальт ёрдамида нақш берилиши янгилик бўлди. Сопол буюмлардаги нақшлар мўйкаламда чизилган. Олдинги асрларда сопол буюмларига нақшлар чизишган, темурийлар даврига мансуб чиннисимон сопол буюмларда кулол-рассом турли услубда оч ҳаворангдан то ложувардга қадар ранглари қўллаиди. Бу даврнинг амалий санъат турларидан тўқимачилик, гиламдўзлик, каштачилик юксак санъат даражасига кўтарилди.

Илм-фан ва маданиятнинг бутун мусулмон оламида янгидан гуркираб ривожланиши Амир Темур номи ва фаолияти билан узвий боғлиқдир. Амир Темурнинг **илм-фан** ривожига ғамхўрлиги туфайли Самарқанд дунёнинг илмий - маърифий марказларидан бирига айланди. Сохибқироннинг сазой-харақатлари билан машҳур олимлар Самарқандда жам бўлган. Чунончи, Саййид Шариф Журжоний, Масъуд Тафтазоний, Жамшид Коший, Али Кушчи, Қозизода Румий, табиб Хусомиддин Кермоний, фалакийтшунос Мавлоно Аҳмад, шунингдек, Улуғбек даврида маҳаллий ва турли мамлакатлардан келган 200 дан ортиқ олимлар илмий - ижодий фаолият кўрсатган. Темурийлар замонида табиий ва гуманитар фанлар соҳасида буюк олимлар етишиб чиқди ва улар жаҳон фани ривожига муносиб хисса қўшдилар. Фалакийтшунослик фанида Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ва Али Кушчилар кашфиётлар қилди. Тарих илмида Ҳофиз Абрў, Шарафиддин Али Яздий,

Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий ва бошқалар қимматли асарлар яратдилар. Бадий ижод ва тилшуносликда Давлатшоҳ Самарқандий, Жомий, Алишер Навоий, Атоулло Ҳусайний, Ҳусайн Воиз Кошифий сингари ижодкорлар юксак санъат асарлари билан машхур бўлдилар.

Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда ўзига хос илмий академия шаклланди. Ер қуррасини ўлчаш ва фалакиётшунослик жадвалларини тузиш ишлари амалга оширилди. Самарқанд расадхонасининг қурилиши улкан маданий воқеа бўлиб, жиҳози ва илмий ютуқлари жиҳатидан ўша вақтда дунёда тенги йўқ эди. Мирзо Улуғбек математика, геометрия, фалакиётшуносликда чуқур билимлар соҳиби эди. Расадхонада ижод этган Али Кушчи, Муҳаммад Хавофийлар унинг сеvimли шогирдлари бўлган.

Мирзо Улуғбек «Зижи жадиди Қўрагоний» асарида VIII-XI асрларда бошланган фалакиёт илмига оид анъанани давом эттириб, юқори даражага кўтаради. Математикага доир «Бир даража синусни аниқлаш ҳақида рисола», фалакиётшуносликка оид «Рисолаи Улуғбек» ва мусиқа ҳақида «Мусиқа илми ҳақида рисола» каби асарлар ёзди. Булардан ташқари, Улуғбек «Тарихи арбаъа улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий асар ҳам ёзган.

Бу даврда халқ оғзаки ижоди намуналари яратилди. Бадий адабиёт шакл ва мазмун жиҳатдан ўзгарди, адабиётшунослик ва тилшуносликка оид илмий асарлар яратилди. Туркий тилда мумтоз «чигатой» адабиёти - ўзбек адабиёти вужудга келди. Темурийлар даврида етук ижодкорлар Қутб Хоразмий, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Ҳофиз Хоразмий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Муҳаммад Солих («Шайбонийнома» муаллифи), Камолиддин Биноий ва бошқалар яшаб ижод қилдилар. Айниқса, Алишер Навоийнинг ижоди ўзбек адабиётини камолот босқичига кўтарди.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг мавқеи орта борди. Хуросондаги туркийзабон халқлар ва уларнинг зиёлилари Самарқанд, Бухоро, Туркистон ва бошқа шаҳарлардаги олимлар, шоирлар ва санъаткорлар билан ўзаро яқин муносабатда бўла бошладилар. Қайси ижодкор ўзига қайси мамлакат ёки шаҳарни қулай деб билса, ўша ерда яшаб ижод қилди. Масалан, хоразмлик шоирлар Ҳайдар Хоразмий Шерозга, Исмоил Ота авлодларидан бўлган шоир Шайх Атоий Турбатдан (Тошкент яқинидан) Балхга, Мавлоно Лутфий ҳам асли Тошкентдан бўлиб, Ҳирот яқинига бориб яшаб қолганлар.

Темурий ҳукмдорлар ва шахзодалар адабиёт ва санъатга, илм-фанга яқин кишилар эди. Улардан 22 таси шоир бўлиб, улар ўзлари шеър ёзиш билан бирга ижодкорларга ҳомийлик ҳам қилган. Ҳалил Султон, Ҳусайн Бойқаро девон ҳам тузганлар.

Хуросон ва Мовароуннаҳрда форсий ва туркийда ижод қилувчи шоирлар кўп бўлиб, адабий ҳаёт юксалган. Шарқ мумтоз адабиёти

таржималарига ҳам эътибор кучаяди. Бадий ижоднинг ғазал, рубоий, туюқ каби турлари ривож топди. Адабий жараёнда шоҳлар ҳам, оддий косиб ва хунарамандлар ҳам, олим ва фозиллар ҳам қатнашган.

Хуросондаги адабий ҳаётнинг ривожига Бойсунғур Мирзо (Шохрухнинг ўғли)нинг ўрни бекиёс бўлиб, у ўз ташаббуси билан фанларнинг барча соҳаларига ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган. Унинг раҳбарлигида Фирдавсий «Шохнома»сининг кўп қўлёзмаларини киёслаш асосида асар ишончли илмий матни яратилди. Бойсунғурнинг ўзи ҳам форсий ва туркийда шеърлар ёзган. Ҳаттотлик ва наққошлик санъатини мукаммал эгаллаган. Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим масжиди безаклари ва китобларини шахсан Бойсунғур Мирзонинг ўзи бажарган. Унинг кутубхонасида қиркта хаттот, етмишта рассом ижод этган. Алишер Навоийнинг ёзишича, ҳеч ким Бойсунғур Мирзочалик созанда ва наққош, хаттот аҳлига ҳомийлик қилмаган.

Мовароуннаҳрда Мирзо Улуғбек даврида кўплаб форсий ва туркий тилли ижодкорлар тўпланди. Адабий муҳитни бевосита Улуғбекнинг ўзи бошқарар, Самарқандда ўша даврнинг энг яхши шоирлари йиғилган эдилар. Шоирларнинг сардори («Малик ул-калом») қилиб Мавлоно Камол Бадахший тайинланган эди. Саккокий ўз қасидаларидан бирида Мирзо Улуғбекнинг шеър ёзишини ва унинг шеър ҳақидаги тушунчаси юқори бўлганлигини таъкидлаб ўтган. Мирзо Улуғбек Мавлоно Лутфий шеърларини XV асрнинг машҳур шоири Салмон Соважий асарлари билан тенг кўрган. Ўзбек мумтоз адабиёти вақили Мавлоно Лутфий аслида сўфиёна шеърятда Салмондан устун эканлигини айтиш адолатлидир. Чунки Салмон асосан қасидалар ёзган.

Улуғбек саройидаги энг обрўли ўзбек шоирлардан Саккокийнинг лирик шеърлари билан бирга қасидалари ҳам бу шеърый жанрнинг сезиларли ютуғи бўлди. Алишер Навоий «Мажолис ун - нафоис» тазкирасида кўпроқ хуросонлик шоирлар ҳақида маълумотлар берса, Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» асарида ўтмишда ўтган ижодкорлар ҳақида маълумот берган. Яқинда (1993й.) маълум бўлган Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг ўзбек тилида ёзилган «Фунун ул-балоғ» (1437 йил) асари темурийлар даврида Мовароуннаҳр адабий ҳаётини ўрганишнинг янги имкониятларини очди. Шайх Тарозий ўз асарида бизга маълум бўлган машҳур шоирлардан ташқари, бизга номаълум бўлган Муҳаммад Темур Буғонинг туюқларини, Шамс Қисорийнинг «ал-матлубул-баъд» шеърый санъати намуналарини, Жалолӣ деган шоирнинг ишқий мазмундаги байтларини, «мутасалсал» санъатига оид ўзининг ғазалидан намуналар келтиради.

XV асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг энг ривожланган даври бўлиб, бу юксаклик темурий Султон Ҳусайн Бойқаро ва ўзбек адабиётининг порлоқ куёши Алишер Навоий номлари билан боғлиқдир. Ҳусайн Бойқаро Хуросон ҳукмдори бўлган давр (1469–1506)да адабиёт,

санъат ва фаннинг кўп соҳалари ривожига катта аҳамият берилди. «Хусайний» таҳаллуси билан шеърлар ёзган Султон Хусайн ўз ҳукмронлиги давомида Алишер Навоийга “Амири кабир”, «Муқарраби ҳазрати султоний», (“Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси”) мансабларини бериб, у билан биргаликда маданиятнинг ривожланишига ҳомийлик қилди. Алишер Навоий устози Абдурахмон Жомий билан ҳамкорликда маънавият тараққиётига раҳнамолик қилди. Улар тимсолида бадиий адабиёт улкан ютуқларга эришди. Алишер Навоийнинг «Ҳамса»си ва «Ҳазойинул-маоний» девони, Жомийнинг «Ҳафт авранг» ва шеърӣ тўпламлари шу давр адабиётининг энг буюк намуналари бўлди. Султон Хусайн Бойқаро ўз «Рисола»сида унинг ҳукмронлиги даврида шундай асарлар яратилганидан чексиз фахрлангани бежиз эмас.

Бу бой адабий мерос ўзбек адабиётининг кейинги тараққиётига ҳам ўзининг чуқур таъсирини кўрсатди. Бобурнинг «Бобурнома» асари шу давр ўзбек адабиёти ва илмининг ҳаётбахш анъаналари асосида юзага келган эди.

Темурийлар даври адабиёти ўзбек адабиёти ривожига ўзига хос алоҳида бир босқични ташкил этади. Ундаги инсонпарварлик ва халқчиллик, адолатпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари ҳамон ўз тароватини йўқотгани йўқ. Бу адабий мерос Ўзбекистонда хали асрлар давомида ўзининг бой мазмуни билан, ғоявий-мафкуравий теранлиги ва илоҳийлиги билан қомил инсонни тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда рўй берган маданий юксаклик бутун мусулмон Шарқидагина эмас, Европа мамлакатларини ҳам ҳайратга солди. Бу юксаклик Марказий Осиёнинг сўнгги маданий-маънавий ривожинигина белгилаб бермай, қўшни мамлакатлардаги маданий тараққиётга ҳам катта таъсир кўрсатди..

Бу даврдаги маданий юксалишнинг умумий омилларини аниқлаш шуни кўрсатадики, улар ўзаро узвий боғланган ва яхлит бир бутун ҳолдагина қисқа вақт ичидаги маданий-маънавий юксакликни юзага келтира олган.

Булардан биринчи навбатда сиёсий-ижтимоий омилни кўрсатиш мумкин. Улкан ҳудуд ягона салтанатга бирлаштирилиб, ижтимоий юксалишни таъминлади.

Иккинчи – иқтисодий омил - Мовароуннаҳр ва Хуросонда ягона идора тизимининг жорий этилиши иқтисодий осойишталикка, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланишига олиб келди. Давлат томонидан деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотиқнинг ривожига эътибор берилиши ва бу соҳада қатор тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг маънавий-маданий тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди.

Учинчи - маънавий омил - аввалги маданий мерос, маънавий кадриятлар, бойликлардан кенг фойдаланиш, улар асосида ривожланишдан

иборат бўлди. Марказий Осиёда аввалги асрларда, хусусан IX-XIII асрларда яратилган маънавий-маданий бойликлардан, буюк муҳаддислар, алломалар имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний меросидан; араб, форс ва туркий тилларда яратилган Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Румий, Тусий, Аттор каби алломалар меросидан, мусулмон Шарқи маънавий меросида кенг аҳамият касб этган қадимги юнон илмий-маънавий бойликларидан кенг фойдаланилди. Бу даврда Амир Темур салтанатининг таъсирида бўлган ва бўлмаган бошқа мамлакатлар ўртасида маданий алоқалар тез ривожландики, бундай алоқалар маънавий бойликларнинг ўзаро алмашинувига кенг йўл очиб берди. Хусусан, Эрон, Араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатлар билан бўлган алоқаларда маданий бойликлар алмашинуви муҳим аҳамият касб этди.

Тўртинчи - ғоявий омил - бу омил маънавий омилнинг узвий давоми бўлса-да, унинг муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ва ўз даври маънавий ҳаётида катта роль ўйнаганлиги учун алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Марказий Осиёда Юсуф Ҳамадоний, Абдулхалик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий таълимотларини ривожлантириш асосида шаклланган накшбандия таълимоти ва унинг йирик вакиллари XIV-XV асрлардаги сиёсий-ижтимоий ҳамда маданий ҳаётда нихоятда муҳим роль ўйнади, маънавий ўзгаришлар маълум даражада эркинлик учун ғоявий асос, омил бўлиб хизмат қилди. Чунки Баҳоуддин Накшбанднинг «Дил-ба ёр - у, даст-ба қор» “Кўнгил Худода бўлсину, қўл иш билан банд бўлсин” шиори етакчи тасаввуф намоёндалари билан бирга кенг жамоатчиликнинг ҳаёт тарзига айланган эди.

XV асрда яшаб ижод этган накшбандия таълимотининг йирик вакили Хожа Аҳрор Валий нафақат маданий ҳаётда, балки ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётда ҳам муҳим ижобий роль ўйнади.

Бу омиллар Темурийлар даври маданияти ва маънавиятининг тез ва юксак даражада кўтарилишига олиб келдики, унинг ютуқлари узок асрлар давомида кейинги маданий ривожланиш учун асос бўлди.

XIV-XV асрлардаги маънавий-маданий ривожланиш ислом мафкураси мустаҳкамланиб бориши билан узвий боғлиқ бўлган. Исломиий илмлар мадрасаю масжидларда кенг ўқитилиб, қонун-қонда, одат, анъаналар эса, шариат асосида олиб борилад эди. «Темур тузуклари»да азиз-авлиёлар, шайх, сайид, уламолар фаолияти алоҳида қайд этилиб ўтилган.

Амир Темур, мутасаввиф шоирлар ва олимларга катта ҳурмат билан муносабатда бўлган. Амир Темурнинг уч пири бўлган: Шамсиддин Кулол, Сайид Барака ва Зайниддин Абубакр Тойободий.

Тасаввуф таълимотининг Муҳаммад Порсо, Ёқуб Чархий, Хожа Аҳрор каби йирик вакиллари накшбандия тариқатига оид қатор рисоалар яратиш билан бирга, жамиятнинг маънавий покланиши ва ривожланиши

йўлида фаол хизмат қилдилар, давлат арбоблари билан мулоқотда бўлиб, уларга таъсир ўтказдилар. Бу жиҳатдан, айниқса, Хожа Ахрор фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Бу даврда **тиббиёт илми** ҳам ўзининг йирик намояндаларига эга эди. Самарқандга келиб ижод қилган табобат илмининг йирик вакилларидан Бурхониддин Нафис ибн Эваз ибн Ҳаким ал-Кирмоний, Султон Али Хуросоний, Хусайн Жарроҳ шулар жумласидандир.

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда **мантик ва фалсафа фанлари** билан шуғулланган йирик олимлар пайдо бўлди. Бу фанларнинг ривож, асосан икки йирик мутафаккир - Саъдиддин бин Умар Тафтазоний ва Мир Сайид Журжоний номлари билан боғлиқдир. Булардан ташқари, Самарқандда ўша даврда Абдужаббор Хоразмий, Шамсиддин Мунший, Абдулла Лисон, Бадриддин Аҳмад, Нўъмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Жалол Хокий ва бошқа олимлар яшаб ижод этганлар. Ўз даврининг илғор ижтимоий ва ахлокий фикрлари бадий адабиётда, тасаввуф шеъриятида, назм ва насрда, ғазал ва рубойларда муфасссал баён қилина бошланди. Саккокий, Жомий, Лутфий, Навоий, Биноий, Амир Қосим Анвор ва бошқаларнинг бадий асарлари бой фалсафий ва ахлокий мазмунга эгадир.

Бу даврда ахлоқ ва таълим-тарбия муаммоларига бағишланган махсус рисолалар пайдо бўлдики, уларнинг орасида Хусайн Воиз Кошифий ва Жалолиддин Давонийларнинг мероси алоҳида ўрин эгаллайди.

Бу даврда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг мўғуллар зулмидан озод этилиши тарихини ўрганиш ва ёритишга катта эътибор берилди. Низомиддин Шомий, Гиёсиддин Али Яздий, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Абру, Фасих Аҳмад Хавофий, Муиниддин Натанзий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчиларнинг асарлари ҳозирда биз учун ўша давр маданий юксалишини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Илм-фан ва адабиётнинг ривож китобат санъати-янги қўлёзма асарларни кўчириш, хаттотлик, мусаввирлик, муковасозлик каби санъатлар тараққиётига ҳам ижобий таъсир қилди. Нафис китоб ва хаттотлик XIV-XV асрларда янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Хаттот Мир Али Табризий настаълик хатини кашф қилди. Бу усул Ҳиротда Султон Али Машҳадий томонидан юксак босқичга кўтарилди ва Абдурахмон Хоразмий, Султон Али Хандон, Мир Али Қилкалам, Ҳалвоий, Рафикий каби хаттотлар, Мирак Наккош, Камолиддин Бехзод, Қосим Али, Махмуд Музаххиб каби мусаввирлар етишиб чикдилар. Самарқанд ва Ҳиротда, Исфохон ва Шерозда темурийларнинг сарой кутубхоналари ташкил этилди. Уларда қўлёзма асарлар тўпланиб, сақланган.

XIV-XV асрлар Ўрта Осиё халқларининг **муסיқа санъати** тараққиётида ҳам янги босқич бўлди. Янги куй ва қўшиқлар, чолғу

асбоблари ва мусиқа назариясига доир асарлар яратилди. Маҳоратли созандалар, бастакорлар ва ҳофизлар етишди. Абдуқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхӣ, Ҳусайн Удий, Шохқули Ғижжакий, Аҳмад Қонунӣ, Ҳожа Юсуф Андижонӣ, устод Шодӣ, Нажмиддин Кавкабий кабилар шулар жумласидандир. Мирзо Улуғбек, Жомӣ, Навоӣ ва Биноӣлар мусиқа илмига оид асарлар ёзиб, янги куйлар ижод қилдилар. IX-XII асрларда шаклланган 12 мақом бу даврда такомиллашди. Шунингдек, кенг оммага мўлжалланган театрлашган томошалар - халқ сайлларида масҳарабозлар, қўғирчоқбозлар, дорбозлар ўз санъатини намоён қилган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда Темурийлар даврида маданият юксак ривожланди ва камол топди. XIV-XV асрлардаги Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий тараққиётнинг тамал тоши буюк соҳибқирон Амир Темур томонидан қўйилди.

Ҳозирги замон фани Амир Темур ва темурийлар даврини ҳақиқий Ренессанс – Уйғониш даври деб эътироф этмоқда. Зеро, бу даврда ўтмиш даврлар тажрибаларини ижодий ўзлаштиришга ва янгича ёндашувларга, олимлар, меъмор ва ҳунармандлар, миниатюрачи рассомлар, шоирлар, мусиқачилар, янги давр томоша санъати вакиллари олдида турган масалаларни ҳал этишда жиддий янгилеклар киритишга асосланган энг яхши анъаналар тикланди.

13 – МАВЗУ

XVI-XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИНГ ҲОЛАТИ

Режа:

1. Бухоро хонлигидаги маданий ҳаёт. Ижтимоий-фалсафий тафаккур босқичлари.
2. Ҳива хонлигида адабий ҳаёт. Қўқон хонлигидаги адабий ҳаёт. Қўқон адабий муҳитининг ташкил топиши XVII-XIX аср ўрталарида Бухородаги адабий ҳаёт.
3. Бадий маданият. Бадий маданият марказлари. Амалӣ безак санъати. Унинг тараққиётидаги хусусиятлар. Миниатюра санъатининг ривожланиши. Китобат санъати. Театр. Масҳарабозлар театри, қизикчилар театри, қўғирчоқ театри ва унинг намоёндалари.

XV аср охирида Мовароуннаҳр тахти учун темурий шахзодалар ўртасидаги тинимсиз курашлар оқибатида салтанат таназзулга юз тутди. Натижада Мовароуннаҳрни эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган

Муҳаммад Шайбонийхон учун қулай тарихий вазият вужудга келди. Унинг темурийларга қарши 1500–1509 йилларда олиб борган шиддатли курашлари оқибатида Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонни ўз ичига олган Шайбонийлар давлати вужудга келди ва ўзбек давлатчилиги тарихида шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даври бошланди. Самарқанд пойтахт шаҳар деб белгиланди. Бироқ 1510 й. Муҳаммад Шайбонийхон Эрон сафавийлари шоҳи Исмоилдан мағлуб бўлиб, қатл этилгач, Хуросон қўлдан кетди. Шайбонийлар орасида юз берган маънавий парокандаликдан фойдаланиб Исмоил Сафавий Мовароуннаҳр ҳудудини эгаллаб олмоқчи бўлган. Аммо Убайдулла Султон бошчилигидаги шайбоний султонлар бу тазйикни бартараф этиб, мамлакат ҳудудини сақлаб қолишга эришганлар.

Шайбонийлар даврида, айниқса улардан Убайдуллахон (1533-1539) ва Абдуллахон II (1583-1598) ҳукмронлик қилган йилларда мамлакат иқтисодий ва маданий ҳаётида бирмунча ўзгаришлар рўй берди. Убайдуллахон даврида мамлакат пойтахти Бухорога кўчирилгач, шайбонийлар давлати Бухоро хонлиги деб аталадиган бўлди.

Бухоро хонлигидаги маданий ҳаёт. Ўрта Осиё ҳудудида X-XII асрларда вужудга келган суфийлик тариқатлари бу даврга келиб нафакат диний соҳада, балки сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ҳам муҳим роль ўйнай бошладилар. Айниқса нақшбандийлик тариқати кенг қулоч ёйди. Сиёсий ҳокимият шайбонийлар сулоласи қўлига ўтиши билан темурийлар давридаги диний арбоблар ўрнини янгилари эгаллай бошлади. Хусусан, XVI асрнинг иккинчи ярмидан Жўйбор хожалари (шайхлари) нуфузи кучайди. Машхур Махдуми Аъзам Косоний (1549 йил вафот этган)нинг шогирди бўлган Жўйбор хонларидан Хожа Муҳаммад Ислоҳ ва унинг ўғли Хожа Саъдлар мамлакат маънавий, сиёсий – иқтисодий ҳаётида етакчи рол ўйнайдилар. Улар XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоронинг шайхулисломлари, шайбонийлар ҳукмдорларининг пирлари бўлишган. Уларнинг Жўйбор хожалари номини олиши Хожа Муҳаммад Ислоҳнинг бобоси Хожа Муҳаммад Яҳё Бухородаги Жўйбор деган мавзегга кўчиб келиши билан боғлиқдир. Жўйбор хожалари ўзларини ислом динини тарғиб қилиш учун Маккадан Нишопурга, ундан Бухорога келган Имом Али Муртазо авлоди деб ҳисоблаганлар.

Хожа Муҳаммад Ислоҳ шайбонийлар давлатидаги тож-тахт учун бўлган курашларга аралашиб, ўз муриди Абдуллахон II нинг тахтга чиқишига ёрдам берган. Шу туфайли унга Бухоро яқинидаги Сумитон қишлоғи инъом этилади. Жўйбор хожаларининг ота-боболари Бухоро яқинидаги Чор бақр мазорига қўйилгани учун XVI асрдан бошлаб бу ер зиёратгоҳга айлантирилган.

XVI асрдан эътиборан Ўрта Осиёда ижтимоий-фалсафий тафаккур икки босқич (XVI-XVII асрлар ва XVIII - XIX асрнинг биринчи ярми)да ривожланган. Биринчи босқичга Мирзажон Шерозий, Юсуф Қорабоғий,

Мухаммад Шариф Бухорий, Иноятулло Бухорий каби ўз даврининг етуқ файласуфларини киритиш мумкин. Улар фалсафа, тарих, тилшунослик бўйича кўплаб асарлар муаллифлари бўлишлари билан бирга фалсафий характердаги кўплаб шарҳлар ҳам ёзишган. Масалан, Юсуф Қорабоғий (1563-1647) ўтмишдаги буюқ файласуфларнинг аъёнларини давом эттириб, XVI-XVII асрларда фалсафанинг Ўрта Осиёдаги тараққиётига катта ҳисса қўшган. Унинг “Рисолаи ботиниййа” (бу асар “Етти жаннат” номи билан машҳур), “Фи таърифи илм” (“Илм таърифида”), “Мафотих” (“Калитлар”) ва бошқа асарлари маълум. Олим, шунингдек, араб тили, мантиқ, риёзиёт, луғатшунослик ва фикр масалаларига оид қатор рисоалар, шеърлар ҳам ёзган.

Ўрта Осиё фалсафий тафаккури Ҳиндистондаги Бобурийлар давлатига ҳам ёйилиб, ҳинд фалсафаси билан маълум даражада уйғунлашган. Бунда Бедил фалсафаси кенг тарқалган. Бедил инсон эркинлиги, тафаккури ҳақида фалсафий фикрлар баён этган. Унинг йирик асари “Чор унсур” (“Тўрт унсур”, 1703)да тўрт унсур - ҳаво, сув, ер, олов тўғрисида; ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамнинг пайдо бўлиши ҳақида сўз юритилади. Бедил “Ирфон” (“Билим”, 1711-12; “Комде ва Мудан”, “Нукот” асарлари ҳам шунинг таркибида) дostonида фалсафа, тарих, табиат, адабиёт ва илоҳиётнинг хилма-хил масалаларига тўхталган. Бедилнинг ижтимоий масалаларга оид қарашларида маърифатпарварлик, мурувват ва одамийлик асосий ўринни эгаллайди. Унинг асарлари айниқса XIX асрдан Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Иккинчи босқичда айрим шарҳлар, фалсафий рисоалар ёзилган. Фалсафий тафаккур соҳасидаги йирик муаллимлар бу даврда учрамайди, тасаввуф таъсири кучайган, ижтимоий-сиёсий характердаги шеърлар битган шоирлар ижод қилган.

Табиий фанлар. XVI-XIX асрларда ўтган даврга нисбатан Ўрта Осиё табиий фанлар ривожига бирмунча турғунлик ҳолати вужудга келди. Бу жамият маданий ҳаётида ва мусулмон руҳонийларининг мутаассиб қатламини нуфузи кучайиб кетиши билан боғлиқ эди. Шунга қарамай Ўрта Осиёлик олимлар ўтмишдаги буюқ аждодлари Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи каби алломаларнинг асарларига шарҳлар ёздилар, янги ғояларни ўртага ташладилар. Бу давр математик олимлари қаторида Мухаммад ал - Ходи Тож ал-Сайидий, Латиф Мухаммад ибн Бобо Самарқандий (Бобокалон Муфтий номи билан шухрат қозонган), Мухаммад Амин ал-Мўминободий, Абдусамад ибн Қози Мухаммад Акбархон (Хон Улум лақаби билан машҳур), Турсун аз-Зоминий ал-Фарҳизий, Соки Мухаммад ибн Мухаммад Амин ас-Сон Чаҳорёқий, Мирза Бадъ девонларини кўрсатиш мумкин.

Бу олимлардан Латиф Мухаммад ибн бобо Самарқандий (XVI аср)нинг Ўрта Осиёдаги мадрасаларда XVII – XIX асрларда дарслик

сифатида ўқитилган. “Рисола дар илми ҳисоб” (“Ҳисоб илми рисоласи”), “Васийят бар чаҳор қисм” (“Тўрт хил васият”) ва бошқа асарлари диққатга сазовор.

Козизода Румийнинг набираси Маҳмуд Муҳаммад Мирам Чалабий **астрономия** ва математикага оид бир қанча асарлар ёзган.

Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони Субҳонқулихон илми нуҷум (астрономия)га доир “Лубб ул-лавийих ул-камар фил-ихтиёрот” (“Бахтли соатни аниқлашда ой манзилларининг моҳияти”) рисоласи муаллифи ҳисобланади. Астрономия илми ривожига, шунингдек, Аҳмад Дониш (1827-1897) ҳам “Манозир ул-кавокиб”, “Сайёраларнинг жойлашишлари” асарлари билан муносиб ҳисса қўшган. XVI-XIX асрларда **география** фани ҳам бирмунча ривожланди. Географияга доир махсус асарлардан ташқари мемуар характердаги рисоалар, саёхатномалар пайдо бўлди. Низомиддин Абдували ал-Биржандий, Бобур, Султон Муҳаммад ал-Балхий, Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, Маҳмуд ибн Вали, Сайид Муҳаммад Тоҳир ибн Абдулқосим, Абулғози Баҳодирхон, Абдулқарим Бухорий, Худойберди ибн Қушмуҳаммад, Абу Тоҳирхожа Самарқандий кабилар бу соҳага муносиб ҳисса қўшганлар. Жумладан, Биржандий (тахминан 1525 йил вафот этган) “Ажойиб ул-булдон” (“Мамлакатлар ажойиботлари”) асарида Ўрта Осиёда кенг тарқалган бўлиб, унда етти климдаги денгизлар, тоғлар, дарёлар, шунингдек, йирик шаҳарлар – Самарқанд, Бухоро ва Хоразм ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Бобурнинг “Бобурнома”сида Фарғона водийси, Бухоро, Тошкент, Ҳисор, Хирот ва Қобулнинг табиий шароитлари ҳақида маълумотлар келтирилган ҳамда бошқа мамлакатлар ҳақидаги географик маълумотлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳолиси ҳақида қизиқарли фактлар берилган.

Ўрта Осиё халқлари ўртасида **тиббиёт**га доир асарлар кенг тарқалган. Уларнинг орасида Шарқ олимларининг тиббиётга оид мумтоз асарларининг таржима нусхалари, шунингдек, маҳаллий олимларнинг рисоалари ҳам бўлган. Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳиравийнинг форс тилида ёзилган “Жомеъ ал-фавоид” (“Фойдали маълумотлар тўплами”) асари (1511й) кўплаб касалликларни даволашда қўлланма бўлган. У 1882 йил Мулла Муҳаммад Зоҳир ал-Хоразмий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Шунингдек, Нуруллоҳ Аъло ал-Ҳаким, Мулла Муҳаммад Юсуф Қаҳҳол, Убайдуллоҳ ибн Юсуф Али, Муҳаммад Козим, Солиҳ ибн Муҳаммад Солиҳ Қандаҳорий, Жаъфархўжа ибн Насриддинхўжа, Жунайдулло ибн Шайх ал-Ислом, Муҳаммад Шариф Бухорий ва бошқалар тиббиёт соҳасига оид кўплаб асарлар ёзди. Субҳонқулихоннинг “Ихёо ат-тибб Субҳоний” асари турли касалликларни даволашга бағишланган.

Адабий ҳаёт. XVI асрда Самарқанд ва Бухоро мамлакатнинг маданий ва адабий марказлари ҳисобланган. Тарих ва тилшунослик,

адабиётшунослик ва суфийликка доир XVI асрда ёзилган ва бизгача етиб келган асарлар ўша даврдаги адабий, фалсафий ва ижтимоий қарашларни ўрганишда катта аҳамиятга эга. Бундай асарлар сирасига Масъуд ибн Усмон Кўхистонийнинг “Тарихи Абулхайрхоний”, номаълум муаллифнинг “Таворихи гузида Нусратнома”, Абдуллоҳ Насруллохийнинг “Зубдат ал-осор”, Камолiddин Биноий ва Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома”, Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг “Абдуллонома”, Гулбаданбегимнинг “Хумоюннома”, Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Бобурнинг “Бобурнома”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоъ”, Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” кабиларни киритиш мумкин.

Ҳофиз Кўҳакий (1490–1584) Улуғбекнинг шогирди Али Қушчининг авлодидан бўлиб, шайбонийлар даврининг етук тарихчиси, мантик, фикҳ, калом илми олими бўлган. Унинг “Тарихи али Чингиз” (“Чингизхон ва унинг авлодлари тарихи”), “Шарҳи одобул ал-мунозара” (“Одоб ва ахлоқ тўғрисида мунозара” китобига шарҳ), “Фавоид зиёна” (“Мунаввар фойдалар”) каби асарлари маълум.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода кўплаб адиблар, шоирлар бўлиб, улар орасида форсигўй шоир Абдурахмон Мушфикий ажралиб туради. Ҳажвий шоир сифатида шуҳрат қозонган. Мушфикий Абдуллахоннинг сарой шоири бўлгани учун унга аталган кўплаб мадҳиялари сақланиб қолган. Шайбоний ҳукмдорлар, шахзодаларнинг кўтлари ҳам шоир бўлишган. Шайбоний, Убайдий, Хоний ва бошқаларнинг шеърлари бизгача етиб келган. Шу даврда ижод этган шоирлардан Мажлисийни қайд этиб ўтиш жоиз. Унинг “Қисса Сайфулмулк” достони халқ меҳрини қозонган. Асарда адолат, яхшилик ва эзгулик мадҳ этилган, подшоҳлар адолатга чакирилган, хотин-кизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғоялари илгари сурилган. Шоир Ибодулла Сайид Подшоҳожа ибн Абдулвахобхожа ҳам машҳур бўлиб, у Хожа таҳаллусида ҳам наср, ҳам назмда ижод қилган.

Бухорода бу даврдаги адабий ҳаёт тўртта асосий тазкира-Мутрибийнинг “Тазкират аш-шуаро”, Малехо Самарқандийнинг “Музаққир ал-асҳоб”, Мулла Содик Самарқандийнинг “Риёз аш-шуаро” ва Нурмуҳаммад Насафийнинг “Мазҳар ал-мусаннифин”ларнинг яратилиши билан эътиборга молик.

Турди Фарғоний, Мулла Мастий Охундий ва бошқалар шу давр адабиётида прогрессив роль ўйнадилар. Уларнинг ғазалларида ижтимоий-иктисодий ҳаётдаги адолатсизликлар кораланди. Шунингдек, Сайидо Насафий ижоди алоҳида ажралиб туради. Унинг “Хайвонотнома” асари машҳур. Шоир хайвонлар тимсоли орқали адолатсизлик, порахўрлик, амалдорларнинг кирдикорларини фош этади.

Шоир Мужрим Обид ўзбек ва тожик тилларида ёзилган шеърларидан махсус девон тузган. Булардан ташқари, Вола, Шавқий

Каттақўрғоний, Хиромий каби шоирлар ҳам ижод қилишган.

Хива хонлигидаги адабий ҳаёт. Хива хонлигининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги воқеалар маданий ҳаётга ҳам таъсир этмай қолмади. Ижтимоий тафаккурнинг барча соҳаларида реакцион ва прогрессив дунёқараш ўртасида кураш олиб борилди. Буни биз ўша даврда яратилган тарихшуносликка оид асарларда ва шеърӣ тўпламлардан кузатишимиз мумкин. Абулғози Баҳодирхоннинг икки тарихий асари алоҳида эътиборга сазовор.

Абулғози (1603-1664) нафақат Хива хони, балки туркий ва форсийда ижод этган йирик тарихчи олим ҳамдир. Унинг “Шажарайи тароқима” ва “Шажарайи турк” асарлари Ўрта Осиё халқлари тарихи бўйича қимматли манба ҳисобланади. Абулғози тиб илмига оид “Мановиёул-инсон” (“Инсонга фойдали нарсалар”) асарини ҳам ёзган. Хива хонлигида ижод этган адиблардан Андалиб, Паҳлавон Равнақ, Раҳим, Нишотӣ, Муҳаммад Хоқисорларни санаб ўтиш мумкин.

XVII – XVIII асрларда “Гўрўғли” дostonлари туркуми ва “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Сайёдхон ва Ҳамро”, “Санобар”, “Юсуфбек ва Аҳмадбек”, “Баҳром ва Дилором” каби дostonлар халқ орасида кенг тарқалди. Бу даврда Муҳаммад Юсуф Роҳӣ, Бобожон Санойӣ, Худойберганд Мухркан, Муҳаммад Ризо Охунд ва бошқа хаттотлар ижод этди.

Муниҳ ва Оғаҳӣларнинг тарихӣ асарлари “Фирдавс ул-икбол”, “Риёз уд-давлат”, “Зубдат ут-таворих”, “Тулшани давлат” ва бошқалар Хива хонлиги тарихини ўргатишга бекиёс қимматга эга. Муниснинг “Саводи таълим” асари ёшларни хаттотлик санъатини ўрганишларига бағишланган.

Бу даврда Хоразмда кўплаб тарихӣ, илмӣ ва бадий асарлар ўзбек тилига таржима қилинган. Хонликда ўзига хос таржима мактаби шаклланган. Оғаҳӣ, Комил, Санойӣ, Диловар хожа, Муҳаммад Ёқубхўжа ва бошқалар кўплаб асарларни таржима қилишган.

Комил Хоразмӣ (1825-1899) шоир, бастакор, хаттот ва rassom бўлган. У мусиқага оид “Хоразм нотаси”ни ёзган.

Қўқон хонлигидаги маданий ҳаёт. XIX аср бошлари (яъни Олимхон (1798–1809))да хонлиқнинг ижтимоӣ-иқтисодӣ ва маданий ҳаётида ривожланиш маълум даражада содир бўлди. Пойтахт Қўқон шаҳри Марказий Осиёнинг яна маданий марказларидан бирига айланиб борди. Умархон даврида (1802-1822) маданий, илм-фан, адабиёт, шеърӣят маҳаллий нуқтаи назардан ривожланди.

XIX асрда уч ўзбек хонлигида содир бўлаётган ўта ноҳуш сиёсий ва фикрий танглик илм-фан, маърифӣй ишлар таназзулга юз тутди, замонавий тараққиётнинг бош омили ҳисобланган илмӣ янгиликлар мутаассиб, хурофӣй дин пешволари томонидан таъқиб остига олиниб жиддий

тўсқинлик қилинар эди. Натижада ўша даврдаги Европа, Россия ва бошқа халқлар ҳаётида сиёсий танглик кескин илмий-техник, маданий жараёнлардан четда қолиб узок давом этаётган турғунликни бошидан кечираётган эди.

Қўқон хонлигидаги таълим ҳақида гапирадиган бўлсак, у даврда мадраса ва масжидларда аксарият диний билимлардан иборат бўлиб дунёвий фанлар ҳам кам бўлса-да ўқитилар эди. Демак, мусулмон мамлакатларида бўлгани каби мадрасаларда олий ва ўрта махсус таълим берилган. Масжид-мактабларда чегараланган ўрта-махсус билим берилар эди.

Бу даврда ўзбек хонликлари маданий ҳаётида бўлгани каби Қўқон хонлигида ҳам хаттотлик санъати юксак санъат даражаси мақомига етганлигини кўришимиз мумкин. Сарой, айрим мадрасаларда мавжуд бўлган кутибхоналарда ноёб ва қимматбаҳо кўлэзма ҳамда тошбосма усулда нашр этилган китоблардан иборат бой фондаларига эга бўлган.

Қўқон хонлигида халқ хунаромандчилигини ўзига хос анъанавий услубларга эга бўлган хунаромандчилик саноат ишлаб чиқарилишида ёғоч ва ганч ўймакорлиги, наққшкорлик, маиший ва меъморий кулолчилик ва заргарлик санъати, айниқса тўқимачилик, газмолга гул босиш, каштачилик, сифатли қоғоз ишлаб чиқариш соҳаларида нафақат Марказий Осиёда, балки, кўплаб Шарқ мамлакатларида маълум-машҳур бўлган. Қўл меҳнатига асосланган бўлса-да, пойтахт Қўқон заргарлик ва абри баҳор номи билан машҳур бўлган қоғоз маҳсулотлари билан машҳур бўлган бўлса, Шаҳрихон ва чуст тикувчилик, темирдан тайёрланадиган ишлаб чиқариш маҳсулотлари, Андижон ва Марғилон эса, нафис ипак газлама, Тошкент тикувчилик, темир ва мисдан ясалган маҳсулотлари билан машҳур бўлган. Қўқонлик шоир Абдулкарим Фазлий Намангоний томонидан 1821 йилда ёзилган “Мажмуа уш-шуаро” асари XVIII-XIX аср бошларида Қўқон хонлигидаги адабий ҳаёт ҳақида батафсил маълумот берувчи муҳим манбадир. Возеҳнинг “Тухфат ул-ахбоб фи тазкират ул-асҳоб” тазкирасида 200 га яқин шоир ва олим ҳақида маълумот тўпланган.

XVIII аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Ҳувайдо эди. Унинг “Девони Ҳувайдо” куллиётидаги шеърларда инсонпарварлик ғоялари, севги, садоқат, ахлоқий поклик тараннум этилган.

Қўқон хони Умархон ва унинг хотини, машҳур ўзбек шоираси Нодирабегим ўзлари ижодкор бўлганлари туфайли шоир, тарихчи, адабиётшуносларга ҳомийлик қилишган. Улар атрофида **Қўқон адабий муҳити** вужудга келган. Бу муҳит намояндаларидан Акмал Шер, Мухий, Мухсиний, Насимий, Писандий, Рожий, Садоний, Умудий, Фуркат, Шухрат, Амирий (амир Умархон), Бокихонтўра, Гулханий, Ёрий, Завкий, Зорий, Махжуб, Махмур, Мушриф, Низомий, Нодир, Нозил, Ғозийларни санаб ўтиш мумкин. Қўқон адабий муҳити шоирлари ўзбек ва тожик тилларида

ижод этишган ва истеъдодли шоиралардан; Анбар Отин, Бахри Ойим, Дилшод, Зебунисо, Зийнат, Кароматой, Нодира, Саидабону, Тўтиқиз, Увайсий, Махзуна, Фазилатбону, Фидоийа, Ҳофиза Отин, Хайринисаларни айтиб ўтиш лозим.

Гулханий “Зарбулмасал” асари билан ўзбек адабиёти тарихига масал жанрини бойитган шоир сифатида кирди. Махмур “Ҳапалак” ҳажвий шеърида Қўқон хонлигидаги халқ турмуш тарзини акс эттирган. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларидан бири бўлган Махмур ижоди меросида ҳажв санъатининг мураккаб, аини замонда, маҳсулдор ва ёрқин усулларида бири – ўз-ўзини фош этиш усулида яратилган асарлар алоҳида ўрин тутди.

Қўқон адабий муҳитини Жаҳон отин - Увайсий ва Мохларойим-Нодирабегимларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Увайсий шеърлятида эл-юрт дарди, халқ қисмати, ҳасрати бош мавзу бўлган. Нодирабегим шеърляти асосини лирик шеърлар ташкил қилган, уларда муҳаббат, садоқат, меҳр-вафо, аини пайтда шарқ аёлларининг дард-аламлари куйланади. Нодирабегим нафақат ажойиб шоира, маърифатпарвар, балки етук давлат арбоби ҳам бўлган. У мамлакатда бунёдкорлик ишларига ҳам катта эътибор берган. Хусусан, бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар қурилишига бошчилик қилган. Нодирабегимнинг адабий мероси ўз ғоявий-бадий аҳамияти нуктаи назаридан мумтоз шеърлятининг гўзал намуналаридир.

XVI асрдан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудида Бухоро, Хива ва кейинчалик Қўқон хонликларининг барпо этилиши хонлиқдаги халқлар санъатининг кейинги тараққиётига ўз таъсирини кўрсатди. Бунда ҳар бир хонлиқда анъаналарга кўра, санъат маҳаллий ижтимоий, этник хусусиятлар, географик муҳит, маҳаллий мактаб йўналишида ривожланди. XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмида бадий маданият марказлари Мовароуннаҳрда (Бухоро, Самарқанд), Хоразмда (Хива) ва Фарғона водийсида (Қўқон, Андижон, Наманган) қарор топди.

Қўқон хонлиги маданий ҳаёти ўтмишида ўзига хос ўрин эгаллаган санъат турларидан бири бу халқ сатираси эди. Халқ сатираси ўша давр ижтимоий-маданий ҳаётида содир бўлаётган турли нохуш воқеалар, зулм ва зўравонликлар ҳамда иллатларни фош қилувчи халқ “қуроли” га айланган эди. Кенг сатира репертуарларига эга бўлган қизикчи Бидиёршум труппаси шаҳарлараро сайёр сахналар уюштирар эдилар. Умуман, Зокир Эшон Саъди Махсум, Мулла Ҳошим, Умон қизик, Абдулҳасан Қашғарий кабилар раҳбарлигида йигирмадан ортик қизикчи труппалари фаолият кўрсатган.

Бундан ташқари, хонлиқ маданий ҳаётида ўзига хос бўлган дорбозлик, аскиячилик, халқ театрлари ҳосил байрамлари, Наврўз кунлари, диний байрамларда сахна томошалари намоиш этилар эди.

Меъморчилик. Меъморчилик тараққиётида тўртта давр кўзга

ташланади. **Биринчиси** – XVI асрнинг бошидан 60-йилларигача бўлган давр. Унинг хусусияти шундан иборатки, темурийлар даври анъанасини давом эттиришга ҳаракат қилинди. Хусусан, пойтахт Бухорога кўчирилиши муносабати билан унинг бош майдонида Масжиди Калон (1514), унинг қаршисида эса, Мир Араб мадрасаси бунёд этилди (1535/36). Маҳалла гузарларда Хожа Зайниддин хонақоҳи ва баланд масжид қурилган. **Иккинчи давр** – XVI асрнинг 60-йилларидан асрнинг охиригача бўлган давр. Унда Абдуллахон ҳукмдорлиги вақтида давлат ҳокимияти мустаҳкамланиши муносабати билан қурилиш ва меъморчилик юксалган. Айниқса, Бухоро ва унинг атрофида кенг қурилиш ишлари олиб борилган. Бухорода ўз таркибига Модарихон мадрасаси (1566) ва Абдуллахон мадрасалари (1588–90)ни бирлаштирган Кўш мадраса мажмуаси, Говкушон мадрасаси (1570) олдида майдон ва Хожа масжиди (1598) қурилди. Шаҳарнинг бош савдо йўли четларида расталар, марказий бозор бунёд этилди. Рабоднинг шарқий қисмида йирик Кўқалдош мадрасаси (1568–1569), шаҳар четидаги Намозгоҳ масжиди қайта қурилди. Шунингдек, Абдуллахон даврида мамлакатда 1000 дан ортиқ работ ва сардоба, кўплаб масжид, мадраса, кўприк, сув омборлари қурилган. Хусусан, шундай сув омбори қолдиқларидан бири Нурота тумани марказидан 65 км шарқда, эски Оқчоб қишлоғи яқинидаги Бекларсой дарасида ҳозиргача сақланиб қолган. XVI асрда ушбу тўғон ёрдамида 1,2 минг гектар ер майдони сугорилган. Абдуллахон даврида қурилиш ишлари нафақат Бухоро воҳаси, балки Самарқанд, Тошкент, Балх ва бошқа шаҳарларда ҳам кенг қўламда олиб борилган.

Учинчи давр – XVII асрда йирик меъморий мажмуалар қурилиши давом эттирилди. Бухорода Лабиховуз (1619–1622) Нодир девонбеги мадраса ва хонақоҳи қурилиши якунланди. Айниқса, Самарқанд ҳокими Ялангтўшбий Баҳодирнинг ободончилик, қурилиш ишлари соҳасидаги фаолияти эътиборга сазовор. У ўз маблағлари ҳисобига Регистон майдонида Шердор мадрасасини (1619–36), Улуғбек даврида бунёд этилган Мирзойи қарвонсаройи ўрнида Тиллақори мадрасасини қурдирган (1641–46). Тиллақори мадрасасидан жоме масжиди ва мадраса сифатида фойдаланилган. Масжид беағида бошқа бир обида қурилишига етадиган миқдорда олтин сарфлангани учун “тиллақори” (тилладан ишлов берилган) деб аталган.

Тўртинчи давр – XVIII аср охири - XIX асрлар меъморчилиги. Бу давр меъморий обидалари Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида сақланиб қолган. Бу давр ўзидан ажойиб шаҳарсозлик ансамбли – Хивани қолдирди. Унинг обидалари айнан шу вақтда бунёд этилган. Муҳаммад Амин инок (1805), Қутлимурод инок (1809), Сайидбой (1842) мадрасалари, Солиҳбий масжиди (1842) ва бошқалар шулар жумласидандир. Оллоқулихон томонидан қурилган Хивадаги Тошқовли қасри (1832–1841) Хоразм меъморчилигининг ўзига хос услубини ўзида акс эттирган

Амалий безак санъати. XVI-XIX асрлар амалий безак санъатида икки асосий йўналиш-расмий ва халқ санъати мавжуд бўлган. Халқ санъати изчил, бирмунча эркин, ҳаётга яқинроқ бўлган. Халқ санъати кўп турли анъаналарни сақлаб қолган, бироқ XVII аср охиридан эътиборан унинг ривожланишида турғунлик ҳолатлари кузатила бошланди, буюмлар тури, шакли ва безаги соддалашиб борган.

XVI аср охири – XVII асрда амалий безак санъати секин ривожланди, бу мужассамот тузилишидаги бир хилликда, безакнинг мураккаблашуви ва вазминлашувида, гулларнинг майдалашуви ва такомиллашувида, ташки безакнинг кучайишида ўз ифодасини топди.

XVIII асрдаги мураккаб тарихий шароитларда амалий безак санъати гарчи секин ривожланса-да, ўзининг асосий ҳаётийлик мазмунини ва ип матолар ишлаб чиқариш, ипакчилик, гиламчилик, палос тўқиш, заргарлик, кулолчилик, чарм, тош, ёғоч, металлга бадий ишлов бериш каби барча турларини сақлаб қолди. XVIII асрнинг охирида амалий безак санъати таракқиётида юксалиш кўзга ташланиб, у XIX асрнинг сўнгги чорагига қадар давом этган. XIX асрнинг биринчи ярмида қатъий шакл мужассамотини тузишга интилиш кузатилади. Бу хусусиятлар, айниқса, бадий хунармандчилик (абрли матолар гули, зардўзлик, қандакорлик)да аниқ кўзга ташланади. Нақш мужассамоти ва мавзу шаклига кўра бир оз қатъий, сипо ва ташки кўриниши такомиллашган. Хонадонларда яратилган кашталарда XVIII аср санъати хусусиятлари (соддалик ва гўзаллик) узоқроқ сақланган. Бу давр амалий безак санъатининг барча соҳалари шакл, расм ва ўзига хослигини сақлаган.

Миниатюра. Мовароуннаҳрда миниатюра санъати XVI-XVII асрнинг биринчи ярмида раванқ топди. Ўрта Осиё халқлари орасида миниатюра санъати “нақши нигор” номи билан маълум бўлган. Бугунги кунларимизда жаҳон музейлари тўпламларида Ўрта Осиё мусаввирлари томонидан безатилган 60 дан ортиқ нодир қўлёзмалар сақланади. Маҳаллий ва Ҳиротлик усталарнинг ўзаро ижодий ҳамкорлиги туфайли Самарқанд ва Бухорода миниатюра мактаблари гуллаб-яшнади. Беҳзод анъаналари билан боғлиқ биринчи йўналиш қаламтасвирининг ўта нозиклиги, манзара ва меъморий тасвирларга бойлиги, жарангдор, тиник рангларнинг уйғунлиги, мураккаб мужассамоти билан диққатга сазовор. Махмуд Музаҳҳиб ва Чағри Мухассин (Низомий асарларига ишланган расмлар, 1537 – 38 йиллар), “Ашъор”ни безаган номаълум мусаввир (1529 й.) ва бошқалар машҳур бўлган. Иккинчи йўналиш қаҳрамонлар сонининг чекланганлиги, тасвирий воситанинг лўндалиги, ихчамлиги, кескин рангларга бойлиги билан фаркланади. Жумладан, Шайбонийлар даврида ҳукмдорлар учун шажаравий, тарихий асарлар кўплаб яратилиб, улар миниатюралар билан безатилди. Хусусан, Муҳаммад Шодининг “Фатҳнома” (1502–1507), Маъсуд ибн Усмон Қўхистонийнинг “Тарихи Абдулхайрхоний” ва бошқалар шулар жумласидандир. Миниатюраларда

хукмдорлар ва уларнинг турли ҳаётӣй жараёнлардаги тасвирларидан ташқари, тасаввуф ғоялари, фольклор, меҳнат ва ижод, табиат, ҳайвонот дунёси каби мавзулар акс эттирилди.

XVIII асрда маданий ҳаётнинг кескин пасайиши кузатилади. Аммо шундай бўлса-да, китобат санъатининг ривожланиши мусаввирларнинг фаоллашувига олиб келди. XIX аср бошларида яратилган қўлёзмалардаги суратларда аввалги бадий нафосат кўринмайди. Ҳиндистон, Қошғар ва Эрон миниатюра мактабларига тақлид ортди. Хусусан, Навоийнинг “Ҳамса”сига ишланган миниатюралар (1824, Фарғона қўлёзмаси) мавзуи, бадий талқини ўта жўн, ранглар мажмуи тор, оҳанги сўник ва ясамалиги билан ажралиб туради.

Музыка. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида муסיкий ҳаёт асосан пойтахт ва йирик шаҳарларда жонланди. Моҳир муסיкачилар худди аввалги даврлардаги каби ҳукмдорлар саройида тўпланган. Ўтмиш анъаналарига садоқат, ворисийлик, моҳирона ижрочилик санъати туфайли Бухоро ва Самарқанд Ўрта Шарқнинг муסיқа марказларига айланди.

XVI аср бошида Хуросоннинг, Ҳирот ва бошқа шаҳарларидан Мовароуннаҳрга кўплаб муסיкачилар келди. Бухорога Ҳусайн Удий, Ғулом Шоди ва бошқа атоқли қўшиқчилар, созандалар, муסיқа назариётчилари кўчиб келди. Бу маълум даражада маҳаллий муסיқа-ижрочилик ва муסיқӣ-назарий фаолиятнинг жонланишига олиб келади. XVI-XVIII асрда мақом жанри тараққий этди. XVIII аср ўртасида Бухоро (тожикча-ўзбекча) Шашмақоми шаклланди.

Мовароуннаҳр муסיкачилари Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Афғонистон, Хитой, Русия давлати билан муסיкий алоқалар ўрнатганлар. Ушбу мамлакатларнинг муסיкачилари ва шоирлари ижоди Ўрта Осиё шаҳарларининг муסיқӣ ҳаётини қандайдир маънода бойитишга хизмат қилди.

Бу даврнинг муסיқӣ ҳаётида Нажмиддин Кавкабий, Жаъфар Қонунӣй, Али Дўст Найи, Ҳофиз Маҳмуд, Ҳофиз Мирақлар машҳур бўлишган. Хусусан, Нажмиддин Кавкабий муסיқашунос, шоир, бастакор бўлиб, муסיқа илми ва амалиётининг турли масалаларига доир илмий асарлар ёзган. “Рисолаи муסיқӣ” асарида илми муסיқӣ, ўн икки мақом тизимига оид назарий тушунчалар бериб, турли зарб-усулларининг номини келтириб таърифлаган, кўйнинг амалиётидagi хиллари ҳақида маълумот берган. Кавкабий мақомларни кеча-кўндузнинг қайси соатларида ижро этилиши ва ҳар хил руҳий ҳаловатдаги кишиларга таъсири масалаларини баён этган. Айниқса, Дарвиш Али Чангий шухрат қозонган. Унинг “Рисолайи муסיқӣ” асарида XV аср охири – XVII аср бошида Мовароуннаҳрда яшаган, ижод этган ижрочилар, бастакорлар ҳақида батафсил маълумот тўпланган.

Шундай қилиб, XVI-XIX аср биринчи ярмида ижтимоӣй-иқтисодий ҳаётнинг ривожланиши бир мунча сусайган бўлса-да, Мовароуннаҳр

аҳолисининг маданий даражаси нисбатан юқорилигича қолган.

Театр. XVI-XVIII асрларда масхарабозлар театри нафақат пойтахт шаҳарлар – Бухоро, Хива, Қўқонда, балки бошқа шаҳарларда ҳам фаолият олиб борган. Турли хонликлардаги театр гуруҳлари бир-биридан ижро усули, маҳорати, репертуари ва тақдим этиш шакллари билан фарқ қилишган.

Бухоро воҳасида XVIII-XIX асрларда Сайфулла масҳара, Зокир масҳара, Эргаш масҳара ва бошқалар ўз спектакллари билан томоша кўрсатганлар.

Қўқон хонлигида XVIII аср бошида қизиқчилик театри фаолият юритган. Муҳаммад Солиҳ Бидиёршум кўплаб оғзаки пьесалар ижро этган. Бидиёршум труппасида 30 дан ортиқ актёрлар, қизиқчилар (Баҳром қизиқ, Мўмин қизиқ, Давлатёр қизиқ ва бошқалар) бўлган. Улар шаҳарнинг Чорсу майдонида, баъзан хон саройида қизиқчилик қилганлар.

XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда кўғирчоқ театри кенг тарқалган. Унинг “Қўл кўғирчоғи”, “Чодир хаёл” каби турлари бўлган. Уларнинг ҳар иккисидан биттадан асосий пьеса – Полвон қачал (“Қўл кўғирчоқ”) ва “Саркардалар” – “Амалдорлар” (“Чодир хаёл”) бўлган. XIX асрда Ўзбекистон ҳудудида Шосолиҳ, Ғафур, Ҳалфаранг (Қўқон), Орифжон кўғирчоқбоз, Азим бурун, Дониёр (Тошкент), Жўра Қайроқ, Ҳамро кўғирчоқбоз (Самарқанд), Шариф Сайёх, Қори хожи (Бухоро) ва бошқа уста-кўғирчоқбозлар ўз мактабларини яратганлар.

Бу даврда рақс санъати ҳам юксак ривожланган. Халқ-рақс санъатининг Фарғона мактаби ўз таркибига қуйидаги рақс турлари ва гуруҳларини олган: “Катта ўйин”, “Хонаки ўйин”, “Ялла” ва бошқалар. Шулардан “Катта ўйин” мураккаб рақс композициясига эга бўлиб, 60 усулдан ташкил топган.

Хоразмда “Мақом ўйин”, “Лазги”, “Қайроқ ўйин”, “Ялла” ва бошқа рақс турлари тарқалган.

Бухорода рақс мактаби еттита катта ва кичик шакллардан ташкил топган: “Мақом ўйин”, “Қайроқ ўйин”, “Хонаки ўйин”, “Занг бози”, “Ялла” ва бошқалар.

XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида сайёр цирк артистлари – дорбозлар, акробатлар, кўзбойлағичлар, жонглёрлар, хайвон ўргатувчилар ва бошқалар шаҳар ва қишлоқлар майдонларида томоша кўрсатиб, ўзларининг маҳоратларини намоиш этишган.

XVIII аср охири - XIX аср бошида Ўрта Осиё хонликларида анъанавий театр фаолиятида ўзига хос услубий кўринишлар пайдо бўлди. Бухоро амирлигида, масалан, масхарабоз, кўғирчоқбоз, раққос ва бошқаларнинг уюшмалари вужудга келди, бу ўз навбатида уларнинг репертуарлари бойишга ва ижрочилик маҳоратининг ошишига олиб борди. Хоразм анъанавий театрида 2 туркум томошалар - “Тўқма” ва “Хатарли” ўйин яхши шаклланди. Фарғона ва Тошкентда қизиқчилик ва аския

тараккий этиб, сўз санъатига алоҳида эътибор берилди.

Шундай қилиб, XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё хонликлари тарихи фақат ўзаро урушлар, ички низолардан иборат бўлиб қолмаган. Хатто шундай оғир кезларда ҳам мамлакатда маданий ҳаёт ривожланишда давом этган. Гарчи XIV-XV асрлардаги каби юксак даражага эришилмаган бўлса-да, унинг ютуқларини сақлаб қолишга, уни янги ғоялар билан бойитишга ҳаракат қилинган.

Шундай қилиб, XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё жамияти ҳаёти нотекис ривожланган; айрим ўн йилликларда эришилган ютуқлар, кўпинча ўзаро низолар туфайли юзага келган навбатдаги таназзул даври билан алмашган. Бироқ ана шундай оғир дамларда ҳам ўзбек халқининг ижодкорлик фаолияти тўхтамаганидан фақат фахрланишимиз мумкин. Қишлоқ, шаҳарлар қайта қад кўтарган. Хунармандчилик турлари ривожланган. Халқ усталари томонидан бунёд этилган маҳобатли меъморий обидалар бутун дунёга машҳур бўлган. Ҳар қандай оғир, ноқулай шароитларда ҳам халқимизнинг ижодий тафаккури ривожланишда давом этган. Улар орасидан кўплаб иқтидорли олимлар, мутафаккирлар, қўшиқчилар, муסיкачилар, рассомлар, меъморлар ва қурувчилар етишиб чикди.

14 – МАВЗУ

МУСТАМЛАКА ВА МУСТАБИД ТУЗУМ ШАРОИТИДА МАДАНИЯТ

Режа:

1. Чоризмнинг Туркистонда маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати. Хунармандчилик. Театр. Китобат санъати. Тасвирий санъат. Фан. Муסיқа санъати. Меъморчилик. Халқ меъморчилиги. Амалий санъат.
2. Маданиятимизнинг дунёга сочилган дурдоналари. Мустабид совет тузуми даврида Ўзбекистон маданияти.
3. Совет давлатининг маданиятга нисбатан синфийлик ва партиявийлик нуктаи назаридан ёндошуви.

Ўрта Осиё хонликларининг сиёсий-иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан қолоқлиги, тарқоқлиги, ўзаро адоватидан унумли фойдаланган подшо Россияси Туркистонни босиб олишга киришган. 1868 й. Бухоро хонлиги, 1873 й. Хива хонлиги Россия вассалига айланиб, сиёсий мустақилликдан маҳрум бўлган. 1876 й. Қўқон хонлиги тугатилиб, 1867 йил ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Фарғона областига айлантирилган. Шу тариқа ўлкада чоризмнинг мустамлакачилик

режими ўрнатилган.

Туркистон ўлкаси халклари оғир мустамлака шароитида яшашларига қарамай, уларнинг ижодкорлик фаолияти тўхтаб қолмаган. Бунинча Хива хонлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин, хусусан Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) (хонлик даври 1864-1910) даврида Хивада машҳур **кутубхона** ташкил этилади. Кутубхона дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган нодир қўлёзмалар билан муттасил бойитиб борилган. Ўрта Осиёда биринчи марта Хивада литография ташкил қилиниб, ноширлик ишлари йўлга қўйилади. Бу ҳол маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда, ўлка миллий-маданий меросини бойитишда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу ўринда, Муҳаммад Раҳимхоннинг ўзи ҳам шоир ва бастакор бўлиб, шеърларида “Феруз” таҳаллусини қўлагани, шулар қаторида замондош адибу олимлар асарларини ҳам чоп қилдирганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг Хоразм шоирлари ҳақидаги “Мажмуат уш-шуаро” тазкираси жуда машҳур эди.

Хивага келган шарқшунос олим А.Н.Самойлович хон кутубхонасини кўришга муяссар бўлган. Рус олимида кутубхонанинг бойлиги ва ундаги китобларнинг муайян тартиб ва табақалар билан сақланиши жуда катта таассурот қолдиради. У ўзининг “Хива сарой кутубхонаси ва китоб чоп этиш” номли мақоласида бу кутубхонага катта баҳо беради¹.

Бу кутубхоналарда нафақат Ўрта Осиёда ёзилган, балки хорижий мамлакатларда нашр этилган кўплаб китоблар ҳам сақланар эди. Бу ерда араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган асарлар ҳам мўл бўлган, хоннинг ўзи саройга шоир ва олимларни тўплаган. Кутубхона қошида хаттотлар ва мусаввирлардан иборат катта гуруҳ фаолият кўрсатган.

Китоб, қўлёзмаларни йиғиб бориш, уларни маънавий-миллий бойлик сифатида эъзозлаш ва сақлаш, келажак авлодга бериш халқимиз орасида узоқ йиллар давомида анъана ва одатга айланган эди.

Кўкон қадимдан **хунарамандчилик** маркази бўлган. Кўконда мисгарлик, заргарлик, ўймакорлик, қуролсозлик, кулолчилик, қоғозгарлик, бадий тўқимачилик, дўппичилик, каштачилик, темирчилик, кўприксозлик кабилар ривож топган. Кўкон газмоллари Шарқда ва Россияда машҳур бўлган. Айниқса, Кўкон қоғози хунарамандчиликнинг алоҳида тармоғи сифатида ном қозонган ва Ўрта Осиёда энг сифатли қоғоз ҳисобланган.

XX аср бошига келиб Кўконда 52 мадраса, 120 та эски мактаб, ўндан ортиқ жадид мактаби, 3 та рус-тузем мактаби, савдо-тижорат мактаблари бор эди. “Садои Фарғона”, “Янги Фарғона”, “Кўкон садоси” газеталари чоп этила бошлаган.

¹ Самойлович А.Н. О Хивинской придворной библиотеке и книгопечатании. // Туркестанские ведомости. 1880, № 24.

Чоризмнинг Туркистонда маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати. Туркистон подшо Россияси томонидан босиб олинган, рус олимлари томонидан маҳаллий халқлар тарихи, этнографияси, археологиясини ўрганишга оид дастлабки илмий ишлар яратилди. Туркистонда музей очилди, кутубхона иш бошлади. Бу даврда Ўрта Осиё тарихи, этнографияси, иқтисоди, ботаникаси, археологияси ва маданиятига оид ноёб библиографик асар – “Туркистон тўплами” (594 ждан иборат) ҳамда «Туркистон альбоми» яратилди. Рус ва ўзбек тилларида газеталар (“Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газети” ва бошқалар) ҳамда журналлар чоп этилди. Маориф соҳаси ҳам ривожланди. Аммо бу соҳадаги ҳар қандай ўзгаришлар Россия империяси мустамлакачилик манфаатларига бўйсундирилган эди.

Мустамлакачилар маданият соҳасида руслаштириш сиёсатини юргиздилар. Бу аввало маориф тизими-мактаб ва мадрасалардан бошланди. Ўлкада «рус-тузем» мактаблари очила бошланди. Дастлабки «рус-тузем» мактаби 1884 йил 19 декабрда Тошкентда очилди. XIX аср охирида уларнинг сони юздан ошиб кетди. 1917 йилнинг бошларида эса, 170 тага етган эди. Бундай мактабларда ўқув жараёни икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда 2 соатлик машғулоти рус ўқитувчиси (ўқув, ёзув, ҳисоб бўйича), иккинчи қисмда эса, сабоқни ўзбек муаллими олиб борган. Уни очишдан асосий мақсад – мустамлака маъмурияти учун таржимон (тильмоч)лар тайёрлаш эди. Рус-тузем мактаблари учун С.М.Граменицкийнинг 3 қисмдан иборат русча китоблари, Саидрасул Саидазизовнинг «Устои аввал» (1902), Али Аскар Калининнинг «Муаллими соний» (1903) дарсликлари нашр этилди.

Маҳаллий аҳоли турмушига маънавий – руҳий таълим ўтказиш дастурида ўлка хотин-қизларини ва оилаларни русча ҳаёт тарзига ўргатиш алоҳида ўрин эгаллаган. Бунинг учун ўлкада хотин-қизлар амбулаториялари кўпайтирилди.

XIX аср охирига келиб жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида ҳаёт тарзининг юксаклиги, ижтимоий тартиботларнинг инсон табиятига мувофиқлиги, илм-фан тараққиётининг юқорилиги туркистонлик зёлиларни ҳам сергаклантирди. Таълим тизimini яхшилаш, унинг самарадорлигини кўтариш эҳтиёжи пайдо бўлди. Дастлаб, 1884 йилда Кримнинг Бокчасарой шаҳрида Исмоилбек Гаспирали томонидан биринчи жадид мактаби ташкил этилди. Мусулмонча таълим тизимининг моҳиятига даҳл қилмаган ҳолда таълимнинг мазмунини бойитиш, чуқурлаштириш ва уни дунёвий руҳ билан суғориш, ёшларни тезкор суръатлар билан ҳаётга тайёрлаш, уларни замонавий илм-фанни қийналмай ўзлаштира олиш даражасига етказиш жадид мактабларининг олдидаги асосий вазифа эди.

Туркистон ўлкасида ҳам жадид мактаблари очилди. Ушбу мактаблар учун Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Исоқхон Иброт, Саидрасул Саидазизов,

Саидахмад Сиддикий ва бошқа жадидчилик намояндаларининг тузган дарслик ва ўқув қўлланмалари савияси жиҳатидан энг замонавий педагогик асарлар даражасида эди. Подшо маъмурияти бундай мактаблар миллий маданиятнинг ўсишига ёрдам беришидан чўчиб, улар фаолиятини бўғиш учун турли чоралар кўрди.

Театр. Россия мустамлакачилиги даврида Туркистон ўлкасига ўз гоаявий-эстетик хусусиятлари билан маҳаллий анъанавий театрдан кескин фарқ қилувчи рус, кейинроқ татар ва озарбайжон театр тўдалари кириб кела бошлади. Ўзбек маданиятининг илғор намояндалари (Фуркат, Аҳмад Дониш, Бехбудий, Абдулла Авлоний ва б.) маҳаллий аҳолини улардан ўрганишга чақирдилар. Шу тарзда миллий театр яратиш ҳаракати юзага келди, унга жадидлар бош бўлди. 1914 йил Самарқандда Бехбудий бошчилигида ташкил этилган биринчи ўзбек хаваскорлик театр гуруҳи унинг «Падаркуш» драмасини сахналаштирди. Ўша йил Тошкентда Абдулла Авлоний тузган театр гуруҳи ҳам «Падаркуш» билан очилди. Тадқиқотчиларнинг маълумотига қараганда, «Падаркуш» пьесасидан кейин 1917 йилгача ўзбек драмаларининг сони 40 га етган.

Китоб санъати. Туркистонда босмаҳоналар ташкил топиши ва уларда газеталар, журналлар ва китобларнинг чиқиши тасвирий санъат ривожига таъсир қилди, маҳаллий тилларда китоб, газета, илмий тўплам ва тақвимлар нашр этила бошлади. Бу нашрларда тасвирий санъатнинг илк намуналари юзага кела бошлади. Нашр қилинаётган китобларни безашга маҳаллий рассомлар ҳам жалб этила бошланди. 1908 йили Тошкентда нашр қилинган «Шоҳнома», «Фарход ва Ширин» каби китоблар суратлар билан безатилди. XIX аср охири – XX аср бошларида бадий ҳаёт бирмунча ривож топиб санъат услублари Европа санъати услублари билан уйғунлаша бошлади. Китоб санъатида XX аср Европа санъатида кенг тарқала бошлаган «модерн» услуби ўз аксини топа борди. «Ўрта Осиё альманахи» шундай нашрлардан бўлиб, унда геометрик шакл ва чизиклар, уларнинг мураккаб бирлашма ва ҳосилалари яратилган. XIX аср охирида хаттотлик, қўлёзмалар тайёрлаш, босмаҳоналар ёрдамида китоб яратиш жараёни жуда кенгайиб кетди. Бу, сўзсиз, хаттотлик санъатига бўлган талабни ҳам камайтириб юборди. Плакатнинг турли кўринишлари, афиша, реклама, амалий график асарлар бу даврдаги Туркистон бадий муҳитида етакчи ўринни эгаллаб, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этди.

Тасвирий санъат. XIX аср охири – XX аср бошларидаги Туркистон ўлкаси адабий ҳаётида каламтасвир ва айниқса рангтасвир санъати етакчи мавқени эгаллаб, бу санъат турларида рус ижодкорлари пешқадам бўлдилар. Булардан В.Верещагин, Н.Каразин, В.Вележе, О.Федченко ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. В.Верещагин «Туркистон» асарлари туркумини яратди, унда рус қуроли, рус шухрати кўкларга кўтарилди, жанг манзаралари, маҳаллий халқ вакиллари жазолаш мавзуи етакчилик қилди. С.Юдин манзара жанрида санъат муҳлислари орасида шухрат

козонган эди. У 1889–1923 йилларда Туркистон ўлкаси бадий мактабида устозлик қилди.

Анъанавий тасвирий санъат Самарқанд, Бухоро, Қўқон наққош – мусаввирлари (Абдулҳак Махдум, А.Дониш, С.Сиддикий ва б.) ижодида кўринади. Уй-жойлардаги (масковчи бойларнинг) деворий расмлари орасига дарёларда сузиб юрган пароход, темир йўл, хайвонлар тасвири каби янги тасвирий кўринишлар киритила бошланди. Бу эса, азалий анъаналарнинг ўзгаришига олиб келади.

Фан. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёни Россия босиб олгандан сўнг ўлкани илмий жиҳатдан ҳар томонлама ўрганишга киришилди. 1867 йил Туркистон ҳарбий топография бўлими ташкил қилинди. Бу бўлим ўлканинг топографик ҳаритасини тузиш билан шуғулланди. 1867 йили Тошкентда метеорология станцияси очилди. Бирин-кетин табиат, антропология ва этнография хаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими (1870), Ўрта Осиё илмий жамияти (1870) ва бошқалар ташкил қилинди.

Ўлкада ишлаётган археологлар 1895 йилда Туркистон археология хаваскорлари тўғрагига бирлашди. XIX аср охири - XX аср бошларида География жамиятининг Туркистон бўлими (1895) аъзолари томонидан Орол денгизи, музликлар, ўлканинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, сейсмик жараёнлари тадқиқ этилди, фойдали қазилма конлари очилди. Рус олимларининг махсус экспедициялари тупроқшунослик ва гидрология тадқиқотлари ўтказди. 1870 йилда Туркистон оммавий кутубхонаси, 1876 йилда Тошкент оммавий музейи рус шарқшуносларининг саъй-ҳаракати билан ташкил топди. Бу муассасалар аслида Туркистон маънавий бойликларини чоризм манфаатлари йўлида ўзлаштириш йўлида хизмат қилиши керак эди. Музейлардаги энг ноёб бойликлар марказга - Санкт Петербург ва Москвага олиб кетилди.

Самарқанд вилоятининг Хўжанд туманида яшаган Хожи Юсуф Мирфаёзовнинг илмий-маданий фаолияти ҳам диққатга сазовор. Унинг уйи Хўжанд маданий марказига айланган. Фалакиётшунос, математика, география, табобат, тарих бўйича билимдон Хожи Юсуф раҳбарлигида яратилган Ер шари глобуси XIX аср иккинчи ярмидаги илмий кашфиётлардан бири эди. Глобусда 1000 дан ортиқ географик номлар жойлаштирилган. Умуман олганда, XIX аср охири - XX аср бошларида Сатторхон Абдуғаффоров, Саидрасул Саидазизов, Жўрабек Қаландар Қориўгли, Шохимардон Мирғиёс ўғли ва бошқа маърифатпарварлар гуруҳи фаолият кўрсатганлар.

Мусиқа санъати. Анъанавий кўшиқчилик санъати. Маълумки, ўтмишда маҳаллий ҳукмдорлар мусиқа санъати аҳлига ҳомийлик қилиб келган.

Туркистон Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг, бу анъаналар йўққа чиқарилди. Маҳаллий халқ орасидаги миллий мусиқа

санъатига бўлган азалий кизиқиш европача мусика жанрлари, ижрочилиги ва таълим тизимини астойдил сингдириш йўли билан поймол қилинди. Тошкент, Қўқон, Фарғона, Бухоро, Самарқанд каби йирик шаҳарларда рус императори мусика жамияти бўлимлари, унинг таркибида эса, «Лира» хор жамияти (1898), Мусика ва драма (1907), Симфоник ва камер мусика (1908), Вокал мусика (1914) сингари европача мусика шахобчалари кенг фаолият бошлади.

Маҳаллий шароитда атоқли хонанда, бастакор, созандалар атрофида муайян «устоз-шогирд» тизимидаги мактабларгина маҳаллий анъаналарни давом эттириб келди. Хусусан, Бухорода – «Шашмақом» ижрочилик мактаби Ота Жапол (1845–1928), Ота Ғиёс (1859–1927) ва Леви Бобохон (1873–1926)лар, Самарқандда – мақомчилик ва бастакорлик Хожи Абдулазиз (1852–1936), Хоразмда – мақомчилик Паҳлавон Ниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий, 1825–1897), Фарғонада - созандалиқ Рустам Меҳтор (1860–1933), катта ашулалчилик Эркакори (1877–1954), Тошкентда – мақомчилик ва ашулалчилик Тўйчи Ҳофиз (1868–1943) сингари устозлар атрофида тараккий топди.

Мустамлака шароити бўлишига қарамадан, Туркистон ўлкасида анъанавий қўшиқчилик санъати тараккий эта борди. Айниқса, Фарғона водийсида яратилган куй-қўшиқлар ўша даврнинг оғир кунларини, эзилган меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-умидларини ифодалаганлиги билан характерланади.

XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларидаги мураккаб иқтисодий, сиёсий вазиятга қарамадан, ўзбек санъаткорларининг номи бошқа давлатларга ҳам тарқалган. Масалан, самарқандлик машҳур ҳофиз Хожи Абдулазиз Расулов Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Ироқ ва Юнонистон мамлакатларида ўз санъатини намоиш қилган. Тошкентлик Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовнинг овозини Ёркент, Ғулжа, Чугучак аҳли севиб тинглаган. Тўйчи ҳофизнинг 25 га яқин қўшиғи Рига «Граммофон» жамияти томонидан 1905 йилда ёзиб олиниб, тарқатилган.

Анъанавий ўзбек қўшиқчилик маданиятининг ривожланишида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг алоҳида ўрни бор. У ўз шеърларини халқ куйларига солиб, таниш ашула ёки қўшиқлар оҳангига мўлжаллаб ёзилишини таъминлади ва бу билан ушбу асарлар тезроқ халқ орасида ёйилди.

Меъморчилик. Халқ меъморчилиги. XIX асрга келиб Ўрта Осиё хонликларида ўзига хос меъморлик мактаблари шаклланди. Хивада бино беағи учун уч хил ранг (кўк, оқ ва қора) қўлланилган. Масалан, Муҳаммад Аминхон мадрасаси (1851–52), Калтаминор (1885) ва бошқа обидаларда қўлланилган ранг бунга мисолдир. Бухоро меъморлик мактабига хос услублар Ҳалифа Ниёзқул мадрасаси, Ситораи Моҳи хоса (XIX аср охири)да кўзга яққол ташланади. Бухоро Аркидаги уй-жой бинолари, атрофдаги гузарлар таркиби, синчқори уй-жой ва ҳовлилар меъморий

услуги, безаклари юксак санъат ва маҳорат билан ишлангани учун ҳозиргача алоҳида эътиборни тортади. Хива шаҳрининг Ичан қалъасидаги Шерғозихон мадрасаси, Богбонли масжиди, Пахлавон Маҳмуд мақбараси мажмуоти, Тошҳовли саройи, Оллоқулихон карвонсаройи ва тими, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Калтаминор ва атрофдаги уй-жойлар Хоразм меъморий мактаби, маҳаллий анъаналари янгидан қад кўтариб, ривожланганидан дарак беради. Ичан қалъадаги энг баланд Исломуҳжа минораси (1908) Хоразм меъморчилигининг энг сўнгги ёрқин намунаси десак бўлади. Қўқон мактабидаги меъморий услуб хусусиятларини Хўжа Амир макбараси, XVIII-XIX аср биринчи ярмида қурилган Норбўтабий мадрасаси, Даҳмаи Шоҳон ва Модарихон даҳмалари (1825), Норбўтабий ва унинг авлодлари мақбаралари ҳамда кейинги даврда бунёд этилган Худоёрхон ўрдаси, Андижон, Марғилон ва Қўқондаги жоме масжиди ва мадрасалари мисолида кузатиш мумкин.

Марғилондаги Саид Аҳмадуҳжа мадрасаси, Шаҳрихондаги Понсод масжиди, Андижондаги Жоме мадраса масжидининг ички кўриниши Фарғона меъморчилигининг юксак бадиий маҳорати ҳақида тасаввур берадиган нодир манзарали безакларга бой.

Халқ меъморчилигининг ўзига хос томонлари XX аср бошларида қурилган Аюббой, Олимхон ҳожи, Абдурахмон қози, Саъдихон қози, Аҳмадбек ҳожи ва бошқа иншоотларда ўз ифодасини топган.

Аюббой иншооти икки ҳовлили (ичкари ва ташқари), пойдевори баланд қилиб қурилган. Ташқари ҳовлида меҳмонхона, “Г” симон айвон бўлиб, айвонда қатор ўймакор устунлар ишланган. Меҳмонхона ички деворларидаги тоқчалар атрофи ганчкор турли шакллар ҳамда арабий ёзувлар уйғунлашган нақшлар билан безатилган. Шифт беағида қизил заминда босма ҳандасий нақшлар, ислимий безаклар, марказига эса, муқарнасли ҳавзак ишланган.

Олимхон ҳожи уйи бир қаватли ўзаро мутаносиб тарҳга эга бўлиб, хом ғиштдан қурилган квадрат даҳлиз, иккита тўғри бурчак тарҳли хона ва “П” симон айвон, меҳмонхонадан иборат. Даҳлиз ва шарқий хона европача услубда пардозланган, шифтлари ганчкор турунжлар билан безатилган ва оч яшил заминга нақшлар, дераза ва эшикларга шаклдор ҳошиялар ишланган. Ҳарбий хона ва айвон маҳаллий айвонларга мувофиқ ҳолда пардозланган: қизил заминда ҳандасий ва ислимий нақшлар билан безатилган.

Саъдихон қози уйи икки ҳовлили, ўзаро қўшилиб кетган ташқари ва ичкаридан иборат, бу икки қисмнинг қириладиган алоҳида-алоҳида эшиги бўлган. Кўча томон (ташқари) даҳлиздаги молхона ва унга тақаб қурилган айвондан иборат. Тўғри бурчакли ичкари ҳовлида эса, иккита айвонли хона ва бир неча хўжалик бинолари қад кўтарган. Унинг пойдевори 2 м, унинг биринчи қавати (тағхона)да молхона ва омборхона жойлашган. Айвонга тошдан ишланган зина орқали чиқилган. Зина бўйлаб темир панжара,

айвоннинг тўсинлари орасида токи ўрнатилган. Тўсинларни салобатли ёғоч устунлар кўтариб турган. Айвонлар тошўчоқлар билан иситилган. Хона деворлари тоқчали ганчкор нақшлар билан ишланган. Шифтига тўддириб гул солинган.

Андижонлик савдогар Аҳмадбекхожининг уйи “П” симон тарҳли, жанубга қаратиб қурилган. Уйнинг икки қаватли ғарбий қисми уй эгасининг идораси вазифасини ўтаган, қолган қисми турар жойи бўлган. Ҳовлининг теварак-атрофи бўйлаб айвон қурилган. Иккинчи қават йўлаги қатор хоналарни бирлаштирган. Ҳамма дарвоза ва эшиклар анъанавий ҳолда ҳовли томонга қараган. Уйнинг идора вазифасини ўтайдиган қисми европача усулда пардозланган-шифти нақшинкор ганч билан безатилган, катта хоналарга нақшинкор сирланган печлар қурилган, деворлар тоқчасиз бўлиб, мойбўёқ билан пардозланган, айвон эшикларининг орасига Фарғона турар жойлари учун анъанавий бўлган кўк рангда ислимий ва ҳандасий нақшлар ишланган. Ёғоч карниз жимжимадор қилиб ўйилган.

XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқонда рус ҳарбий муҳандис ва меъморлари томонидан энг замонавий лойиҳалари асосида маъмурий ва турар жой бинолари қурилган.

Бу лойиҳалар модерн услубида Европа меъморларига тақлидан яратилган эди. Буларга Тошкентдаги Романов саройи (1880), Ўқитувчилар семинарияси (1881), Эркаклар гимназияси (1883), Марғилонда Фарғона губернатори қароргоҳи (1885) ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

“Немис ренессанси” меъморий услубида эса, асосан меҳмонхоналар, савдо марказлари қурилган. XX аср бошларида шахсий уйлари қуришда рус меъморлари маҳаллий меъморлик анъаналаридан ҳам кенг фойдаландилар – Тошкентдаги А.Л.Половцев уйи (1900, ҳозирги Халқ амалий санъат музейи) қурилишига маҳаллий халқ меъморлари жалб этилгани учун архитектура жиҳатидан кенг омма эътиборини қозонди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ўзбек амалий безак санъатида ҳаётни чуқур ҳис этиш, санъат турларининг қадимги, фойдаланиладиган материалларнинг хилма-хиллиги, юксак маҳорат кўзга ташланади. XIX аср охири - XX аср бошларида санъатда соддалаштиришга интилиш кузатилади, иқтисодий ва техника тараққиётининг янги шароитларида янги хусусиятлар юзага келди. Бу даврда амалий безак санъати секин ва нотекис ривожланди, унга услубий бирликнинг йўқлиги хос бўлиб, қарама-қарши анъаналар ва хусусиятларни кузатиш мумкин. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитлар амалий безак санъати бадиий йўқотишларга олиб келди.

Қизиқчилик - ўзбек анъанавий театр тури. Қизиқчилик театри, асосан Қўқон хонлиги ҳудудида (айниқса, Фарғона водийси ва Тошкентда) расм бўлган, ижроچиси қизиқчи (қизик), тўда бошлиғи ва иш юритувчиси корфармон деб аталган.

XIX асрда қизикчиларнинг труппалари (масалан, Бидиёршум, Зокир Эшон бошчилигидаги труппалар) фаолият кўрсатган. Бидиёршум труппаси XVIII аср охири - XIX аср биринчи ярмида Қўқонда ижод қилган. Унинг репертуари, асосан, ҳажвия, аския, мусика, ашула ва рақслардан иборат бўлган. XIX аср иккинчи ярмида Зокиржон қизик тўдасига 20 дан зиёд қизикчи уюшган бўлиб, юзга яқин танкид, муқаллид, кулки-хикоялар ва латифалар намоиш этишган*.

Даврий матбуот. Ўзбекистон ҳудудида матбуотнинг пайдо бўлиш жараёни XIX - асрнинг 70 - йилларига тўғри келди. Мустамлакачилар минтақада яшовчи ерли халқларга ўзларининг сиёсатларини тарғиб ва ташвиқ этиш мақсадида 1870 йилда Тошкентда “Туркестанские ведомости” ва “Туркистон вилоятининг газети”ни ташкил этган. Марказий Осиёда даврий матбуот шу тариқа пайдо бўлди. Мазкур газеталарнинг ҳар иккиси ҳам 1917 йилгача чоп этирилгани боис, Туркистон матбуоти тарихида узок муддат давомида узлуксиз фаолият кўрсатган даврий нашрлар саналади.

“Туркистон вилоятининг газети” ўзбек публицистикасининг шаклланишига йўл очди. Зокиржон Фуркат, Сатторхон Абдуғафоров, Исоҳон Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий ва бошқа кўплаб зиёлиларнинг бу газета билан ижодий ҳамкорлиги натижасида Туркистон ўлкасида жаҳолатга қарши кураш, омmani, айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама илм-маърифатли қилиб тарбиялашга интилиш ҳаракатининг кучайишини таъминлади. Бошқача айтганда, мазкур нашр маърифатпарварларнинг фикр ва сўз айтиши учун илк минбар вазифасини ўтади.

XIX асрнинг 90-йилларига келиб Туркистонда матбуот соҳасида ўзига хос янгилашиш жараёнлари кузатилди. Рус тилидаги дастлабки хусусий газеталар нашр қилина бошланди. Дастлаб Самарқандда, кейинроқ Тошкентда нашр этилган “Окраина” (1890–1907), Тошкентда чиққан “Русский Туркестан” (1898–1907) газеталари шулар жумласидандир.

Айнан шу даврда “Среднеазиатский вестник” (1896), “Туркестанский скорпион” (1907, ҳажвий), “Средняя Азия” (1910–11), “Туркестанский каракурт” (1911, ҳажвий) журналлари Туркистон журналчилигининг илк намуналари эди. Ўзбек тилида эса, “Ойна” (1913–15), “Ал-ислоҳ” (1915) каби журналлар ҳамда “Ал-изоҳ” (1917) ва бошқа альманахлар ҳам ўлканинг тарихини, ўша кездеги аҳолини ўрганишга, ўқувчиларнинг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондиришга қўмаклашди.

Чоризм маҳаллий халқлар онги ва билим савиясининг юксалишидан манфаатдор бўлмаган. Шу боис ҳукмрон сиёсат миллий онгнинг юксалишига хизмат қиладиган воситаларнинг, жумладан, миллий тилдаги

* Зокиржон Эшон (лақаби Зокиров) қарийб ярим аср даврида Қўқон актёрлар гуруҳига раҳбарлик қилган. Тақлидчилик, маъноли имо-ишора ва ҳаракатлари, маъноли сўз ва оҳангдор товуш унинг асосий бадиий ифода қуроли бўлган.

даврий нашрларнинг юзага келишига имкон қадар йўл қўймади. 1906 йилга қадар бутун ўлкада ягона “Туркистон вилоятининг газети”дан бўлак маҳаллий тилда биронта газета нашр қилинмагани ҳам бунинг исботидир.

Туркистон жадиidlарининг етакчи намоёндалари: Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавваркори Абдурашидхонов, Абдулла Авлониylлар демократик йўналишдаги ўзбек матбуотини шакллантиришга катта ҳисса қўшдилар. Жадиidlар миллий даврий нашрлар фаолиятини ташкил этиш ва йўлга қўйишда маҳаллий рус матбуоти ҳамда Россиянинг турли ҳудудларида татар тилида нашр қилинган газеталарнинг, хусусан, маърифатчи Исмоилбек Гаспирали муҳаррирлигида чиққан “Таржумон” гезетасининг иш тажрибасига таяндилар.

Ўзбекистонда чинакам миллий матбуотнинг юзага келиши 1906 йил 27 июндан Тошкентда чиқа бошлаган жадиidlарнинг “Тараққий” газетаси билан боғлиқ. Унинг саҳифаларида подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини фoш қилувчи мақола, хабарлар босилган. Газета материалларидаги танқидий руҳ мустамлакачи маъмурларга ёқмаган. 19 сони чиққач, газета ёпиб қўйилган. Газетанинг илк сони чиққан 27 июнь 1993 йилдан буён мамлакатимизда «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» сифатида нишонланади.

“Садон Туркистон” (Тошкент, 1914-15), “Самарқанд” (1913), “Садон Фарғона” (1914) газеталари ҳамда “Ойна” (Самарқанд, 1913-15) журналларини савияси, омма онгига таъсири жиҳатидан ўзбек матбуоти тарихидаги энг ибратли нашрлардан деб ҳисоблаш мумкин.

1917 йил Россиядаги февраль инқилоби Туркистондаги ижтимоий муносабатлар, шу жумладан, матбуот ривожига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Миллий бирлик ҳаракатини авж олдиришга, ўзбек халқининг истиклолга эришиш йўлидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга 1917 йилда ташкил этилган “Нажот”, “Турк эли”, “Турон”, “Улуғ Туркистон”, “Хуррият” (Самарқанд), “Эл байроғи” (Қўкон) газеталари ва “Юрт” (Қўкон), “Чаён” журналлари ўзига хос ҳисса қўшди.

Маданиятимизнинг дунёга сочилган дурдоналари. Тарихдан маълумки, Туркистон ҳудуди қадимдан турли мамлакатлар учун ўлжа манбаи бўлиб келган. Ўрта Осиёга турли мақсадларни кўзлаб келиб-кетган илмий, ҳарбий экспедициялар, сайёҳлар, тижорат вакиллари энг аввало Ўрта Осиёнинг қимматбаҳо, бетақрор бойликлари кизиқтирган.

Россия империясининг Ўрта Осиёга босқини нафақат унинг ҳудудини эгаллаш, аҳолисини талаш билан чекланган, балки ўзбек халқининг маданий меросини талон-тарож қилиб, ташиб кетиш ва маданият ёдгорликларини ҳароб қилиш билан бирга содир этилган.

Россия империяси мустамлакачилиги даврида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Қўкон каби кўҳна шаҳарлар ҳазинасида тўпланган бойликлар махфий режалар асосида баъзан очикчасига талон-тарож этилди.

Хива юриши вақтида ҳарбий маслаҳатчи бўлган шарқшунос А.Л.Кун

турли йўллар билан тўпланган 300 китобдан иборат шарқ қўлёзмаларини 1873 йил Император халқ кутубхонасига топширган. А.Л.Кун ва унинг гуруҳи Хивадан танга зарб қилишга мўлжалланган 200 нусха қолип, муҳрлар боғлами, хон тахти, 172 нусха Жўжихон тангалари, Қўнғирот сулоласидан бўлган Хива хонларининг 3 нусха танга ва бир қатор этнографик ашёларини, хусусан, аёллар ва болалар кийим-бошлари, кўплаб тилла ва қумуш безакларини² олиб кетган.

Қўкон босқини вақтида ҳам тарих, тиббиёт, ҳуқуқ ва илоҳиётга доир 130 қўлёзма китоб Россияга олиб кетилган ва Император халқ кутубхонасига топширилган. Демак, Қўкон архиви ҳам, худди Хива хонлари архиви каби босқинчилар томонидан зўравонлик билан олиб кетилган.

Туркистон генерал - губернаторларининг ўзлари Туркистондаги бойликларнинг энг биринчи қароқчилари ва шахсий коллекцияларнинг тузувчилари эди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон халқларининг фан ва маданияти мустамлака тузумининг биқик таркибида ҳам, руслаштириш сиёсатининг барча зугум ситамларига қарамай, ривожланишдан тўхтамади. Мустамлакачилар халқимизнинг илм-маърифатга интилиши, илғор ғоялар ва истиклол истагини бўғиб ташлай олмадилар.

Чоризмнинг маданият соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- Чор ҳукумати Туркистонда турғунлик ҳолатини сақлаш, ўзаро низо-адоватлар уруғини сепиб турган ҳолда улардаги миллатпарварлик, юртсеварлик ва жанговарлик туйғуларини ўлдириш.

- Ўлка халқларини ўз тарихи ва маданиятидан узоқлаштириш. Бу соҳада чоризм жуда изчил иш юритди. Олимлар, илмий жамиятлар томонидан Туркистон тарихига доир моддий ва маънавий ёдгорликлар йиғиб олинди ва Москва ҳамда Санкт-Петербургга жўнатилди. Шундай қилиндики, эндиликда ўлка тарихини ўрганиш учун туркистонликлар ана шу марказларга боришга мажбур бўлишди.

- Мустамлака маъмурияти ўлкадаги тарихий адабиётларнинг қаровсиз қолиб қолган бўлишига атайлаб йўл қўйди.

- Чоризм халқ маорифи соҳасидаги руслаштириш сиёсатини рус-тузем мактаблари тизимини вужудга келтириш ва рус тилига давлат мақоми бериш воситасида амалга оширди.

Мустабид совет давлати даврида Ўзбекистон маданияти

1925 йил СССР таркибидаги Ўзбекистон ССР тузилган. Албатта, бу «ўзбек халқининг миллий давлатчилиги ташкил қилинди» деган фикрни

² Садққова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. Тошкент, "Фан", 1975, с.31.

англатмайди. Чунки ЎзССР амалда ҳеч қандай суверенитет ва мустақилликка эга эмас эди. Россия империяси даврида бўлгани сингари совет даврида ҳам Ўзбекистон марказнинг чекка мустамлака ўлкаси бўлиб қолаверди.

Совет давлати ўзининг дастлабки йилларидаёқ маданиятга нисбатан синфийлик ва партиявийлик нуктаи назаридан ёндошиб, бутун мамлакат бўйича “марксча-ленинча методология”га асосланган социалистик маданий-маърифий қурилишни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб олган эди.

Мамлакатда кўплаб клублар, маданият уйлари, саройлари, кинотеатрлар, музайлар барпо этила бошланди.

Бу соҳада коммунистик партия родини кучайтириш, сиёсий мафқурани омма онгига турли йўللار билан сингдиришга катта эътибор берилди.

Шўролар даврида маданият ҳукмрон мафқура, мустабид тузум таъйиқида Ғарб маданиятига тақлидан ривожланди. Иккинчидан, миллий маданиятнинг бой ўтмиши бир ёклама ўрганилиб, унинг кўпгина бебаҳо дурдоналаридан халқимиз бебаҳра бўлиб келди. Аммо ҳар қандай тўсиқларга қарамай маданият соҳасида Ўзбекистонда бир мунча ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистон маънавий-сиёсий ҳаётида маданий-маърифий муассасаларнинг энг синалган шакли сифатида **клуб** муассасалари очилиб, уларнинг фаолияти сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маърифий, мафқуравий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилди.

Ўзбекистонда биринчи клублар 1918 йил Тошкент (Туркистон халқ университети хузурида) ва Самарқанд (Қушхувуз маҳалласидаги мусулмон клуби)да очилди. 1920 йилларда махсус маданий - маърифий муассасалар (клуб, халқ уйи, қизил чойхона, қироатхона ва бошқалар) тизими «меҳнаткашларнинг коммунистик тарбияси» ва Халқ маърифатининг асосий воситаларидан бири сифатида халқ маориф комиссарлиги таркибида ташкил топган. 1924 йили клуб муассасалари сони 134 тага етган бўлса, 1978 йили Ўзбекистонда 3880 та маданият уйи ва саройлари фаолият кўрсатди.

Маданий-маърифий, сиёсий-мафқуравий ишлар тизимида **кутубхона** алоҳида эътибор берилди. Уларга партия ва совет давлатининг сиёсатини кенг омма орасида тарғиб этишнинг муҳим воситаси сифатида қаралди.

Ушбу кутубхоналар асосан омманинг ғоявий-сиёсий онгини ошириш учун иш олиб борар эдилар. Шу мақсадда кутубхоналардаги совет мафқурасига зид кўплаб нашрлар йўқ қилинди. Натижада, ўзбек миллий маданияти, тарихи, маънавий меросига оид кўплаб ноёб асарлар илмий-бадиий муомаладан олиб ташланди.

Маданий - маърифий ишларда **музейлар**нинг родини оширишга катта аҳамият берилди. Музейлар асосан ғоявий-мафқуравий вазифаларни

бажарар эдилар*.

Республикадаги мавжуд музейлар иш фаолиятини такомиллаштириш, уларга ягона марказлашган раҳбарликни ташкил этиш мақсадида 1921 йил 20 майда Туркистон Республикаси музей, қадимий ёдгорликлар, санъат, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Турккомстарис, 1927 йилда Узкомстарис) ташкил этилди. Қўмигага республикадаги барча тарихий ёдгорликларни химоя қилиш, ҳисобга олиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Натижада, шу йилнинг ўзида 52 та йирик ёдгорликлар ҳисобга олинди, 114045 та моддий ва маданий бойликлар музейларга тўпланди. 1975 йилда 34 та давлат музейи мавжуд бўлиб, шулардан 4 таси тарихий 4 та мемориал, 2 санъат ва 15та ўлкашўнослик музейлари эди. Хива (1964), Самарқанд (1982), Бухоро (1985)да музей-қўриқхоналар ташкил этилди.

Шўролар даврида Ўзбекистон адабиёти ўзига хос тарзда, кескин мафкуравий тазйиклар таъсири остида ривожланди.

Совет давлатининг изчил мафкуравий тарғибот ишлари натижасида кечаги жадид ёзувчиларининг бир қисми шўролар томонига ўтган, ўтмаганлар эса, таъқиб қилина бошланди. Совет давлати назоратидаги «Қизил қалам» адабий ташкилоти (1926-30), Туркистон йўқсил ёзувчилари уюшмаси ҳамда бу уюшма вилоят ва шаҳар бўлимлари (1928-32)нинг ташкил этилиши, ёзувчиларнинг «ўнг», «сўл», «йўловчи» каби турли гуруҳларга ажратилиши ўзбек адабиётининг тараққиётига катта зарба берди. Мустабид тузумнинг инсоният тарихида мисли кўрилмаган катагон сиёсати натижасида 30-йилларнинг иккинчи ярмига келиб А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Тавалло, Элбек, Ғулом Зафарий, Ғози Юнус, Усмон Носир сингари ўнлаб шоир ва ёзувчилар йўқ қилиб юборилди. 50-йилларнинг бошларида эса, М.Шайхзода, Шухрат, Шукрулло, Саид Аҳмад, М.Исмоилий, Ҳамид Сулаймон сингари ёзувчи ва адабиётшўнослар катагон этилди.

20 – йилларда йўқсил (пролетар) адабиётининг барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракат натижасида шундай насрий асарлар майдонга келдики, улар бойлар фақат золимлар, камбағаллар эса, янги жамиятни барпо этувчи илғор кучлар сифатида талқин этила бошлади ва халқнинг бу ҳар иккала қатлами ўртасидаги зиддият шу давр адабиётининг асосий конфликтни сифатида тасвирланди.

Совет ёзувчиларининг 1-қурултойи (Москва, 1934)да социалистик реализм совет ёзувчилари учун ягона ижодий метод деб эълон қилинган. Бу методга кўра совет воқелигини «инқилобий тараққиёт»да, яъни пардозлаб кўрсатиш ва аксинча, «феодал ўтмиш»да рўй берган воқеа-ҳодисаларни қора бўёқлар билан тасвирлаш зарур эди. Аммо шундай

* 1918 йилда князь Романов тўплаган коллекциясидан Ўрта Осиёда биринчи бадий музей (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат музейи), 1920–30-йилларда Наманган, Хива, Бухоро, Қўқон, Андижон, Термиз, Нукус ва бошқа йирик шаҳарларда ўлкашўнослик музейлари очилди.

даврда ҳам А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» сингари даврнинг мафқуравий панжараларини ёриб-парчалаб ташлаган романлари ҳам яратилди.

Жадид ёзувчилари бошлаб берган замонавий ўзбек адабий тили ва услубини яратиш жараёни шу даврда, биринчи навбатда, А.Қодирий ва Чўлпон, шунингдек Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон ва бошқа ёзувчиларнинг ижодий меҳнатлари билан маълум даражада ўз якунини топди. Ойбекнинг «Қутлуг қон» романи 20-30 йилларда ўзбек насрида олиб борилган ижодий изланишларнинг синтези сифатида юзага келди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида адабиёт уруш мавзусини ёритишга сафарбар этилди. Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Шайхзода, Уйғун, Миртемир ва бошқа ёзувчи, шоирлар ўз асарлари билан фронт ва фронт орқасида курашаётган армия ва ҳамда душманга нисбатан нафрат ва ғазаб туйғуларини уйғотувчи, уларни ғалабага ундовчи урушида қаҳрамонона курашга рағбатлаштирувчи асарлар ёздилар. Айниқса, Ойбекнинг Навоий романи бу даврнинг ўлмас асари бўлиб, адиб бу асари билан ўзбек адабиётида тарихий-биографик роман жанрини бошлаб берди.

Давлат ва партия урушдан кейинги дастлабки йилларда (1946–48) адабиёт ва санъатни тамомила издан чиқарувчи, яна 1937–38 йиллар катагонини ёдга солувчи мафқуравий қарорларни чиқарди. Бу қарорлар асосида ўзбек халқ оғзаки ижодининг дурдонаси - «Алпомиш» эпоси «феодал давр мафқураси билан суғорилган», «совет халқига ёт асар», деб эълон қилинди. Аруз вази шەъриятда совет даврида рўй бераётган «оламшумул ўзгаришларни ифодалашга қодир бўлмаган вазн» сифатида қувғинга учради.

Уруш ва урушдан кейинги машаққатли йиллар тасвири Ш.Рашидовнинг «Бўрондан кучли», И.Раҳимнинг «Ихлос» (1958) романларининг ғоявий йўналишини белгилаб берди.

Шу даврда тарихий ўтмиш мавзусида ёзилган асарлар орасида атоқли адиб М.Осимнинг «Тўмарис», «Широк», «Темур Малик», «Махмуд Торобий», «Ўттор» кассалари, шунингдек, 20-асрнинг 20-30 йилларида ўзбек диёрида бўлиб ўтган мураккаб воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи М.Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» (1959, 1967) дилогияси яратилди.

50 - йилларнинг охири - 60 - йилларнинг бошларида адабий ҳаётга Э. Воҳидов, Ю.Шомансур, Б.Бойқобулов, Х.Салоҳ, А.Орипов, М.Жалилов, О.Матчон ва бошқа ўнлаб ёш шоирлар авлоди кириб келди.

Шу давр ўзбек шەъриятининг муҳим хусусиятларидан бири ижтимоий адолатсизликлар билан муроса қила олмаган кенжа авлод вакиллари (А.Орипов, Р.Парфи, У.Азим, Ш.Раҳмон ва б.) ўз асарларида турли йўللار билан миллатпарварлик ва эрқпарварлик ғояларини қуйлади.

80 – йилларда воқеликда рўй берган воқеа ва ҳодисалар мустабид

совет тузумининг инкирозга юз тутгани, унинг ёлгон идеал ва ғояларга асосланганидан дарак бера бошлади. Драматурглар жамиятдаги кўнгилсиз ҳолларга қарши курашда комедия жанри имкониятларидан самарали фойдаландилар. Истиклол арафасида Ш.Бошбеков «Темир хотин» асари билан комедиянинг кишиларга шунчалик ҳордиқ берадиган, уларни дунё ташвишларидан фориғ этадиган жанр эмас, балки уларни ўйлатадиган, улар орқали жамиятни ҳақ йўлга етаклайдиган восита эканини тўла асослаб берди.

Ўзбек халқининг маънавий - мафкуравий ҳаётида **санъат** ҳар доим ҳам муҳим роль ўйнаган. Санъат ва унинг барча турлари билан шуғулланиш, бу борада янгиликлар яратиш, уларнинг жаҳон андозалари даражасида яратилишини таъминлаш ўзбек халқи учун янгилик эмас эди.

Совет мустабид тузумининг дастлабки даврида театр, мусиқа, тасвирий санъат ва кино санъатида маълум ижобий силжишлар кўзга ташланди. Аммо бу санъат турлари коммунистик мафкуранинг сиёсий ақидалари тазйиқи асосида «ривож» топди. Совет ҳукуматининг Ўзбекистонда санъат турларини ривожлантиришга бўлган интилишини эса, ушбу восита орқали ўз мафкуравий мақсадларига эришиш маъносида тушуниш керак. Шунинг учун ҳам ўзбек санъаткорларининг у ёки бу санъат турини ривожлантиришга бўлган барча саъй-ҳаракатлари совет ҳукумати томонидан қўллаб-қувватлаб турилди. Яратилаётган асарларнинг мезони эса, сиёсий - мафкуравий қарашларнинг даражаси билан белгиланар эди.

Ўзбекистон **театр санъатининг** шаклланиш жараёни жуда мураккаб шароитда юз берди. Бир томондан, миллий санъат арбоблари халқ маданий мероси, ўзига хос маданий қадриятлар асосида сахна асарларини яратишга ҳаракат қилган бўлсалар, бошқа томондан, ҳукмрон сиёсий куч «пролетар маданиятини барпо этиш» байроғи остида театр санъатида «советлаштириш» ишини кучайтириб юборди.

1918 й. Ҳамза Фарғонада ўлка сайёр сиёсий труппасини ташкил этди. М.Қориёқубов, Й.Эгамбердиев, Ҳ.Исломов, М.Кузнецовалар шу театр қалдирғочлари бўлди. Ўша йили Маннон Уйғур Тошкентда «Турон» жамияти қошида театрни тиклади. Бу тўда кейинчалик Ўлка давлат намуна театрига айланди. Аббос Хидоятлов, Обид Жалилов, Сайфи Олимов, Зиё Саид ва бошқалар театرنинг биринчи актёрлари бўлишган.

Театрлар сони аста - секин орта борган. Андижон (1919), Хивада (1922) театр ташкил топди.

20 – йилларда Москва ва Боку шаҳарларида ташкил бўлган театр студияларида М.Уйғур бошчилигидаги артистлар таҳсил кўриб (1924–27) қайтдилар. 1924 й. Самарқандда Ўзбек давлат драма театри барпо этилди. 20 – йиллар охири Рус ёш томошабинлар театри (1928), Ўзбек ёш телетомошабинлар театри (1929) ташкил топди. 30-йилларда Фарғона (1930), Наманган (1931), Қашқадарё (1932), Сурхондарё (1955) вилоят

театрлари, ўнлаб шаҳар ва туман театрлари ташкил қилинди. Тошкентда М.Горький номида Рус драма театри (1934), Республика кўғирчоқ театри (1939) очилди. 1939 йил дастлаб кинотеатрлар ташкил этилиб, бир йилдан сўнг Муқимий номидаги Республика мусиқали драма ва комедия театрига айлантирилди. Гарчи театрлар сони кўпайиб борсада, коммунистик мафкура, синфийлик талаби кўпгина драматурглар ва театр арбобларининг қатағон қилинишига сабаб бўлди, сахна санъатининг эркин ривожланишига тўсқинлик қилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек театри намоёндалари «Муқанна» (Х.Олимжон), «Жалолиддин Мангуберди» (М.Шайхзода), «Ўлим босқинчиларга» (К.Яшин) ва б., мусиқали драмалардан «Нурхон» ва «Офтобхон» (К.Яшин, Т.Жалилов) спектакллари шуҳрат қозонди.

1968 йили «Ёш гвардия» (1990 - йиллардан Аброр Ҳидоятлов номидаги ўзбек драма театри ташкил қилинди). 70 - йилларнинг биринчи ярми ўзбек театрида зиддият даври бўлди: бир томондан, турли театр анжуманлари ўтказилиб, баъзи режиссёрларда (Б.Ўйлодоев ва б.) миллий мерос ва анъаналарга эътибор кучайиб, бу ижобий натижалар, ҳатто кашфиётларга олиб келган бўлса, иккинчи томондан дабдабазлик, ҳўжақўрсинга ишлаш, ҳақиқатдан кўрқиб, ҳаётни ҳаспўшлаб кўрсатиш театр санъатининг имкониятларини чеклаб қўйди. Бу даврда ўзбек театрлари тарихий мавзуда ва мумтоз асарлар талқинида бир мунча ютуқларга эришди. Ҳамза театрининг «Тирик мурда» (Л.Толстой), «Отелло» (Шекспир) спектакллари шулар жумласидандир. Баъзи комедиялар («Олтин девор», «Келинлар кўзғолони») халқ қадриятлари руҳида ишланди. 1986 й. Республика сатира театри ташкил топди.

80 - йиллар иккинчи ярмидаги ошқоралик даврида театр санъатида ҳам аҳвол бир қадар ўзгарди: ҳаётни ҳаққоний акс эттириш, нуқсонларни рўй-рост очиш, услуб ва жанр ранг-баранглиги кучайиб борди. Бу даврда Аброр Ҳидоятлов театри етакчи ўринга чиқди. Театр «Майсаранинг иши», «Паранжи сирлари» (Ҳамза), «Қора камар», «Зиёфат» (Ш.Ҳолмирзаев), «Искандар» (Навоий достони асосида Ш.Ризаев пьесаси) спектакллари билан тарихий ва замонавий мавзуларни акс эттиришда миллий воситаларни кенг ишлатиш, ижрода қатта ютуқларга эришди.

Меъморлик. 1917 йилги Октябрь тўнтариши ва фуқаролар уруши оқибатида ўлка меъморчилиги тамоман таназзулга учради. Шўро тузуми даврида ер, сув қаторида, меъморлик ҳам давлат тасарруфига ўтди. Йирик бинолар мусодара қилинди, масжид ва мадрасалар беркитилди. 1930-йиллардан бошлаб эса, янги типдаги бинолар қурила бошлади: коммуна уйи, ишчилар шаҳарчаси, мактаб, болалар боғчаси, ишчи-ёшлар клуби, кинотеатр, музейлар, истироҳат боғлари пайдо бўлди, сув омборлари қурилди. Янги тартибдаги лойиҳали шаҳарларга асос солинди. Айниқса, 1940-йиллардан бошлаб Янгийўл, Чирчик, Олмалик, Ангрен, Бекобод каби шаҳарлар тез тараққий этди, янги типдаги завод-фабрикалар қад кўтара

бошлади. Тошкентда урушнинг энг оғир йилларида (1943) Муқимий театри қурилди. Алишер Навоий театри (1947) биноси умуман ўзбек меъморчилиги ижобий имкониятларининг ёрқин намоёйиши бўлди.

XX-асрнинг иккинчи ярмида бинокорлик тез суръатлар билан ривожланди. Давлатнинг меъморчиликда ортқча безақдорлик аломатларига чек қўйиш, бинокорлик индустриясини ривожлантириш ҳақидаги қарори 1950–60 йилларда темир - бетон заводлари тайёрлаган конструкциялар билан, бир қилипдаги (типовой) лойиҳалар асосида ката - кичик микрорайонлар қуриш одатга айланди. Қурилишда темир - бетон билан бир қаторда яхлит йирик ойналардан фойдаланилди: Санъатшунослик институти, маъмурий бинолар, санъат музейи ва бошқалар. 1960 - йилларнинг иккинчи ярми -70 йилларда синчили, йирик панелли ва йирик блокли, зилзилабардош бинолар қуриш авж олди. Қурилишлар кўча бўйлаб қурилмасдан янги услуб - микрорайон қурилиши жорий этилди. Тошкентдаги Чилонзор, Шимолий-Шарқий, Юнусобод, Қорақамиш, Қорасув массивлар қад кўтарди.

Қишлоқ билан шаҳар орасидаги тафовутни йўқотиш шиори остида янги ўзлаштирилаётган ҳудудларда, айниқса, Мирзачўлда ўнлаб совхоз шаҳарчалари қурилди, намуна тарзида икки қаватли коттежлар деҳқонларга тавсия этилди, лекин қишлоқ шароитида бундай бинолар ғайри табиий, бегона тарзида аҳолига маъқул бўлмади. Қишлоқларда 3-4 қаватли уйлар қурилиши бутунлай салбий натижа берди.

Лекин шундай бўлса-да, яқка тартибдаги йирик иморатлар меъморчилиги базан ижобий ютуқларга эришилди. Тошкентдаги Санъат саройи кинотеатри (1964), Марказий универсал магазини (1964), Ўзбекистон тарихи музейи (1970), Бош универсал магазин (1972), «Ўзбекистон» меҳмонхонаси (1974), Тошкент телеминораси (1981), Халқлар дўстлиги саройи (1981) каби иморатлар янги давр руҳида яратилган. Тошкентда метрополитен очилиши (1977) миллий меъморчиликнинг янги имкониятларини намоёйиш этди. Метро бекатларининг меъморий тузилиши, хусну жамоли эсда қоладиган шохона кўриниш касб этди.

Амалий безак санъати. XX-асрнинг 20-йилларидан кейин ўзбек безак санъати қўшни халқлар санъати билан бир оқимда ривожланди. Ғоявий-бадий жихатдан бу давр тушқунлик анъаналарини енгиб ўтиш, ўтмишнинг яхши анъаналарига таянган ҳолда янги тараккиёт йўллариини излаш даври бўлди.

1920–30 йилларда Ўзбекистонда маҳаллий бадий санъат вужудга келди. Бадий хунарамдчиликнинг кўплаб соҳалари (ипакчилик, каштачилик, зардўзлик ва бошқалар) тикланди. 30 - йилларнинг ўрталарида амалий безак санъатининг саноат тараккиёти бошланди. Бадий санъатнинг дастлабки корхонаси – Тошкент тўқимачилик комбинати ишга тушди (1934), читга гул босишнинг янги тармоғи юзага

келди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида тўқимачилик ва кулоллик тараккий этди. Марғилон шойи тўқиш комбинати ишга тушди (1943–47). Халқ усталари Уста Ширин Муродов, Маҳмуд Усмонов, Абдулла Болтаев ва б. биноларни безашда фаол катнашиб, миллий ганчкорлик, наққошлик ва ёғоч ўймакорлигининг ноёб намуналарини яратди.

Буюмларида анъанавий ва замонавийлик уйғунлашган заргарлик саноати вужудга келди (Тошкент заргарлик заводи, 1963). Чинни саноати яратилди. Республикада биринчи чинни заводи 1953 йилда очилди.

1960–70 йиллардан бошлаб Ўзбекистонда амалий безак санъатининг ноанъанавий шакллари юзага келди. Бадий мато, анъанавий бўлмаган чинни, шиша, кулоллик, заргарлик буюмлари кўргазмаларда намоиш этилди.

1970-йилларда бадий шишасозлик ноанъанавий амалий безак санъатининг гобелен, батик каби турлари ҳам 70 - 80 йилларда пайдо бўлди. Каштачилик, гиламчилик, кигизчилик, наққошлик бўйича усталар касабачилик гуруҳига бирлашган. 1978 йилда Рассомлар уюшмаси қошида тузилган «Усто» бирлашмаси моҳир халқ усталарини бирлаштирган. Бу уюшма тизимида устахона очилиб, Ч.Аҳмаров бошчилигида қадимги санъат турларидан бўяма нақшли буюмлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бу даврда маъмурий - буйрукбозлик тизимининг қаттиқ тазйиқларига қарамаздан кўшиқчилик - мусикий санъат ҳам ривож топди. 1928 йили Самарқандда Ўзбекистон халқлари мусикий маданиятини ўрганиш бўйича махсус илмий - тадқиқот институти барпо этилди. Бу йилларда ижодкорларимиз томонидан «Ўзбеклар мусикаси» ва «Фарғона, Бухоро ва Хива кўшиқлари» номли туркум тадқиқотлар яратилди.

20-30-йилларда мусиқа таълими, ижрочилиги ва илмида маълум ўзгаришлар содир бўлди. Тошкентда Туркистон халқ консерваторияси (1918), мусиқа техникуми (1924, 1936 йилдан мусиқа билим юрти), давлат консерваторияси (1936), илк ўрта махсус (1927, кейинчалик Р.Глиэр номидаги) ва бошланғич мусиқа мактаблари каби Европа тизимидаги муассасалар очилган. Самарқанддаги Ўзбекистон мусиқа ва хореография институти (1928) ҳам ўқув, ҳам илмий даргоҳ бўлган.

Бу даврда ўзбек ижрочилари чет эл гастролларида бўлишган: Тамарахоним ва М.Қориекубовлар Париж ва Берлин (1925), Тамарахоним, Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов ва Абдуқодир Исмоиловлар Лондон (1935)да катта муваффақият қозонишган. Ўзбек давлат филармониясининг ташкил этилиши (1936) ижрочилик санъатининг маълум даражада тизимланишига асос бўлди.

1958 й. Ўздавэстрада таркибида, 1963 йилда эса, Ўзтелерадио қошида эстрада оркестрлари ташкил этилганидан сўнг эстрада кўшиқчилиги жадаллашди.

1960-80-йилларда анъанавий мумтоз мусика ижодининг бадий маданиятдаги мавзу қайта тикланиб, кўтарилди. И. Ражабовнинг миллий мусика меросига бағишланган «Мақомлар масаласига доир» (1963) илк йирик тадқиқоти чоп этилди. Бухоро Шашмақоми (Ю.Ражабий, 1966-75), Хоразм мақомлари (М.Юсупов, 1980-87)нинг янги турли нашрлари эълон қилинди. Мақом ижрочилиги бўйича хонанда ва созандаларнинг республика танловлари (1983 йилда) ўтказилди.

1970 - йилларда шаҳар, район ва қишлоқ маданият уйларида фольклор – этнографик ансамбллар фаолият кўрсата бошлади. 1980 йиллардан фольклор – этнографик ансамбллари, бахши- шоирлар ва кўрик-танловларининг ўтказилиши ўзбек халқ мусика ижодининг тарғиботи, тикланиши, янги шароитда ривожини учун катта аҳамият касб этди.

Ўзбек миллий санъати ривожига кино санъатининг ўрни ва аҳамияти ҳам жуда катта. Совет мустабид тузуми кинонинг мафкуравий курашдаги ўрнини яхши тасаввур этарди. Шунинг учун ҳам совет ҳукумати кино ривожини учун маблағни аямади.

Коммунистик партия ва давлат томонидан кино санъати омма орасида ғоявий - сиёсий тарбия ва мафкура тарғиботи учун зарур муҳим восита деб қаралди.

Бу даврда оммавий ахборот воситаларининг кучли тармоғи сифатида радио, радиоэшиттиришга ҳам муҳим эътибор қаратилди. Совет ҳукумати коммунистик дунёқарашни шакллантириш, коммунизм ғояларини тарғиб этиш, илмий, сиёсий-мафкуравий билимларни тарқатишда радиодан унумли фойдаланди. Ўзбекистонда биринчи кенг тармоқли радиостанция 1927 йил 11 февралда Тошкентда фаолият кўрсата бошлаган эди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки мустабид тузум даврда миллий маданиятимиз заифлашиб, қадриятлар, анъаналар ва миллий байрамларимиз унутила борди.

Ҳар бир халқнинг асрлар давомида вужудга келган ўзига хос маданияти, нодир қадриятлари, анъанаси, урф-одатлари мавжуд.

Лекин бу даврда тарихан илдиз отган миллий қадриятларимиз оёқ ости қилиниб, ёт фирқа мафкураси ва унинг “дохий”лари эса, улуғланди. Мустабид шўро ҳукуматининг миллий маданиятимизга, қадриятларимизга қарши кураши «Қизил империя»нинг парчаланиши давригача давом этди.

Мустабид шўро тузуми даврида (20-30-йиллар) “дин-афюн” деган шиор байроқ қилиб олиниб барча динлар, жумладан Ислом дини, у яратган бебаҳо маданий обидалар, диний қадриятлар инкор этилди. Ислом маданиятининг замонавий илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси тан олинмади. Одамларни гўё диний сарқитлардан ҳалос қилиш ва даҳрийлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил қилинган “худосизлар жамияти”нинг минглаб фаоллари миллий урф-одатларимиз, удум ва маросимларимизга қарши ташвиқотни авж олдиридилар.

Янги «маданий ҳаёт»га «совет турмуш тарзи»га тезрок кўниктириш учун кўп асрлик тарих - маънавий меросимиз битилган алифбо ҳам шоша-пиша ўзгартирилди ва ўзгартирилиб турилди. Араб алифбосида асарлар «диний» деб турли йўллар билан йўқ қилишга ҳаракат қилинди. Ҳатто «хужумкор атеизм» шиори остида муқаддас маданий меросимиз-бетакрор тарихий ёдгорликлар, обидалар қаровсиз қолди, кўплаб масжид ва мадрасалар вайрон қилинди.

Совет мустабид тузуми шароитида маданиятда сиёсий бадийлик ўрнига устуворлик ўрнатилди. Бадий ҷамоалар, маданият масканлари, ижодий уюшмаларнинг меҳнат фаолияти фақат бир нарсага, совет воқелигини мадх этиш, унинг дунёда энг нуфузли ва адолатли тузум эканлигини исботлашга қаратилди.

Бу даврда ҳам турли мафкуравий таъйиқларга қарамасдан ўзбек миллий маданиятида умумий ривожланиш бўлди. Аммо жуда катта интеллектуал салоҳиятга, буюк маданий меросга эга бўлган ўзбек халқи бундан ҳам кўра кўпроқ ютуқларга эришиши мумкин эди. Ўзоқ йиллар давомида маданиятга синфийлик, ғоявийлик, партиявийлик асосида муносабатда бўлиш миллий маданиятимизга жуда катта салбий таъсир кўрсатди.

Демак, муштамлақачилик ва муштабид тузум ҳукмронлиги даврида ўзбек халқи маданияти ривожланишида умумбашарий тараққиёт анъаналарига мос узвийликни кўришимиз мумкин. Бу даврда халқимиз маданий ҳаётида ўзига хос бетакрор мумтоз мерос яратилди. Халқимиз оғир шароитларда ҳам маданий бойликларни бунёд этиш, ижод ва кашф этишни давом эттирди. Зеро, Президентимиз Ислоҳ Қаримов таъкидлаганларидек: «Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон-қони ва суяк-суягига сингиб кетган. Унинг табиатида хос бўлган юксак маънавият неча асрларки бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, қомиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, қуч-қувват бағишлаб келмоқда.»²

² Қаримов И.А. Юксак маънавият – снгилмас қуч. Тошкент, «Маънавият», 2008, 7–бет.

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Режа:

1. Мустақиллик арафасида ўзбек маданияти ахволи.
2. Маънавий маданият ва унинг муҳим жабҳаси – мусиқа санъати. Миллий қўшиқчилик кўрик-танловлари. Миллий-маданий алоқалар. Маданий меросимизга муносабат.
3. Мустақиллик йилларида буюк аجدодларимизга атаб қурилган обидалар. Музейларнинг бугунги асосий вазифаси. Хунармандчилик, «Хунарманд» Республика уюшмаси. Тарихий обидаларни тиклаш.
4. Адабиёт. Меъморчилик. Амалий безак санъати. Тасвирий санъат. Анъанавий мусиқа санъати. Театр ва кино.

Мустамлакачилик ва мустабид тузум даврида маданиятимиз катта зарар кўрди. Айниқса, коммунистик мафкура маддоҳлари халқимиз маданиятини йўқ қилишга зўр бердилар. Ўзбек халқи катта йўқотишларга қарамасдан ўзлигини, ўз миллий маданиятини сақлаб қола билди. Маънавий маданияти юксак, унинг илдизлари бақувват халқнинг ижтимоий онгидан шу халқ маданиятини ҳеч қачон тамомила йўқ қилиш мумкин эмас. Демак маданий меросни тиклаш, уни янада юксак даражага кўтариш учун имконият сақлаб қолинган эди.

Мустақиллик ўзбек миллатининг этномаданий тараққиёт босқичида муҳим давр ҳисобланади. Бу даврда миллий адабиёт, санъат, театр ривож топди, маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий-маърифий аҳамияти ошди. Зеро, юксак маънавиятли жамият қуриш ва жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш кўп жиҳатдан маънавий маданиятнинг тараққиёти ва мустақамланишига боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида маънавий маданиятнинг муҳим жабҳаси бўлган мусиқа санъати ҳам жадвал ривож топа бошлади, зеро табиатан нозиктаъб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусиқаси кенг кўламли маънавият кўзгусидир. Шўролар даврида асосан мафкуравий қуролга айланган мазкур санъат тури эркинлик йўлига кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 декабрдаги «Республикада музикаий таълим, маданият ва санъат ўқув юр்தларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги Фармонида кўра уларга 6,5 мингта мусиқа асбоблари ва турли хил техник жиҳозлар ажратилган. Республикамиз Президентининг 1997 йил 8 февралдаги «Миллий рақс ва

хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 февралдаги Қарори «Ўзбекнаво» ва «Ўзбекракс» бирлашмаларининг моддий техник негизини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Ўзбекистон ҳукумати халқимизнинг миллий қўшиқчиликка бўлган ижтимоий эҳтиёжини эътиборга олиб миллий руҳдаги, халқнинг кўнглига яқин мусиқа асарларини яратишга бўлган қизиқишни доимо рағбатлантирди.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданок мусиқа санъати бўйича қатор кўрик-танловлар ўтказила бошланди. Хусусан, 1992 йили Тошкент шаҳрида танбур, сато, кўшнай, сурнай ва бошқа миллий соз ижрочиларининг «Асрларга тенгдош наволар» деб номланган республика кўрик танлови, апрель ойида Тошкент вилоятида хаваскор кўғирчоқ театрлари жамоаларининг кўрик-танлови, шунингдек, машхур санъаткорлар Жўрахон Султонов, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Содиқов, Жанак Шомуратовларнинг асарлари ижрочиларининг «Боқий овозлар» деб номланган кўрик-танловлари ўтказилди. Шу йили Хоразм вилоятида фольклор жамоаларининг, аския, қизиқчи ва масҳарабозларнинг Қўқонда ўтказилган IX аъъанавий кўрик танлови, лапар, ялла ижрочиларининг Тошкент шаҳрида ўтказилган XI аъъанавий кўрик танлови миллий санъатимиз ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Мамлакатимиз ҳукумати қўшиқчилик санъатидан мустақилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда ҳам унумли фойдаланишга эътиборни кучайтирди. Шу мақсадда 1995 йил декабрда «**Ўзбекистон - Ватаним маним**» мавзусидаги қўшиқлар кўрик-танлови эълон қилинди. Танлов натижасида юзлаб янги қўшиқлар яратилди, у халқ орасидан чиққан кўплаб истеъдодли санъаткорларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

«Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ кўрик-танловининг 1996 йил март ойида бўлиб ўтган биринчи босқичида 54 мингдан ортиқ санъаткорлар иштирок этди, 10 мингдан ортиқ янги мусиқий асарлар яратилди.

Буларнинг барчасини эътиборга олиб, 1996 йил августда «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ байрами ҳақида» махсус фармон қабул қилинди. Фармонда фуқаролар қалбида муқаддас Ватан туйғусини тарбияловчи юксак бадний савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларнинг яратилишига кенг имконият яратиш мақсадида ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ байрами куни, деб белгилаб қўйилди. Айни пайтда, халқимизнинг қўшиқчилик санъатига бўлган катта қизиқишини эътиборга олиб, Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ташкил этилди.

Натижада, мазкур кўрик-танлов ҳозирда оммавий тус олди, унда нафақат ўзбек миллий, балки мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа

барча халклар вакиллариининг эркин ижод қилиши, ўз санъатларини намоён этиш имконияти яратилди. Профессional ва халқ бадий ижодиёти асосида санъатнинг қўшиқчилик турига тенг эътибор берилиши, уларнинг уйғун ривожланишига шароит яратилиши туфайли мазкур санъат тури янада ривож топмоқда.

Дунёни куй, қўшиқсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Акс ҳолда, қалбларимизни мудҳиш бир сукунат эзиб юборган бўларди. Табиатдаги ҳамма нарсанда хониш бор: *қўшлар чуғури, ёмғирнинг шивалаб ёғиши, баргларнинг шитирлаши...* Мусиқа эса, бутунлай бошқа бир дунё. Унда ёмғир шивири, сувнинг шовиллаши ҳам куй ёрдамида акс эттирилиши мумкин. Биз эса, бу оҳанглардан гоҳо қувонамиз, гоҳо хомуш тортамыз.

Мусиқанинг киши руҳий ҳолатига таъсири бекиёс. Уни худди атиргул ифорида пайдо бўлган ҳисга қиёслаш мумкин. Зеро, *ҳид ҳам товушсиз мусиқа*дир, дея таърифлаган эди Абу Наср Форобий. Шунингдек, мусиқада даврнинг муҳим чизгилари ўз аксини топади. Шу боис мусиқа санъати эришган ютуқларга қараб, маълум бир даврда инсоният қозонган муваффақиятлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Шунинг учун ҳам, бугунги кунда инсонга руҳий мадад бериш, уни маънавий жиҳатдан тарбиялаш воситаси бўлган мусиқа санъати ривожига юртимизда қатъи аҳамият берилмоқда. Санъат, айниқса, мусиқа санъати қалбга маънавий, эстетик завқ беради, ёшларнинг маънавий, руҳий эҳтиёжини қондиради.

Бу фикрни ҳурматли президентимиз ҳам „Юксак маънавият - енгилмас куч“ асарларида таъкидлаб ўтганлар: “Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида қамол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”³.

Санъат нафақат маданий ҳордиқ беради, балки кишиларни руҳлантириб, куч-қувват бахш этиб, орзу-мақсадлар сари етаклайди, агар етук билим соҳиблари томонидан яратилган санъат асари ўзининг ҳадди аълосига кўтарилса, мусиқа нафақат куйловчи ҳиссиёт, балки куйловчи ғояга айланади.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, „Инсоннинг руҳий қамолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта, бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди.... Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакиллари томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади“⁴.

1998 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унга биноан, Ўзбекистон томоша санъатининг кўп асрлик анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр

³ Илом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 141-бет.

⁴ Илом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 140-бет.

санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий базасини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда театр арбобларининг фаол қатнашишини таъминлаш, республика Маданият ишлари вазирлиги театр ташкилотлари негизида ва театр арбоблари уюшмасида бадий замонавий сахнабоп асарлар яратиш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги тизимида ва театр ижодий ходимлари уюшмаси қошида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бириктирилган ташкил этилди.

Театр санъатини ривожлантириш йўлида 1998 йил ноябрь ойида ўтказилган «Хумо» халқаро ёшлар театрларининг фестивали алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу фестивалда Ўзбекистон ва Исроил давлатларининг энг яхши театр жамоалари иштирок этдилар. Мазкур фестивал доирасида 32 та спектакл намоиш этилди, уларни 20 мингдан ортиқ томошабин томоша қилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги маданий алоқалари кенгайиб борди. Миллий театр санъатимиз соҳасидаги илғор ютуқлар чет элларда намоиш қилиб келинмоқда.

Масалан, фақат 2005 йилда Ўзбек Миллий академик драма театри санъаткорлари Туркия, Россия мамлакатларида, Ўзбекистон Ёшлари театри эса, Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган Халқаро фестивалларда иштирок этишди.

Ўзбекистонда етакчи театрлардан бири бўлган Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикий театри жамоаси Қоҳира шаҳрида (2005) ўтказилган Халқаро театр санъати фестивалида “Тўда” спектакли билан иштирок этди. Спектакл мавзуси ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоси - ёшлар орасида гиёҳвандликка ружу қўйиш каби мудҳиш ҳалокатли ҳолатларни сахнада санъаткорлар маҳорат билан намоиш қила олишди. Жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакат театр жамоалари орасидан ўзбек театр санъатининг умидли ёш ижрочилари маҳорати юксак баҳоланди. “Энг долзарб муаммони кўтариб чиққанлиги учун” номидаги мукофот билан тақдирланди.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 37 та драматик, мусиқали драма ва комедия, опера ва балет, кўғирчоқ театрлари ана шундай вазифаларни бажардилар.

Маълумки, ҳар бир санъат намунаси, жумладан, сахна асари уч жихати билан муайян аҳамият касб этади. Булар бадийлик, тарбиявийлик, маърифийликдан иборатдир. Масалан, Фитратнинг „Абулфайзхон“, Чўлпоннинг „Ёрқиной“, Ҳамзанинг „Паранжи сирлари“, Максуд Шайхзоданинг „Жалолиддин Мангуберди“ пьесалари томошабинга эстетик завқ бағишлаши, бадий таъсир кучи билан баробар, унинг маънавий дунёсини бойитади, фикрлаш қобилиятини тасаввур доирасини кенгайтиради.

Ҳар бир тарихий даврнинг миллат ҳаётида, унинг маданияти ва

санъатида ўзига хос ўрни ва аҳамияти мавжуд бўлиб, умуман олганда, инсоният маънавий тараққиёти йўналишларини ҳам акс эттиради. Худди шунингдек, бугунги кунда иктисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий ҳаёт жабҳаларида муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бундай туб ўзгаришлар моҳиятини тадқиқ ва таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, „Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади“.

Барча санъат турлари объектив воқеликни ўзига хос йўллар билан хилма-хил бадий образларда тасвирлаганидек, театр санъати ҳам уни ўзига хос бадий образлар орқали кашф этади. Унинг энг муҳим хусусиятларидан бири - санъатнинг синтетик турига мансублиги, бинобарин, барча санъат турлари (адабиёт санъат, ҳайкалтарошлик, рақс, мусиқа, кино ва бошқалар) сахна санъатида иштирок этади. Мана шу санъат турларининг ижодий ҳамкорлиги туфайли сахна санъати дунёга келади. Барча санъат турларида бўлгани каби сахна санъатида ҳам спектакл марказида инсоннинг ички кечинмалари, воқеликка муносабати, ҳаётдаги руҳий, маънавий эҳтиёжлари намоён бўлади. Спектаклнинг бадий қиммати ҳам шу билан белгиланадики, унинг асл моҳият-мазмунда драматург, режиссёр, актёр, расом, бастакор ва бошқа ижодкорларнинг ҳамкорликдаги ҳаётий ва ижодий тажрибаси, истеъдоди аён кўринади.

Театр санъатининг ўзига хос, бошқа санъат турларида учрамайдиган томони шундаки, томошабин сахнадаги ижодкорлар билан мулоқотда бўлади, бирга ижод қилади. Гўзалликка, ижобий ҳодисага эришади, эзгуликни эъозлайди, салбий ҳодисаларни қоралайди, лаънатлайди. Бир сўз билан айтганда, театр билан томошабин ўртасида самимий ижобий жараён мавжуддир. Бу ўзига хослик томошабин эстетик дидини шаклланишида, камол топишида катта роль ўйнайди. Бундай ҳодиса, яъни ижодий мулоқот юксак савияда ижро этилган сахна асарларида юз беради.

Театр санъатида объективлик, биринчи навбатда, драматургия материални тақозо этса-да, бу материал бутун бошли жамоа режиссёр, актёр, бастакор, расом ва ҳоказоларнинг субъектив идрок билан тўлдирилмагунча санъат даражасига чиқа олмайди. Театр асарининг эстетик жиҳатдан ранг-баранглиги ҳам, маълум ижтимоий мақсад ва идеал сари йўналтирилиши ҳам унинг синтетик хусусияти билан белгиланади. Бу нарса айни чоғда санъатда объективлик ва субъективлик, ҳис-туйғу ва тафаккур бирлиги, шакл ва мазмунининг бир-бирига мос келиши, дунёқараш муштараклиги ва театр ижодкорлари индивидуаллигининг ёрқин ифодасидир.

Бу санъат турининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, театр сахнасида яшайдиган, севадиган, азоб тортадиган, қувонадиган одам билан томоша залида айни шундай яшаётган, севадиган,

азоб тортаётган, кувонаётган, нафратланаётган одам ўртасида тўғридан-тўғри бевосита алоқа, мулоқат ўрнатилади. Бошқа санъат турларига нисбатан театрда бадий ижод қонуниятларидан бири ҳис-туйғу ва тафаккур бирлиги, фаолияти бевосита томошабин қаршисида ва унинг иштирокида содир бўлади.

Маълумки, сахна асари уч жиҳати билан муайян аҳамият касб этади: унда ҳамиша бадийлик, тарбиявийлик, маърифийлик хусусиятлари мужассам бўлади. Ҳар бир ҳақиқий сахна асари томошабинга эстетик завқ бағишлаши баробарида, унинг маънавий дунёсини бойитади, фикрлаш қобилиятини кучайтиради, тасаввур доирасини кенгайтиради. Буларнинг барини Арасту ҳаким „*форигланиш*“ (катарсис) ибораси билан боғлаган эди. Гарчи олим бу иборани фақат *фоғжа* (трагедия)га нисбатан берган бўлса-да, уни барча санъат асарларига, хусусан, сахна асарларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Эстетикада беш юз хилдан кўпроқ талқинга эга бўлган *форигланиш* тушунчасини, умумий тарзда, *қўқув*, *ачиниш*, *ҳадик* ва *ҳамдардик* сингари туйғулар орқали рўёбга чиқадиган ҳолат, яъни инсон калбининг *тозарини* деб изоҳлаш қабул қилинган. Бундай *форигланиш* фақат *фоже*ий спектакллар орқали рўй бермайди. Қадимги хитойликлар, хусусан, буюк мутафаккир Ли Юй кулги ҳам *фориглантириш* хусусиятига эга эканлигини айтиб, инсон кула туриб ўзидаги ўтмиш билан *ҳўшлашади*, *янгиланади*, *тозаради* ва *қалбан яширади*, деб таъкидлайди. Демак, икки буюк аллома бир-бирини тўлдирган ҳолда, театрнинг *фориглантириш* жиҳатига катта аҳамият беради. Дарҳақиқат, театр инсонга *хилма-хиллик бахш этади*, уни *юмишатади*, ғазаб билан беҳосдан кўтарган тошни ерга охиста қўйдириб, ўйлашга, мушоҳада қилишга чорлайди. Шунинг учун ҳам театрни санъатнинг барча турлари ичидаги энг таъсирчан санъат тури дейилса, хато бўлмайди. Бунинг устига бир сахна асари ҳар гал қўйилганида у актёр истеъдодининг туғёни натижасида янги спектакль тарзида намоён бўлади.

Театр санъатининг таъсирчанлигига яна бир сабаб шуки, у синтетик санъат туридир. Театрдан бадий адабиёт, тасвирий санъат, мусика, ракс, қўшиқчилик, нотиклик сингари санъат турлари ягона маконда - сахнада спектакль деган ном билан тажассум топади ва биргаликда тенгсиз тарбиявий воситага айланади. Актёрлик санъатида бадий образ яратиш масаласи ҳам мафкуравий кураш жараёнида, умуман, санъат майдонида фақатгина назарий аҳамият касб этибгина қолмай, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Чунки шу мавзу доирасига кирувчи сахна образини яратиш диалектикаси, актёрлик санъатининг психологияси, актёрлик истеъдодининг ўзига хос табиати, ижодий индивидуаллигининг шаклланиши ва такомиллашуви, актёр ижодида дунёқарашнинг ўрни ва роли каби масалалар санъатшунослик ва эстетиканинг энг муҳим муаммолари ҳисобланади.

Ўзбекистондаги муҳим тарихий маданий ва бадий аҳамиятга эга бўлган музейларнинг тўлақонли ишлаши учун қатор чора тадбирлар

кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрдаги «Республика музейларининг фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони 1999 йил 5 декабрда эса, «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши бу масалаларга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади.

Президентнинг 1998 йил 12 январдаги Фармони эса, музейлар ишида тубдан бурилиш ясади. Унга биноан барча турдаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги қошида «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди, ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журнали таъсис этилди¹.

Республикаимиз мустақиллигининг 15 йиллигига Бойсуннинг сўлим жойларининг бирида қад кўтарган хунармандчилик маркази ва халқ амалий санъат музейи халқ анъанавий меъморчилиги андозасида очилди. Бундай музейларнинг очилиши бир томондан давлатимизни анъанавий қадриятларимизга, бой маданий меросимизга катта эътиборидан далолат беради, халқнинг ўз тарихи, маданияти, санъатига бўлган ҳурматини оширади. Энг асосийси ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Мўъжизаларга бой юртимизнинг чекка туманида барпо этилган бу музей ҳам ўзига хос тарбия ўчоғи, ўтмиш билан бугунни, бугун билан келажакни боғлаб турувчи муҳим маданий воситадир.

Абдулҳолиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 685 йиллиги муносабати билан Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасида жойлашган «Баҳоуддин Нақшбанд тарихий музейи» қайта ташкил этилди. Бу мозийгоҳ тасаввуф тарихига бағишланган Республикаимиздаги ягона музейдир. Экспозиция илмий хронологияси милоднинг VII асрдан ҳозирга қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

Республикаимиздаги энг ёш Ўзбекистон кино санъати музейи 2005 йил 22 февралда очилди. Кейинги йилларда йиғила бошлаган кино тарихига оид ашёлар музей экспонатларидан жой олди. Ўзбекистон кино санъатида экспонатлар, фотосуратлар, сценарийлар, монтаж варақалари ва бошқа ҳужжатлар тўпланиб, 30 мингдан ортиқ сақлаш бирлигидан иборат катта хазинага айланди. Ҳозирги кунда музей жамғармасида Ўзбекистон кино санъати тарихини муҳрлаган 5000 дан ортиқ сурат ва негатив, ўтган асрнинг 20-50 йилларида суратга олинган 48 бадиий фильм сақланмоқда.

¹ // Гулистон. 1998, № 2, 5 – бет.

Шулардан 5 таси ЮНЕСКО «Олтин жамғармаси» рўйхатига киритилган. Улар орасида «Тоҳир ва Зухра», «Алишер Навоий» каби машҳур тасмалар мавжуд. Ўзбекистон кино санъати музейининг ташкил этилиши халқимиз маданий тараққиёти йўлида қилинган муҳим ишлардан бири бўлиб қолади.

Мустақиллик йилларида Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизга, Фарғона ва Кувада ал-Фарғоний, Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хоразмда Жалолiddин Мангуберди, Самарқанд ҳамда Нукусда Мирзо Улуғбек, Термизда Алпомиш, Навоий шаҳрида ҳазрат Алишер Навоий каби буюк аждодларимизга бағишлаб ёдгорлик ва мажмуалар барпо этилди. Улуғ алломаларимиз яшаб ўтган жойларнинг ҳаммаси муқаддас қадамжоларга айлантирилмоқда. 2006 йили Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Хоразм Маъмун академияси ташкил этилганлигининг 1000 йиллиги тантаналари бўлиб ўтди. 2007 йилда эса, қадим Самарқанднинг 2750 йиллиги ҳамда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги ЮНЕСКО билан ҳамкорликда кенг нишонланади.

Халқимизнинг бой тарихи, маданий мероси ва юксак қадриятларини мустақил Ўзбекистоннинг маданий қиёфасини кўрсатувчи омил даражасига кўтариш ва бу билан халқимизни, аждодларимиз мероси ва уларнинг мислсиз бунёдкорлик хизматларини музей воситалари билан намойиш этиш орқали фуқароларимизда истисқолимизнинг қадрини янада чуқур англаш туйғуларини шакллантириш музейлар фаолиятининг бугунги кундаги асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақиллиқни қўлга киритгандан сўнг **хунармандчилик** ривожига янги давр бошланди, халқ хунармандчилиги бозор қоидаларида қайтадан тикланди. Ўзбекистонда маҳаллий саноат қорхоналарининг биринчилар қатори хусусийлаштирилиши натижасида улар майда давлат қорхоналарига айлантирилди, янги хунармандчилик қорхоналари очилди. Хунармандчилик нафақат ички бозорга балки экспортга ҳам ишлай бошлади. Хунармандчиликнинг ташкилий шакли ҳам ўзгарди: кичик оилавий қорхона, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти шаклида ривожлана борди. 1995 йил 24-25 октябрда Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан амалий ҳамкорликда халқ усталари ва хунармандлари 1- Республика ярмаркаси ўтказилди. 1997 йилда Республика халқ амалий санъати ва хунармандлари усталарининг “Усто” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил топди. Республика Президентининг 1997 йил 31 мартдаги “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва бошқа тадбирлар Ўзбекистонда хунармандчиликнинг тикланиши ва янада ривожланишида, унинг унутилган баъзи турларини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хунармандлар махсус ташкилот – “Хунарманд” Республика уюшмасига бирлаштирилди; хунармандчилик субъектлари Ўзбекистонда тадбиркорлар ва фермер хўжалиқларининг ҳар йили

ўтказиладиган “Ташаббус” республика кўрик-танловида иштирок эта бошладилар. 1996-2005 йиллар мобайнида 10 нафар хунарманд халқ хунармандчилигида эришган ютуқлари учун “Ташаббус” танловининг голиби деб топилди.

Мустақиллик йилларида тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш ишларига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Бухородаги тарихий обидаларда тикланиш ишлари амалга оширилди (Токи Заргарон, Токи Телпакфурушон, Токи Саррофон савдо расталари, Саррофон ҳаммоми, Бозори Корд ва бошқалар). Бундан ташқари, Сомонийлар макбараси, Абдуллахон, Нодир Девонбеги мадрасалари, Арк мажмуаси Ўзбекистон усталари, тажрибали мутахассислар меъморлар, пардоз усталари жалб этилган ҳолда тикланди.

Хиванинг 2500 йиллигига бағишлаб шаҳардаги бир қатор мажмуаларнинг тўлиқ ёки қисман қайта тикланиши амалга оширилди (Муҳаммад Аминхон, Матниёз Девонбеги мадрасалари, Қалта Минор минораси, Тошховли саройи, Паҳлавон Маҳмуд мемориал мажмуаси, Муса тўра мадрасаси, Нуруллабой саройи, Жума масжид, Исломхўжа минораси, Арк масжиди, Оллоқулихон савдо растаси ва бошқалар). Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишлаб Фарғона ва Қува шаҳарларида ёдгорликлар ўрнатилди.

Барча собиқ шўро республикаларида 1990 йилгача РСФСР ҳукуматининг 1929 йил қабул қилинган “Диний уюшмалар тўғрисида”ги қарори амада эди. Мустақиллик кўлга киритилгач, Ўзбекистонда объектив равишда диний омил кучайди.

Масжид ва мадрасалар, Макка ва Мадинага ҳаж ва умра қилувчилар, эркин тарқалаётган диний адабиётлар сони кескин ортди. 1991 йилда Ўзбекистон ҳуқуқий тажрибасида биринчи бор “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” қонун қабул қилинди. Қонунда диний ташкилотлар фаолиятининг янги шароитдаги ҳуқуқий асослари, давлат органлари билан ўзаро муносабатлари аниқ белгилаб берилган.

Ушбу қонун ҳар бир фуқарога мустақил, ихтиёрий равишда ўзининг динга муносабатини ифода этиш имконини беради. Давлат унинг органлари диний ташкилотлар ички фаолиятига аралашмайди, диний марбосимларни чеклаб қўймайди. Барча диний ташкилотлар ва тенг ҳуқуққа эгадирлар. Диний ташкилотлар, ўз навбатида, давлатнинг секуляр (дунёвий) характерини эътироф этади. Диний ташкилотлар давлат ва мактабдан ажратилган бўлса-да, жамиятдан, унинг ижтимоий-маданий ва бошқа соҳаларидан ажратилган эмас.

Мустақил Ўзбекистонда давлат органлари ва диний ташкилотлар раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва хайрихоҳлик муносабатлари қарор топди. 1992 йилдан Рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳо) байрамининг биринчи кунлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Ислом таълимоти ва фалсафасини кенг ўрганиш, ўзбек халқининг

диний, тарихий ва маданий меросини чуқур илмий тадқиқ этиш, юкори малакали диншунос, ҳуқуқшунос ва иқтисодчиларни тайёрлаш мақсадида Тошкент ислом университети очилди (1999). Университет ҳузуридаги гимназия, лицей, бакалаврият, магистратура, аспирантура босқичларида 1,5 мингга яқин ёшлар таҳсил олади (2005). Университет қошида тадқиқот маркази ташкил этилган. Марказ республикада ислом тарихи ва исломшунослик бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни мувофиқлаштиради ва зарур илмий услубий тавсиялар ишлаб чиқади.

2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада 2186 та диний ташкилот, жумладан, 1987 та масжид расмий рўйхатдан ўтган. Имомларнинг 484 нафари (24,4%) олий, 1194 нафари (60,1%) ўрта махсус диний маълумотга эга. Республикада Тошкент ислом институти (Ислом маъҳади), ўрта махсус ислом билим юртлари ҳамда православ ва протестант семинариялар мавжуд. Барча диндорлар Ўзбекистонда ва хорижда нашр қилинган диний адабиётлардан эркин фойдаланмоқдалар. Алоуддин Мансур томонидан Қуръоннинг ўзбек тилидаги дастлабки изохли таржимаси “Шарқ юлдузи” журналининг 1990-92 йилги сонларида эълон қилинди, сўнг “Чўлпон” нашриётида жамланиб китоб ҳолида нашр этилди. 2001 ва 2004 йилларда Тошкент ислом университети нашриёти Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони Карим маъноларининг таржимаси ва тафсири»ни чоп этди.

Тошкент – ислом маданияти пойтахти. Мамлакатимизда мустақиллик шароитида ислом динига берилаётган катта эътибор, хусусан машҳур дин арбоблари Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулҳолик Гиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Ахрор ва бошқаларнинг хотираларини нишонланиши, уларга атаб меъморий мажмуалар бунёд этилиши жаҳондаги ислом мамлакатлари назаридан четда қолмади. Айниқса, пойтахтимиз Тошкентда кўплаб масжидлар қурилиши, ўқув юртлари ташкил этилиши, ислом меъморий обидаларини таъмирлашга бўлган ҳукуматимизнинг саяё-ҳаракатлари халқаро ислом ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

2007 йил январда Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) таркибидаги муассасалардан бири-Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (АЙСЕКО) томонидан Тошкент шаҳрига “Ислом маданияти пойтахти”, деган ном берилди. Тошкент билан бир қаторда Фес (Марокаш), Триполи (Ливия), Дакар (Сенегал) шаҳарлари ҳам Ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилинди.

Тошкент шаҳри “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши юртимиз маънавий-маданий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Қолаверса, бу ўзбек халқининг ислом маданий тараққиётига кўшган бекиёс ҳиссасининг беназир эътирофи бўлди. Тошкентда бунга жавобан улкан Ҳазрати Имом мажмуаси бунёд этилди.

Миллий маданий марказлар Ўзбекистонда яшовчи муайян бир

миллат вакилларининг миллий маданий эҳтиёжларини кондиршига хизмат қилувчи жамият ташкилотлари бўлиб, дастлаб 1989 йилда корейслар, қозоқлар, яҳудийлар, арманлар томонидан Республика вилоятларида тузилган. Ҳозирда уларнинг сони 140 дан ошади.

Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакилларини Республика ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш миллий-маданий марказлар фаолиятини муҳим йўналишларидан биридир. Жумладан, хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилотлар ҳамда тарихий ватанлари билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий - маърифий алоқалар ўрнатиш ва ҳамдўстлик алоқаларини ривожлантириш ва Республика байналмилал маданият маркази, манфаатдор вазирликлар, идоралар, давлат ва жамoa ташкилотлари ҳамда ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда мамлакатимизда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва миллатларaro тотувликни мустаҳкамлашга қўмаклашиш марказнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади. Миллий-маданий марказлар фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарори билан ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази мувофиқлаштиради.

Мустақилликка эришилгач, **ўзбек адабиёти** тарихининг янги даври бошланди. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири аввало социалистик реализм методи ўз кучини йўқотганлигида бўлди. Иккинчидан, ўзбек тилининг софлиги ва адабий тил сифатидаги мавқеини тиклаш учун ҳаракат бошланди. Учинчидан, совет даврида қораланиб келинган тарихий сиймолар (Амир Темуру ва б.) ҳақида тарихий мавзуда асар ёзиш имконияти яратилди. Тўртинчидан, ислом дини ғоялари ва арбобларининг образлари бадий ижодда ўз ифодасини топа бошлади. Бешинчидан, ёзувчилар умуман эркин ижод этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Олтинчидан, бадий ижод бирор ижтимоий гуруҳ, партия ёки давлатнинг мафкуравий қуроли эмас, балки халқнинг адабиёти, шу халқ ҳаёти, орзу ва умидларининг ифодачиси сифатида майдонга чикди. Еттинчидан, ўзбек адабиёти миллий адабиёт сифатида камол топа бошлади. Бу давр шеъриятида шеърлар секин-аста янги воқеликни юзаки тасвирлашдан унинг ички моҳиятини очишга, янги тарихий - ижтимоий даврнинг маънавий масалаларини ёритишга ўта бошладилар (Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Ҳалима Худойбердиева, М.Юсуф ва б.).

Адабиёт ва санъат асарлари мустақил Республикамиз фуқаролари маънавий дунёсини бойитиш, уларни гўзал нарсаларнинг ҳаммасидан баҳраманд қилиш каби ажойиб хусусиятларга эга. Маънавий ғояси юксак, бадий, жозибали адабиёт ва санъат асарлари кишилар қалбига тезроқ йўл топиш, эстетик ҳиссиётига кучли таъсир қилиш, ҳаётини воқеа-ҳодисаларни чуқур мушоҳада этишга даъват этиш каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун адабиёт ва санъат асарлари кишиларни юксак

маънавий-ахлокий руҳда тарбиялашдаги бадий таъсир этишдек воситалик хусусиятидан имкони борича кенгрок фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, „Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадий адабиётдир“.⁵

Адабиёт ва санъат асарларининг кучи унинг халқчил ва тушунарлилигида, кишилар ички рухий дунёсига эмоционал таъсир кўрсата олишидадир. Маънавий баркамол авлодни тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиш муҳимдир.

Маънавий тарбияда ўзбек халқининг бой маънавий меросидан кенг фойдаланиш унинг таъсирчанлиги, самарадорлигини оширишда муҳим омил бўла олади. Ёшларимиз маънавий тарбиясида Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Машраб, Муқимий, Фуркат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби классик шоир ва ёзувчиларимиз асарларидан фойдаланишимиз улар қалбини, рухий дунёсини маънавий бойитишда катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг бизга қолдирган бой бадий-маънавий мероси ўзининг чуқур фалсафий мазмуни, ахлокий йўналиши билан ажралиб туради.

Классик санъаткорларимиз асарларида ҳалоллик ва поклик, тўғрилиқ, бировнинг ҳақиқа қўз *олайтирмаслик*, *хиёнат қилмаслик*, *инсонпарварлик*, *ватанпарварлик*, *меҳнатсеварлик*, *диёнатлилик*, *иймонлилик*, ҳалол луқма билан кун кўриш, ота-онани ҳурмат қилиш каби инсон учун зарур маънавий хислатлар юқори бадий савияда баён этилган.

Маънавий тарбияда Пиримқул Қодиоров, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Тохир Малик каби ёзувчиларимиз; Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиева, Омон Матжон, Рауф Парфи, Абдулла Орипов каби шоирларимизнинг асар ва шеърларидан ҳам кенг фойдаланиш, бадий асарлар, улардаги қаҳрамонларнинг феъл-атвори, ахлоқи, маънавий дунёси тўғрисида суҳбат, мунозара ўтказиш катта самара беради.

Маънавий тарбияда кишилар онги, руҳиятига таъсир этиш театр санъатининг ҳам роли, ўрни ва аҳамияти, таъсир этиш доираси имкониятлари чексиздир. Биз театр санъатини икки томони чархланган шамширга ўхшатишимиз мумкин. У бир томони билан кишилар қалбига ёруғлик олиб кирса, уни юксак маънавийлик томон йўлласса, иккинчи томони билан эса, инсон қалбидagi нодонлик, жаҳолат яъни маънавийсизликка ва жаҳолатга қарши курашади.

Халқ ҳаёти ва тарихий ўтмишида рўй берган воқеа-ҳодисаларни гарчанд ҳикоя ва очерк жанрларида тасвирлаш осон ва қулай бўлишига

⁵ Ислоҳ Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 136-бет.

карамай, шу даврда йирик насрий асарлар яратилди. Бу жанрларда О.Ёкубов ва П.Қодиров каби тажрибали романнавислар каторида Х.Шайхов, Муҳаммад Али, Ш.Бўтаев, Х.Давронлар ҳам ижод қилдилар.

Мустақиллик даври **драматургия**сида Амир Темур, Бобур, Улуғбек ва Жалолиддин Мангуберди сингари давлат арбоблари образини яратишга алоҳида эътибор берилди. А.Ориповнинг «Сохибқирон» драмасининг яратилиши адабий ҳаётда воқеа бўлди ва бу асар кўшни мамлакатлар театрларида ҳам сахналаштирилди. Драматург И.Султон 90 - йиллар бошларида «Қакнус», «Ойдин кеча асирлигида» ва «Янги одамлар» каби пьесаларини ёзиб, уларда янги давр қаҳрамони ва шу даврнинг ижтимоий-маънавий муаммоларини сахнага олиб чиқишга уринди.

Ўзбек халқига хос ҳазил мутойиба ва кулгига бўлган майл кўплаб **комедия**ларни пайдо бўлишига асос бўлди. Х.Муҳаммаднинг «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома» комедияси билан бошланган ижодий жараён Э.Хушвақтовнинг «Чимилдиқ», «Қаллиқ ўйин», «Андишали келин» сингари ўнлаб комедиялари билан давом эттирилди.

Меъморлик. Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан меъморлик илгариги чекловлар исканжасидан қутилди. Меъморлик устидан ўрнатилган давлат монополияси ўз кучини қисман йўқотди, хусусий уй-жой қурилишида янги сифат ва суръат даражаси тез кўтарилди. Ўзбекистон шаҳарлари, айниқса Тошкент қисқа муддат ичида меъморий жиҳатдан жуда ўзгариб кетди (Олий Мажлис, Оксарой қароргоҳи, Тошкент ҳокимияти, Туркистон саройи, Миллий банк, Интерконтиненталь, Марказий меҳмонхона, Аквапарк ва б.). Касб-хунар коллежлари бинолари, сарой иншоотлари қурилишига катта эътибор қаратилди (Тошкентдаги Юнусобод теннис корти, «Жар» спорт мажмуаси ва б.).

Ўзбек халқи тарихий хотирасини тиклаш йўлида муҳим меъморий тadbирлар амалга оширилди (Имом Бухорий мажмуаси, Аҳмад ал-Фарғонийга атаб Кува ва Фарғонада хайкал ва сайилгоҳ боғлар барпо этилди, Самарқандда Имом Мотуридий меъморий ёдгорлиги қишлоқлари, Марғилонда Бурхониддин Марғиноний мажмуаси, Тошкентда Қафқол Шоший номи билан боғлиқ Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси ва б.).

Қадимги ёдгорликларни таъмирлашга халқ усталари жалб этилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива каби ёдгорликларга бой шаҳарларимиз меъморий кўрик тарзида ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани соҳа мутахассислари олдида ниҳоятда маъсулиятли вазифаларни қўндаланг қўйган.

Мустақиллик йилларида анъанавий маданиятга эътибор кучайди. 1997 йил «Халқ бадийи хунармандчиликларини ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб - қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори миллий маданиятни ривожлантиришда **амалий безак санъатининг** аҳамиятини

ошириш, қўлда ишланадиган бадий буюмларни тайёрлаш, асрий анъаналарини ва ўзига хос турларини қайта тиклаш, шунингдек, халқ хунарамандларига давлат томонидан мадад кўрсатишда муҳим аҳамият касб этди. Анъанавий амалий безак санъати мустақиллик даврида тикланиши ва ривожланиши ҳар йили Наврўзда ўтказиладиган Амалий безак санъати асарлари кўргазмасида намоён бўлмоқда. 1997 йил «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази қошида «Хунараманд» ассоциацияси ташкил қилиниб, республикада ижод қилиб келаётган усталар бирлаштирилди. Бугунги кунда анъанавий хунарамандчиликни йўқ бўлиб кетган турларини, маҳаллий марказларини тиклаш жараёни кетаяпти.

Тасвирий санъатнинг турли соҳаларини ривожланишида 1997 йилда Ўзбекистон Бадий Академияси (БА)нинг ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий Рассомлик ва дизайн институти, Республика бадий коллежи ва лицей-интернати, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистонда тасвирий ва амалий санъат ўқув юртларидан иборат тармок кужудга келди. БА ташкил бўлгандан сўнг кўргазмалар фаолияти жадаллашди, ўзбек рассомлари турли республика ва халқаро кўргазма, танлов, фестивалларда иштирок этишди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги натижасида бадий ижод, тасвирий санъатга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шаркнинг буюк мусаввири Камолиддин Бехзод таваллудининг 540 ва 550 йиллиги кенг нишонланди. Бехзод номидаги музейга асос солинди Юбилейлари халқаро миқёсда нишонланган Алпомиш, Аҳмад ал-Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобурларга ҳайкаллар ўрнатилди, уларга бағишланган расмлар ижод қилинди. Ушбу даврнинг маҳобатли рангтасвир соҳасида Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Алиқулов ва бошқа рассомлар ёрқин асарлар яратишди. Ҳайкалтарошлик соҳасида И.Жабборов, Р.Миртожиев, А.Раҳматуллаев ва бошқалар улуғ аждодларимиз қиёфаларини акс эттирдилар. Манзара жанрида Р.Аҳмедов, Н.Қўзибоев, Р.Чориев, М.Саидов ва бошқалар ижод қилдилар. Графика соҳасида М.Кагаров, В.Апухтин, П.Анненков, Ғ.Бойматов, А.Мамажонов ва бошқаларнинг ижодий изланишлари аҳамиятга сазовор бўлди.

Сўнгги йилларда қурилган бинолар – Ўзбекистон консерваторияси, Сенат, Ўзбек кийимлари музейини безашда рассомлар фаол иштирок этишди. Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси (2004), Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг замонавий янги биноси қуриб битказилиши (2002), Самарқанддаги Регистон мажмуасида «Чорсу» картиналар галереясининг ташкил этилиши санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этди, ижодий изланишлар доирасининг кенгайишига туртки бўлди.

Мустақиллик йилларида ўзбек **анъанавий мусиқа** санъати ривожига эътибор янада кучайди. Хусусан, шу даврда оилавий ансамбллар,

фольклор-этнографик ансамбллар, тўй маросим қўшиқлари, катта ашула, бахши-шоирлар, маком ижрочилиги бўйича кўрик-танловлар билан бирга «Алла» (1991 йилдан), «Шарқ тароналари» (1997 й. Самарқанд) Маъмуржон Узоков ва Жўраҳон Султонов номидаги (1997 йилдан, Марғилон), Хожиабдулазиз Абдурасулов номидаги (1997 йилдан, Самарқанд), Комилжон Отаниёзов номидаги (2001 йилдан, Урганч), «Бойсун баҳори» (2003 йилдан, Бойсун) ва бошқа янги ташкил этилган республика ва халқаро мусиқа фестивалъ ва танловлари ўтказилди. Айни пайтда анъанавий мусиқа ижрочилигини ўрганиш барча мусиқа коллежлари ҳамда кўпгина болалар мусиқа мактабларида жорий этилди.

Ўзбек мумтоз мусиқа ижодиёти ва ижрочилиги соҳасида кекса, етуқ ҳамда ёш авлодга мансуб ўнлаб санъаткорлар-хофиз, созанда ва бастакорлар (Т.Алиматов, Ғ.Ҳожикулов, Қ.Искандаров, Х.Ражабий, О.Худойшукуров, А.Исмоилов, Ф.Умаров, Ў.Расулов, Қ.Раҳимов, Ш.Жўраев, О.Хотамов, Ф.Мамадалиев) сермахсул ижод қилишди.

Махсус мусиқа таълими тизими ЎЗР Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида бўлиб, 300 дан зиёд 7 йиллик болалар мусиқа мактаблари, 5 ўрта махсус мусиқа мактаб (интернат) ва лицейлари, 14 мусиқа (санъат) коллежлари ва Ўзбекистон давлат консерваториясида амалга оширилади.

Ўзбекистон мустақиллиги даврида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, **театр** соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Театр санъатининг аҳамияти ошди: у энди мустақиллик ғоясига хизмат қилиши, буюк аждодларимиз меросининг, неча минг йиллик ўзига хос ноёб маданиятининг вориси эканлигини англашга ёрдам бериши, ушбу бойликни асраш ва умуминсоний кадриятлар, жаҳон тараққиёти ютуқлари асосида кўпайтиришга кўмаклашиши, ўсиб келаётган ёш авлодни ундан бахраманд қилиб, ҳар томонлама камол топган, қатъий ирода ва эътиқодга эга кишилар қилиб тарбиялаши лозим эди.

Театрлар нафақат ижодий, балки ташкилий ва иктисодий ишларни ҳам мустақил ҳал қила бошладилар.

Театрлар репертуарида барча мавзу йўналишларини, ижодда шу кунда мавжуд бўлган барча услуб ва воситаларни кузатиш мумкин. Тарихий мавзуларни ижодий ўзлаштиришда мамлакат театрлари катта ютуқларни қўлга киритди.

Ўзбек театрлари ва санъаткорларининг дунё сахнасига чиқиши учун кенг йўл очилди. Миллий театримиз 1997 йил илк маротаба Қоҳира шаҳрида ўтадиган халқаро фестивалда ўзининг «Чимилдик» спектакли билан катнашди.

Давлат театрлари асосан Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан бошқарилади. Театрлар учун мутахассис кадрлар М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти, маданият ва санъат

коллежларида тайёрланади. «Театр» журнали таъсис этилган (1998).

Мустақиллик йилларида **кино ва телевидение** соҳада ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Кино санъатида бадиий фильмлар мавзулар ва қаҳрамонлар билан бойиди, кинода маъмурий ташкилий ишлар қайта ташкил этилиши содир бўлди. 90-йиллар охири - XXI аср бошлари фильмларида кинонинг адабиёт, театр билан ҳамкорлигининг кучайиши, ҳақиқий ҳаёт борлигича тасвирланиши, мавзу, жанрлар хилма-хиллиги, ўзига хос ижод, юқорий тасвирий маданият, муаллифлик фильмларининг пайдо бўлиши кўзга ташланади. («Отамдан қолган далалар», реж.Ш.Аббосов, «Воиз», «Ўртоқ Бойкенжаев», реж. Ю.Розиқов, «Буюк Амир Темур», И.Эргашев, «Алпомиш», Х. Файзиев ва б.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 й. 16 мартдаги фармонида кўра «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси «Ўзбекино» Миллий агнетлигига айлантирилди. Телевидениеда кўрсатувларнинг асосий қисми шўролар даврида Марказ теледастурларидан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри эфирга узатиладди. Истиқлол даврида маҳаллий кўрсатувлар ҳажми ошди, ўзбек тилидаги кўрсатувлар кўпайтирилди.

1992 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантирилиши муносабати билан 4 та телеканал ташкил этилди. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йили 4 ноябрдаги «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Спорт» телеканали ташкил этилди.

Телевидение қошида «Ўзбектелефильм» 2005 йилдан телерадиокомпания таркибида бадиий, мусикий ва ҳужжатли фильмлар яратувчи давлат корхонасига айлантирилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миллий телекомпаниясининг халқаро алоқалари мустаҳкамланиб, бошқа мамлакатлар билан ўзаро теледастур ва видеофильмлар айрибошлаш соҳасига ҳамкорликка кенг йўл очилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатда **жисмоний тарбия ва спорт**ни ривожлантириш давлат аҳамиятига молик вазифа этиб белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг спортнинг алоҳида турлари (футбол, теннис, кураш)ни ривожлантиришга оид қарорлари бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (2006 й. 1 май) мамлакатда профессионал футбол клублари ташкил этишга йўл очди.

Истиқлол даврида Ўзбекистон спортчиларининг Халқаро мусобақаларда мунтазам иштирок этиши таъминланди. 1996 йил 6 февралда соғлом авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни

оммалаштириш, олимпия гоёларини ривожлантиришдаги бекиёс хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Лозанна (Швейцария)да Халқаро Олимпиада қўмитасининг олтин ордени топирилди. Бу орден намунаси 1996 йилда Тошкентда очилган Олимпия шон-шухрати музейидан жой олди.

1996 йилдан Ўзбекистонда профессионал спорт ҳам расм бўла бошлади. Айниқса, боксчилар ютуғи халқимизни хурсанд этиб келмоқда. Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев ва бошқалар бу соҳада улкан ютуқларни қўлга киритди. Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди (2004)

1998 йил 6 сентябрда Тошкентда 28 давлат вакиллари Кураш халқаро ассоциация (КХА)га асос солишди. 2005 йил унга 88 та мамлакат аъзо бўлган.

Ўзбекистонда ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида 3 бўғинли оммавий спорт мусобақалари ўтказилади. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари», академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод» ҳамда Олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада» спорт мусобақаларини ўтказиш таълим-тарбия тизимига киритилган.

Хуллас, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маданий ҳаёт улкан суръатлар билан ривожланишда давом этмоқда. Мамлакатимизда буюк бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

МУҚАДДИМА

I БОБ. МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ

1 – мавзу. Маданиятшунослик фанининг мақсади ва вазифалари	7
2 – мавзу. Маданий тараққиётнинг асосий қонуниятлари	32
3 – мавзу. Маданий тараққиёт ва маънавий мерос	40
4 – мавзу. Миллий маданиятлар ривожланишининг назарий масалалари	46

II БОБ. ЖАҲОН МАДАНИЯТИ

5 – мавзу. Жаҳон маданияти босқичлари	59
6 – мавзу. Ибтидоий давр маданияти	70
7 – мавзу. Қадимги давр маданияти. Миср маданияти	86
8 – мавзу. Дунёвий ва диний маданият	108
9 – мавзу. Модернизм ва постмодернизм маданияти (XVI – XXI асрлар)	120

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ

10 – мавзу. Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти	133
11 – мавзу. Марказий Осиё халқларининг V – VIII асрлардаги ижтимоий, маданий ҳаёти.	142
12 – мавзу. Амир Темур ва темурийлар даври маданияти	153
13 – Мавзу. XVI-XIX аср биринчи ярмида ўзбек маданиятининг ҳолати	167
14 – мавзу. Мустахлак ва мустабид тузум шароитида маданият	179
15 – мавзу. Мустақиллик ва маданий тараққиёт	199